

Асқад Мухтор

# ИЛДИЗЛАР

(қиссалар ва ҳикоялар)



## Қ И С С А Л А Р

# ЖАР ЁҚАСИДА ЧАҚМОҚ

## К И Р И Ш

Йиллар ўтиб, ёш улғайган сари ҳаётда, айниқса болалигингда эшитган-кўрган воқеаларнинг, таниган-билган одамларнинг хотирада тобора сараланиб, нечукдир йириклашиб, моҳияти юзага қалқа борар эканки, куч-қуввату фурсат етса, уларнинг ҳар бири ҳақида китоб ёзиш мумкин бўларди.

Мен Фарғонадаги биринчи сон болалар уйида катта бўлганман. Тенгдошларимнинг ҳар биттаси — замонага ярашиқ фаройиб бир тақдир, биз кечирган йиллар ибратли воқеаларга бой эди. Маълумки, бодалик хотиралари бир умрга татийди, етимликда бошингни силаган одам қиёфаси эса дилга муҳрланиб қоларкан.

Мен шундай кишилардан бирини, унинг бизга гапириб берган саргузаштларини тез-тез эслайман. Бу гал уларни сизга ҳам ҳикоя қилиб бермоқчи бўлдим.

У унча ёш эмас, эллик олтиларда эди, чамаси. Соч-соқолини тоза қирдириб, белига энлик камар боғлаб юрганиданми, бизга ёш кўринар, биз уни негадир «Аҳмедов ака» деб ўрганган эдик. Қаншари паст, қулоғининг гўштор солинчоқлари осилган, нимдош дўппи устидан қийини салла қилиб, ёқаси пилтали эски гимнастёрка кийиб юрадиган хунуккина одам эди. Аммо, қизиқки, бир умр эшик санаб санғиган етим-есир, назаримда, фақат шу кишининг меҳрига сиғиниб, фақат шу одам туфайли очликка ҳам, юпунликка ҳам кўниб, етимхонада муқим қолиб кетар эди. Чунки бола деса жонини берадиган одам эди у.

Ширин овқат есак, оғиз чапиллатишимиздан завқланиб қараб турар, чеҳрамизда кулги кўрса, юз-кўзи чарақлаб кетар, кийимдан ҳам, ўйиндан ҳам, меҳнатдан ҳам фақат қувонғишимизни истар эдик.

Аҳмедов ака тарбиячи эмас: тарбиячи бўлганда, унинг болага меҳри ҳақида таъкидлаб гапиришим балки унча жонга ҳам бўлмас эди. Гап шундаки, у болалар уйида оддий хўжалик мудирини бўлиб ишларди, биз эса мураббий.

ларимиздан ҳам кўра кўпроқ шу киши атрофида парвона эдик. Шу ваздан баъзи тарбиячиларимиз болажон Аҳмедов акага ғайирлик ҳам қилишар эди.

Лекин биз барибир шу хунук одамнинг соясига биқиниб, оғзига тикилганимиз тикилган.

— Болаларда гап кўп,— дер эди Аҳмедов ака қандайдир ўксик оҳангда,— биз катталар энди улардай софдил, улардай кучли бўлолмаймиз. Қолган кунларимизни шуларга бағишлай билсак, бас, Хусусан менинг ўзга ниятим йўқ, қолган умрим — шулар туфайли, ҳаётим ҳам — шулар, давлатим ҳам...

## 1. НҲҒАЙ МУАЛЛИМ

Ҳали сумбула кирмаган, лекин эрталабки офтобнинг тафти одамга ёқадиган бўлиб қолган эди. Бомдод маҳали, жимжит, катта ҳовли ҳувиллаб ётибди, сомонхонада кеча қулунлаган байталнинг қурт-қурт беда чайнагани эшитилади, холос.

Тоғдаги чўпон-чўлиққа чакмон-чорир олгани келган Мамат тандир ёнида қора қурум деволга суянганича офтобрўяда чўнқайиб узоқ ўтирди. Рўпарасидаги тезак-таппи устида уймалашган ялқов пашшаларга, юмалаб ётган чўян офтобага, нарироқдаги ҳовуз бўйида чувалиб ўсган пўпанак ўтларга, қари кундак толга тикилиб хаёл сурар, ичкарида жойнамозга чўккан хўжайиннинг «бораҳматулло»сини кутар эди.

Шу маҳал кўча эшик ғийқиллаб, нўғай муаллим кириб келди. Мамат уни кўкламда ҳам бир кўрган эди: ўша-ўша қилтириқ, юпун, тиззаси, йиртиқ, елкасида нон-дон тўла қопу хуржун, бир қўлида икки кажава, бир қўлида тугун, белбоғида сўйилган жўжа бўйнидан осирлиқ, оёғида қатқат ямоқ тушган тоштовон, соқоли ўсган, кўзлари ғайноликдек...

Дарвозахонага кириши билан қайси бир халтасининг ипи қочиб, гарданидаги юкларни энлолмай қийналиб қолди: бирини қўлтирига қисса, бири тушиб кетади, унисини боғласа, буниси узилади.

— Ҳой, сўпоқ, қарашворсанг-чи! — деди у Маматни кўриб.

Мамат халта қўйлак этагидан тиззаларини зўрға чиқариб ўрнидан турди-да, пойма-пой чоририни қийшиқ босиб, у томон юрди. Нўғай муаллим қаердадир етимхона очган. Очгану, қаҳатчилик бўлиб, болаларни ҳукумат ҳам боқолмай қолган; энди тарбиячилар қишлоқма-қишлоқ юриб, ўзига тўқроқ одамлардан бақадар имкон у-бу тилаб,

етимларнинг насибасини териб юришибди. Буни нўғай муаллим ўтган сафар ўзи гапириб берган эди.

Мамат унинг елкасидан сирғалиб тушган хуржунни кўтаришиб, тўрт бурчидан танғилган оғир қопнинг канопини ҳам кифтидан ўтказиб қўйди. Инқиллаб ҳансираётган муаллимнинг жиккак гавдасидан тер, қайиш, сузма, пўпанак ва қоқнон ҳиди бурқсар эди. Кекиртаги туртиб чиққан ингичка бўйинини буриб: «Боракалло», деб қўйди.

Мамат яна офтобрўя пешайвоннинг даханасига бориб оёқларини осилтириб ўтирди.

Бу пайт, унниқиб қолган мовут чакмонини елкасига ташлаб, меҳмонхонадан бой ота ҳам чиқиб келди. Бегим-бегим деб турадиган қичик хотини тўлғоғида ўлиб, бой ота бир оз одамови бўлиб қолган эди. Ичкарида катта хотини кўпдан буён рамақтажон, кўзи ожиз, бир чўриси билан ёлғиз ўтирар эди. Бой ҳам у шўринг қурғур пушти совуққа қатнамай қўйган. Неча йилдан бери ичкари-ташқарининг рафти-омадини олган Мамат бу гапларнинг баридан хабардор. «Тўрасийлов»га улуш қўшмагани учун бўлиснинг пешволари бой отани яккалаб қўйишганини ҳам билади. Бой отаси ҳозир хилватнишин, уйқуси йўқ, сўфи табиат бўлиб қолган. Фикри-зикри икки бебош ўғлида: у бетайинларнинг бири қизиллар билан кетган, бири оқлар билан. Эшик тиқ этса, чакмонини ёпиниб чиқади, ўша бебошлардан бирон хабар келмадими экан деб.

— Келинг, домла,— деди у нўғай муаллимни кўриб,— етимларнинг ризқини довлаб, савоб халтангизни елкалаб юрибсизми?

— Э-э, юртда қуту барака йўқ, бойларда диёнат қолмади, тақсир...— муаллим қопу хуржунларини ерга қўяркан, сурп кўйлагининг йиртиқ жойларидан елкалари қипқизил бўлиб шилиниб кетгани кўринди.

— Нечта ўзи болалардан?

— Ҳозир уч юзу тўққизта бўлди, тақсир.

— Эвоҳ, бу қопчиқларингиз уларга урвоқ бўлмайди-ку?

— Ҳай, бир тўйиб есалар ҳам...— муаллимнинг ўзи кўпдан бери тўйиб овқат емагани кўриниб турарди.

— Бари мусулмонми?

— Ўзбак, қирғиз...

— ...Ўзингизни қийнаб қўйибсиз,— деди бой юкдан бўшаган муаллимнинг тиззалари қалтираганини кўриб.— Мунча тўпламасангиз бу ошхўру жомадарронни?!

— Э, сиз уларни бир кўрсангиз эди, бой ота! Анов йили қора ўлат юртни чирқиратиб кетди, биласиз, кўча-кўйни етим-есир босиб... ноилож эдик... Энди мана...

Ҳа, ўша мусибатли кунлар Маматнинг ҳам ёдида. Рў-

за айни заратонга тўғри келиб, аввал қариялар тутдай тўкилди. Кун ловуллаб ёнар, шўрлик деҳқон далада ютоқиб ўлдими, вабоданми — билиб бўлмасди. Қишлоқни дуднола, ваҳима тутди. Соғу дардчил — ҳаммага тенг эди бу бало-қазо. Бўлмаса, Маматнинг дадаси ўладиган одаммиди! Қулочкаш полвон дер эдилар отини, елкасида етти қадоклик кетмон, мардикорлик қиларди, қишда эса ғишт-хумдонда туякаш...

Ҳа, ҳаммаси эсида Маматнинг. Мунглиқ онаси ҳам ўлик тепасида бир кечаю кундуз фарёд чекиб, шу ўтирган жойининг ўзида жон таслим этди. Иккаласини, шариятга хилоф бўлса ҳам, бир қабрга қўйдилар. Нима қилсин, гўрковларнинг ҳам бири ўлиб, бири қочган пайтлар бўлса, Қишлоқ бир ой деганда хувиллаб қолган эди. Ким етаклаб олиб чиқиб кетди қишлоқдан — фақат мана шуни эслолмайди Мамат.

Ушандан бери мана шу бой отани билади. Қўрасида кунда ковлаётган мардикорлар билан бир коса гўжа ичдию, нон-насиба экан, шу ерда қолиб кетди. Бой отаси унга маъқул эди. Ўзи бўзу алак киймаган кўҳнабисот бойлардан бўлса ҳам, Маматқулга сарқитини ичирмади «сағирга жавр қилганнинг косаси оқармайди», дея бошини силади. Олти ёшидан мол кетида юриб катта бўлган Мамат ҳам ёлчитиб ишлар эди-да.

Ҳозир у йиғидан кўзлари шишиб шу ҳовлида пайдо бўлган кунларини эслади. Эсладию, чуваккина гавдаси титраб-қақшаб турган анов тиланчи муаллимга жуда раҳми келиб кетди. Қопчиғига бир жомашов тариқ тўккач, унинг ориқ қўлларининг қалтирашига қараб туриб, бой ота ҳам сўради:

— Қаерда ўзи етимхонангиз?

— Симда, тақсир, Симнинг ўзида.

Шундан кейин бой ота «узоқ йўл экан» деб, Маматга имо қилди. Мамат югуриб кириб, патнисда кулча нон билан чой олиб чиқди. Нўғай муаллим супага омонат ўтириб, чойни ичдию, нонни ушатишга кўзи қиймади чоғи, уёқ-буёғини айлантириб, суқ билан бир ютингач, хуржундаги бошқа нонлар ёнига солиб қўйди.

Сўнгра Мамат унинг тугуну қопчиқларини елкалатиб, тер ҳиди анқиб турган қайишларини қўлтиғидан ўтказишиб қўйди. Одамнинг кифтини шилиб тушадиган бундай халта-хуржунлар Маматга яхши таниш, эл тўплаган қоқнону, ҳалим оши солинган хумчаю халталар чўлиқларнинг гарданидан гоҳо ҳафталаб тушмайди.

— Уларингиз... бари увоқми?— деб сўради Мамат.

— Бари сендек пучуқ,— деди юкдан букчайиб, ҳалит-

дан юзига реза тер қалққан муаллим, кўса юзида жилмайишга ўхшаш мулойимлик сезилди.

— Мен ҳам етимман...— деди Мамат «сиз хафа бўлманг» дегандай тасалли оҳангида. Муаллим унинг дилидаги меҳр-оқибат туйғусини ҳам, ёлғизлик, етимлик мунгини ҳам, ниманидир қўмсаш ва юрак талпинишини ҳам сизди.

— Бой отанг ҳамиятли киши, иссиқ жойингни совутма, молнинг ёнида ўлмайсан,— деди бўш қўли билан елкасига қоқиб. Шунда чўлиқ шошиб қўйнига қўл солди, анча урингандан кейин, чети ушатишган сафар зоғорасини чиқариб, муаллимга узатди. Нўғай муаллим аввал олсамми-олмасамми дегандай озгина иккиланиб турдию, кейин шартта олиб хуржунига соларкан, кўзидан ёши чиқиб кетганига ўзи ҳам изза бўлиб, аста жўнаб қолди.

Бой ота ҳовли тўрида, Мамат чўлиқ дарвозахонада унинг кетидан жимгина қараб қолдилар. Нўғай муаллим узоқда чўлоқ тўядай лўкиллаб кетиб борарди.

## 2. ОЛИМ БИЛАН ҲАЛИМ

Мамат хўжайиннинг аҳволига ачинар эди. Мана, нўғай муаллим кетди. Ҳадемай Мамат ҳам жўнайди. Хуржунга зоғора вон, туз-туршак, кўрпақовуқ нинаю яна алланималарни жойлаб, чориқ-чакмонларни ҳам жул арқон билан танғиб, тахлаб қўйибди. Тоғда чўпон-чўлиқ унинг йўлига кўз тикиб ўтиргандир. Бой эса яна отабезор ўғилларининг надомати билан юзма-юз, ёлғиз қолади. Яқиндагина атроф-теваракда жами катта-кичикни ўтқазиб-турғазиб юрган кимсан «Салим чорва»нинг эндиликда дардлашиб, кўнгил чигилини ёзадиган бағри гирён бир маҳрами бўлмаса-я, ё олло! Қари хотини ичкарида, кўзи кўр бўлса ҳам, яноғидаги пашахўрда доғига ўсма суриш билан андармон бенамоз.

— Баҳай, бой бува... энди хизмат?— деди Мамат кетишга ижозат сўраб.

Бой чорвадорларга хос қозоқи чакмонини елкасига ташлаб, куя тушган суртеллагини бошига қаққайтирганча сўрида хуфтондай бўлиб ўтирар эди.

— Менга қара, Маматқул, жума ўтиб борарсан яйловингга,— деди у,— ичкари-ташқарига сув пуркаб, супуриб қўй. Долонда йўллашша гужгон уриб турибди, биров келиб қолиши бор...

Чиқмаган жондан умид. Биров келиб қоларми, жувонмарглардан биров хабар етарми деб кўнгли халак. Аслида-ку у молу ҳолга ружу қўйган очофат бойлардан эмас, молу мардумхўр золим ҳам бўлмаган, отамерос мулкани

топган туёғини болаларимга деб асрайди. Ўшаларнинг ҳам, худойимнинг ҳам омонатини эсби-омон топширсам дейди, ўзга муддаоси йўқ.

Ҳай, яйлов яна қолди. Тоғдаги ялангоёқ шўрликлар дийдираб, етти пуштининг гўрига ғишт қалаб сўкишади энди Маматни.

Маматнинг болаликдан одати шунақа эдики, бир нафас бир жойда бекор тура олмайди, ҳаёллари ҳам қўл-оёғи ҳам ҳамиша ҳаракатда. Ичкари-ташқарини ёғ томса ялагудек қилиб супуриб-сидиргандан кейин, офилхона йўлидаги арқон калавотда мушак сабзини кирсиллатиб ёб, савағичдан саваг тўқиб ўтирди. Бу ҳунарни унга Ҳалим ўргатган. Ака-укаларнинг каттаси. Ун тўққизга кирганми-кирмаганми, ҳамма ишдан хабардор, айтганини икки қилдирмас, қаттиққўл эди. «Сенга ўхшаган бекорчи тавбалнинг касми бу! Ўрган!» дер эди Маматга. Арқоғидан жиндак адашса, сувдан савағич олиб, «чирс» этиб бармоғига туширар, кажава майишиброқ кўринса, пошналик сағри этиги билан телиб, эзғилаб ташларди.

От жинниси, улоқчи чавандоз эди Ҳалим бойвачча. Қўш-қўрғондаги сайсхонаю, йилқи бостирмалари ўшаники. Бичими йўғон, сағриси супадек тўдакаш қорабайирлари ўша ерда бегона кўздан яширин. Узоқ-ёвуқдан кўпкари овозаси эшитилса бас, Ҳалимни на отаси, на онаси қишлоқда ушлаб тура олади. «Хоназоти кўпкарида соврин олибди», деган шон-шавкатга ишқибоз эди. Отчопардаги чортахт устида ўтириб соврин улашадиган поча-пўстинли бойларга ҳавас қилар, улоқчи от боқадиган базасз бўламан, дер эди. Битта кийикдай енгил, сулув човкари бўларди. Қамчинни тишига тишлаб, ўша човкарни минганида ўзини ҳалиги бойлардай ҳис қилиб, узангига оёқ тираганча қишлоқма-қишлоқ от чоптириб кун ўтказарди.

Бир куни елкасида бешотар, белбег устидан ўқдон тақиб келиб, эгардан сакраб тушдию, кўлкариларни тилга олмай қўйди. Жуда ўзгариб қолди ўшандан бери, отхонадан чиқмайди, камгап, баъзан яхши кўрган човкарини якка миҳга боғлаб, бекордан бекорга савалайди. Отасига қўпол гапирди:

— Биласизми, бунинг бари омонат эканини?!

— Нима омонат, болам?

— Туриш-турмушимиз, орзу-ҳавасларимиз бу молдунё — бари омонат. Сиздек сасиб ётган бойларнинг молини тортиб олиб, ўзини сургун қилишяпти.

— Биладан, болам, хабарим бор, нима қилиш керак?

— Сўқимдай йиқилиб бериш керак! — деб бақирди Ҳалим бойвачча ва эртасига човкарни миндию, ғойиб



бўлди. Кўп ўтмай, босмачилар тўдасига қўшилибди экан, деган гап тарқалди.

Укаси Олим бундан беҳабар, ўқишга кираман деб кетганча Жалолободда юрибди. Қўшни қишлоққа қатнаб, бир кунжак муаллимникида халфа бўлиб юрган эди, ўша муаллим, энди шаҳарда ўқигин, деб йўлдан урибди, ўшандан бери шаҳардаги тоғаваччалариникидан дам «ўқишга кирдим» деб, дам «кирмоқчиман» деб хат келади, хуллас, гапининг тайини йўқ.

Олим ўзи мулла бўлса ҳам, муллаваччалардай нозик эмас, бўйга акасидан ҳам катта, ҳеч ким уни ўн саккизни энди қоралаб келаётган йигитча демайди. Шаҳарни, ҳар хил ўқишларни ҳавас қиларди. Замона қалқиб, Ҳалим бевош ҳам ғойиб бўлгандан кейин, бой бува Олимжонидан қаттиқ хавотир олиб қолди. Ўзи сустроқ-да бой бува, иккаласини ҳам мол-ҳоллик қилиб кишанлаб қўймайдими, рўзғор бўлса, ана, худога шукур.

Ахир Олимжондан тайинлироқ хат ҳам келди. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган гап: қизил гвардияга ёзилиб кетибди.

Ана энди ўзингиз ўйланг. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деб шуни айтадилар. Тақдирнинг мундоқ чалғи ўйинлари бор экан, қаранг, бир отанинг болалари-я!

Бой буванинг «оқлар»га ҳам, «қизиллар»га ҳам унча ҳуши йўқ, фақат болаларим дейди, унга бу отабезорларнинг иккаласи ҳам азиз. Бошига тушган воқеалардан кейин у вочор бир кепатада довдираб қолди: бир қарашда рўзғор билан унча иши йўқ, ҳар замонда қуръон тиловат қилиб, савобини кичик хотинининг арвоғига бағишлайди. Гоҳо эса энг яхши йилқи уюрларни улгуржи пуллашга киришади. Отбоқарларнинг кўпи кетиб қолди. Бостирмада иккита қорабайир билан, бир улоқчи гунач, бир аравакаш байтал пишқириб турибди, холос. Қўрада бир пой хўкиз бор эди, эрта баҳорда офилхонада ёмонлаб қолиб, пичоқ тортиб юборишга ҳам одам топилмади. Энди тоғдаги уч қўра қўй хавф остида, хўжайин ҳали уларни ҳам пуллаб, сандиқдаги «дуржи бекунж»га жойламаса...

Мана шундай бетайин кунларнинг бирида бостирма орқасида кулранг товук қоқолаб қолди. Томорқа этаги кенг офилхона, яна қўшқўрғон, уёғи қирга туташ... У томондан ким келган бўлиши мумкин?

Бу Ҳалим эди. Ташида узун чопону қўш белбоғ, ичидан икки қаторли ўқдон, дандон сопли дудама... ғирт босмачи. Ҳансираб келиб, отаси билан ялаб-юлқишиб кўришдию, кейин атрофга аланглаб:

— Келдимиз? — деди бирдан.

У укасини излар эди. Важоҳати ёмон.

— Қани? Қаерда у?

— Бил-билмасам...— деди ота, хурсандчилиги бир зумда мусибатга айланиб.

— Нега? Нега билмайсиз?— дея одобсизларча бақириб берди Ҳалим. Маматнинг назарида у ҳозир отасини кўраётгани ҳам йўқ, унга Олимжон керак эди. Хонадондаги аҳволни ҳам суриштирмади, онасини ҳам сўрамади. Иссиқ чой ичмади.

— Қайтгудай бўлса, боғлаб қазноққа ташланг, ўзим келиб ўлдираман! Қўлдан чиқарсангиз, меннинг қорамни кўрмайсиз!— деди-да, келган томондан шошиб чиқиб кетди. Бир зумдан кейин от дупури эшитилиб, қўрғон орқасидан хумдон тутунидай чанг кўтарилди.

Ота шалвираб қолди. Худойим-эй, ҳали бу кўргиликлар ҳам бор экан-да...

Шу тариқа, баҳор келиб, хут кирди, деҳқоннинг пайтавасига қурт кирди, бой буванинг эса томорқаси ҳам чопилмаган, юлғун босиб ётарди. Бир куни, шотераклар кучаласини ташлаб, бўтана сувлар қалқиб оққанда яна от дупури эшитилди. Ўғилларидан умидвор бўлиб, шошиб кўчага чиққан бой бува бегона одамларга дуч келди. Улар учта эди, уч отлиқ, учаласи ҳам ёш, чиройли йигитлар, ҳали унниқмаган беқасам, қундуз телпак... Ўғли Ҳалимнинг шерикларига ўхшайди. У бирор хабар эшитиш илинжида ҳаммасини ичкарига таклиф қилди. Бой бувасининг имоларини тез тушунадиган Мамат дарров тузоғлик патнис кўтариб чиқди. Лекин йигитлар таомга қарамадилар.

— Қаёқлардан сўраймиз, мулла йигитлар?— деди бой ҳали ҳам нимадандир умидда.

— От керак, бой ота, отга келдик,— деди қоши чаплашган, бароқ мўйловлиси.

Бойнинг умиди пучга чиқиб, хафсаласи пир бўлди.

— От... от йўқ бизда, йигитлар.

— Йўқ?— шерикларига қараб жилмайди бароқ мўйлов.— Сизда бўлмаса кимда бўлади, бой ота? Ё барини қизил гвардияга бағишлавордингизми?

— Ажабмас, ўғилларини аямаган бўлсалар, отни аярмидилар қизиллардан!— деб кесатди иккинчиси.

— Менинг ўғлим...

Қоши чаплашган йигит қамчиси билан этик қўнжига уриб, унинг гапини бўлди. Мамат қараса бу биринчи кўришдагидай чиройли йигит эмас экан, бирпасда кўзига қон тўлиб, важоҳати хунук бўлиб кетди.

— Бидамиз ўғлингизни!

— ...катта ўғлим...

— Уша катта ўглингиз айтворди, олиб чиқинг отларни.  
«Катта ўглингиз айтворди» деганини эшитгандан кейин бой яна юмшаб, самимият билан тушунтирмоқчи бўлди:

— Гапига ишонинг, йигитлар, отларни...

Бу вақт бароқ мўйлов учинчи жиккакроқ йигитга имо қилди. Униси сакраб туриб орқа ҳовлига ўтди-да, бойнинг қора кунга сақлаб қўйган тўдакаш қорабайирларини якка миҳдан ечиб олиб, худди ўзиникидай эркалаб, ишшайганча етаклаб чиқиб келди.

— Бари шуми?

— Ҳа, аммо-лекин...— жиккак йигит қорабайирнинг йилтиллаган сағрисида чапанича чўпиллатиб ўлиб қўйди.

— Биз сизни большевиклардан муҳофаза қиламиз, бой, иккита отга мунча тумшуғингизни осилтирмасангиз?!— деди қоши чаплашган йигит. Кейин унинг-имоси билан қорабайирларни эгар қошига боғлаб отландилар-да, жўнаб қолдилар. Тўвон ичида ноилож қолган бой буванинг қарғиши эшитилди:

— Ол, неқотингга ярат, ҳаромилар! Шунинг учун босмачи дейди-да сенларни...

Мамат дарвозахонада пусиб турар, отларни қизганибми, бой бувасига раҳми келибми, кўзларига ёш тўлган эди.

Ҳозир ҳам у, савағичдан сават тўқиётиб, енги билан қуруқ кўзларини беихтиёр артиб, бурнини тортиб қўйди.

### 3. ЯНА ОТ ДУПУРИ

Тоғ-яйловнинг гашти бўлакча. Инон-ихтиёринг ўзинг-да, тепангда осмон, қармоғингда бир кўра мол, кунни билан «қурай-қурай»лаб қўй қайтарасан, кечқурушлари чўпон-чўлиқ билан чақчақлашиб, чавати нонга сузма суртиб еб оласану, жийда пўстлоқ чойдан кейин гулхан иссиғида, қора қумғоннинг жигиллашига қулоқ солиб хаёл сурасан, кечалари ҳайитда укпарни тақи кийган толма белли қизалоқлар тушингга киради.

Мамат ўн беш кун яйради яйловда. Лекин чўпонлар ҳар ишга Маматни югуртиришади, хўжайин унинг айтганини сийлайди-да, аччиқ-тиззиқ гап қилмайди. «Бор, пахталик олиб кел!», «Бор, иккита кийгиз сўра», Мамат эса гап қайтармайди, оёқ-қўли чаққон. Пучуқлиги етмагандек, яна чўтир, қаншари паст, лаблари дўрдоқ, дўнгпешана башараси ясси, пачоққина бола бўлса ҳам, бойдан тортиб қаролгача ҳамма унинг бор-йўқлигини сезиб турарди.

Тинчгина юрган жойида қишлоққа бир юмуш билан

тушдию, яна ғалвага дуч келди. Кўрага ўн-ўн бешта от боғланган, ҳар қаерда эгар-жабдуқ, бақириқ-чақириқ, от пишқириғи, отлиқ чопарлар келиб-кетиб турибди. Қош қорайган бўлишига қарамай, ичкари-ташқарида тўп-тўп одам, меҳмонхона ҳам гавжум, бири пилик ёндирган, бири қуриллатиб чилим тортган, хуллас, ҳовлини бегона одамлар босиб, ўз уйидагидек хўжайинлик қилар эди. Мамат аввал, Ҳалим бойвачча ўзининг шериклари билан келибди-да, деган ўйга борди. Лекин орада бойвачча йўқ эди, бой буванинг ўзи ҳам кўринмади.

Мамат қаттиқ хавотир олиб, ичкарига киришга ҳам юраги дов бермай, қайтиб кетишни ҳам эп кўрмай, довдираб турди-да, кейин негадир бостирма устинидан томга тирмашди. У ерда, ёзин бостирилган хашак ғарамини пана қилиб, офилхона томига ўтди, ундан меҳмонхона билан туташ ғуломгардишнинг чордоғига эмаклаб кириб, ётиб олди. Бу ер хушбўй пичан тўшалган жуда қулай жой экан: меҳмонхонадаги гаплар баралла эшитилади, кирган-чиққан кўриниб турибди, сени эса, агар писиб ётаверсанг, ҳеч қим пайқамайди.

Илгари бойнинг корандалари ётадиган ғуломгардишнинг шифти омонат, баъзи жойлари очиқ, тешик, тутундан исланган вассалари, шувоқсиз, баланд токчалар Маматга шундоққина кўриниб турарди. Ҳозир бу янги туғилган кўзи — бузоқ учун барра беда сақланадиган жой бўлиб қолган эди. Ёгин-сочиндан сақлаш учун панага олиб кириб қўйилган иккита катта сўрига ҳам хашак бостирилган, кўруқ беда гули анқиб ётибди. Уша бедага ўтириб олиб, катта ҳаммом дудбсронидай қуриллатиб чилим тутатаётган кўса киши кирган-чиққанга чинқириб буйруқ бериб турибди. Ҳовлида қўй сўйишди шекилли, жизза ҳиди келди. Меҳмонхонадаги суҳбатга овози ёқимли, ҳар замонда иймангансимон секин томоқ қириб қўядиган бир одам бошчилик қиляпти.

— Танангизга ўйланг, бой ота...

«Бой ота»ни эшитганда Маматнинг қулоғи динг бўлди. Демак, шу ерда. Афтидан, остонада, ёки бир бурчакда чўкка тушиб, кўримсиз қиёфада бош эгиб ўтирибди. Ҳалиги ёқимтой овоз эса уни гўё аврарди:

— Танангизга ўйланг, одамларни бир-бирига ит-мушук қилган биз эмас, ана улар, ўшаларнинг фирқачи пешволари. Мана ўзингизнинг ёшгина ўғлингиз «изм-пизм» деб юриб одам ўлдиради, ёки ўзи ўлиб кетади...

Бу мулойим овоз айни пайтда шафқатсиз бўлиб, Маматнинг назарида, бой отани тобора бурчакка сиқиштириб борар, эзар эди. Яна кимдир гўнғиллаб сўз қотди, чапил-

латиб гўшт чайнади, лекин бой бувадан садо чиқмади. Ёқимтой томоқ қириб давом этди:

— Биз қон кечиб юрибмиз. Ким учун? Сиз учун, бой! Еримиз, элимиз учун, динимиз, имонимиз учун, эзгулик учун! Сиз бўлса иккита ширин гапингизни аяйсиз!

— Менинг ҳеч нарсам қолмади, биродарлар...

— Сиз бўлса яширасиз... бегонасирайсиз...

— Қўриб турибсизки...

— Кўрмаймиз! — деб бақирди ҳалиги гўнғиллаб ўтирган одам оғзини чапиллатишдан тўхтаб. Бу одам ҳар гапида «Мунча маломат!» деб хитоб қилар, Мамат ҳозиргача унинг гапидан фақат шу сўзларни уқиб олган эди. Энди бўлса бақириқ... — Мана, қасам ичинг шу қоғоз пуллардан бошқа нарсам йўқ деб, кейин биз ишонайлик! Мунча маломат!

Бир нарса гиламга тап этиб тушди. Бойнинг олдига қуръонни отиворишди чоғи. Нима бўлаяттикин? Маматнинг нафаси ичига тушиб кетди. Жимлик уни борган сари бетоқат қилар эди. Туриб кетишига сал қолди.

Шу вақт нимадир «тўқ», «тўқ» этди. Бирпасдан кейин яна. Кимдир деворни уряпти. Тўқ-тўқ. Тўқ-тўқ. Бўғиқ овоз. Ташқаридами, ичкаридами?

— Бу ерда тахмонни шуваб ташлабсизми? — деди ёқимтой овоз. Ҳа, ичкарида экан. Яна «тўқ», «тўқ»... Йўқ, бу гал «пўк», «пўк» этди. Жимлик. Худди Маматнинг тагидаги сўрида чилим қуриллар эди. Кейин ичкарида «гуп» этган ларзали товуш эшитилиб, шитирлаб девор тупроғи тўкилди. Кўп ўтмай меҳмонхона эшигининг иккала табақаси бирдан очилиб, шарақлаб кулганча ёшгина, новча, қотма бир одам чиқиб келди. Бошида оқ чўғирма, хушмўйлов, чағир кўзлари чарақлаган бу одам ўша ёқимтой овозли жўрабоши эди. Қўлида чоғроққина ярим юмалоқ ёғоч қути; бу хонадонда бундай буюмни камдан-кам одам кўрган, бойнинг маҳрамлари уни дуржи бекунж дейишар эди, қора сирли қопқоғи садаф билан нақшланган, ёпилса очилмайди, сир-асрорини бой буванинг ўзи биларди, холос.

Жўрабоши ҳанг-манг бўлганидан сўрининг четига ўтириб қолди. Ҳамма унинг устига ёпирилди, кимдир саситиб тепадан машъала тутди. Жўрабоши, ҳар куни шу ишни қилиб юрган одамдек, пичоқ учи билан қаеригадир сал теккан эди, қути қопқоғи «қирс» этдию, очилди-кетди. Ҳамманинг нафаси ичига тушиб, жим бўлиб қолишди: олтин, ёқут, лаъл йилт-йилт этарди!

— Мунча маломат! — паканагина, бўйни йўғон бу одам ҳамон оғзини чапиллатиб нимадир ер, унинг бемаъни хитоби яхши вазиятга ҳам, ёмон вазиятга ҳам тўғри

келаверар эди. У жундор панжалари билан жүрабоши ушлаб турган қутидан қўш-қўш шода маржон, тиллақошу зебигардонларни лағмондай чўзиб чиқариб, кўз-кўз қилаверди. Атрофдагилар кўзининг оқи чиқиб, сўлагини йиғиб ололмай, ҳанг-манг бўлганча қараб туришар:

— Роса жамғарипти-э, зихна!

— Йўқ дейди-я, тағин, қасамхўр! — дея хитоб қилишар, гўё бой буванинг ўзи бу ерда йўқдек, одобсиз сўзлар билан ерга уришар эди шўринг қурғурни.

Мамат шифтнинг тирқишидан бой бувани энди кўрди. У оппоқ оқарган, аянч бир аҳволда тиз чўкиб ёлборар эди:

— Жон биродарлар, икки ўғлимга тўй қилиб бераман, уйлик-жойлик қиламан деб орзу-ҳавас билан бир умр тер тўкиб жамғарганим, хоппа-ҳалол буюмим шу, инсоф қилинглр!...

Кўҳна ғуломгардиш шарақлаган кулгидан титраб кетди.

— Жон ука! — дерди бой тизза устида силжиб жүрабоши томон қалтироқ қўлларини чўзаркан. — Олло имонингизни саломат қилсин, ўғлим тенги экансиз, синни-солим бир жойга борганда қақшатиб кетманг, увол бўлади, иним... Зиёфат берай, улфатларингиз билан азонгача майшат қилинг...

Яна қаҳқаҳа янгради.

— Зиёфат? — жүрабоши оғиз очиши билан ҳамма яна жим бўлиб қолди. — Зиёфат яхши. Бўза борми?

— Бор, бор, — деди бой бува умидвор бўлиб оёққа тураркан. — Шоди бўзагарнинг равотида бўза ҳамиша қайнаб ётади. Шундоққина муюшда. Ҳозир...

— Йўқ, ўзимиз топиб келамиз!

Бой бува тўхтаб, қўл қовуштирди. Жўрабоши имо билан ҳалиги бўйни йўғонни чақирди:

— Менинг қийғиримни ол-да, Бекнинг ҳузурига уч худди мўлжалингиздаги бўлди, эрталаб етиб келишади, дегин!

— Мунча маломат! — деди пакана қамчисини силтаб.

— Отни аяма!

Бўйни йўғон қийиқчада сочилиб ётган хапинага суқ билан яна бир қарадио, оғзи қулоғида, милтиғи елкасида, отилиб чиқиб кетди.

Жўрабоши ўтирган ерида танга кўзди олтин узуклар, кокилли исирғалар, қўчқорбошли билакузуклар, бозбонду қашқарбалдоқ, ойболдоқ, лўлибалдоқлар, жиғаю тангажевак, зулукзира, шохмаржон, пешанагажак, ҳожинузук, тилласочвоқ, кумуш туморчаю олтин тангаларни қўшқовучлаб қутига солди, устига қават-қават маржонларни,

вилзила сирғаю балогардонларни аста жойлаб, қопқоғи-ни «қирс» этиб ёпди-да, ҳазинани бутунича салмоқлаган-дай бир кўтариб, яна сўрига қўйди. Унинг оғирлиги руҳ баришлади чоғи, бахтли, хушнуд, қарашлари меҳрибон эди.

— Йигитлар! Бугун шу ерда тунаб қоламиз, бўзахўрлик бўлади! — деди. Кейин бой бувани меҳмонхонага бошлаб, у остонадан ичкарига ҳатлаши билан эшикни шартта ёпди-да, устидан қулф солиб қўйди. — Фақат эрталабгача, бой ота, айбга буюрмайсиз, ўзингиздан қолар гап йўқ, шундай қилмасак тинч ухлолмаймиз. Ўғилларингиз бўлса... Улар яқинда бир-бирларини бўғизлаб, сизни бу ташвишлардан Мосуво қилишади. Куйманг.

Эски гуломгардиш жўн бўлса ҳам худди улфатчиликка мослангандай ўзига яраша файзли жой эди. Эшик кесакисиди, яна икки устунда чирсиллаб машъала ёнади, ўртада ўчоқ, ўчоқ атрофида қорақумғон, сопол косалар, иккита чилим, кенг сўриларга гулли беда тўшалган, орқароқда ҳам девор бўйи қилиб хашак фарамланган.

Кўп ўтмай мешкобда бўза, дастурхонга тугилган яхна гушт келди. Йигитлар — улар тўққиз киши эди — бешотарларини бурчакка сепоя қилиб, отлардан хабар олгандан кейин, бири сўрида, бири бўйрада қуруқ пичанга ёнбошлаб, сопол косаларда бўза сипқаришди. Ўчоқ ёнар, машъалалар биқсиб сасир, чилимлар тутар, гурунг тобора қизир эди. Ётти ёғочли кенг гардишнинг сасиб, тутаб кетганини пайқашмас, ҳаммалари бўзадан ҳам кўра бугунги сеҳрли ўлжадан бадмаст эдилар.

Юқорида тутуну ис, сассиқ кекиртак бадбўйинга базўр чидаб ётган Мамат бир нарсадан хавотир, хашакка чўр тушиб, бало-қазо юз бермаса. Унда бу маст-аластлар бешотарини олиб ура қочадию, ичкарида қулфлоглик бой бува шўрлик худди тириклайин жизза бўлади-я, худо сақласин! У бахти қаро шундоқ ҳам ҳозир қора гўрда ётгандай, ранги қув ўчиб, қалтираб ўтиргандир. Эрталабгача ўзини бир нима қилиб қўймаса...

#### 4. ЛАЪНАТИ ҚУТИ

Буларнинг сомонхонани бошига кўтариб ўтиргани ҳам тузук экан. Меш бўшагандан кейин бири уёқда ағанаб, бири буёқда эснаб-керишиб, мастона гурунг тина бошлади-ю, Маматнинг аҳволи қийинлашди: қимир этолмайди, очбиникига хашакпоя тирдай санчилса ҳам, тош қотиб ётишга мажбур. Синчковлик ўлсин, ҳалироқ ола-ровурда тушиб қочмайдами, эсипаст.

Кейинроқ бадтар бўлди. Ҳамма тинчиб, яккам-дуккам журрагу, онда-сонда хашак шитирлаши эшитиларди, холос. Учоқни кул босди, машғалалар биқсиб ўчди. Маматнинг кўзи шифтнинг тирқишида. Унинг худди тагида, сўрига бедани қалин тўшаб ётган жўрабоши ҳамма жим бўлганда бош остидаги қутини олиб чакмонига ўради-да, ёнбошидаги баданд тахмонга жойлаб, устидан хашак бостириб қўйди. Кейин, эшикни тамбалаб келгач, ханжарини ёнбошига босиб ётиб, ухлаб қолди. Дарвоқе, ухладими-йўқми, буни айтиш қийин. Шунча хазинанинг ёнгинасида ётиб уйқуга кетиш ҳам ўзи бўлмаса керак.

Ҳар ҳолда жимлик, азобли, оғир жимлик чўкди. Маматнинг аъзои бадани увишиб кетди. Афдарилиб чигилини ёзиш уёқда турсин, нафас олишдан кўрқади. Хашакнинг халта кўйлак оша баданига қадалгани майли, бекордан бекорга шитирлагани-чи! Ухлаб қолни ҳам хавфли — хуррак тортиб ё акс уриб юборса борми, тамом, оёридан судраб тушиб осишади — ўртада бир қути тилла бор-а!

Тун ярим бўлганда Маматнинг кўзлари қоронғига кўникиб, атрофида у-буни аниқ кўра бошлади. Бошини қайириб қараса, ўнг ёнбошида гира-шира ёруғлик. Узоқ тикилиб, фаҳмладики, шу жойда шифтнинг хариси чириб синган, очик жой хас-пўшлаб қўйилган экан, ўчоқдаги чўғнинг ёруғи шу ердан таралиб турибди. Маматнинг юраги орқага тортиб кетди: бу — худди тахмоннинг тепасида-ку! Худо урди! Жим ёт, жим ёт,— деди Мамат кўнглида негадир ўзини сабр-тоқатга ундаб. Қутининг худди ёнгинасида эканини тасаввур этди. Бу аллақандай даҳшатли ва ғалати эди. Худди йиртқич билан ёнма-ён ётиб қолгандай. Ҳалиги аҳволи ҳам бир нав экан, энди у тамоман тинчини йўқотди. Юраги тезлашиб, нафаси ҳавони янгратаётганга ўхшарди. Мамат бир зум ўзини йўқотиб қўйди, тинчини эмас, руҳий ҳаловатини, илгариги ўзлигини йўқотди у. Гоҳо шу вазиятда ётганига ўзини мард сезади. Ҳовлиққан юрак фавқулодда бир воқеани қис этар эди...

Энди астойдил ўйлаш керак. Бу ерда узоқ ётиш хавфли. Шошилиш ундан ҳам хатарли. Кетиш эса барибир зарур. Шунинг учун... Шунинг учун... нима қилиш керак? Уй келақолса экан, калла бадтар говлаб кетяпти, хашак шитирлаши тоғ кўчкисидай эшитилади.

Ниҳоят, пастдан эшитилган ғарғарадай хунук бир хурракдан фойдаланиб, ўнг қўлини сал қимирлатди. Бу умид туғдирди. Агар ҳар шарпани пана қилиб қўлини шундай оз-оздан силжитаверса, ёруғ таралиб турган юпқа хас-ха-



шакни суриб дарча очиш мумкин. У ёғи... У ёғини кўз кўрар.

Лекин бу иш Мамат ўйлаганчалик мушкул бўлмади. Пастда бир барака топкур очофат бўзахўр, уйқуси нотинч экан, тушида бир нималарни гудраниб, кетма-кет ағдарилди. Сўри ғирчиллаганда Мамат хашакни анча суриб олди. Уйқуси безовта йигит тинчиганда бўйнини чўзиб қараса, не кўз билан кўрсинки, ёнламалаб ётган қутичанинг қора биқини чакмоннинг чокидан чиқиб, йилтиллаб турибди.

Хўш... Энди тонг ёриб қолмаса бўлгани. Мамат бу ердан қутисиз чиқиб кетмасликка аҳд қилди. Нега? Қачон бу қалтис қарорга келди? Кейин нима бўлади? Ўзи ҳам билмайди. Шайтон кўнглига солди, тамом. Одамларни ноҳақ қақшатадиган бу талончиларнинг таъзирини бериш керак, хонаси келиб қолди!

Маматнинг бадани ёниб кетяпти. Бадани ёняптию, мишиги оқади. Қоқиб ташлашнинг иложи йўқ. Енги билан товушсиз артиб, қўлини қути томон чўза бошлади. Ҳар нафасда бир энлик. Биронтаси уйғоқ бўлса, буни сичқон шитирлаши деб бепарво ётаверади. Шу йўсинда Маматнинг қўли анча жойга бориб қолди. Бироқ шу маҳал пастда кимдир қаттиқ бақириб юборди: «Қилич сол!» Мамат, юраги ёрилай деса ҳам, ётган жойида қимир этмай қалта-кесакдай қотиб қолди. Қўли шифтдан пастга осилиб турар эди, олмади. Ҳалиги ўғри босинқиради шекилли, ёнида кимдир: «Бўкирмай ў-ў-ў!» деб бир сўкиндию, шу билан яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

Лекин Маматнинг юраги чиқиб кетай деган эди, бундай пайтда, бақиривормай, сапчиб турмай, ўлиқдай қотиб ётиш учун катта ирода керак. Жимлик чўкканда аъзон бадани бўшашиб кетди. Лаънати қути! Қора илонга ўхшаб йилтилламай, ёниб кет. «Қўлимга тушсин-чи, тилла-пилласи билан ёндиривораман!» деб қўйди Мамат ичида.

Бир оз хотиржам бўлгандан кейин фикридан қайтди: йўқ, ёндирмайди, жонини жабборга бериб қўлга туширадию, ёндирадими! Бечора бой бувасига қайтариб беради. Ҳозир дераза қопқоқлари тамбаланган, эшиги қулфланган, тахмони бузилган чанг-тупроқ меҳмонхонасида бир ҳолатда ўтиргандир бетавфиқ болаларини ўйлаб, шўрингга шўрва тўкилгур.

Бирпасдан кейин «сичқон»нинг шитир-шитири давом этди. Шу хашак бўлмаса-ку, осонгина кўчадиган иш эди-я. Тағин ёзда терлаб-пишиб томга ўзи ташиган бу ем-хашакни аҳмоқ бўлиб. Шунисини эсласа, бадтар алам қилади... Нималарни ўйлаяпти ўзи? Ҳозир бутун фикри-зикри

қўлда, панжаларида бўлиши керак. Бармоқ учлари ўта сезгир бўлади. Мана, чакмоннинг сирилган ёқаси. Мана, бўшлиқ. Мана... Маматнинг юраги шиг этиб, бадани жи-мирлаб кетди: қутининг муздаккина, силлиқ биқини. Бармоқлар унинг рангини ҳам сезаётгандай: совуқ-қора, йилт-йилт этади... Мамат энди панжага зўр берди, жойидан қи-мирлатиб олса бас. Йўқ, силлиқ қути чакмон ичидан енгил сирғалиб чиқа қолди. Чикдию, энди уни қуруқ хашак ора-сидан суғуриб олиш мушкул эди. Аксига олиб, ҳаяжондан қўл ҳам қалтираб қолди. Ҳовлиқиб ураётган юрак шу ўрин-да пўк бериб қўймаса бўлгани.

Мана, дуржи бекунж... бағрида! Кўргану, қўлига ол-ган эмас эди. Оғир экан лаънати! Мамат уни қўйнига тиқ-ди, лекин бу ноқулай эди, эмаклаб бўлмайди. Белбоққа тугиб судраса — тунда хашакнинг шитири оламни бузади. Энди нима қилиш керак? Энг мушқули буёқда экан-ку! Чордоқдан чиқиб одиш — олти-етти қадам йўл, аммо... си-ра иложи йўқ.

Лекин омаддан рағбатланган Маматнинг мияси ҳозир тегирмон тошидек айланиб роса ишлар эди, дўнг пешана-сидан шариллаб тер оқиб кетди. Топди! Қутини икки қўл-лаб ушлаб, аста юмалайди. Лекин жуда секин, соатнинг ми-лидай! Ушанда етти қадамга қанча вақт керак?

Аммо кутилмаган воқеа юз берди. Гуломгардишнинг эшиги тақиллаб, ташқаридан ҳовлиққан овоз эшитилди:

— Мунча маломат! Тур, бандаи ғофиллар!

Жўрабошининг чопари қайтиб келган эди. Овозига қа-раганда буйруқни бажарган.

Хўш... у-ку бажарибди. Мамат-чи? Буёғи қандоқ бўл-ди? Иш пачава-ку. Энди булар бари уйғонади. Жўрабоши тура солиб аввало тахмонга қўл узатади, албатта. Тамом, булардан қутилиш йўқ. Мамат палаж бўлгандек тугал тў-килиб, ўрнидан қимирлолмай, хўнграб йиғлаб юборди. Қў-лидаги илондай совуқ нарсани отиб юборай деса, дармо-ни етмади. Пастда ғовур, кимдир чопарга эшик очди, ким-дир болахонадор қилиб сўкинди, бирининг қўлида истибро кесаги — панага югурди, кимдир қичиқ бир ашулани хир-гойи қилиб, ўчоқдан чилимга чўғ қидирарди, шифтнинг тир-қишидан ёруғ тушди.

Шу пайт Маматнинг калласига ғаройиб фикр келди: ҳозир туриб қочса, аини пайти-ку! Бу ола-ғовурда унинг оёқ шарпасини ким ола биледи? Шу пайт тепасида туриб шаталоқ отсанг ҳам эшитмайди булар.

Мамат таваккал қилди. Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди, бари-бир қаёққадир гумдон бўлиш керак. Ё аини шу топда, ё...

Юкини маҳкам тугиб қўлтиққа қисди-да, чордоқдан эмаклаб чиқиб, офилхона тоmidан гўнгтепага гуппа ташлади. Ундан девол ошиб қўрага ўтди, кейин томорқада уват ёқалаб борди-да, бағрини ёндириб кетаётган омонатни қўрғондаги тош охурнинг тагига тикди. Устидан гўнг чаплаб, чориғи билан тепкилаб қўйди. Кейин орқа-ўнгига қарамай, йўлда давом этди. Юлғун, туронғи оралаб, енгил туман ястанган далага чиққанида тонг бўзарган эди.

Энди — тикка яйловга!

У дўзахдан қутилиб чиққандай эркин кенгликларга талпинар эди. Пойма-пой чориғини елкадан ошириб ташлаб, намчил тупроқни оёқ яланг босиб бораркан, шундай енгил тортдики, худди туини уйқусиз, азобли ҳаяжонда ўтказган эмас, тўйиб-тўйиб ухлаб олгандай. Кўксига ҳаво тўлиб, руҳи тиниқиб кетди. Ўзи ҳам етти ухлаб тушига кирмаган омад келди-да. Ўйлаб қилибдими, ўзидан ўзи бўлди бари. Қандай ақли етганига ўзи ҳам ҳайрон. Аммо-лекин болади тўқлиқдан қутурган бекорчихўжаларни! Энди уларнинг ҳанг-манг бўлиб, жазавага тушганини бир томоша қилиш керак эди. Бир-биридан шубҳаланиб, қирқ-пичоқ бўлади десанг-чи! Қирилиб кет! Ит бўлиб искаса ҳам тополмайди қутини. Пўқни тагида ётибди тилла. Жо-йи шу. Мамат уни ўзи учун олибдими! Кераги йўқ. Қир иштонга зар жияк. Гап-сўз тинганда Мамат лаънати қутини, бой буванинг сўзи билан айтганда, эгасининг амну омонига топширади.

## 5. ЕТИМ ҚУЗИ

... Уч кун деганда Мамат яна бир важ топиб қишлоққа тушиб кетди. Тезроқ бориб бой бувасини хурсанд қилиши керак. Оҳ-вой қилиб, жони чиқар-чиқмас бўлиб ётгандир дир ҳувиллаган ивирсиқ ҳовлида. Мамат ҳозир унга қайта жон бағишлайди. Ажойиб иш бўлади-да! Садаф гулли қутичани кўрганда не ҳолатга тушаркин?!

Ўзи ҳам ўлгудай жўн одам. «Чорва» деган лақаб унинг чорвадорлигига эмас, аслида мана шу соддалигига ишора. Ахир меҳмонхонанинг эшиги бўлмаса тешиги бордир, дарчаси бордир, туни билан йиғлаб-сиқтамай, бир йўлини қил, деворни тешиб чиқ, дод сол, бошингга одам тўпла. Ўз молинг-ку!

Шундайку-я, лекин бу гаплар ўша кечаси Маматнинг ҳам калласига келмади-ди. Шошганда лаббай топилмас экан...

Аммо-лекин Мамат қойил қилди. Эсласа, ҳозир ҳам дили яйраб кетади.

У сал жилмайди. Тоғнинг кунгай ёнбағридан биланглаб тушган ёлғиз оёқ сўқма йўл унга ёд бўлиб кетган пастда қуроқ далалар... Сал сўлғин, қалин тутзорларга ҳали куз қўл урмаган бўлса ҳам, энди ёз эмас эди. Шунинг учун водий ҳам Маматга чалароқ жилмайиб қаради. Уз боласи-да. Мамат шу водийда катта бўлди, чўпонлар орасида дунё таниди. Бировнинг оғир кунда жонига оро кириш кўнглини ўстиради. Уч соатлик йўл бу гал уни қиттак ҳам чарчатмади.

Қўрғонга етганда сўқир пахса деволдан ошиб тушган аймоқнинг соясидаги сувсиз омбордан эмаклаб ўтди-да, аввал ҳовли томонга қуроқ солди. Ҳаммаёқ тинч эди. Лекин тош охурга яқинлашмади, юраги дукуллаб, узоқдан кўз қирини ташлаб ўтди, холос. Қани, аввал хабар олсинчи, кейин, вазиятга қараб...

У сомонхонанинг якка табақали эшигини ғирчиллатмасдан очиб, орқадан катта ҳовлига кирди. Қирдию, қаққайиб тўхтаб қолди: худди уч кечаю уч кундуз довул бўлгандай — қозонлар тўнкарилган, томдаги хашак гарамлари ағдариб ташланган, эшиклар ошиқ-мошиғи билан суғуриб итқитилган, деразалар синиқ... Ҳалиги аламзадаларнинг иши. Жон-жаҳд билан тинтиган-да. Хайрият, ўт қўйиб кетмабди. Қўлидан келарди!..

Бу ғарибона вайронгарчиликда оқ сурп яктак кийгац Салим чорва сийрақ соқолини чимдилаб уёқдан-буёққа юрарди. Ориқлаб, кўзлари косасига чўккан, хунук бўлиб кетган ранглар юзида ҳасратли ғазаб сояси ўйнар эди. Маматни кўрдию, гавдаси қилтиллаб кетди:

— Ҳа... ҳароми! Қаёқда улоқиб юрибсан?— деди ғайритабий ўксик оҳангда ва бирдан йиғлаб юборди. Мамат мунақасини кутмаган эди. Бой бувасини ажиналар алмаштириб кетдими, нима бало! У Маматни умрида бунақа сўзлар билан таҳқирламаган, ахир.

— Итдан бўлган қурвонликка ярамас, деб шуни айтади-да. Бой бувангни қон-қора қақшатиб, хонавайрон қилиб кетишсаю, сен худо беҳабар неча кундан бери қорангни кўрсатмасанг!— деб бақирди яна Салим чорва.— Кераксиз вақтда ҳуда-беҳудага оёқ остида ўралашар эдингку, жувонмарг! Етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон бўлар, етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой бўлар, деганлар...— у заҳрини сочгани одам тополмай турган экан, аламини олди. Онасининг гўригача нопок қилди.

Маматнинг ҳеч нарсаи бўлмаса ҳам, иззат-нафси бор эди, бу гаплар суяк-суягидан ўтиб кетди. Ер ёрилса, ерга киргудай бўлиб, бош эгиб қолди. Эҳ-ҳе... ҳамма гап ўша қутичада экан-ку! Меҳр-оқибат ҳам, одамгарчилик ҳам,

сидқидил хизматнинг қадру қиммати ҳам... Қўтича йўқ — одам ҳам йўқ. Ундай бўладиган бўлса... мана!..

Мамат узун енгининг ичида қўлини мушт қилиб, икки бармоқ орасидан бошмалдоғини чиқарди. Буни бой бува-сига кўрсатмадию, лекин шу билан дилини ғазабдан анча бўшатди.

Яхши ният билан келган эди у. Шу одам учун қалтис ишга қўл уриб, шу одам учун жон чекиб юридбими ҳали?..

Бир чеккаси, Салим чорвага ачинади ҳам, албатта. Қўшқўрғонга ўтиб иккита қари отбоқар билан гаплашган эди, ўша кун и азонда ўзи чордоқдан чиқиб қочгандан кейин бу ерда бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, вужуди зир титраб кетди.

...Жўрабоши кўзини йиртиб ўрнидан туриши билан тахмонга қўл узатиб, хазинанинг сирли бир тарзда ғойиб бўлганини кўргач, чиройли қошлари орасида катта тугун пайдо бўлади. Узини йўқотмасдан, шерикларига қадалади:

— Масхарабозликни бас қил, ким бўлсанг ҳам! — дейди шерикларимдан бири ҳазиллашяпти деб ўйлаб. Йигитлар аввал тушунишмайди: уларнинг бири ҳали иштончанг, бири эринчоқлик билан керишиб, хашак уюмда ағанаб ётган, бири турибоқ чилимга ёпишган, бири бепарво, лекин жўрабошининг товушида кескин таҳдид тобора кучаяди.

— Ажал билан ўйнашма! — деб бақиради жўрабоши. Шунда ҳамма ҳушёр тортиб аҳволни тушунишади. Жўрабоши тахмондаги чакмонини, хас-хашакни ерга улоқтиради. Ҳамма саросимада, кўзининг пахтаси чиқиб, оғзини очиб қолади: қути йўқ эди!

Анча давом этган ваҳимали жимликдан кейин бўйни йўғоннинг таниш овози эшитилади:

— Мунча маломат!

Лекин бу сўзлар ҳам ўша ҳанг-манглик ҳолатидан бошқа нарсани ифода этмасди.

— Ҳеч ким қимирламасин! Эшикларни қулфла! — деб буюради жўрабоши.

Бўйни йўғон сўридан йиртқичдай сакраб, милтиғини қўлига оладида, кўксини кериб, эшикка кўндаланг бўлади. Жўрабошининг ўзи салмоқ билан юриб, меҳмонхона эшигига яқинлашади. Кўришиб турардики, унинг биринчи шубҳаси Салим чорвадан. Қўли қалтираброқ қулфга калит солади. Уймакор эшикнинг иккала табақасини бирданига очса, бўздай оқарган Салим чорва остонада кеча қандай ўтириб қолган бўлса, ҳали ҳам худди шу ҳолатда ўтирган экан. У ҳали ўз мусибатидан ҳалак, буларнинг талвасасидан беҳабар эди. Уни қўлидан тортиб чиқарадилар. Жўра-

боши чала кийинган, бир пой этигини судраганча қоронғи меҳмонхонани гир айланиб тинтиб чиқади, кейин гуломгардишга қайтиб, сўрига сакрайди, оёқлари билан хашакни тита бошлайди. Шерикларнинг ёқасидан бирма-бир ушлаб кўзига тикилди, кечаси Бек ҳузурига чопар бўлиб кетган бўйни йўғондан бўлак ҳамма мудҳиш шубҳа остида эди...

— Мунча маломат! — деб қичқиради эшикни тўсиб турган бўйни йўғон. — Маърака сарқитига тўйган итдек қотиб-тиришиб ухлай берибсанлар-да! Бекка нима деймиз?

Тушгача бошқа ҳеч бир иш қилинмайди. Уй эгасининг кўз олдида гуломгардишнинг шифтини бузиб ташлайдилар, сўриларни олиб чиқиб улоқтирадилар, ҳамма хоналарда тахмонларни, деволларнинг қавакларини, тандир-ўчоқларни, ҳатто бадраф ўраларини тинтиб, бузиб чиқардилар.

Кун бўйи қора терга ботиб қилинган бу ишдан кейин жўрабоши ўйлаб қараса — бари бамаъно: ахир бу сирли ишни қилган инсонни топиши керак, инсон эса йўқ. Шериклари ҳам ўзидан бадтар гаранг. Эшиклар қулф бўлса! Ким ахир? Инсу жинсми?!

Йигитлар учун бу — ғайритабиий бир тилсим эди, холос. Лекин жўрабоши учун мудҳиш тақдир! Ҳазина унинг кўлида эди. Бекка чопар юбориб, суюнчисини у олган. Энди нима дейди? Бу ҳолатда йўқотдим деганига, бу мўъжизага ким ишонади? Бек уни омон қўйиши маҳол... Шунинг учун у ҳаммани бир-бир сўроқ қилади, тинтиydi, отиб ташлайман деб ҳар бирининг жонини олади. Бек номидан ҳар нарса қилса бўларди, лекин ғурур, номус кучли экан шекилли...

Чиройли юзлари бўздай оқариб уёққа боради, буёққа келади, асабий ер тепади, бошини чангаллаб узоқ ўтиради, бақиради, бўкириб йиғлайди, шивирлаб калима келтиради...

Намозшомдан кейин офилхонада унинг ўлигини топадилар, қўндоқни қалин гўннга тираб, яланг оёғининг бошмалдоғи билан тепкини босибди-да, ўзини-ўзи побуд қилибди.

Йигитлар бунга унча ҳайрон бўлмайдилар, чунки Бек уни бари бир тирик қўймаслигига уларнинг ҳам ақллари етарди.

— Омонатни топширибди, эгасига керак экан, жойи жаннатда бўлсин... — дейишади.

— Иннолилло ваалайкум рожнуно... — дейди кимдир калима келтириб.

— Мунча маломат!— деб йиглаб юборади садоқатли бўйни йўгон. У энди йигитларга бош бўлиб қолган эди. Уша заҳотиёқ тапир-тупур жўнаб қолишади ўликни оғга онтариб.

...Мамат буларнинг ҳаммасини кўз олдига келтириб, ҳовли йиғиштирарди. Кул, тупроқ уюмларини, сопол синиқларини супуриб, синиқ хонтахта, бузуқ сандиқларни қазноққа олиб кириб тахлади. Томдан тушган оғир хари-ни қулаган тандир тагидан суғуриб олишга уринаётганида бой буваси аста келиб бир учидан ушлади, индамай, уни кўтаришга кўмаклашди, Мамат унинг паст келиб, бўйин қисшини, кўзида афсус-надомат ифодасини пайқадю, лекин ўзининг алами босилмаган эди, ён бермади.

Йўқ, бой бува яхшилик кулфатда синалади, биз қад-римизни энди билдик, деди ичида Мамат, сўз яраси бит-мас дейдилар, қанча суйкалсангиз ҳам, энди бўлмайдди, биз қайтдик. Майли, гўнгда чириб кетсин ўша лаънати қути! Нўғай муаллимга топширса, Мамат бу зил юкдан қути-лардику-я, лекин унинг келиши маҳол-да. Қайси қишлоқ-ларда эшикма-эшик тиланиб юрганикин? У албатта тўппа-тўғри етимхонага элтарди, ўша Мамат тенги оч болалар-га... Қанийди ҳозир уни учратса!

## 6. МАМАТ АҲДИДАН ҚАЙТДИ

Замонанинг кетма-кет зарбаларидан кейин Салим чор-ва анча гангиб қолди. Бу зарбаларнинг қаердан келаётган-ини билмас, нуқул тақдирдан нолир, гуноҳларидан кўрар эди. Ёлғиз ибтидоий майллар билангина яшаш одамни жу-да жўн қилиб қўяр экан, на ғазабни билади, на муҳаббат-ни. Ҳеч ким билан иши йўқ, фақат икки ўглини кутади, ўшаларни деб қўй қўраларини улгуржи пуллашга тушди, ўйламайдикки, хўжалик тамом синган, пул эса — омонат. Бўйни йўгон пакана йигитнинг «Ўғилларинг бир-бирини бў-тизлайди» деган қутсиз гапи калласидан чиқмайди, бор-дю биронтаси келиб қолса, қазноққа қамаб ҳеч қаерга чиқармасликни ҳам кўнглига тугиб қўйди.

Лекин қамамайди, ялинади, ёлворади, тиз чўқади, қол-ган-қутган мол-дунёсини оёқларига тўкиб, иккаласини му-росага келтириш, уйли-жойли қилиш учун жонини жаб-борга беради.

Бунинг ҳеч ёмон томони йўқ, албатта. Шунчаки одам-гарчилик, орзу-ҳавас. Лекин ўғиллари буни тушунишарми-кин? Рози-ризаликсиз кетиб, отани бу аҳволга солиб бефа-росат тошбағирлар, Мамат уларга негадир унча ишон-

майди. Ота чеккан маломатларнинг, отамерос молу ҳолнинг қадрига етадиган болалар эмас.

Салим чорва кўпинча орқа қўрада ивирсийди, яхши кўрган аравакаш байталини сули билан боқади. Ундан ташқари, бу қўрадан қишлоқнинг ҳамма йўллари кафтдагидай кўриниб туради. Узоқдан бировнинг қорасини илгаса, паншахага иягини тираб кўз тикади-да, то кимлигини танимагунча жойидан қимирламайди.

Бир куни қир ошиб уч отлиқ келиб қолди. Салим чорва хавотир аралаш бир умидворлик билан кўзини қисиб тикилиб турдию, биронтасини танимади. Аммо отлиқлар ўтиб кетишмай, тикка эшикка келиб тўхтадилар. Отларни тол соясидаги қозиққа бойлаб, ҳовлига кириб келишди. Бири — калта чарм камзули тагидан тўппончасининг катта ёғоч қини туртиб чиқиб турган ориқ, чўлоқ одам эди. Ёнидаги муовини бўлса керак, жиловини олиб, эшик очиб турибди. Учинчиси — шу ернинг шўро раиси, қишинёзин қирғиз қалпоқ киядиган сўзамол жиккак киши эди.

— Ҳовлида ов този бўлар эди...— деди у хавотир олиб алангларкан.

— Йўқ, йўқ, кираверинглар,— деди Салим чорва.

Меҳмонларни ғулумгардишдан олиб чиқиб ташланган, синиқ оёғи ўрнига ғишт қўйилган катта сўрида қабул қилди.

— Омин! Қаерлардан сўраймиз, азизлар?

— Узганданмиз, бой ота,— деди чарм тўнлик.

— Ҳай, эсон-омонлик бўлсин...— Уй эгаси одатдагидек чой-нон буюрди. Мамат югуриб-елиб патнис тузар экан, калласига бир фикр келиб урилди: «Қизиллар!» Мамат уларнинг от-улов сўрабми, ишқилиб бир важ билан келиб қолишидан умид қилиб, ҳатто кўнглининг бир чеккасида ишонч сезиб ҳам юрар эди. Улар бирда эмас, бирда албатта келиб қолади, деган ўй миясининг аллақасерида йилт этиб, уни чўчитар, гоҳо ҳаяжонлантирар эди. Мана улар, келиб ўтиришибди. Шўро раиси билан келгандан кейин қизиллар бўлади-да, Мамат ҳеч иккиланмасдан аҳд қилди: садаф қутини мана шуларга беради! Улар шўрога етказса, шўро ҳалиги етимчаларга озик-овқат олиб беради. Етимхонани шўро ҳукумати очган-ку!

Мамат қушдай енгил елиб дастурхон ёзди, чой дамлади. Сўрида суҳбат давом этарди. Қизиллар! Мамат улар ҳақида эндигина ўйлаётгани йўқ. Қутини аллақачон шўрога элтиб топширар эди. Лекин ҳалиги сўзамол жиккакка ишонмайди. Мана, у ҳозир ҳам фаросатсизлик билан гурунинг маромини бузиб ўтирибди. Салим чорва ўғилла-



ридан, орзу-ҳавасидан гапирди шекилли, сўзамол жиккак дарров оғзига урди:

— Туғилмаган бузоққа қозиқ чопиб нима қиласиз, бой ота!— деди у чойнакдаги чойни шопириб.— Нуқул нолий-сиз, ана икки тахмон бахмал кўрпача!.. Менинг битта бўйрам ҳам йўқ.

— Бу билан мақтаниб бўлмайди, раис...— деди секин чарм кийган чўлоқ.

Мамат бу гапларга қулоқ солиб ўтирмади, у ўз режалари билан банд эди. Ҳозироқ қутини олиб гўнгдан тозалаш керак, бой бува меҳмонлар билан чалғиб турганда. Хўш... Кейин-чи, уни чарм камзулга қачон, қаерда тутқи-зади? Қаердан олдинг, деса?! Узоқ тушунтиришга фурсат йўқ, хонаси ҳам эмас. Бой бува пайқаб қолса... унда — тамом, худо уради...

Мамат режасини икир-чикиригача ўйлаб, пишитди. Назарида режа энди бевуқсон эди. Лекин бу маҳал сўридаги суҳбат қутилмаганда кескинлашиб кетди.

— Босмачилар келганда ҳамма нарса муҳайё, от ҳам ош ҳам,— деди чарм камзулли овозини кўтариб,— қизил гвардия деганда камбағал бечорасиз, гадосиз!

— Оқ-қизилини билмайман, биродар...

Салим чорва бош эгиб ростини гапирар эди. Лекин меҳмон жаҳлга миниб ўдағайлади:

— Ҳа, билмайсиз! Бекнинг йигитларига кечалари машат қилиб беринг! Олтин-кумуш билан таъминланг!

— Улар мени шипшийдон қилиб кетди, биродар! Хонавайрон қилди! Инонмасангиз тинтув қилинг, отхонага кириг, битта аравакаш байталиб бор, хўп десангиз ўшани берай...

— Бизга келганда битта қирчанги байтал қолибди-да? Ҳалим бойваччанинг зулукдай човқорлари, улоқчи тўда-кашлари қани? Босмачи шерикларига совға қилдими?— деб сўз қистирди сўзамол жиккак.

— Ё калака қиляпсизми?— Бошлиқ жаҳли чиққанда чўлоқ оёғининг тиззасини уқалар эди.

— Нима керак ахир мендан?— ёлворди уй эгаси.

— Гўшт керак, бой? Қизил гвардия тузаяпмиз, уни таъминлаш, мустаҳкамлаш, унга янги кучлар жалб қилиш керак, энди тушундингизми? Биз тилхат берамиз сизга, босмачи ўғлингизнинг ҳаётини сақлашга ваъда қиламиз, яна нима дейсиз!

Ўғлини эслаганлари учунми, меҳмоннинг шафқатсиз овозиданми, бой отанинг букчайган елкаси титраб, унсиз йиғлаб юборди. Меҳмон буни рад жавоби деб ўйлаб, кес-

кин ўрнидан турди, сўри четидаги пиёла ерга тушиб синди, шериклари ҳам шартга туриб, кетишга шайландилар.

— Душманга ёрдам берганингиз учун мол-мулкингизни мусодара этиб, ўзингизни бадарға қиламиз, бой, билиб кўйинг!

Салим чорва ўтирган жойида баттар букилиб тушди, бутун вужуди билан қалтираб йиғлади. Уни кўриб Маматнинг ҳам хўрлиги келиб кетди. Буларда ҳам одамгарчилик йўқ экан-ку. «Душман», «бадарға». Улганнинг устига чиқиб мунча тепкиламаса. Анов сафарги жўрабошининг ўрнида бўлса, бу ҳам қутини чирқиратиб олиб кетарди. Йўқ, бундай одамларга бериб бўлмайди.

Мамат яна аҳдидан қайтди.

Отлиқлар кетидан тўзон босилиб, ҳовли яна жим бўлиб қолганда Маматнинг юраги сиқилиб кетди. Икки ўтнинг орасида шалвираб қолган бой буvasини ҳам кўнгли тусамай қўйди, нолиш-сиқташдан бошқасига қурби етмаган бу шўрпешона энди Маматда на ғазаб, на меҳр уйғотарди.

Эндиликда Маматнинг бирдан-бир ташвиши тошоҳур тагидаги дуржи бекунж. Уни у ерда узоқ сақлаб бўлмайди. Қаёққа қўйиш керак? Маматга унинг зарурати йўқ албатта, лекин уйқу бермайди. Бир яхши одам ҳам йўқки, сирини айтиб дардлашса, ҳеч ким билан ҳол-жонини бир қилмайди. Сиқилиб кетгани ҳам мана шу ёлғизликдан.

Жўнаб қолиш керак бу ердан. Энди бари бир ҳеч ким келмайди, Салим чорва хонадонининг путури кетди. Қутини сақлаб қолиш керак. Мамат уни етимларнинг ҳаққи деб билади. Фақат ўшалар муҳтож бунга.

Борди-ю, ўзи етимхонани қидириб кетса-чи? Отда, пиёда, оташ аравада, қанча йўл, юриб бўлса ҳам сўраб топса бўлади-ку. Мамат кечаси ўрнидан сакраб туриб ўтирди. Бу унга ажойиб саргузашт бўлиб туюларди. Лекин ҳалиги дардисар билан-а? У шундай лаънати нарсаки, биров сал шарпасини олса, бас, инсоф ҳам қочади, диёнат ҳам. Қалланг кетиши ҳеч гапмас. Ундан ташқари, кўрқинчли: номаълум йўллар, оёғида йўқ, очин-тўқин тентираш, куз охирлаб келяпти...

Аммо бошқа илож борми?

## 7. ҚАЛТИС КУЧА

Бўғотда фотмачумчуқ чирқираб тонгдан дарак берганда Мамат оёқда эди. Оғилхона йўлагидagi арқон калавотда унинг рахт хуржунини билан сафар халтаси тайёр турибди. Йилига бир тўхли билан бир эчкига ёлланган эди, муҳронасини ҳам тиламай кетяпти — бой буvasи қарғамас.

**Мамат хизматини беминнат қилди. Ноҳақ таҳқирига ҳам чурқ этмай қулоқ осди...**

Шундай бўлса ҳам, йўлга чиқиш олдидан кўнгли бир хил бўлиб кетди. Ариқ ёқасидаги қўқон гуллар қовжираган, шогутнинг барги сарғаймай тўкиляпти. Мамат кетгандан кейин бари етим қолади, ҳали нималар кечаркин файзи қочган бу ҳовлида?... Ўзининг бошида не савдолар бор? Манзилу мароҳилсиз, номаълум йўлларни ўйлаб юраги увишиб кетди.

Момосидан қолган кулранг мурсакни тўшак остида сақлаб қўйган эди, ўшани кийиб олди. Эски мурсакнинг тахидан қалампирмунчоқ ҳиди келиб кетди. Чоригининг юпқа товонига бармоқ ботарди, лекин, майли, пойма-пой бўлса ҳам узоқ йўлда кор келади. Пайтава ўраб кийди. Қоқон билан жиндек талқон, жийда-туршак солинган чўлиқ калтанинг илини қўлтиридан ўтказиб елкасига осди-да, рахт хуржунни деволдан ошириб ирғитди. Кейин ўзи ҳам ўчоқ бошидаги рахнага оёқ қўйиб, қўрага ошиб тушди. Тандир устидаги лойтувоқ тап этиб ерга тушиб, тарновда кукулашган мусичаларни чўчитганда Мамат хавотирда бирпас жимиб турдию, кейин томорқадан уват ёқалаб юриб, захкаш қўрғондаги тошоҳурга яқинлашди. Атрофга аланглаб олиб, чориги билан гўнгни титкиларкан, бояги-боягидай йилтиллаб ётган садаф қути юрагини ўйнативорди. У қандайдир ваҳимали қалтис кўчага кирётганини фаҳмлар эди. Лекин энди уни фақат давом эттириш мумкин, бошқа йўл йўқ. Қутини енги билан артиб-артиб, олак-хуржуннинг катта кўзига солди, сал ўйлаб тургач, кичик кўзидаги эҳтиёт пайтава билан қийиқдаги яримта зогорани ҳам устидан бостирди. Катта кўзини олдинга, кичик кўзини орқага қилиб, сафар халта устидан ошириб ташлади-да, яғри чиққан гилам дўппини бостириб кийиб, йўлга тушди. У юкдан сал букчайган, оёқ учида босар эди. Томорқалардан ўтгач, аввал қир ёқалаб кетган пода сўқморидан айланиб бориши, ундан катта йўлга тушиши керак. Ўзи қишлоқдан нари чиқмаган бўлса ҳам шаҳар йўлини билади, Ҳалим бойваччани неча маротаба кўпқарига отлантириб, кузатиб қўйган. Шаҳарга етиб олганидан кейин эса — тамом, у ерда Симга қатнайдиغان оташ арава албатта бўлса керак. Шаҳар бўладию, бўлмайдами! Мамат топиб олади. Фақат мана бу кўкрагидаги лиқиллаб кетаётган қути ноқулай дўмпайиб турибди, атайлаб кўрар кўзни ўзига тортаётгандай. Устига устак, ўлгудай оғир. Оғирлиги майлию, кўкрагини негадир қизитиб, босиб тушаяпти. Пода йўли ўнқир-чўқир, қум-шағал, Маматнинг пешанаси ҳозирдан нам тортиб, босган қадами унмасди.

Лекин унга йўл босиш чўт эмас. Ҳозир эса, айниқса: у гўё кўпчилик билан бирга, уни интизор бўлиб кутишяпти, у кимларнидир қутқазгани кетяпти, хуржунда уларга нажот элтяпти. Ҳар қанча йўл бўлса босади. Елғиз эмас.

Бироқ ғира-шира тонг ёруғида йўл ёқасида кимнингдир қорасини кўриб, бўрига йўлиққандай сесканиб тушди. Хайрият, сахарҳез қария экан шекилли, туронғи тагидан туриб, иштонбоғини ушлаганча томорқага ўтиб кетди. Мамат енгил тортиб, жилмайиб қўйди-ю, одам шарпасидан кўрқиш кўнглида ғашлик бўлиб қолди. Наҳотки бундан буён шундай бўлаверса? Уғри эмас-ку у. Уғри эмас... Лекин бу — кимнинг қандай ўйлашига боғлиқ. Одамлар эса ҳар хил бўлади. Ҳали Мамат не-не нусхаларга дуч келарикин?..

Бир ўйласа, ҳаёт-мамоти қил устида. Бундай юкни кўтариб юрган одам жаҳонда нечта эмиш! Ё етказиб беради, ё... учинчи йўл йўқ. Мана шу даҳшатли ишга у таваққал қилиб жонини тикди, орқага қайтадиган йўл ҳам берк.

Бой бува ҳам бомдоддан кейин ҳовлига чиқади албатта. Аввал Маматни йўқлайди, Мамат эса йўқ. Ҳай, оғилхонада ивирсиётгандир ё бўлмаса яна чўпон-чўлиқ улфатларини қўмсаб, яйловга улоқиб кетгандир...

Мамат хўжайинининг «чорва»лигини ўйлаб, жилмайиб қўяди. Бой бувани «Бой ота» қилган мана бу қути эди. Энди у Маматнинг елкасида шалдираб кетяпти. Чиндан ҳам, Салим чорва айтгандай, тақдирнинг ғаройиб чалғи ўйинлари бўлар экан...

Пода сўқмоқ тоққа қайрилиб, қадрдон тезак ҳидлари орқада қолди. Шаҳар йўли тўпикдан тупроқ экан, товони тешик чориг бирпасда оғирлашди. Кун қиёмдан оққанда Мамат йўл четига ўтириб, яримта зоғорани еб олди; тупроқдан шабнам кўтарилиб, ер исиб қолганди, чоригини ечиб хуржунга, қутининг ёнига тиқиштирди. Бу маъқул бўлди — бегона кўзни шамғалат қилади.

Кун қизиб, йўл ҳам, нафас ҳам оғирлашди. Узоқ-узоқ яйлов йўллари яланг оёқ босадиган Маматни сертупроқ арава йўли тез толиқтирди. Гилам дўппи тагидан тер оқиб, бошининг қўтирлари ачиша бошлади.

Кечга яқин сомон ортган бозорчига ялиниб, туясига мингашишга мажбур бўлди. Лекин туякаш билан ёнма-ён бўлишнинг бетиним хавотири йўл азобидан ҳам оғир эди: кимнинг боласисан, хуржунингда нима бор, деб сўраб қолиши ҳеч гап эмас... Қайрилиб қараса ҳам юраги шув этади, гапга оғиз жуфтласа ҳам. Одамдан ҳайиқиш — бу янги туйғу, ғалати, оғир, бегона туйғу эди. Умрида одам бола-

сидан хавотир олмаган Мамат ўзига ўзи ёмон кўриниб кетди.

Хайрият, бозорчи тўнгроқ одам экан, ўз хаёли билан бандми, бора-боргунча бир оғиз гап қотмади. Кечқурун, бир қишлоққа яқинлашганларида Мамат сомон босилган чипта қоплар устидан сирғалиб тушди-да, «қуллуқ амаки!» деб, чанг ичида яна пиёда лўкиллай бошлади. Лаънати қутидаги лаш-луш бетиним шалдираб, асабига тегар эди.

Сомон ортган туя қишлоқнинг сертерак кўчаларига кириб йўқолди. Маматнинг қадами борган сари сушлашар эди. Куз кечаси бирдан босиб тушади, қўнолға топиши керак. Кўча-кўйда ётиб қолиб бўлмайди, ҳаммом, хумдон ҳам тўғри келмайди — кўрар кўзда шубҳа туғдириши мумкин. Бу маҳалда биров эшигини очиши эса амри маҳол.

Мамат култепада уймалашган дайди итлардан узоқроқ айланиб бориб, гузарга кирди. Омадни қаранги, катта йўл устида чойхона бор экан шекилли, чироғи кўринди, толзордаги ҳовузнинг зах нафаси юзига урилди. Мамат шу толзордаги ёзги сўрида, қоронғида ўтириб сўнгги чойхўрларнинг тарқалишини кутди. Ниҳоят, чойхоначи лампа-чиронинг пилигини тортиб, бўйра-полосларини қоқиб, ўзига кўрпача сола бошлаганда, Мамат кириб борди.

— Самоворчи ака, ётиб қолсам майлими? — деди у ўзининг таваккалчилигидан юраги ўйнаб.

Чойхоначи лунжи осилган, паст бўйли, семиз киши эди, илжайишидан меҳри кўринди.

— Пулинг борми?

— ...Ётимхонаданман. Қишлоғимга борувдим...

Мамат ёлғонни дўндирганига ўзи ҳам қойил бўлди. Ёлғон жуда ярашиқ тушган эди, чиндан ҳам шундай бўлиши мумкин-да.

— Э-ҳа... — деди чойхоначи. Маматни кўздан кечирди. Маматнинг назарида, у хуржуннинг катта кўзига бир зум тикилиб қолгандай бўлди. Балки ундай эмасдир, балки Маматнинг ўз фикри-зикри қутичада бўлганидан шундай кўрингандир.

— Ётимхонанг қаерда?

— Симда, амаки.

— Оҳ-ҳо-о! — деб юборди чойхоначи осилган лунжини чўччайтириб. Бу ҳам Маматга шубҳаланишдай бўлиб туюлди. Лекин бу хавотир тез босилди, чойхоначи ёмон одамга ўхшамас, ўзи ҳам, сўзи ҳам қандайдир юмалоқ-думалоқ эди. Ҳозир Симга борадиган йўлни суриштириб олишнинг зап хонаси келган эди-ю, Мамат ўйлаб қолди: йўл-

ни билмасанг, қишлоққа қандоқ келгансан, деб сўраб қолиши бор.

— Кирақол бўлмаса, биз ҳам савобнинг бандасимиз, — деди чойхоначи, — ҳов устуннинг тагига чўзил.

Мамат сўрига чиқиб, устуннинг тагидаги бўйрага чўккалади-да, юкини ерга қўйди. Чойхона файзли, иссиқ, нон ҳиди келиб турарди. Зирқираган баданлари юкдан бўшаб, яйраб кетди. Энг даҳшатлиси тун, энг хавфлиси уйқу, деб кўнглидан кечириб келаётган эди, энди у мижжа қоқмай шундоқ ўтириб тонг отгиришга ҳам рози. Хуржунни ёстиқ қилиб, устидан мурсакни ёпди, халтанинг оғзини ечди, у-бу еб олиши керак.

Чойхоначи ҳам ётиш олдидан қўрдаги чойнакни олиб, қора чирогини ёқиб келди.

— Қани, мусофир, чойга кел, — деди наматга чорсисини ёйиб.

Мамат чўчиб тушди.

— ...Й-й-ў... раҳмат, амаки, талқоним бор...

— Кел, келақол, иссиқ чой ичмасанг, ҳордигинг чиқмайди.

Унинг қўлини қайтаришга ҳеч қандай важ йўқ эди. Лекин... хуржунни нима қилади? Унинг ёнига кўтариб бориб бўлмайди-ку? Қолдириб кетиш ҳам... Мамат юрагини ҳовучлаб, биринчи марта хуржундан узоқлашди. Қутининг туртиб турган биқинини бир ушлаб, устига эски чоригини бостириб қўйди-да, таваккал, чойхоначининг ёнига борди. Чойхоначи камгап эди, битта жоноқи олмани Маматнинг олдига суриб, чой қуйиб берди. Қумғончой ичиб ўрганган чўлиққа самовар чой ёқмадимми ёки хавотир олаверганиданми, чой ичгандай бўлмади. Фақат шунисидан кўнгли тўқ эдики, чойхоначи яхши одам экан, бир оғиз ортиқча гап сўрагани йўқ.

Лекин эндигина иккаласи ҳам ўз ўрнига ётиб тинчиганда учта улфат кириб қолиб, бунинг ҳиссасини чиқаришди. Бўзаҳўрликдан келишяптими, гап-гаштакданми, ишқилиб, беорроқ, суронли улфатлар экан. Чойхоначини бемаҳал оёққа турғизишди, биттаси саситиб наша эзди, биттаси нуқул бақириб гапирар эди:

— Ким у ётган, самоварчи?

Чойхоначи тушунтириб берди: етимча, шунақа-шунақа экан...

— Қани буёққа чақиринг-чи, бир чақчақлашайлик!

Маматнинг қўтир бошида сочининг томирларигача музлаб кетди.

— Қўйинг энди, мулла, шунча йўл босиб келган бола пақир. Сизга улфат бўлармиди, бир мишиқи.

Чойхоначи улфатларга қуюқ чой дамлаб, патнисда жиндак галвирак бодом билан уч чақмоқ қаҳрабо новвот олиб келди. **Наша ҳиди чиқди.**

— Қаёқдан биласиз... Эҳтимол хўжайинининг тилласини ўмариб қочаётгандир, — деди ҳалиги бақироқ, — ҳозир шунақангилар ҳам бор...

Мамат ётган жойида яхлагандек қотиб қолди. Бош остидаги қутининг қирраси миясига санчилиб кираётгандек эди. Ҳозир туриб қочиш зарур бўлса, бўғинлари ҳам дармондан қолди чоғи... Энди нима бўлади?

У шундай қалтираб ётганида чойхона бир қалқиб, нималардир жаранглаб кетди: улфатлар қаҳ-қаҳ уришар эди.

— Худо урсин агар! Ҳозир ҳамма касофат мишиқилардан чиқяпти, — деди бақироқ банги оғзидан бадбўй тутунни шифтга пуркаб. У аллақайси бойнинг уйига ўт қўйиб қочган хизматкори ҳақида бақириб гапирди, — ё камсомон қўяди отини, ё гвардия. Узи, сиз айтгандай мишиқи. Чилим борми? Топиб келинг.

Чойхоначи бечора катта боши билан ярим тунда қаёққадир югурди.

Мамат устун тагида хуржунини қучоқлаб, гужанак бўлиб ётар, бир нима қиладиган бўлса, илинган жойини тишлаб узиб оламан, деб бутун кучини бир жойга йиғиб ётганидан, вужуди бир тугундек кичкинагина бўлиб қолган эди.

Сершовқин улфатлар тонготарда чиқиб кетишди.

— Ҳузур-ҳаловот ўррилари... — деди энсаси қотган чойхоначи эшикка занжир соларкан. Самоварга олов ташлаб, жойига секин ёнбошлади.

«Ҳузур-ҳаловат...» деб пичирлади тун бўйи мижжа қоқмай қалтираб чиққан Мамат. Ҳузур-ҳаловат қолибдими? Унга энди ҳеч қаерда ҳузур-ҳаловат йўқ.

## 8. ШАҲАР

Мамат шаҳарни биринчи кўриши. Кўрмагани маъқул эди-е. Қишлоқ чойхонасидан чиқиб кетганида онда-сонда кўринган одам шарпасидан чўчиб, юрагини ҳовучлаб етиб келган Мамат бу ерда гуж-гуж одамга дуч келди. Қош қорайиб қолганига қарамай, кўчаю майдонларда қумурсқадай ёмирлайди-я, уёққа ўтади, буёққа ўтади, қаёққа бораркин бемаҳалда? Мамат ҳайрон бўлганидан елкасидаги катарли юкни ҳам эсидан чиқараёзди. Эсидан-ку чиқмайди-я, лекин энди қаёққа боради? Куни билан йўл юриб, тизвасида дармон қолмаган, товонлари тилиниб кетганидан тошкўчага оёқ босолмайди; чоригини кийиб олди-ю, аммо

оёқ бадтар зирқираб оғрияпти. Рах халта-ку тамом бўшаган, хуржунда лаънати қутининг ўзи, бироқ унинг бу қадар оғирлигини Мамат энди сезяпти. Бунинг устига, одамлар; мунча кўп булар! Бозорга ўхшайди-я, бир уёққа туртиб ўтади, бир буюёққа туртиб ўтади. Хайриятки, бари бепарво, сенда сарин қақалик иши йўқ, фақат ўз ташвиши билан шошгани шошган. Бўлмаса, Мамат ўздан хавотир олавериб, асаблари қақшаб кетарди. Энди анча «эти ўлиб» қимир этган шарпадан хавотир олишлар камайди. Баъзан ҳатто дуч келган одамдан бир-икки оғиз гап сўрашга ҳам журъат қиладиган бўлди. Хомболга ўхшаган букрироқ бир одамдан оташ араванинг қаердалигини сўраган эди, ҳалиги одам аввал ҳайрон бўлиб, кейин илжайганча Маматни бошдан оёқ кузатиб чиқди.

— Истансами?

— Ҳ-ҳа...

— Батта бўмайди истанса. Жалловотта, байдан тўрт кунлик йўл, — деди-ю, жўнаб қолди.

Ана холос! Ҳали оташ арава бу ердан юрмас экан-да? Маматнинг ичида аллақаерини мушук таталагандай бўлиб, олдинда ҳали бир умрлик йўл азоби бордек туюлиб кетди. Таталаган — очлик эди. Лекин Маматни ҳозир очликдан ҳам кўра, ётиб қолиш учун бирон жой топиш ваҳимаси босган эди. Тун яқин, катта нотаниш шаҳар, чойхона ўрнига нуқул шовқин-суронли қовоқхоналар, гузарларда маст-аласт. Мамат бир-иккита эшикни чертиб ҳам кўрди, уй эгалари шубҳа билан олайиб, шу заҳоти эшикни занжирлаб, дераза қопқоқларини тушириб олдилар. Шаҳар бу.

Юрай деса оёғи қизиб оғрийди, бирон ёпиқ дўконнинг олдида чўккалаб нафас ростлай деса, биронтаси, нима қилиб ўтирибсан, деб суриштириб қолиши бор. Елкасидаги манов тавқи лаънат бўлмаса эканки, суриштирганга боплаб жавоб берса! Ё олло! Қачонгача ўғридай жон ҳовучлаб юради? Бирон бадрафхонанинг ўртасига улоқтириб кетса бўлмасмикин бу фурбат юқини? Жони тинч, тўрт томони қибла, таралла-бедод, одам қатори юрарди!

Мамат биринчи марта инграб юборди. Чориг азоб берарди. Ичаги ичага ёпишиб, кечаги талқоннинг юқини сўрарди. Тунги аёз ҳам дийдирата бошлади. Чида! Чида, деди Мамат, тишини тишига босиб.

Кўчаларда одам товшалиб қолган эди. Ҳар қадами бир жазодай, чоригини судраб анча юрганидан кейин тун қоронғисидан сал шабада билан хирагина қувраб ётган култепага дуч келди. Ҳаммом яқин бўлса керак, гўлахонадан чиқариб ташланган кул иссиғига тортиб турар эди. Бун



дай жой холи бўлмайди, бежавотир эмас, албатта. Лекин Мамат кета олмади. Илик тортиб турган кулга келиб йиқилдию, бирпасда бутунлай эриб кетгандай, ғафлатга толди. Чида, чида, деб пичирларди уйқуга кетаркан.

Азонда барвақт уйғонган экан, қараса—атрофида ўн-ўн бешта ўзига ўхшаган етим-есир дайди болалар иссиқ кулда юмалаб ухлаб ётишибди. Буларнинг орасида безорилари ҳам бўлади албатта. Уларга ҳеч нарсада бас келиб бўлмайди. Шунинг учун Мамат аста туриб хуржунини елкалади-га, нарироқда мурсагини, дўпписини қоқиб, вақтида жўнаб қолди.

У ухлаб олиб, сал дармонга кирган эди, энди бир амаллаб нонушта қилиб олиши керак. Кўп юрмай гувлаган бозордан чиқди. Айни муддао. Қоринни фақат бозорда тўйдириш мумкин. Қопингда нима бор, деб биров суриштирмайди ҳам, бозор-учарчилик.

Чиндан ҳам, сарибозор майдонидан кириб бориши билан иштаҳани қутуртирадиган ҳар хил ҳидлар димоғига урилди. Аввал мурчу зира, аччиқ саримсоғу қалампирмунчоқ иси ёйилди, кейин обоки чалпак, қовоқ сомса, гўшткуйди бўй таратган расталардан ўтди. Бироқ бу ҳидлар толиққан меъдани бадтар ютликтирар эди холос. Даллоллар шовқини авж олган гавжум жойни оралаб ўтаётганида Мамат ҳолсизликдан гандираклаб кетганини ҳам пайқайди, бироқ унга йиқилиб қолиш мумкин эмас эди — у бунга ва елкасидаги хуржунни ҳар қадамда ҳис қилади. Бир бозорчи атторнинг ёнбошида қизил шираси оқиб, пашша ёпирилиб ётган тарвуз пўчоқларини ҳам кўрдию, анча қараб туриб, олишга журъат қилмади — бунчалигига ўрганмаган. Бой буваси унга сарқит едирмас эди. Ҳа, бой бува-я! Шу ёшга бориб у ҳам яшашни билмас экану, Маматга йўл бўлсин. Олтин елкалаб юриб, очидан ўлиб кетмасайди. Оғилхона йўлагидagi арқон калавотда ўтириб тут шиннига зоғора ботириб еганлари эсига тушса, бундай халёлларни тезроқ ҳайдашга уринар эди, бу ерда, бозор ғалағовурида овқат ҳақидаги азобли ўйларни ҳайдаб ҳам бўлмайди — бари кўз ўнгида, ўчакишгандай, ҳар қадамда рўпарасидан чиқади. Ғўзапоя бозорида Қўқон аравани лайлак қилиб қўйиб, соясига пўстак ташлаб ўтирган деҳқон нонушта тараддудиде эди. У хумчадаги ҳовури чиқиб турган жуварни гўжани қатиқлаб, баракали мусулмон қошиқ билан шундай тушура бошладики, Мамат таққа тўхтаб қолди. Бир-иккита шошқалоқ бозорчи беҳос туртиб ўтмаганда, деҳқоннинг олдида тиз чўкадиган ҳолатда эди. Хуржунни туртиб ўтганлар хушёр торттирди. Маматнинг ҳовўша офат йилларидаги етимлик бардоши бирдан қайтиб

келгандай бўлдию, оғриган жағидан сўлагини артиб, олдинга юрди. Йўқ, унга ҳозир биров билан танишиш ё дўст ортириш қўл келмайди. Дардманд топса, ёрилиб қўйишини ўзи билади-да...

Ииг бозоридан ўтиб, бешик растасида устунга суянди. Уёғи заргарлик эди...

Ҳожидўппи кийиб, чўққи соқолига хина қўйган, ойдай оқ юзли заргар бадавлат харидорига чой узатади. Ширин суҳбат орасида улар ойна тагида қора бахмалга терилган тилла тақинчоқларни таърифлайдилар. Мамат билибми, билмайми сал яқинроқ силжийди. Заргарга бошқа харидорлар ҳам келиб «ҳорманг-бор бўлинг» қилишади, қимматбаҳо буюмларга суқланиб, суҳбатлашишади. Мамат барини кўриб турибди: бахмалда шуъла сочиб ётган зулук зирак, румча балдоқлар, ёқутли исирға, тиллақошу зебигардонлар дам олиниб, дам жойига қўйиляпти—харид қилувчи кам. Кўпи савдолашиб-савдолашиб, бош чайқаганча кетиб қоляпти: қиммат. Мамат талпиниб-талпиниб қўяди, елкасини босиб тушган юкнинг оғирлигини ҳам унутиб, бутун бадани қизиб, ўй ўйлайди, гоҳо телбадай пичирлайди: «Хуржунимдагилар бундан қолишмайди! Лекин мен бўлсам, бундай қиммат сўраб ўтирмас эдим. Ақалли биттасини... арзимаган биттагина канаболдоқни.. Ярим баҳосига!»

Заргар дўконидан узоқлашиб кетаётган бойваччасифат бир харидорга қараб интилмоқчи эди, оёқ остида бир нима «қирс» этди: қараса — янги сумак. Бешикчи товон тўлатмасдан туриб жўнаб қолиш керак...

Мамат бу ердан четлашди. Лекин заргарлик кўз ўнгидан кетмасди. Ҳожидўппиликнинг тилла тишларини йилтиллашиб илжайишини эслаб, Мамат ҳам сал жилмайиб қўйди. Бозорнинг пошшоси деб ўйлайди ўзини. Билмайдикки, унинг бутун дўконини ола хуржунига ямоқ қилмайдиганлар бор! Мамат ўз «юки»га анча ўрганиб қолди. Энди мана, ғала-ғовурда ҳам қўрқмай юрибди. Айниқса, ҳозир кўксида ғурур ҳиссини сезиб, нимадандир дадилланиб кетди. Фақат сомсапазликдан келаётган ҳидлар қорин очлигини эсга солиб, куракдами, умуртқадами — қаердадир ичаклар ёпишган жой сўриб-сўриб оғрияпти. Бой буванинг биттагина пўпанаклаган ҳожи узугини арзон-гаровга сотиб сийиш катта гуноҳ эмас, албатта. Насиб бўлиб, етимхонага эсон-омон етиб борса-ю, бу мусибатларни яхшилаб тушунтирса, тенгдошлари ҳам уни кечирар эди эҳтимол. Лекин бошқа томони бор: у бадбахт узукни қандоқ пуллайди? «Қаердан олдинг?», «Қимники?», «Ўзинг кимсан?», «Отинг нима?», «Қаерликсан?», «Хуржунда нима бор?» Йў-ўқ! Чидайсан, Мамат. Бу саволларга жавоб беришдан

кўра, ҳар нарсага чидаган яхши, бўридай ув солиб йиғлаган яхши, очдан ўлган яхши. Балки ўша етимхонадаги гудаклар ҳам очидан ўлаётгандир. Бекордан-бекор... Маматнинг бўлса, арзийдиган сабаби бор.

«Арзийди!» деб қўйди Мамат юк босиб тушаётган елкасини сакратиб. Шилина бошлаган жойи ачишиб кетди.

Нарироқда одамлар тўп бўлиб, қаландар талқинини тинглашяпти. Шу баҳона билан, шилинган елкасига қиттак дам бериш учун Мамат, ҳам юкини қўлга олди-да жулдур одамлар ёнига бориб чўкди. Қаландар қаландар эмас, шунчаки тиламчи, лекин яхшигина машрабхон экан. Узоқ тебраниб, йиғлаб ўқиди:

На отам бор, на онам бор,  
Ҳеч кимим йўқдир менинг,  
Ҳар қаерда бекасу  
Бечорага ҳамхонаман...

Шу жойда Мамат ҳам ўксиб, кўзига ёш келди. Кейин эса йиғлабоқ юборди. Ўзига эрк бериб яхши қилган экан, бўшашиб, аъзон бадани илиб, ёнида мунғайиб ўтирган гаррибу ғуробо ўз одамларидай яқин кўриниб кетди. Кўзини енги билан артиб қараса, қаландар кашкулига тушган бир мирини бериб, ёнидан ўтаётган нонвой боланинг бошидаги савагдан нон оляпти.

Ё дўст, ё олло,  
Садақа — радди бало...

деб, иккита иссиқ нонни кир белбоғига жойлади...

Ўша бир мирини Мамат ўз кафтида кўргандай тасаввур этди. Ақалли шу қорайиб кетган бақир қўлида бўлса эди ҳозир... Яна йиғлагиси келиб кетди. Ичи гулдирар эди. Бу сафар ўрнидан туриши ҳам қийин бўлди, бўғинлари қалтирар эди.

У ўзи ҳам билмасдан яна ўша заргарлик растасига судралиб бориб қолди. Бу гал йўли дўконларнинг терс томонидан тушган эди. Бу ернинг ўз ивирсиқ дунёси бор: югурдаклар хушомадда, пихини ёрган далоллар харидорнинг қўлини юлиб олгудай сиқиб силкийди, паранжили ойимчалар буюртмасини сўраб келган... Шогирдларнинг бирида мисқол тарози, бири жажжи кўрачага дам тортади. Уста заргар ангушванадаккина қолипнинг кумуш тутқисидан ушлаб, унга эриган олтинни қуяди. Нозик ҳилол шаклидаги исирға дам ўтмай жаз этиб пиёладаги сувга тушади. Уни кичкина шогирд дарров пардозлаб ҳам чиқади.

Лекин ҳозиргина извошдан тушган хотинчалиш харидорга исирга ёқинқирамади. Чиндан ҳам яхши сайқал топмаган бежило, йилтилламае эди. Маматнинг қутисиде бу хилдаги исирғанинг шунақа антиқаси борки, кўзингни олади! Э-э, солиштириб бўлар эканми...

Мамат, дармонсиз тиззалари қалтираб, безовталанади. «Хотинчалиш харидорни муюшга имла,— дейди шайтон,— арзон берсанг, индамай гумдон бўлади». «Ҳай-ҳай, домиризқ бу, баднафслик билан бутун ишчи пачава қилиб кўйиш мумкин-а,— дейди Мамат шайтонга,— ишгина бузилса бир нав, жонинг хавф остида қолади, бола!»

У бутун кучу иродасини тиззаларига тўплаб, орқасига қайрилди, ўзича кескин бурилиб, бу ердан тез узоқлашаётгандек, лекин аслида оёқларини зўра судраб борар эди. Бозор қайнаб ётибди, бақириқ-чақириқ; ўғри-тўғри — ҳамма ўз насибасини қидириб, тинмай изғигани изғиган. Бир узун чакмонли, ичидан қат-қат белбоғ тангиган барзанги, шопмўйлов одам ориққина киссавур боланинг қулоғидан тортиб оломон орасидан чиқди. Бола кўкариб кетган, оёқ учиде йўрғалаб борар эди. Оломон қолмай эргашар, ким кимга хайрихоҳ — билиб бўлмасди. Иккаласи яна оломон орасиде кўринмай кетди, лекин киссавур боланинг томирлари тортишган кичкинагина аянчли юзи Маматнинг кўз ўнгиде қолди: қулорни узилиб чиқса, аҳволи нима кечади?

Бозор ҳамон беҳаловат, тинимсиз. Маматнинг гангиган бошига ғазабли ўйлар келиб кетди: ким бошқаради бу ғала-ғовурни, нима қайнатади? Ҳалигиндай барри тош барзангиларми? Соқолига хина қўйган ҳезимкаш дўкандорларми? Улар мунча керилмаса ҳам бўларди: Маматнинг уларни бутун бозор-мозори билан сотиб олишга кучи етади! Лекин у ҳам беором, бозор оралаб изғиб юрибди-ку? Қандай ўт қайнатяпти бу бозорни, одамларни изғитиб қўйган ким?..

Курак суягининг остида бир нима чўрдай жижиллаб, боши айланиб кетди. Белбоғдаги зоғора ушогини капалаб оғзига солгани — кеча эрталабмиди? Ё ўтган куними?.. Қаердандир седанали ширмон ҳиди келди. Нон бозоридан чиқиб қолмаса бўлгани, сўраб-сўрамай қўл чўзишдан ўзини тиёлмаслиги мумкин. Ё олло, имонини саломат қил... Кўзига бир нималар кўрина бошлади: қулоғи таг томиридан узилиб, юзи қора қонга қоришиб ётган киссавур бола... ё бу ўнгидеми?..

Ўзингни ўнглаб ол, Мамат, йиқилиб қоласан. Унда иш чатоқ...

У энди кийим-кечагини бозорга солиш учун ёймачилар

томонга юрди. Бу фикр қачон ақлига келди — ўзи ҳам билмайди. Майли, гап унда эмас. Хўш... Чориққа-ку ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамайди, албатта. Гилам дўппини ҳам яғир босган, харидор жирканиб бурнини жийирса керак. Эғнидаги мурсак-чи? Ҳа, мана шу раҳматли момосидан қолган кулранг мурсак жонига оро киради. Уни ечганида ёқалари тердан ҳилвираган йиртиқ кўйлақдан елка суяқлари чиқиб қолдию, лекин нима қилсин, бошқа илож йўқ. Ёймачилар қаторидан кафтдек бўш жой топиб, хуржунига ўтирди, мурсакни олдига ёйди:

— Кеп қолинг! Яп-янги...

Овози чиқдими-йўқми, ёки бозор суронига кўмилиб кетдими — билмайди. Унинг эсини огдирган нарса яна овқат ҳиди эди. Бу сафар мурчланган, тухум дўлмали йўтангза, қиймали лағмон ҳиди келди. Қараса — ёймачиларнинг илон изи бўлиб кетган эгри-бугри сафлари лағмонпазлигининг муюшига келиб кескин қайрилган экан. Мамат шу ердаги одамлар ўтиб турадиган бўш жойга ўтириб қолибди. Нарироқда кўн пешгирли ёшгина уйғур йигит қулочкашлаб лағмон чўзар эди. Орқасида катта қозон сезиларсезилмас буғланиб биқирлайди...

«Қочиш керак...» деган фикр келди Маматнинг кўнглига. Лекин ўрнидан туролмас, нимадир сеҳрлаб қўйгандай, тепасидан оғир босиб турарди... Бу маҳал унинг рўпарасида юзлари ўчоқ оловида қизарган ҳалиги уйғур йигит пайдо бўлди. Мурсакни икки қўллаб олиб, эгнига тортиб чамалади. Унинг кўкраги кенг эди, заифона мурсак кўксининг ярмини ҳам қопламаганини кўрган Маматнинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Ситилиб кетибди...— деди йигит, лекин мурсакни ҳамон қўлдан қўймай, ниманидир чоғлар эди.— Нач пул?

Маматнинг сўник кўзида умид йилтиллади.

— Менга пул керак эмас, охун ака,— деди у,— мусофирман, белбоғимга тўртта нон қистирсангиз бўлгани...

Тўртта... нега тўртта? Яна тўрт кунлик йўлни мўлжал олдимми? Ҳай, оз бўлса оздир. Лекин кўп сўрамади чоғи: «охун» кетмади, чўчимади ҳам, қайтага нима учундир Маматга қараб илжайди:

— Юр-чи...

Маматни лағмонхонага етаклаб кириб, сўрига ўтқизди. Бирпасдан кейин, буғланиб, аломат ҳид бурқиб турган бир коса лағмонни олдига олиб келиб қўйди.

— Биз нон ёпмаймиз, шуниси еб ол.

Ширин ҳидлар бутун вужудини бўшаштирган Мамат ўзини йўқотаётган эди, «охун»нинг гапи қулоғига кирганда бир талпиндию, эътирозини айтолмади: икки қўли би-

дан сопол косанинг иссиқ ёноқларидан маҳкам ушлаб қўйган эди, энди уни қўйвориш қийин.

Момонинг мурсаги «охун» йигитнинг қўлида кетди. Эртасини унутган Мамат очкўзлик билан косага ёпишди..

## 9. ТУШ

Қорин тўйгандан кейин Мамат бозордан чиқди. Бозордан чиқдию, шаҳардан чиқиб, кетолмади. Номаълум йўл учун белбоғда ҳеч бўлмаса яримта нон бўлиши керак. Бунинг устига қош қорайиб қолган эди.

Бозорнинг ғала-ғовуридан кейин кимсасиз теракзор кўчадаги намозшом жимлиги Маматнинг елкасидан оғир босиб тушгандай, бирдан бўшаштириб юборди. Кунни билан очлик тетик торттириб юрган эканми, охун йигитнинг мазаги чўзма лағмони бутун вужудини элтиб, маст уйку босиб келди, оёқлари каловланиб, кўзи юмилиб кетаверди. Яланғоч терак шохларида зағчалар қўнолға талашиб ивирсигани элас-элас қулоғига чалинар, боғ кўча эканми — одам шарпаси сезилмас эди. Мамат қоронғида ҳазон уюмига қоқилди-ю, кўнглидагидек юмшоққина юз тубан тушди. Гавдасини кўтариб оёққа туришга ҳам, катта кўча йўлкасида ётиб қолишнинг хавф-хатарини ўйлаб ўтиришга ҳам қурби етмади. Хуржунни қучоқлаб, илиқ сувга шўнғигандай пинакка кетди, жони ором оғушида, ўзи шивирлар эди жиндаккина... мен биламан — мумкин эмас, лекин озгина, қиттаккина...

Унинг «жиндаккина»си саҳаргача давом этди. Узоқдан сўфининг овози эшитилганда, ич-ичидан қалтираб ўрғидан турди. Қараса, ҳазон уюмларини қиров қоплаган, атрофида нотаниш шаҳар мудраб ётар эди. Тиши тишига тегмай қалтираётган Мамат эгнидан сарғиш, нам терак япроқларини қоқиб, қуш уясидай, чуқурча бўлиб қолган иссиқ ўрнига маъюс жилмайиб боқди-да, хуржунни елкалаб, юриб кетди. Энди эгнида иссиқ мурсак йўқ эди, эвазига келган бир коса лағмон ичдан иситиб уни тунги совуқдан асради. Лекин у ҳам бу совуқ кечада аллақачон юқиб кетганга ўхшайди. Эртага-чи? Мана биринчи қиров ҳам тушибди. Энди нима бўлса ҳам поездга етиб олиши шарт. Унинг ўтхонаси бўлади дейишади, иссиқ бўлса эҳтимол. Шунинг учун шу атрофда бир илож қилиб иккита нон топиб, истанса қайдасан, деб тезроқ жўнаб қолиш керак.

Теракзор кўча анча узун экан, гузарга чиққунча Маматнинг қалтироғи қолди, исиб кетди. Ариқда юз қўлини

чайиб, тўрт томонга қараб кетган, онда-сонда одам кўри-  
ниб қолган чанг йўлларга аланглади. У бошида яланғоч  
қирлар, тепаликлар кўриниб турган олчазор кўчага кирди.  
Эшиклар ҳали ёпиқ эди. Мамат бирининг тирқишидан  
мўралаб, бирига аста қулоқ осиб, чертгани юраги дов  
бермай, анчагача тентиради. Ким билади, бу ҳовлиларда  
шунчаки аҳволингги айтсанг, битта нонини аямайдиган  
яхши кишилар ҳам бордир балки. Лекин одамни билиб  
бўлмайди-да...

Бир эски, оғир, ўймакор эшикни таваккал қилиб қоқ-  
ди. Узига тўқ хонадонга ўхшайди, балки шундан ёруғлиқ  
чиқар. Ичкаридан аввал кўксодек йўтал, кейин «ҳозир»  
деган беҳафсала товуш эшитилди.

— Ака, дастёр керак эмасми? Утин-чўп териб кела-  
ман...— деди Мамат.

Дарвозахонада елкасига пахтали тўн ташлаган, жун-  
дор кўкраги очиқ, гўлабирдай, иштончанг, бадқовоқ бир  
одам кўриндию, индамай, оғир эшикни тарақлатиб ёпти.

Мамат тезлаб кетди. Бунақасидан узоқроқ бўлгани  
маъқул. Доми ризқ, дейдилар, қўлга тушиб ўтириши бор.  
Агар бахтинг кож келса, атала дандон синдирар. Ҳушёр-  
ликни бой берма, Мамат.

Кўчанинг у бошида яна бир эшикни қоқди.

— Дастёр керак эмасми? Утин-чўп териб келай?

Ичкаридан овоз чиқмади. Пахсаси нураб кетган экан,  
ночоргина ҳовли кўриниб турибди, ҳеч ким йўқ.

Шу пайт кўчанинг нариги бетидан товуш келди:

— Ҳой, бола!

Қараса, худди раҳматли момосига ўхшаб, эски бах-  
мал камзул кийган кампир рўмолининг учи билан даҳани-  
ни тўсиб, имлаб турибди. Мамат дарров кўчани кесиб ўт-  
ди.

— Во-ой, ушоққина экансан, болам...— деди кампир  
ушга ачингандай тикилиб.

— Нима эди, хола?

— Дастёр керакми, деганинга... кундаков керак эди.

— Кавлаймиз, хола! Теракникими?

— Теракники-да, болам, бақатерак эди, қурбинг кел-  
мас.

— Келади, хола, келади, қани кўрсатинг!— Мамат  
ғайратланиб ҳовлиқиб кетди: момосига ўхшаган бу кам-  
пирнинг овозидан дилига иссиқ югуриб қолган эди.

Кампир унинг қўлидан келишига ишонмади-ю, лекин  
боланинг чин кўнгилдан чираниши ёқди. Жилмайиб, ичка-  
рига бошлади, ҳовли этагидаги иккита катта кундани кўр-  
сатди.

— Бошлаймиз,— деди Мамат хуржунни ариқ ёқасига эхтиётлаб қўйиб.

— Бошлайқол, борака топкур,— деди кампир яна жилайиб. У билар эдики, бақатеракнинг томирини топиш учун супадек жойни кавлаш керак, болага бу камида уч кунлик иш. «Бошлайқол, болам», деди. Кампир ногирон набираси билан ёлғиз ўтирар экан, ҳовлида бир тирий жон қимирлаб туриши унинг учун жуда муҳим эди чоғи.

— Кетмон билан болта... ана қазноқда, болам,— деди да, ўзи айвонга ўтиб кетди.

Бир уй, бир айвонли жой анча ночор, хонадонда эркак йўқлиги нураб тушган бўғотлару, ўт босган ариқларданок билиниб турар эди. Кампир набираси билан ниманидир қувониб гаплашар, ўчоқ бошида тинмай ивирсир эди. Набираси жуда ёш бола эканми, овози ингичка, заиф эшитилди.

— Заррагул, сени ҳозир айвонга олиб чиқиб қўяман. ақангни ишини томоша қилиб ўтирасан,— деди кампир.

«Заррагул...» Қиз бола экан-да. Қасалми, нима бало? Унинг «ака»си чориқнинг «орзи»ни каноп билан боғлаб олиб, ишни бошлаб юборди. Қиров кўтарилган, ер намчил, юмшоқ эди. Мамат бирпасда анча тупроқни ағдариб қўйди. Бақатеракнинг тарвақайлаган илдизлари ҳали анча чуқур бўлса ҳам, иш юришиб кетганидан хурсанд эди.

Тушлиқда кампир бир коса гўжа иситиб чиқди. Мамат ишчан қиёфада қўлларини чайиб, айвонга ўтди. Кунгай бурчакда оёқларини кўрпачага ўраб Заррагул ҳам ўтирар эди. Лабида сариқ жездан чанқовуз, ҳазин бир куйни эринмай, қайта-қайта машқ қиларди. У унча «ёш бола» эмас 12—13 ларга кирган қизча экан, фақат овози шунақа заиф, бетобликдан бўлса керак:

— Қайси худо ярлақаннинг жигарисан, болам?— сўради кампир Маматдан, сал нарироқда устунга суянганча чўккалаб ўтириб. У бармоғини дунжигга тираб, Маматнинг эркакларча иштаҳа билан овқат ейишига ҳавас билан тикилар эди.— Кимни қора тортиб бу ерларда юрибсан?

Кампирнинг мушфиқлиги овозидан сезилиб турар эди. Ҳамма вақт бундай саволлардан таҳликага тушиб юрадиган Мамат бу гал хуржундаги қутидан бўлак ҳамма нарсани, ҳамма воқеаларни қисқача сўзлаб берди. Косани ялаб ўрнидан турди ҳамки, унга меҳри тушиб қолган кампир ҳамон гапга тутарди.

— У етимхона деганинг сенга асқотармикан, болам...

— Ҳой, пешонангни худо очсин.

Кечгача Мамат кундани анча очиб қўйди. Эртага ўқ то-



мирларини ҳам топиб қирқса, ағдаради, худо хоҳласа. Лекин аъзон бадани шундоқ зирқираб оғрир эдики, қаерда ётиб ухлаб қолганини ҳам эслолмайди. Эрталаб қараса, эчки боғланган бостирма тагидаги хашак орасида хуржунини қучоқлаганча иссиққина бўлиб ётибди, тепасида эса пақир ушлаган кампир жилмайиб турибди.

— Жой солиб берай десам, ётиб қолган экансан, уйғотмадим. Чарчабсан, болам. Яхши ётиб турдингми?

— Жуда яхши ухладим, хола, қуллуқ.

Мамат ёнидаги хуржунга ҳайрон: уни қачон олиб келиб бош остига солганини эслолмайди: бу фалокатни қучоқлаб ётиш унга ғайриихтиёрий бир одат бўлиб қолди чоғи. Мамат ўзича жилмайиб қўйди. Бу ерда хавотирланмаса ҳам бўлади, жони тинч. Кампир ҳам содда, унга кундани кавлаб чиқаришдан ҳам кўра, Маматнинг ўзи билан гаплашиб ўтириш қизиқроққа ўхшайди. Ҳали ишнинг тайини йўқ, эчки сутидан ширчай қилиб нонуштага чақирди. Заррагул кечаги жойда офтобда қизиниб ўтирарди.

— Сизни кетиб қолдилар деб қўрққан эдим,— деди у ёш боланикидай ингичка овози билан. Мамат ялт этиб қаради: «Қўрққан эдим!» Нега қўрқади? У қизчанинг рангпар, нозик юзига тикилиб боқди. Қизча ингичка қора қошларини баланд кўтариб кулимсиради.

— Кундани ағдармасдан кетмайман, Заррагул,— деди Мамат.

— Ундан кейин-чи?

Қизчанинг овозида ҳазин ёлбориш оҳанги бор эди. Мамат нима дейишини билмай, ҳайрон бўлиб қолди.

— Ундан кейин ҳам кетмайман, Заррагул, сен билан гаплашиб ўтираман...— деди бошқа жавоб тополмаганидан.

Кунда бугун ҳам ағдарилмаса уят бўлар, деб Мамат тушликка бормади. Атрофида қизғиш тупроқ уюми, белдан келиб қолган эди.

Шомда уст-бошини қоқиб айвонга ўтса, Заррагул йиғлагудай бўлиб ўтирибди. Қизчани эрталаб ортиқча умидвор қилиб қўйган экан, қаттиқ ичкикибди кутавериб.

— Заррагул, нега кириб ётмадинг?

— Ётмайман, гаплашиб ўтираман дегансиз.

Унинг зардали овозидан Мамат ғалати бўлиб кетди. Қўлидан ушлаб, сочини сийпаб юпатгиси келди. «Қичкинагинам... Шундай бир синглим бўлсайди...» деди ичида ўқиб.

— Заррагул, қаеринг оғрийди?

— Оёғим. Кўкламда тузалади. Табиб амаки айтганлар.

Кўкламда шундай ўт ўсар экан қирда. Дори ўт. Бувим уни топиб келадилар, иннайкейин...

Бу ҳам ҳамма қизчалардай қақилдоқ экан, тўхтатиб бўлмайди-я. Мамат қизнинг чиройли чимирилган қошларига қараб, меҳр билан жилмайди.

— Иннайкейин... сиз кетиб қолмайсизми?

— Мен ўша баҳорда, сен опоқ бўлганингда яна қайтиб келаман, Заррагул...

— Алдоқчисиз...

Кампир келиб суҳбатни бўлди.

— Ҳай, қиз ўлмагур, аканга унақа дема, ўргилай болам. Юр, жойингни солганман,— деб Заррагулни кўрпачаси билан даст кўтариб олиб кириб кетди.

Мамат ҳайрон эди: пардай енгил экан, бечорагина. Ҳадди сизса, Мамат уни қўлида кўтариб юриб, тузатиб оларди. Ширин овози қулоғида, яна аллақандай дардли, бегуноҳ поклик жозибаси кўксида қолди.

— Сенга шу айвонга жой қилдим, болам,— деди кампир чиқиб.— Кеча огилхонада ётиб қолиб зап уялтирдинг...— у Маматнинг юз-кўзида ғуссали хаёлчанликни пайқаб, ёнига келиб ўтирди. Устунга осиглик лампа-чироғ айвонни хира ёритиб, чирсиллаб ёнар эди.

— Мушкулинг бўлса, айт, болам...— деди кампир секин.— Сенга меҳримиз тушиб қолди. Кўнглингда бир дард бор, сезиб турибман.

— Йўқ, хола...

— Уша етимхонангга ҳам оёғинг тортмаётганга ўхшайди.

— Нимага, хола...

— Сен ҳам етим экансан, биз ҳам етим... Қола қол. Онанг ўрнида она бўлай. Мана, ҳовли-жой сеники. Заррагул ҳам сиҳат топиб кетар... ҳадемай катта бўлади. Кўнглинг бўлса уйлаб қўяй. Яхши қиз Заррагул, эсли.

— Ҳа,— деб юборди Мамат беихтиёр. Лекин кейин дарров ҳушини йиғиб, қўл силтади, орқароққа силжиб ўтирди,— йўқ, йўғ-е, хола, нималар деяпсиз...

— Яхши йигитча экансан...

— Йўқ, сиз мени билмайсиз, хола, мен...

— Ёқмадик сенга...— деди кампир ва жим қолди. Мамат ҳам жим эди. Лекин фақат юзаки, ичида эса — ғалаён. Дам ўзини сўқади: бир коса гўжага кунда кавлаб, балога қолиб ўтирмаса ҳали! Дам яна бўшашади: «Ёқмадик...» Жуда ёқдинглар, холажон, ёққанда қандай! Ёқдинглар-у, қани энди қола олса! Ҳозир муруватпешалик кетмайди-да унга. У ҳозир хуржундаги қутининг қули!

Кампир қашшоққина дастурхонни йиғиштириб, туриб кетди.

— Нон-насиб, болам. Паловига қарздормиз, — деди йиғи товушида. Кейин чироқни пуфлаб ўчирди. Унинг овози қаровсиз ҳовлига чўккан шу кузги тундек ҳазин эди. Мамат энани хафа қилганига юраги ачишиб, наматга ўзини ташлади. Салим чорванинг қутисини лаънатлаб, анчагача дам у ёнбошига, дам бу ёнбошига ағдарилиб, тўлғаниб ётди. Заррагул аста чанқовуз чалар эди. Чанқовузнинг заиф, мунгли овози узоқларда қўй-қўзиларнинг маърашига қўшилиб кетди. Маматнинг кўзи чалинган эди.

...Тушида карнай-сурнай, ажойиб маросимда юрганмишу, негадир бели зирқираб огрирмиш. Кейин, билса, ўша қутиданмиш. Ўша юк огритаётган экан. Бор-э, деб қутипутиси билан сотиб, кампир энанинг бўғотларини шуватиб, ёнига қўша-қўша уй-айвонлар солдириб, кунданинг ўрнини гулзор қилибди. Чунки, бу унинг тўйи эмиш. Заррагулга уйланаётган экан. Кампир бирам хурсанд, бирам хурсанд.

— Момо, мурсагингиз қани? — дермиш Мамат нуқул. Бу чиндан ҳам унинг момоси эмиш.

— Мен шу ерда қолдим, мен ўғлингиз бўламан, ҳамма тиллаларимни сарфлаб, Заррагул билан иккингни бахтли қиламан, хола, йиғламанг! — дермиш Мамат. Кампир ҳамон йиғлармиш.

Мамат саҳарда кўзини очса, нарироқда кампир ҳақиқатан ҳам йиғлаб ўтирган экан. Лекин Мамат унга қараб илжайди. Ажабо, мунақаси фақат тушда бўлиши мумкин. Мамат нимадандир хавотир олиб, бош остидаги қутини пайпаслаб кўрди. Тур, бандан рофил! Тезроқ жўнаб қолиш керак.

Кампир унинг ивирсиганини пайқаб, ёнига келди:

— Нима берсам рози бўласан, болам?

— Иккита нон, хола. Йўлга иккитагина нон, кейин оқ фотиҳа беринг.

— Иккита?

— Ҳа, едим-ичдим, яхши гапингизни эшитдим. Худо қувват берсин, неварангизнинг бахтини кўринг.

Кампир ўйлаб туриб, ичкарига кирди. Заррагулни уйғотиб қўймаслик учун, оёқ учида қайтиб чиқди. Қўлида тўртта нон, ўлиб кетган ўғлидан — Заррагулнинг отасидан қолган сурп яхтак, белбоғ, эски этик...

— Жанда бўлса ҳам, ганда бўлмасин, деганлар. Қийиб ол, куз салқин келяпти...

Маматнинг кўнгли тўлишиб кетди-ю, билдирмади. Яхтак узунроқ экан, лекин белбоққа тортиброқ кийилса би-

линмайди. Этик... эркакка этикнинг катта-кичиги бўлмайди. Аммо нонни иккита дедими иккита! Тамом! Ортигини олмайди.

Қампир бу бегона етимчани кўксига босиб, пешанасидан ўпгиси келди-ю, «ясаниб» олган Мамат ўзи билан банд эди. Эна чўккалаб дуо қилиб, фотиҳа берди.

— Омон бўлсак кўришармиз, мен Заррагулни кўргани келаман, хола. Йиғламанг.

Хола сассиз йиғлаганча орқасидан термулиб қолди.

## 10. «МАСТРАПЛАР»

Мамат бирпасда қир ошиб, дала йўлига чиқиб олди. Узоқда уфқ бўзариб, куз офтобининг совуқ мис баркаши кўринди. Лекин ҳали тиккага келса иситиворади — ҳавонинг тозалигидан, тут қаторларига илиниб қолган мезон толаларидан билиниб турибди. Мамат бундай эрталарни кўп кўрган: қиров, софлик, мезон ипаги — ҳамма вақт куннинг баракали бўлишидан нишона.

У бугун анча йўл босишни мўлжаллади. Қорин тўқ, оёқ бут, дам олиб олган; белбоғда, шукур, нон бор, кун яхши. Энг муҳими — ниманидир енгиб ўтгандай, ўзидан мамнун, руҳи енгил. Энди буёғига ҳам омад панд бермаса бўлгани. Омаддан умид узмагин-у, лекин ўзинг ҳам бўш келма, деганлар. Бундан буён қишлоқлардан, катта йўллардан четлаброқ юриш керак. Одамлар яхши-ю, лекин унча киришиб кетишнинг хосияти йўқ ҳозир. Вақти келиб Мамат ҳам ажойиб дўстлар орттирар, дуч келган билан эл бўлиб, тўйгунча чақчақлашар, Симда уни ўзига ўхшаган уч юзта оч-юпун етим-есир кутиб турибди. Улар Маматни бошларига кўтаришади, ўзлари билан бирга ўқишга олиб қолишади, чунки Мамат уларга нажот элтаяпти.

Кун билан ёлғиз йўл юриб, роса ўй сурди. Қишлоқларга кирмади, дала-қирда сўқма йўллардан юриб, хушбўй бедапояларни ёқалаб ўтди, ўтлоқларда ювош тойчоқларнинг ёлини силади, муздек булоқ сувларига нон ботириб еди, сарғайган тутзорларда ўгириб, пайтавасини қайта ўради, нафасини ростлади, кимсасиз бир чакалакзорда жиндек мизғиб ҳам олди. Лекин одамсиз қийин экан, юриб чарчамадию, бир оғиз гап қотадиган кимса бўлмаганидан сиқилиб, руҳи толиқиб кетди. Шунинг учун, қош қорайганда узоқдаги қир этагида милтиллаб кўринган ўт юрагини ҳовлиқтириб юборди. Бу — подачи болаларнинг гулхани. Мамат буни ўзигагина маълум бўлган қандайдир бедгилардан сезиб-таниб турибди. Қировли майсани қиртишлаган от гижинг бўлади, сирти диркиллаб туради, де-

ган ақида бор ишқибоз уюрчиларда. Шунинг учун одатда пода қайтгандан кейин ўсмирлар бунақа жойларда йилқи тушовлаб гулхан ёқишади, қўрга думбул кўмиб, бия сути ичиб олиб, бўридан, қизлардан гап очишади, гоҳо далада ётиб ҳам қолишади. Гулхан атрофидаги бундай кечаларнинг гаштини яхши билган Мамат ўзини тиёлмай, узоқдан бўлса ҳам бир кўрай деб, ўша томон юрди.

Борса, чиндан ҳам шундай — гулхан чирсиллаб ёниб ётибди, тун қўйнида тушовланган отларнинг шарпаси эшитилади, лекин ўсмирлар иккитагина: жиддий юзларида гулхан шуъласи ўйнайди, бири чўккалаганча гулхан чўғида тикилиб ўтирибди, бири ёнбошлаб олган. Бия сути ҳам йўқ, гап ҳам қизлар ҳақида эмас...

Меҳмон билан танишгандан кейин, яқинроқдаги чопиб ташланган кузги томорқадан қизилча топиб келиб кулга кўмишди. Яхши болалар экан. Ёнбошлаб ётгани (қизилча ковлаб келган ҳам ўша) шалпангқулоқ, юзига бўжама тошган, хунук бўлса ҳам эсли, оғир. Этаги судралиб юрган эски чопонини Маматга ҳам етадиган қилиб ёйиб солди. Наригиси жуда ориқ, ёши кичикроқ бўлса ҳам феъли тез, баджаҳл бола эди. Маматнинг қаёққа кетаётганини билибоқ, заҳарханда қилди:

— Поезга эмиш... Поезни куйиб кетганини эшитмаганмисан? Яхшиси — орқанга қайт, бола.

— Поезд эмас, истанса ёнган, — деди каттаси. — Поезд темирдан бўлади, темир ёнармиди?

— Уч кечаю уч кундуз ёнган, тутуни Ушгача етган дейишади.

— Вагон ёнган, истанса ёнган, билдингми? Темир ёнмайди. Поезднинг изи ҳам темирдан, ўзим кўрганман. Бо-равер, оғайни, насибанг ўша ерларга сочилган бўлса, бир бало қилиб етиб оласан. Фақат кечаси кўчада юрма, Жаллоботта кечаси юрганларни тутиб олиб кетяпти экан.

— Нима, босмачи борми?

— Босмачи эмас, мастраплар\*.

— Улар қанақа?

— Ҳаммаси бир гўр! — деди баджаҳл бола.

— Булар казак соллотлар, — деб тушунтирди каттаси, — яхши кийинган, отлиқ, «Здрас-пажалиска» қилади. Лекин болаларни найзага олишар экан. Холдор холани қизил аскарнинг онаси деб эмчагини кесишган... Улиб кетди шўрлик.

---

\* Оқ гвардиячи офицер Монстров бошчилигидаги «Дехқонлар армияси» деб аталган аксилинқилобий кулак-казаклар қўшини бу жойларда Мадаминбек билан бирга иш кўрган.

— Сен кўрганмисан?— деб сўради Мамат.

— Бизнинг қишлоққа келишганда, қизиллар бир тир-қиратган эди уларни. Яна келишаётганмиш.

— Энди нима қиласизлар?

— Бувим уйда ўтираверади, қариб қолган, мен дўноним билан қирнинг орқасида... Мастраплар гумдон бўлгунча куним ўтар... Лекин мана бу Эргашга қийин. Дада-си қизил гвардияга ёзилиб кетган. Энди ойиси билан буни яшириш керак, шунинг хаёлини қилиб ўтирибмиз. Сен келган томонлар тинчми?

— Тинч, тинч! Эргашни ойиси билан ўшаққа юборинглар. Мен бир ҳовлида кундаковлик қилдим, ўша ер...— Мамат кампир энанинг ҳовлисини қандай топиб боришни узоқ тушунтирди. Кейин Эргашга зимдан қараб қўйди: «Заррагулга кўз олайтирмасмикин?..»

Бу маҳал кулга кўмилган қизилча ҳам юмшаб қолган эди. Эргаш пичоқ билан пўстини артиб, ўртадаги чипта қоп устига тилим-тилим қилиб териб қўйди, қип-қизариб кетган бармоқларининг учини бир-бир ялагач, пичоғини ҳам қопга артиб қинига солди. Бундай ишни биринчи марта қилаётгани йўқ чоғи. Унинг деҳқонча устамонлигига ҳавас билан қараб турган Мамат ҳам қийиғидан битта нон олиб саҳийлик билан ушатди. Улар бир-бирларига жуда ёққан эдилар. Жимликда тамадди қилишди.

Гулхан биқсиб қолган, нарироқда отларнинг пишқириши эшитилар, Маматни ваҳимали ўйлар босганидан, чала пишган қизилча оғзида маза-матрасиз туюлар, иштаҳасиз чайнаб, хаёл сурар эди.

Болалар қўри ўчган гулхан атрофига чўзилиб уйқуга ҳам кетишди, Маматга ҳаловат қайтиб келмади. Бу йигит-чалар жойини топар, иккаласи ҳам эсликкинага ўхшайди, режаларини олдиндан ўйлаб қўйишибди; лекин Маматнинг танлайдиган йўли йўқ. У орқага ҳам қайтолмайди. Таваккал қилиб, лекин энди ўн бор эҳтиёткорлик билан олдинга силжиши керак.

Шунинг учун пайтавасини гулхан тафтида сал иситиб қайта ўради-да, этикни тозалаб кийиб, кечасиги қировда оғирлашиб қолган хуржунни яна елкасига ташлаганча, тонг қоронғисида аста йўлга тушди.

Хайр, яхши болалар, раҳмат. Омадларинг келсин.

Мамат қишлоққа кирмаслик учун айлана йўлдан, мол-пода сўқмоқларидан юрди. Сўқмоқ жуварипоя билан жарлик орасидан пастлаб борарди, кўз қоронғуликка энди ўрганганда узоқда уфқ бўзара бошлади. Мамат арава йўлига чиқди, тўпикдан келадиган чангни тунги шабнам ҳам босолмаган эди, тўзон димоққа урди.

Кўп ўтмай олис-олислардаги гужут дарахтлар, яккам-дуккам чайлалар, қўрғонлар қорайиб кўзга ташланди. Қуёш кўтарилганда узоқдаги катта йўлдан аллақандай отлиқлар йўртиб ўтди, Мамат уларнинг изидан кўтарилган оғир чанг булутига хавотир билан тикилиб қолди. Қаёқлардандир куюк иси келарди. Одатда кигиз ўтовга ўт тушса, ёки оғилхона ёнса, шундай ҳид таралади. Шубҳасиз, олдинда шаҳарчами ёки катта қишлоқ бор эди. Унинг ким қўлида эканлиги номаълум. Айланиб ўтиш йўлини эса яқинроқ боргандагина аниқлаш мумкин.

Чиндан ҳам, қуёш оққанда Мамат чиқиб борган тепаликдан шаҳарчанинг узоқ-узоқларга ёйилиб, уфққа туташиб кетган чегаралари кўринди. Бунга айланиб ўтиш учун бутунлай бошқа томонга, ҳатто, аввал орқага қайтиш керак эди. Шаҳарча қандайдир яланғоч, дов-дарахтсиз, бир қаватли уйлар бетартиб, сийрак жойлашган, кимсасиз кўчаю майдонларнинг эса офтобда чанги чиқиб ётибди. Мамат томорқалар оралаб, чекка кўчалардан бирига чиқди. Мана жимжит, қаровсиз гузар, икки акас соясида ҳазони супурилмаган пачоқ сўрилар, пастда бузуқ тегирмон канорасида бир ариққина тиниқ сув шилдираб оқиб ётибди. Маматнинг шу сувдан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичгиси келди-ю, пастликка тушиб ўтирмади — очиқ жойдан тезроқ ўтиб кетиш маъқул эди. Чунки нарироқдаги тошкўчадан яна бир отлиқ ўтиб кетди. Отнинг тапур-тупури гўё бутун шаҳарни бузгандек эди. Туёқ товуши тинганда Мамат ўзини девол соясига олиб, бошқа кўчага юрди. Юраги бир нимани сезгандай, ваҳима босарди. Жимжитликнинг ваҳимаси ёмон бўлади. Мамат ўзи ҳам билмай, саросимада кўчадан кўчага югура бошлади. Ўзи ёлғизликдан, жимликдан қочаётгандек-у, шарпа сезса, бир товуш эшитса, чўчиб орқага тисарилади, панага писади.

Ўзингни бос, Мамат, бу юришингда оддий ўткинчи ҳам сени кўриб гумонсираб қолиши мумкин!

У ўзини боса тушиб, катта кўчада девол ёқалаб бораркан, олдинда қандайдир овозлар эшитилгандай бўлди. Қизиқ, бу ерда ҳар қандай овоз қутсиз, совуқ эшитилар, баданни жимирлатар эди. Сал нарида, кўндаланг кўчадан яна ҳалиги отлиқ (ўшами, бошқасими?), кетидан бешта казак солдат бир тўда ўпоқ-сўпоқ, ювиқсиз жулдур болаларни олдига солиб ҳайдаб ўтди. Мамат ўзини дарров панага олди. Казаклар... ҳаммаси кўк тасмали шапка кийган, этиклари чанг, белда қайиш камар, «здрас-пажалиска...» Эргаш айтган «мастраплар» — шулар, бу аниқ. Лекин манави шўрлик жулдурвоқилар нима иш қилиб қўйдийкин? Ё ўғри, киссавурларми?..

Ҳар ҳолда, нарироқдан юриш керак. Мамат жинкучаларда изғиб юриб, яйдоқ майдондан чиқиб қолди. Бирдан қулоғига урилган қий-чувдан беихтиёр орқага чекинди. Бироқ майдондан кўзини ололмасди: унинг нариги четигаги баланд девол бўйида ҳалигиндай болалар тирбанд. Саллотлар яна бошқа кўчалардан ҳам тўп-тўп ҳайдаб келиб, катта тўдага қўшар эдилар. Олдилари эса тахта тўсиқ билан айлантириб олинган. Катта-кичик, яланг оёқ, кир-қўтир, жулдур болалар девол бўйлаб гуж бўлиб, ғимирлаб ётар эди. Бутун шаҳардан: бозордан, вайроналардан, ҳаммому кулхоналаридан, хумдонлардан тутиб келишяпти чорги буларни, бари кўча-кўйда юрган ўғри-тўғри қаровсиз болалар... Ёки етимхонага олишяптими?...

Нима бўлса ҳам, бу манзаранинг Мамат учун хосияти йўқ. Секин гумдон бўлиш керак.

Мамат оёқ учиди ён кўчага ўтиб, муюлишга қайрилмоқчи эди, аллақаяқдан эшитилган отлиқлар дупури уни тақатақ тўхтатди. Ёнгинасида пайдо бўлган бирини сезмай қолди. Қараса, жезмўйловли, чиройлигина офицер. У эгар устиди туриб эгилганча Маматнинг қулоғидан шундай ушлаб тортдики, офтоб бирдан ўчиб қолгандай, бутун олам қоронғилашиб кетди, зимистонда нимадир «чинг-чинг!» этиб, учқунлар сачради...

## II. ҲАММОМ

Офицернинг кўк шапка тагидан бир чаккасига кўпириб чиққан жингалак сочларини, бежирим жез мўйлабини, илжайганда чақнаб кетадиган оппоқ, тоза тишларини худди ёнгинасида кўриб, тамаки ҳиди анқиган нафасини сезиб турибди, оёқлари дам судралиб, дам одимлаб юраяпти... Йўқ, Мамат ҳушини йўқотгани йўқ, мана, кўз ўнги ёришди. Лекин қаёққа олиб кетяпти бу? Бари бир эмасми... қаёққа олиб борса ҳам — иш пачава. Шунча азоб билан шу ерга етиб келганида...

Мамат қулоқнинг оғриғини унутган, аччиқ-аччиқ йирлаб, отнинг оёқлари остиди этигини судраб зўрға одимлар, икки қўли, бутун фикри-зикри хуржунда эди. Юлқиниб кўрди — йўқ, бу мастрап ҳазиллашаётгани йўқ, қулоқни томир-помири билан узиб олиб ҳам, қараб ўтираверадиганга ўхшайди. «Болаларни найзага олишаркан... Холдор холанинг эмчагини...» Баджаҳл Эргашнинг тунд башарасини эслади Мамат. Ёнгинасида ғижирлаб кетаётган эгар қайишининг ҳидига кўнгли айнаб, ўқчиди, яна ҳушидан кетиб қолмай туриб бир чора кўриши керак. Қимдир кулар, қимдир бақирар эди. Мамат охирги кучини тўплаб,



офицернинг енгига тирмашиб, ердан сал кўтарилди-да, қулоғидан маҳкам ушлаб кетаётган жундор, сепкилли қўлни жон-жаҳди билан ғарчча тишлади. Шунда жезмўйловнинг чинқирганини эшитди-ю, кейин... от сийдиги анқиб ётган майдон тупроғига узала тушганини билди. Тепасида кулги янгради. Миясига биринчи келган фикр шу бўлди: қулоқ жезмўйловнинг қўлида қолиб кетди-ёв.

Шундан кейинги дақиқадаёқ тамом ҳушёр тортди, чунки хаёлига хуржун келганди. Туриб ўтирди: хайрият, хуржун қучоғида экан. Оғриқдан ҳушини йўқотганда ҳам икки қўллаб бағрига тортади, чамаси. Бир этиги нарироқда ётибди, уст-боши, юз-кўзи чанг, оғзи тўла тупроқ. Атрофига боқса — ҳалиги болалар. Жезмўйлов от устида туриб қаттиқ тепган экан шекилли, болалар тўпланиб турган девол тагигаёқ келиб тушибди. Тупроққа беланган хуржунни қучоқлаганча оёққа турди. Болалар уни қуршаб олишди... Демак, ҳали тириқ, демак ҳали иш тамом пачава эмас. Мамат кўзлари билан ҳалиги офицерни қидирар эди. Тахта тўсиқ орқасида бир неча милтиқли саллотлар юришибди-ю, отлиқлар йўқ, жезмўйлов ҳам кўринмайди. «Ўзи ҳам жон томирини узиб олдим, чамамда...» деб ўйлади Мамат. Энди унутмайдиган бўлди. Лекин Мамат ҳам уни бир умрга эслаб қолади чоғи: чиройли жингалаксоч офицер, сариқ сепкилли қўллар... Тамаки ҳиди эса димоғига ўрнашиб қолиб, ҳали ҳам кўнглини беҳузур қиляпти...

Атрофидаги болалар қиқир-қиқир кулишарди. Мамат уларнинг масхараомуз гапларига эътибор бермади, сўйлоқ тиш, мишиқи, чўтир-қўтир, кир-чир башараларни, йиртиқ-ямоқ, жулдур, юпун кийимларни, латта-путта билан ўраб-чирмалган оёқлар, эски кавуш, пойма-пой чориқлар, ёрилиб кетган товонларни кузатар, буларнинг нега бу ерга тўпланганига, бепарволигига ақли етмасди. Булар ҳаммаси Мамат тенги, ё ундан кичикроқ, лекин жуда кўп, юзтача келар, худди навбат кутгандай девол бўйлаб, тизилишган, бири қалтирар, кичикроқлари сабабсиз йиғлар, кимдир топганини кавшар, кимдир зўрлигини кўрсатар, пишиқроқлари шу ерда ҳам буюм айирбошлар, бири эса девол тагига чоптирар, хуллас, болалигини қилар эди.

— Нима қилардинг олишиб...— деди бошини яра босган бир бола Маматга ачингандай,— ўз фойдангга қиляпти-ку... Ҳаммомга тушасан.

— ...Ҳаммомга? — Маматнинг негадир кўнгли чоғ бўлиб кетди. «Ўзинг ҳаммомбоп экансан. Менга шарт эмас» демоқчи бўлди-ю, ўрни эмас эди. Ҳаммомгина бўлса, ҳеч гап эмас экан-ку?..

— Ҳаммомга навбат турибсизларми?

Болалар кулишарди. Мамат уларнинг нега кулаётганини тушунмади. Шу вақт қирғий бурунли, қасмоқлаб кетган қизил дўппили новча бола келиб:

— Да... Йўлка-палка! — деди Маматга қараб. — Қулоқ супрадай бўлиб кетибди-ю. — Кулганларни бир ўқрайиш билан тинчитди. Мамат қулоғини ушлаб кўрса, ҳақиқатан ҳам, кулчадай бўлиб шишиб кетган экан, қўл теккизиб бўлмайди, оғриғи ҳам энди сезилди.

— Чиндан ҳам фақат ҳаммомми? — деб сўради у новча боладан. Эслироғи шу экан шекилли.

— Қулоғинг қизилчадай бўлиб кетибди? — деди катта кавуш судраб олган кичкина бола ҳам.

— Ҳаммомда бундан баттар қизаради, — деди яна бири.

— Қизил эмас, кўкариб кетибди! — дейишди бир нечтаси бирдан.

Булар орасида соддаю заифлари ҳам, индамас муғамбирлари ҳам, пихини ёрган, дунё кўрган безорилар ҳам бор эди.

— Нега бўлмаса... Нега бўлмаса, соллотлар...

— Мажбур қилмаса, булар умрида бир марта ҳам ювинмайди, — деди новча, ёнидагиларга менсимай қараб. Мамат «Сен-чи, сен жуда тоза бўлсанг, нима қилиб юрибсан булар орасида?» деб сўрамоқчи эди, эҳтиётдан тўхталди. Орада мустақилроғи шу шекилли, муомалани бузиш керак эмас.

— Бу оддий ҳаммом эмас, — деди боши қўтир бола. — Битинг, сирканг, касалинг — бари ўлади.

— Касал?

— Шаҳарда ўлат тарқаганидан хабаринг йўқми? Қаерликсан ўзинг?

— Касални ҳаммомда даволайдими? — Мамат гаранг, эҳтиётсиз гап айтиб қўйишдан ҳам қўрқарди.

— Бу шундай ҳаммомки, аввал сочингни паққос қиради. Уст-бошингни, лаш-лушингни — барини ўтга ташлайди.

— Кийим-бошни-я? Кейин қандай қилиб...

— Ўтга ташламайди, буғда тоблаяди.

— Қандай қилиб?

— ... Темир сандиқ ичида.

— Кейин-чи?

— Шу.

Мамат ҳали ҳам унча тушунмади. Бу жулдурвоқиларнинг покизалиги соллотларга нима учун зарур бўлиб қолдйкин?

— Кейин-чи? — деди яна. — Кейин ўз кийимимизни кийиб чиқиб кетаверамизми?

— Тўрт томонинг қибла, йўлка-палка!— деди Новча. Ҳадеб суриштираверганига жаҳли чиқди шекилли. — Дезинфекция дейилади! Карантин! Тушундингми? Шаҳарда тиф бор. Сенинг мана бу йиртиқ яхтагингу, моғор босган хуржунингни деб казак солдатлар тифдан қирилиб кетсинми!? Йўлка-палка!

Э-ҳа... Аҳвол Мамат ўйлаганчалик жўн эмас экан шекилли. Наҳотки шу ерга келиб ҳаммаси тамом бўлса?.. Маматни совуқ тер босиб, ўйлари чувалиб кетди. Хуржунни тагига босиб ерга ўтирди-ю, худди карахт бўлгандай, бир фикрнинг ипини тутолмай, қалтирай бошлади. У ҳали ҳеч қачон бундай қўрққан эмас эди. Шу лаънати қутини деб кўрмаган азоби қолмади. Салим чорва ҳам шунинг дастидан хор бўлган эди-да. На еб бўлса, на ташлаб кетиб бўлса! Епишган бир дарди бедаво. Маматнинг-ку олиб борадиган манзили бор, буни бир умр ўзи билан олиб юрадиганларнинг аҳволи не кечаркин?

— Ҳай, сув бўлиб кетибсан...— деди боши қўтир бола унинг ёнига чўккалаб, сўнг овозини пасайтирди:— Терлама бўлсанг, қалтираганингни билдирма. Саллотлар олиб кетади. Кетганлар қайтиб келмаяпти...

Мамат тетик тортиди. Ҳақиқатан ҳам, бўшашиб, тақдирга тан беришига озгина қолган экан. Ўйлаш керак, ўйлаш керак, наҳотки йўли топилмаса?

У саллотларга қаради, йўқ, бу томон мустаҳкам, соқчилар зич. Ишни бузиб қўйиш мумкин. Орқада девол ҳам баланд, тешик-тирқиш йўқ. Кечаси бўлса экан... Бирдан-бир очиқ йўл ҳаммом томонда эди. Лекин у ерга кириш... қутини ўз қўли билан топшириш деган сўз.

Олти кишидан киргизяпти, ҳали навбат катта, вақт бор. Ўйла, Мамат, каллани ишлат!

Бир киши албатта, ҳеч нарса қилолмайди. Шерик топиш керак. Лекин бу жулдурвақиларнинг қай бирига сир айтиш, қай бирига ишониш мумкин? Бири жонини олдирган, бири муғамбир ўғри, бири мишиқи... Булар билан тил топишга уринишнинг ўзи хавфли. Лекин бошқа йўл борми?

— Менга қара,— деди Мамат ҳалиги болага,— бу... ўзимиз ташлаймизми кийим-бошни... ҳалиги темир сандиққа?

— Сандиқ эмас, камера!— қўтир бошли бола ўрнига Новча жавоб берди:— Дивизиондан олиб келишган. Сени яқин йўлатмайди. Ейдиганинг борми? Нимага кўтариб юрибсан бу хуржунни?

Маматнинг сақлаб қўйган икки тишлагина қотган нони бор эди, хуржун ҳақидаги гапни чалғитиш учун, дарров олиб берди.

— Менга қара, сен ўрисчани қаёқдан биласан?

Новча нонни кирсиллатиб, мақтана кетди:

— Казак соллотлардан ўргандим. Ҳов бирда ҳам келишган эдию, эсингдами? Шаҳар ёнган йили. Ёз эди ўшанда. Битта фельдфебель билан ошна бўлиб олган эдим. Ҳар кунни эрталаб келаман квартирига. Отини менга ишонарди, Миниб бориб, Ўзгансойда чўмилтираман. Йилт-йилт қилади жонивор! Тўрт ойдан кейин қизиллар келиб, булар жуфтақни ростлаб қолишди.

— Ҳозир қани ўша?..

— Ким?

— Уша... фибил?

— Фельдфебель дегин! Э, ҳозиргилари бошқа-да. Бўлмаса мен бу ерда сенлар билан ўтирармидим, йўлка-палка!— Новча «чирс» этиб туфлаб қўйди.

Йўқ, бу тўғри келмайди, деди ичида Мамат, бу сотади. Отини чўмилтирганмиш, йўлка-палка. У шахрингга ўт қўйса-ю, сен унга малайлик қилиб... Тиш орасидан чирсиллатиб туфлашни ҳам ўша фибилдан ўргангандирсан?

Хўш, буларнинг қайси бири билан иш қилиш мумкин?

Мамат болаларга бир-бир разм солар, вақт ўтиб кетаётганини ўйлаб, шошар, бир қарорга келолмас эди. Бу ерга тўпланганларнинг ҳаммаси ориқ-тирриқ, касал, заҳил, оч-юпун болалар. «Шаҳарликлар-да, дала кўрмаган», деб ўйлади Мамат. Унга пишиқроқ, чайир, эслироқ шерик керак эди. Унақаси эса — битта, ўша найнов. Энг муҳими — унинг бўйи керак эди Маматга.

Вақт ўтяпти. Болалар олтита-олтитадан бўлиб кириб кетишяпти ҳаммомга. Саллотлар олазарак, пойлаб, санаб туришибди. Маматга ҳам навбат яқинлашиб қолди. Таваккал қилиш керак.

— Менга қара,— деди шомга борганда Мамат ёнида очликдан мудраб ўтирган Новчага.— Қўрқоқ эмасмисан?

— Нима-нима?— деди Новча керилиб, лекин бир гап борлигини сезиб, эгилди. Мамат овозини пасайтирди:

— Сир сақлашни биласанми?

— Очиқ мазорман! Тупроқ ейми?

— Йўқ, сен ўғрилиқ деб ўйлама. Мана шу хуржунни бу ердан олиб чиқиш керак. Ҳаммомга киргизмасдан.

Новчанинг оғзи очилиб қолди. Ингичка бўйинини чўзиб атрофга аланглади.

— ...Хўш, қандоқ қилиб?

— Мен олдин кираман ҳаммомга. Сен бир иложини қилиб, кирмай турасан. Мен чиққанимдан кейин деволнинг нарёғида қурвақа бўламан. Унгача қош қорайиб қолади.

Қурбақани эшитишинг билан деволдан ошириб отасан. Уқдингми?

Новча буни эшитгандан кейин қошларини чимириб, Маматга, хуржунга шундай разм солиб тикилиб қолдики, Мамат унга ёрилиб хато қилганини дарров англади, вужудига титроқ тушди.

— Бу нима ўзи, йўлка-палка? — деб Новча хуржунга ёпишди. Мамат унинг қўлларини кескин четлатди. Бу ҳаракатдан Новча Маматнинг ўзидан кучлироқ эканини чамалаб, сал паст келди:

— Менга нима наф бу қалтис ишдан?

— Жим... Мана, этик бераман. Эски эмас, чангини артсанг, йилтиллаб кетади.

Этикни кўриб Новчанинг кўзлари мойланди-ю, лекин хуржундаги сир, ютқизиб қўймайманми, деган ўй ором бермас эди унга. Анчагача индамай ўтирди. Нималарни ўйлаяпти? Маматни борган сари ваҳима босарди. Жуда қалтис кетди лекин...

— Хўш, Новча? — баландроқ келишга қасд қилди Мамат.

— Нималигини айтмасанг, юрмайман, — деди у ҳам.

Энди орқага қайтишнинг иложи йўқ эди.

— Тилла... — деди Мамат секин.

Новча аввал тиржайиб кулди. «Ғапингга ишонишимга сал қолди, зўр ҳазилкаш экансан, йўлка-палка!» деб, Маматнинг елкасига туртиб, туриб кетди. Лекин бирпасдан кейин қайтиб келиб, Маматнинг жиддийлигини кўргач яна чўккалади.

— Энди ростини айтақол, ниманг бор?

Мамат уни имлаб, қўлини хуржунга тикди-да, узоқ ивирсиб, қутини узоқ тикирлатиб, кейин қирс этиб қопқоғини ёпгач, бармоғига илинган бир нимани хуржун оғзидан Новчага кўрсатди. Лўли зирак йилт этди-ю, йўқолди. Иккаласи ҳам ҳеч нарса кўрмагандек, атрофга қарашди. Навбат кутаётган ипириски болалар пашша қўрар, ошиқ ўйнар, зериккан саллотлар эса тамаки тутатишар, атроф тинч, осойишта эди.

— Хўш? — деди Мамат четга қараб.

— Сенга тилла-ю, менга эски этикми? — деди Новча ҳам четга қараганча.

Яна жимлиқ чўкди. Новча туриб кетмаяпти. Шуниси ҳам Маматнинг ютуғи. Туриб кетса, ўзини қаёққа қўярди? Новча ўтирибди. Илинди.

— Нима дейсан бўлмаса?

— Ушани берасан, — деди Новча.

Йўқ, бу осонликча илинадиганга ўхшамайди. Лекин эн-

қотгандай, ям-яшил қурбақасалла устига ўтириб қолди. Қизиқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам хуржунни пайпаслаб, қутини сал қимирлатиб қўйиш унга туғма бир ҳисдай бўлиб қолган эди. Бироқ бу сафар шунга ҳам улгурмади.

Ҳалиги «давай-давай»чи саллотнинг хирқироқ, палағда товуши эшитилди:

— Стой, долговязый!

— Қўйвор, йўлка-палка!— деган чинқирикдан кейин бир нима «гуп» этиб ерга тушди.

Қарахт бўлиб балчиқ устида ўтирган Мамат бирдан ҳушёр тортиб, хуржунни қучоқлаганча ўрнидан турди-да, ўзини қандайдир қоронғи дарахтзорга ўрди. Қаёққадир пастлаб бораркан, ҳансирагани, оёқ остидаги қуруқ акас кўкакларининг шилдираши узоқларгача эшитилаётгандай эди. Йўл танлашга ҳам қурби келмай, фақат югурар, уни ўз қадамининг даҳшатли товуши қувлаб борар эди. Сал ўтмай, йўли қандайдир жарликка тушиб кетди, қуриб қолган сой ўзани эканми, ҳар қадамда тошга қоқилиб йиқилар, яна туриб югурар эди. У ҳеч нимани ўйлаётгани йўқ, фақат бир нарсани билди: югурибми, судралибми, ишқилиб жони-ҳолича бу ерлардан узоқроққа кетиши керак.

У то шаҳаргача тўхтамай югуришга қасд қилган эди. Аммо бунга ҳоли келмади, бир жойда оёғи қизил жар балчиғига ботди-ю, йиқилиб, ўрнидан туролмай қолди. Бутун оламни унинг қадам товуши тутган эканми, ҳозир атроф жимжит эди. Шунга қулоқ солиб ётиб, миясига ўйлар кела бошлади: қаерда ётибди? Шаҳардан чиқиб кета олдимми? Дала жой шекилли, шаҳарда бундай сангзор жарликлар бўлмайди. Наҳотки қутулган бўлса? Новча уни бошлайман деб ўзи панд еб қолди, чамаси. Бадтар бўлсин, очофат, деволдан осонгина ошаман деб қўлга тушди. Туядай бўй бергандан, тугмадай ақл берсин, деб шуни айтади-да...

Жиндак нафас ростлагандан кейин, оёқларини базўр суғуриб, қизил балчиққа беланган этигини жуфтлаб, хуржун устидан елкасига ташлади-да, гира-ширада яна пастлаб кетди. Анчадан кейин, тонг ёриша бошладими, жилдираб оққан тоғ жилғаси бўйлаб кетаётганини англади. Жилға уни бир меъёрда шовуллаб оқаётган сой ёқасига олиб чиқди. Заҳқаш соҳилда кўм-кўк майса кеч кузда ҳам сақланиб қолган эди, Мамат буни қизиб кетган товонлари билан сездди. Майсанинг муздек шабнамани тўкиб, сой ёқалаб бораркан, тонг ёруғи салмоқ билан оқаётган сой сувини шундай тиниқ қилиб кўрсатдики, Мамат тун бўйи югуриб чанқаганини энди пайқади, кўксини ерга бериб ётиб, тўйиб-тўйиб ичгиси келди.

Муздек сой суви шундай ширин эдики, Мамат яйлов бу-  
лоқларида ҳам бундай сув ичган эмас. Наҳотки, фақат қат-  
тиқ ташналикдан бўлса? Йўқ, бу аломат сув, Мамат ичиб  
сира тўёлмади, ичган сари ичгиси келиб, ҳордиги чиқиб,  
кўз ўнги ёришиб кетди. Қирғоққа кўксини бериб ётибди-ю,  
сира бош кўтаргиси келмайди. Сал нарироқда, қирғоқда-  
ги қизғиш тошга читтак келиб кўнди. Маматни кўрди-ю,  
чўчимади, бир фурсат жойнинг азмойишини олаётгандай,  
узун оёқларида тебраниб-тебраниб турди-да, кейин сув  
ҳўплаб тумшугини осмонга кўтарди, ютди. Яна шундай  
қилди, яна маза қилиб ютди. «Ширин, ширин» деди Ма-  
мат қушчага қараб жилмаяркан. Тонг ёришиши билан  
унинг кайфияти ҳам кўтарилиб, ҳамма кечирган азоблари-  
ни бир зумда унутгандай, читтак кетидан осмонга қараб  
қолди. Утириб олди. Осмон ҳам тиниқ, сой суви сингари  
кўм-кўк, сокин эди. Фақат кўк гумбаз қаърида нимадир  
чинғиллайди, бир разм солса — узоқда тўрғай сайраётган-  
дек, бир қулоқ тутса — нарироқда қовоғари учаётгандек.  
Лекин Мамат биладикки, куз эртаси бу иккаласининг ҳам  
маврuti эмас. Шунчаки, жимликдан қулоғи зинғиллаётган  
бўлса керак. Аммо бу — куй эди. Дам ҳазин, дам қувноқ.  
Лекин бетиним. Мамат Заррагулни, унинг қамиш барги-  
дек қошларини, аллақандай айтилмаган орзудек гоҳ бал-  
қиб, гоҳ ёлвориб тургувчи кўзларини эслади. Ва бирдан  
англадикки, бу куй унинг лабларидаги чанқовуз куйи эди.  
Чанқовуз куйи қулоқларига ўрнашиб қолган экан...

Бир маҳал бу куй ҳам, Маматнинг ўйлари ҳам бирдан  
бўлинди: узоқда одам шарпаси кўринди. У сойнинг нари-  
ти соҳилидан эшакда келяпти. Чол. Оқ салла, оқ яктак,  
оппоқ соқол. Одам зотига кўринмасликка аҳд қилган Ма-  
мат негадир ундан қўрқмади, ўзини четга олмади. Қайта-  
га, сеҳрлангандек талпиниб, тикилиб қолди. Яйловдаги  
кекса чўпонлар ҳазрат Хизир тўғрисида гапиришарди. У  
ҳам шундай оппоқ кийимда, оппоқ соқолли бўлармиш, ким-  
га дуч келса, ўшанинг кўнглидаги ҳамма орзу-умидлари  
ушалармиш, дейишарди. Ҳазрат Хизир шу бўлса-я! Чиндан  
ҳам у тонгдек оппоқ...

Маматнинг кўнглига аввал Заррагул келди. Елкасидаги  
тиллани эгаларига элтиб топшириб, тавқи лаънатдан қу-  
тилса, аввало Заррагулдан хабар олади. Чилвир еочлари-  
ни силаб туриб, сеҳрли кўзларига тикилиб, уни яхши кўр-  
ганини айтади. Лекин, йўқ, дастлаб Заррагулни энг ях-  
ши табибларга кўрсатиши керак. Бунинг учун аввал ўқиб,  
ишлаб, пул ҳам обрў топиб, шаҳарликлардай ясаниб ки-  
риб бориши керак. Ҳа, шундай қилади, етимхонадагилар,  
ўларнинг мураббийлари, балки нўғай муаллим ҳам ўша

ёрдадир, унга албатта ёрдам беришади, ахир ўшалар учун азият чекиб юрибди-ку.

...Лекин сой ёқалаб келаётган Хизир бува эмас эди. Мамат буни аввал унинг эшагидан билди: эшак оқ эмас, қайтага, анча жайдари, рангини билиб бўлмайдиган даражада туллаб кетган, қари, ҳорғин эшак экан. Оппоқ бобойнинг ўзи ҳам, эски кавушини қўлига олиб, яланг оёғини узангига тираганича чух-чухлаб келяпти. Йўқ, Хизир эмас. Лекин шундай бўлса ҳам Маматнинг димоғи чоғ, ёрқин хаёллари ўчмади. Унинг дилига қандайдир сўнмас умид, Заррагулнинг хаёлдаги чеҳраси чироқ ёққан эди.

— Ассалому алайкум, ота!— деди у саҳархез йўловчига.

— Ваалайкум ассалом, ота ўғли, жўлинг ўнгсин!— деди чол нариги соҳилдан эшагини йўртиб ўтаркан.

— Ўт араванинг йўли йироқми?

— Жақин қолди-ғў,— деди бобо,— ҳо-ов Кўгарт кўпригидан ўтганингдан сўгин чапга жур, ота ўғли, тўпгачайин жетасан, иншоолло.

— Қуллуқ... бува...

«Хизир бува» дейишига сал қолди. Ўзи ҳам кулиб қўйди. Хизир бувадан нимаси кам, эзгу хабар бўлса шунчалик бўлади-да: темир йўл яқин! Ҳаммаси ўйлаганидек — ғаламислардан қутилдигина эмас, манзилнинг ҳам нақ ўзидан чиқди.

Оппоқ бобо ўтиб кетганидан кейин, Мамат ҳамма орзулари ушалгандай бемалол ўтириб, яна жимликка қулоқ солди. Кўм-кўк осмон ҳамон «чинг-чинг» қилар эди. Жилмайиб бош чайқаб қўйди Мамат. Этигини тиниқ сувга ювиб сирқитгандан кейин, пайтавани яхшилаб ўраб кийди-да; йўлга тушди.

Чиндан ҳам, Кўгарт кўпригидан ўтиши билан, олисларгача тўлқин-тўлқин бўлиб тизилиб кетган, чангли йўллар тилкалаган тепаликлар оша, узоқдан қадоқ кафтда турган ўйинчоқдай бўлиб темир йўл станцияси кўринди. Мамат озгина юргач, темир йўлга ҳам чиқди. Ростакамми, дегандай, совуқ рельсни негадир икки қўллаб ушлаб кўрди-да, қора мойга беланган шпаллардан ҳатлаб, станция томон тезлаб кетди. Димоғига яна ўша таниш куюк иси урилди. Лекин бу сафар ис қандайдир ёқимли эди, кечадан бери оғзига бир ушоқ нон олмаганини ёдига солди. Очиқ ичини сўра бошлади. Шунинг учунми, ҳеч нарсага қарамай станцияга ҳадиксиз кириб борди. Жимжит, ҳеч кимса йўқ, йўлларда пачоқ қизил вагонлар тартибсиз уймаланиб ётар, ҳаво бузуқ, офтобшувоқдаги ахлат уюмларида кузнинг хира пашшаси ғужғон урарди. Мамат уёққа югу-



риб, буёққа югуриб, йилтироқ соябонли шапка кийган, уст-боши қора мойга беланган бир стрелкачини топди.

— Ут аравага қаерда ўтиради, амаки?

Стрелкачи қорамой тўла пақирини рельсга қўйиб, болага разм солди.

— Поездми? Поезд йўқ. Ана, мастраплардан сўра... ҳамма ёқни ёндирворишди.

Чиндан ҳам, нарироқда ёниб кул бўлган вагонларни, қора қурум босган бинолар, куйиб қовжираган дарахтлар, тутаб ётган эшелонларни энди кўрди. «Мастраплар!» Демак бу ерда ҳам... Мамат ажойиб хаёлларини ҳам, очлик азобини ҳам бирдан унутди, елкасидаги юк яна вужудини ёндира бошлади. Таниш совуқ тер қуйилди баданидан. Атрофга аланглаб боқди-да, бош эгиб орқага қайтди.

— Ҳой, бола!

Мамат қайрилиб қаради. Стрелкачи ўша ҳолатда уни кузатиб турарди.

— Қаёққа борасан ўзи?

— ... Симга, — деди Мамат.

— Сабр қил. Уч-тўрт кунда... балки поезд ҳам бўлиб қолади.

Унинг сал пасайган овозида қандзайдир сир, шу билан бирга яширин бир ишонч, қатъият бор эди.

Демак, уч-тўрт кун... Уч-тўрт кунга Мамат чидади. Бир йўлини қилади. Фақат аввал мана бу худо урган кутини яшириб, шунчаки кўча-кўйда саргардон бўлиб юрган етимча бўлиб олиши керак.

У ёнган-куйган вайроналарни оралаб, пастқам йўлларга, четроққа ўзини урди. Анча юргандан кейин қовжироқ буталар орасидан ўтиб, ёввойи тиканак босган дўнгликлардан чиқди. Ҳавони бирдан булут қоплаб шом тушмасдан оқ кун қоронғилашиб кетди. Мамат дармондан қолаётганини сезар, қуруқ тиканзорларни оралаб, ҳансираганча ҳамон юрар эди. Бир вақт қорайиб турган кўҳна мазорнинг рўпарасидан чиқиб, кўрқиб кетди — қабристон оралаб юрибдими, нима бало?! Қош қорайганда-я?

Ўтириб қолди. Энди нима қилади? Қаёққа боради? Тун чўкяпти, буёқда гўристон, уёқда мастраплар... Шу ерга келиб, қонига ташна бўлиб кетди Мамат. Тиззаларида дармон йўқ. Лекин нима бўлса ҳам бу ердан жўнаб қолиши керак. Гўристонда ухлаб-нетиб қолса, ажина чалиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

У бор кучини йиғиб, қаддини ростлаганда калласига бир фикр келди. Сал нарироқда чўкиб ётган бир қабр устига борди-да, атрофига қараб, жойнинг азмойишини олди, кўҳна мазор билан қабр оралигини қадамлаб ўлчади.

Кейин чўккан қабрнинг оёқ томонини икки қўллаб шоша-пиша очди-да, хуржунни икки буклаб, лахатгами, чўкиб қолган бўшлиққамаи — ичкарироққа тиқиб, устидан тупроқ тортди. Хас-хашак ташлаб қўйди.

Бошини кўтарганида, қош қорайиб қолган эди. «Таваккал!» деди Мамат қабрдан сал нарироқ бориб, атрофни яна бир яхшилаб кузатгач, жойни пухта ёдлаб қолиш керак эди. Яна бир нафас турди. Енгил, ҳам ғалати сезди ўзини. Шунча чиғириқлардан олиб ўтган бу сеҳрли юкдан биринчи марта узоқлашиши эди. Бу фавқулодда кўрқинчли бўлса ҳам, Мамат ўзига таскин беришга уринди: тўрт кун... поезд келгунча туради. Бу ташландиқ гўристонга зог ҳам йўламайди ҳозир.

У пастликка, темир йўл томонга тушиб кетди. Ҳалиги ништаҳали куюк ис ўша томондан келар, Маматни ўзига тортар эди. Станциядан нарироқда ағдарилган вагонлар, темир йўл устида қоп-қора тепаликлар тутаб ётарди. Яқинлашганда Мамат ўша тепаликларда қандайдир шарпалар кўрди. Энди одам зотидан кўрқадиган жойи йўқ, дадилроқ яқинлашди. Тепаликлардан бирига оёқ қўйса иссиқ, тутунидан нон ҳиди келади. Ушлаб қараса — дон, буғдой. Тоғдай-тоғдай буғдой хирмонлари ёниб, аста тутаб ётибди. Мамат, қўллари куйишига қарамай, пайпаслаб, ҳовучидаги иссиқ донни тишлаб кўрди. Куйган бўлса ҳам нон мазасини берарди. Мамат ёпишиб кетди, куймаганларини кавлаб топиб, каппалар, шошиб чайнар эди. Гоҳо оғзига тамом ёнган донлар, кул-кўмир кирса туфлаб ташлар, яна пуфлаб каппалар эди. Худо берди, бундай бўлса Мамат оч қолмайди. Лекин... Лекин бу нимаси? Нега вагон-вагон буғдой ёниб ётибди? Шунча очлар, очликдан шишиб ўлаётганлар бор-ку?! Нўғай муаллимнинг етимхонадагилар ҳақидаги ҳикоялари ёдига тушди. Оғзидаги кул-қурумни туфлаб ташлаб, иссиқ «тепа»дан тушди-да, бекордан бекорга хўрлиги келиб, йиғлаб юборди. Бу нима бўляпти ўзи? Мамат ҳозир ўзининг нимага йиғлаётганини ҳам тушунмай қолди.

— Нимага йиғлаяпсан?

Чўчиб тушган Мамат қайрилиб қараса, қоронғида ўзига ўхшаган жулдур-юпун бола вагон соясиди турибди.

— Буёққа кел, ҳозир ёмғир ёғади.

Унинг ёнига борганида, ҳозиргина йиғлаб турган Мамат пиқирлаб кулиб юборишига сал қолди.

— Ҳай, ажина эмасмисан?

— Ўзинг ажина.

— Башарангни қара, қурумга беланиб кетибсан.

— Ўзинг-чи!

Мамат қўлларига қараса, чиндан ҳам... Бунинг устига, ҳали шошиб кўз ёшини артганида қора қурумни юз-кўзига шуваяган бўлса керак, тупурган тупуги ҳам қоп-қора эди. «Узинг ажина» деганича бор. Кулиб юборди. Бола ҳам кўшилиб кулди. Биргалашиб кулдилар. Мамат, кўнглидан бир гашлик кўтарилгандай, бирдан енгил тортди.

— Ёмғир ёғмайди, юр дон терамиз,— деди у янги та-нишига.

— Юр, бу ерда нима қилиб юрибсан, охирги вагонларда қурумсизи бор, энди ўт оляпти, пишган, лекин ёнмаган. Тандирдаги ноннинг ўзи. Бугун болалар бари ўша ерда.

— Улар кимлар?

— Узимизникилар. Сен қайси стансадансан? Ҳозир бу ерга бошқа стансадан ҳам келишяпти. Уларда ҳам бор экану, керосин ҳиди келаркан. Керосин сепиб ёндиришган. Бизники ўзидан ўзи ёниб ётибди. Ёнгунча тўйиб оламиз, бизга етади.

— Ким ёндиряпти?

— ... Сен қаёқдан келгансан ўзи? — анқайиб қаради бола.— Ким ёндирарди, саллотлар-да! Большевиклар Симга олиб кетмасин деб!

— Махлуқлар!— деди Мамат қурумли қўли билан пешонасини сидириб. Улар тез юриб боришар, ҳаво димиқиб, ёмғир гўё ёғолмай қийналар эди. Охирги вагонга етиб боргунларича уфқнинг бир чети ёришиб қолди.

— Ҳа, бизга бир вагони ҳам етарди,— деди бола,— ҳаммасини ёндириб нима қилади, махлуқлар!..— у, кичкина, бўйни ингичка, қорни катта бола, Мамат ёқди шекилли, унга ўхшаб юришга, унга ўхшаб гапиришга уринар эди.

— Махлуқлар!

Охирги вагондан тўкилган бугдой уюми энди бир четдан биқсий бошлаган, уни ҳали ўчириш ҳам мумкин эди. Мамат билан унинг шериги яна олтита жулдурвоқи кутиб олди. Улар ичида Маматдан каттаси йўқ, ҳаммасининг башараси қурум. Сал очилган уфқ ёғдусида уларни кўздан кечириб, Мамат ўзининг катталигини ҳис қилди.

— Нима қилиб турибсанлар!— деди дўқ уриб.— Ейсанлару, ёнишига бамайлихотир қараб тураверасанларми? Одамни ризқи-ку?!

— Биз нима қилардик, барибир ёнади...— деди бир бола.

— Нима қилардик эмиш... Еб кетаверасанми? Ажрат буни ёнаётганидан! Қўлинг билан, оёғинг билан! Таёқ билан, тахта билан!

Мамат ўзи бошлаб берди. Хирмоннинг ёнаётган қисмини ҳали ўт олмаган қисмидан ажратиш кераклиги болалар-

га тушунарли эди. Қўл билан, вагондан синдириб келинган тахта билан, эски тунука билан бугдой курай бошладилар. Улар жуда қизиқиб кетишди, қоринлари тўқ, зарурат тушунарли — бақириб-чақириб, кулиб-ҳазиллашиб ишлашар эди.

— Менга қара, Чўтир, зўр экансан, фаросатинг жойида!

— Ёмғир ёгдади-да, бари ўчиб қоларди.

— Ўчган билан энди на тегирмонга, на уруғликга ярайди.

— Эҳ, ҳозир сув бўлсайди!

Мамат қаддини ростлаб, кир енги билан пешанасини энди артмоқчи эди, унинг билагидан кимдир маҳкам ушлади. Бу болалардан эмас, катта одам, кучли қўл. Маматнинг димоғига қандайдир таниш ҳидлар ҳам урилди. Фира-ширада бу қўпол қўлни кўрди: сариқ жун босган сепкилли қўл! Ялт этиб юзига қаради, жингалак сочи шапкасидан тошиб чиққан чиройли офицер ўша жезмўйлов турарди илжайиб. Бурқсиган тамаки ҳиди шу заҳоти Маматнинг кўнглини ағдарди.

### 13. КУТИЛМАГАН УЧРАШУВЛАР

— Сеники яхши баланчук, ўтир! — деди жезмўйлов скамейкани кўрсатиб. Ўзи тўрдаги шалоқ, исқирт стол ортига ўтиб ўтирди. Бу ер собиқ станция бошлигининг хонаси бўлса керак, деволда йиртилиб, саргайиб кетган поезд жадвали, синиқ деразаларда занглаган темир панжара, Мамат ўтирган скамейка эса қора мойга беланиб, йилтиллаб кетган эди.

— Саники зачем бу жерда гулять, а? — билиб олган беш-ўнта ўзбекча, қирғизча сўзни аралаштириб гапирётган чиройли офицер негадир ўзича жуда мамнун, гўё Мамат билан учрашганидан ниҳоятда хушнуд эди. Мамат эса ичидан зил кетиб ўтирибди: наҳотки таниган бўлса? Йўғ-э, атиги бир марта кўрган ахир. Бўлмаса кўчада юрган бир бола нима учун керак бўлиб қолди бу «мастрап»га?

— Саники яхши баланчук... Қайда этот... как его... — у елкасига бир нима ташлагандай ҳаракат қилиб кўрсатди: — хурджум?

Маматнинг юраги шув этиб кетди. Демак хуржунда нима борлигини билади. Қаердан, қандай қилиб? Нима бўлса ҳам, иш пачава. Изидан кузатиб келган бўлмаса

эди. Лекин хуржунни Маматдан сўраяпти-ку, бундан чиқди — қаерда эканини билмайди.

Мамат бу фикрдан дадилланиб кетди: «Овора бўласан, мен шунчаки кўча-кўйда юрган қаровсиз боламан».

— Сиз янглишаяпсиз, амаки, мен сизни танимайман, қанақа хуржун? — деди у тик туриб.

Офицер беозор жилмайди. Чамаси, у қутини қўлга туширганига амин эди.

— Саники хитрий-митрий... — деди яна кулиб. Шапалогини қулоқ қилиб, силкиб кўрсатди: — Қулоқ огриган, саники эшак қулоқ бўлган, помнишь?

— Менинг отим Митрий эмас, мен Маматман.

Офицер яна босиқ кулди.

— Ҳа, Мамат, Мамат! Саники дезинфекция, ҳаммом, посёлок Благовешенск тоже не помнишь? — деди ҳазиллашаётгандай ер остидан кулиб қараб. Демак ўша фалокат босган шаҳарча Благовешенск деган жой экан-да. Таниб қолибди лаънати «мастрап».

— Билмайман, амаки, — деди Мамат.

Офицер яқинроқ келиб енгини шимариб кўрсатди. Унинг жундор билагида Маматнинг тиш излари ҳали битмаган, қўтири яллиғланиб турарди.

— Саники буни-да не помнишь?! Но я помню! Саники калла совсем тешик!

— Билмайман, — деди Мамат ўшанда бу аблаҳнинг қўлини тишлаганига энди пушаймон еб. Лекин энди огир бўлиш, маҳкам туриш керак. Тирикчилик шунақа ўргатар экан одамни, пишитар экан. Маматни энди мана шу «содда»лик ҳолатидан чиқариб бўпти бу талончи. Минг илжайсин, минг товлансин, овора бўлади.

— Слыш, чўтир, где хурджум, давай гапир, маклаш будет! — деди офицер жиддийлашиб.

Мамат ўзидан хафа бўлиб кетди — шу чўтирлиги бир куни бошига етмаса-да. Қаерга борса, лақаб бўлиб чиппа ёпишади. Бу жезмўйлов ҳам шу чўтирлигини эсида сақлаб, шундан таниб қолган. Чўтирлик ҳам бир бало экан — юздан сидириб ташлаб бўлмаса...

— Қанақа хуржун — билмайман.

— Маники биламан! — деб шапалоқ тортиб юборди офицер. Қўли чириб тушсин, тарашадек қаттиқ экан, Маматнинг кўзидан ўт чиқиб кетди. Майли, Мамат бунга чидайди, биринчи тарсаки ейиши эмас. Лекин ҳозир «содда»лигидан қолмаслиги муҳим, шунинг учун бегуноҳ боладек йиғлай бошлади. Офицер ҳам негадир юмшаб, ялинишга тушди.

— Кечир, саники яхши баланчук, маники аҳмоқ... — Ма-

макинги бошини силаб, тамаки ҳиди анқанган ифлос каф-ти билан унинг кўз ёшларини ҳам артди.— Саники сирота, маники санга папашка, яхши папашка бўлади, рубашка, этик янги беради, ақча беради, много-много, шаҳар борасан, конфет, много хўрозқанд нишалда покупай... хўпми? — чиройли жингалак соч офицер Маматнинг олдида тиз чўкди, унинг қора қурум бўлиб кетган жулдур яктагини бармоқлари билан қоқиб, нималарнидир пуфлаб гапирди. Пешанасини жийрар, ширин-ширин сўзлар топишга қийналиб, чучмал ва аянчли илжаяр эди,— истайсан: генералга айтаман, саники солдат бўлади, командир бўлади, тўппонча бор, қилич бор, хайт-два, хайт-два! — у хонанинг чирик тахта полини титратиб тантанали ҳарбий юриш қилиб кўрсатди. Ҳансираб яна Маматнинг ёнига келди:

— Всё будет! Неси хурджум!

— Меники хуржун йўқ, билмайман,— деди Мамат ҳам унинг «тили»га ўтиб.

Жезмўйловнинг тиши гижирлаб кетди. Пешона терини сидириб-сидириб артганча, хонада асабий юрди. Кейин сўниқ деразадан ташқарига қараб қичқирди:

— Рядовой Юхнов!

Бу тсвушдан ташқарида, яланғоч акацияга осиб қўйилган станция қўнғироғи остида солдатлар жонланиб қолди. Қўп ўтмай, бесўнақай солдат кириб, жезмўйловнинг имоси билан, Маматни нўқиб олиб чиқиб кетди.

— Подь голубчик!

Елкасидаги милтиқ оғирлигидан букчайиб қолгандай ҳорғин, ювиқсиз солдат уни олдига солиб, вокзалнинг нарёғидаги деразаси фиштин бинога олиб борди. Қизилга бўялган темир эшигини очганида ичкаридан совуқ зах ҳиди юзга урилди, икки томонга фанер яшиклар қалаб ташланган, цемент полига хашак тўшалган баланд хона эшик ёпилганда зимистондай қоронғи бўлиб кетди. Шифтга яқин жойдаги панжара тўйнуқдан сал ёруғ тушиб турарди холос. Бу — вокзалнинг почта омбори бўлса эҳтимол, эски яшиклардан сўрғуч, елим, сиранч, мумланган каноп ҳиди келиб турибди. Эшикка ташқаридан тамба тушиши билан Мамат ўзининг қаерда эканини тушунди: авахта, мастраплар омборни қамоқхонага айлантиришган, чоғи. Тўғри қилишибди, бундан мосроқ жой топиш қийин: фишть девор, темир эшик, цемент пол, панжара тўйнуқ...

Мамат пайпаслаб бориб, остонадан сал наридаги хашакка ўтирди, хонага яна бир кўз югуртирди. Хўш, «кўчада юрган содда бола» бундай ҳолатда нима қилиши керак? Уша-ўша гўллигича қолиши керак.

Ҳа, қанча қийин бўлса ҳам, ўзгармаслиги шарт. Жезмўйлов энди авахта билан пўписа қиляпти. У ҳеч нарсани билмайди, билолмайди ҳам.

Лекин ҳали у кўп тобланса керак, осонгина қўйвормайди, бу — аниқ. Ҳар нарсага тайёр бўлиши зарур, олтиннинг нуқси кўзларига уриб қолибди, дам айёр ялтиллайди, дам даҳшатдан қизаради. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиганга ўхшайди.

Мамат захданми, дилидан қувган ўйларданми — бехос титраб кетди. Шу қулфлаганча кетиб қолишса, нима бўлади? Бу тош тобутда каламушларга ем бўлиш, ёки зулматда ёлғизликдан жинни бўлиб қолиш, ё бўлмаса очдан ўлиб кетиш ҳеч гап эмас... Дилидан қувиб турган ўйлари шу эди. Бунинг устига, худди шу маҳал нимадир «шитир» этди. Чиндан ҳам каламушми? Йўқ... бу бировнинг нафас олишига ўхшайди-ку? Одам... Одам бор!

Маматнинг кўзи қоронғуликка, қулоқлари жимжитликка сал ўргана бошлаган, ҳар шарпага сезгир эди. Ростдан ҳам қоронғида кимнингдир нафас олгани аниқ эшитиляпти.

— Ким? Ким бор?!— деди Мамат хавотирда, айни пайтда негадир сал енгил тортиб.

Еруғ тушиб турган девор тагига зўр бериб тикилди. Шарпа қимирлади. Ҳа, кимдир бор. У индамай ўтирибди, Мамат энди аниқ кўряпти, кўзлари қоронғуликка тугал ўрганди: ҳамхонаси қоронғи бурчакка қараб ўтирибди. Мамат аввал уни «занжирлаб кетишдимикин» деб ҳам ўйлади. Кейин разм солса, кекса одам, намоз ўқияпти экан, қиблага қараганча сужутга кетиб, бор дунёсини унутибди.

Юрагига балли-е, ким бўлса ҳам! Шу зимзиёда ҳам намоз, кириб келган одамнинг овозига қайрилиб қарамаса-я! Ана чидам! Мамат бўлса...

Лекин бу шўринг қурғур нима қилиб ўтирибди авахтада? Маматнинг-ку лаънати юки — олтини бор. Бу чолдан нима керак экан бу «мастрап»ларга.

Мамат сал яқинроқ силжиб ўтириб, индамай намозхонга разм солди. У кимса ияги билан чап елкасига қайрилиб «Вораҳматулло!..» дея пичирлаганида Маматнинг вужуди музлаб қолди. Жинни бўлиб қолмадимми, тушим эмасмикан, деган фикрлар йилт этиб хаёлидан ўтди, биқинини чимчилаб кўрди, йўқ, уйғоқ, тирик. Наҳотки... Намозхон ияги билан ўнг елкасига қайрилиб яна пичирлаганда Маматнинг совуқ бадани сув бўлиб кетди. Салим чорва! Ҳа, бу — ўша эди. Маматнинг хўжайини, бой буваси...

Нима бўляпти ўзи? Хўш...

Шошма, Мамат, ўзингни бос, оғир бўл, ўйла. Айни кал

лани ишлатадиган пайт келди. Уйла: бордию, қути масаласида ҳамма нарса буларга аёну, шунинг учун буни ҳам тутиб келишган бўлса-чи? Унда нима бўлади?

Маматнинг фикрлари чувалиб кетди. Йўқ, ҳозирча бу чигални ечиб, калаванинг учини топиш мушкул.

Намозхон ўша-ўша, индамас эди. Ё бу кар бўлиб қолганми? Уриб эсини сғдириб қўйишдими? Бой буваси... бир кепатада, кўзлари киртайиб, юзи ориқлаб, кўксини оппоқ соқол босиб кетибди, чеҳрасида тирикликнинг нуқси йўқ. Ё жинни, ё тарки дунё қилиб художўй бўлиб қолгани аниқ; бошида хажкулоҳ, эгнида кир якак, ҳожи бўлиб ҳожи эмас, дарвиш бўлиб дарвиш.

Нима бўлса ҳам, у билан гаплашиб, аҳволни ойдинлаштириш, ҳар қандай кор-қолга тайёр бўлиб туриш керак.

Мамат хашакни шитирлатиб, яна яқинроқ силжиб, энди «бой бува...» дейишга оғиз жуфтлаган эди, темир эшикнинг тамбаси жаранглаб тушди.

— Эй, шенок,— деди кун ёруғида остонада пайдо бўлган ҳалиги бесўнақай Юхнов,— поды!

Маматни турткилаб олиб чиқиб кетди. Куннинг иссиқ тафтида уст-бошидан зах кўтарилиб, танасига илиқлик югуриб бораркан, калласи зўр бериб ишларди: ҳозир ҳамма нарса ойдин бўлади, жезмўйловнинг ҳар бир саволига, ҳар бир қарашига эътибор бериб, унинг сиёсатини билиб олиш керак. Бой нега бу ерда, бунинг Мамат билан, қути билан алоқаси борми, умуман «мастрап»лар бир нимани билишадими ёки бари тахмин...

— Ну,— деди солдат,— познакомился с муллою?

— Мулла?

— Ну, с этим... со шпионом?

Мамат ҳеч нарса тушунмади. Лекин анча енгил тортди. «Танишдингми?» деяпти. Демак Салим чорванинг бу ерда пайдо бўлиши Маматга алоқадор эмас. Қутини бу ерда Маматдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳеч ким...

Маматнинг хаёли бўлиниб, оғзи очилиб қолди. Эрта-лаб сўроқ бўлган хонанинг очиқ эшиги олдида муттаҳам Новча турарди.

— Ҳа, йўлка-палка, шу ерда экансан-ку! — деди тиржайиб. — Қочиб қаёққа ҳам борардик сен билан биз. Мана, оёқнинг сингани қолди,— у тиззасидан танғиб боғланган чап оёғини кўрсатди.

Ичкарида уларни жезмўйлов кутар эди. Соқчи солдат иккаласини ҳам ичкарига итариб, эшикни ёпди. Собик вокзал бошлиғининг столида ўтирган жезмўйлов Новчага қаради:



— Шума?

— Шу-да, йўлка-палка. Ўзингиз ҳам танийсиз-ку!

— Вот...— деди офицер елкасини қисиб қўлларини ёяркан, — меники билади, зачем отпираться...

Э-ҳа-а... гап буёқда экан-ку. Новча чаққан экан, Маматнинг шунга ақли етмабди, қаранг. Албатта! Ўзи қўлга тушиб, қуруқ қолганидан кейин, алаמידан жезмўйловга бориб чаққан: ундоқ-мундоқ, қутисида у бор, бу бор, тунинглар, нон урсин! Ҳа муттаҳам, бундай яшасанг оёғинг тугул бўйнинг ҳам синади ҳали... Яна гувоҳликка келиб ўтирибди, аблаҳ!

— Ну, — деди офицер Маматга қараб.

— Мен билмайман, тушунмадим, бу болани танимайман! — деди Мамат. У бир оз дадилланди, чунки уни, бутун воқеани бой буvasи билан боғлашаётгани йўқ. Салим чорва, нима бўлса ҳам, бу ерда тасодифан учраб турибди. Аҳвол илгаригича қолипти: қутини Маматдан бошқа ҳеч ким билмайди, Мамат кўчада юрган қаровсиз бола, Новчани эса танимайди, вассалом.

— Танимайсан? — деб Новча ховани янгротиб кулиб юборди. Бу жаҳли чиқиб турган офицерга негадир ёқмади.

— Йўқот! — деб бақирди у соқчи солдатга. Гувоҳни дўқиллатиб олиб чиқиб кетдилар, Новча чўлоқ оёғини оstonадан олиб ўтолмай, бесўнақай солдат устига гуп этиб йиқиларкан, соқчининг милтиғи беҳосдан отилиб, ҳаммаёқ гумбурлаб кетди. Ташқарида яланғоч акас шохларидаги тўда-тўда қарғалар қағиллаб учиб, осмонни қоплади. Бу бемаъни, ҳозир жуда кераксиз, кулгили машмашадан офицернинг бадтар жаҳли чиқиб, Маматга дўқ уриб кетди.

— Биласан саники! Хурджум топасан! Топмасанг — ана, битта ўқ, бабах — и аллах учасан! — деб қарғаларни кўрсатди.

Мамат кейингисини тушунмади, ҳай майли, бу жезмўйлов ўзи оғзига келганни гапиряпти: дам генерал бўласан дейди, гоҳ отаман, қарға бўласан, дейди. Ҳаммаси ожизликдан. Ҳеч нарса қилолмайди.

Бу маҳал қарс этиб лунжига мушт тушди, гандирак-лаб, бирпас эсини йиғмасдан яна бир мушт қулоқ чаккасида янгради. Мамат полда ётар, боши деворга суялиб қолган эди, оғзи-бурнидан иссиқ қон келди.

— Юхнов! — деб бақирди офицер. — Хушига келтир бун!

Кейин Маматни ўша бесўнақай Юхнов урди. Устидан совуқ сув сепди, яна урди.

— Шомполом! Шомполом! — дер эди офицер ғазаби

ортган сари ваҳшийлашиб, иккалалари қора терга ботдилар, иш бадтар бўлаётганини, бу аҳволда бола умуман гапиролмай қолаётганини кўриб, аламдан яна урдилар. Ҳолдан тойиб, ҳафсалалари пир бўлгандан кейин, Юхнов ча-лажон болани омборга олиб бориб ташлади.

#### 14. САЛИМ ЧОРВА

Мамат кўз очганида атроф зимзиё эди. Мўматалоқ бўлиб кетган аъзои бадани зирқираб оғрир, бош кўтариб уёқ-буёққа қарашга мажоли йўқ, айниқса ўнг биқини ловуллаб ёнаётгандай, қимирласа оғриғи миясигача чиқиб борар эди. Жигари эзилганми, қовурғаси синганми — пайпаслаб бунни билолмади, фақат қон юқи йўқлигини кўриб, «хайрият» деб қўйди ичида. Қаерда ётганини биларди: почта омборхонасидаги сичқон, каламуш ҳиди кечаёқ димоғига ўрнашиб қолган. Уша таниш ҳид ҳозир очликни ёдига солди. Очлик ҳамма дардлардан ҳам ёмон нарса, эсга тушдими — ёпишиб кетган ичаклар гўё бир-бирини илондай сўра бошлайди, очлик азоби қаердадир курак суягининг тагида сезилади. Мамат оғриқдан инграб, қўлини пахталикнинг чўнтагига узатди: шукурки, кечаги куйган дондан ҳали бир ҳовучча қолган эди, олиб, тишсиз жағи билан эзғилаб чайнади. Азиз нон тами баданига яйраганда Салим чорва эсига тушди. Балки у ҳам очдир... Дарвоқе, ҳамхонаси борми ўзи ё йўқми? Ё «мастрап»лар олиб чиқиб кетишдими шўринг қурғурни? Олиб чиқиб кетишмаган бўлса, энди Мамат у билан ҳайиқмай гаплаша олади: унинг бу ерларда пайдо бўлиши Маматга ҳам, лаънати қутига ҳам дахлдор эмас экан.

Шу маҳал худди кечаги жойда, панжара туйнук тагида шарпа эшитилди. Мамат оғриққа ҳам қарамай, бор кучини йиғиб, бошини кўтарди-да, туриб, яшикка суяниб ўтирди. Кўнглида тушуниб бўлмайдиган қувонч, далда сезди. Чайнаётган буғдой донларини қуруми билан аралаш ютди-да, ўша томон тикилди. Туйнукдан тушган тонг ёруғида Салим чорванинг жуда ўзгариб кетган, ғалати қиёфасини аниқ кўрди. Кўрдию, баданига илиқлик югурди. Чол аллақандай, жуда ҳам ёт, бегона кўринса-да, Мамат талпинди — гўрдай зах, зимзиё бу омборда номаълум қисмат, ёлғизлик даҳшатли эди. Бу эса, қар ҳолда таниш, тирик жон. Гаплашса — гаплари бор.

Мамат азобли оғриқларини ҳам унутаёзди. Сал яқинроқ силжиди. Қизиқ, бу одам соғми ўзи: кеча ҳам индамади, кириб-чиққан кимса билан ҳам иши йўқ, инграб ёт-

ган ҳамхонаси билан ҳам... Соқолини селкиллаиб бир нималарни пичирлагани пичирлаган. Соядек...

— Бой бува!... Эшитяпсизми, бой бува, менман, Мамат...

Салим чорва бир сесканиб, бошига бир нима тушишини кутган одамдай, қимир этмай қолди. Анча жимликдан кейингина қайрилиб қараб, тикилганча турди. Ишондими— ишонмадими, узоқ тикилди. Фира-ширада Мамат унинг сўник кўзларини кўрди. У жуда қариб, ориқлаб, боши қалтираб қолган, афти-башарасидан — тамоман бошқа дунёга ўтиб кетган одамдай туюлар эди.

Худди кўрмаётгандай, Маматга узоқ, жуда узоқ қараб турди-да, гулли чопонини ёзиб, бомдодга ўтирди... Оббо, энди яна анчагача гап олиб бўлмайдди бундан. Маматнинг эса гапи кўп.

— Бой бува, нега индамаяпсиз? Мен Маматман... Ё кетиб қолганимга шунчалар хафа бўлганмидингиз?

Салим чорва бир ракаатдан кейин намозни ўқиб бўлди-ю, Маматга эмас, ерга қарди.

— Нима қилган бўлсанг — ўзингга, бўтам. Мен эса, бандаси билан ҳисоб-китобимни қилиб бўлганман.

Бу гапнинг маъносига ҳам, нечун мунча ғамгинлигига ҳам унча тушуниб етмаган Мамат ҳамхонасининг ниҳоят гап қотганига суюнди. Суҳбатдошининг ер тагидан чиқаётгандай бўғиқ, заиф товушига эътибор ҳам бермади.

— Бу ерга қандай тушиб қолдингиз ахир?

— Банияти савоб, ҳажга отланганман, бўтам, бу жонинг тинчимагурлар бўлса, мени айғоқчими, васвасчими деб, ҳибсга олишди.

— Мастрапларми?

— Қим бўлса ҳам осий гумроҳ, ҳукм юргизаман дейдиганлар. Аммо Або Муслими соҳибқирон ҳам дунёга устун бўлмаган, бўтам... Хўш, сен нима қилиб юрибсан бу ерларда?

— Бошим оғиб келиб қолдим, бой бува, домн ризқ...

— Ҳа, бандасининг боши — тақдирнинг тоши, бўтам. Бировни бировга сабаб қилиб қўйибди худойим...

— Мени ҳам, мана, бекордан бекорга қамаб қўйишди, уришди...

— Узига қилади, бўтам. Сен худо дегин, олло-таоланинг минг бир муборак отига ҳамду сано қўшиб санаб чиқ.

Маматнинг бу одамга бирдан раҳми келиб кетди. Узи нуф деса ўчадиган шамдай пирпираб ўтирибди, гаплари бўлса...

— Хафа бўлманг, сизни қўйиб юборишади, айғоқчиси нимаси, қари одам... Лекин ҳаж жуда узоқ йўл дейишади.

— Бу — ниятингдай оқу ойдин йўл, бўтам. Бу ердан Ушга бир қадам. Ундан нари Эргаштанг довонидан ошиб. Ёркентга, кейин Қора ғулжа йўлига ўтиб олсам... Рамазон боши Хўтандан Аматохуннинг карвони жўнайди, ўшанга улгуришим керак.

— Оҳҳо... Сиз бўлсангиз бу аҳволда... на нон, на дармон дегандай...

— Бу йўлда нону жон қайғуси бўлмайди, бўтам. Жон омонат, ўлим ҳақ. Ҳаж сафарида ўлим оллонинг иноятидир.

Мамат чўчиб кетди: бу дунёни, тарк этиб, ўлимни бўйнига олиб қўйган бу шўрлик ўша Салим чорвами, ё бошқами? Унинг мол-мулки, хонадони, оиласи, болалари бор эди ахир. Баридан кечиб, бу қадар тушқунликка тушиш, бир гадо халтаси билан, кулоҳ кийиб рўй-рост ўлим йўлига чиқиш учун қандай фожиалар бўлиб ўтган бўлиши керак.

Маматнинг қишлоқдан чиқиб кетганига неча ҳафта бўлди ўзи. Наҳотки шу қисқа вақт ичида шунча ўзгаришлар юз берган бўлса? Ё бу одам... шунчаки касал... ақлдан озганми? Ундай деса, гаплари текис... даҳшатли бўлса ҳам равон, тушунтириб гапиряпти.

— ...Жуда ўзгарибсиз. Уйда нима гап, бой бува? Отарлар бутми? Олим акам келмадиларми? Ҳалим акам...

Боши кўксига тушиб ўтирган Салим чорванинг елкалари титрай бошлади. Қария унсиз йиғлар эди. Мамат баданидаги зирқирашларни унутиб, хашак устида гавдасини судраганча у томон яна бир оз силжиди.

— Тилга олма у лаъйиннинг отини... Оқ қилганман, лаънатлаганман!

Мамат унинг қоқ суяк энгагидаги яккам-дуккам соқоли тамом оқариб кетганини энди пайқади. Ҳа, бандаси билан ҳисоб-китоб қилиш сиз айтгандай осон эмас чоғи, бой бува...

— Гапиринг, ҳаммасини гапиринг, ичингизни бўшатсангиз, енгил тортасиз...

— ...Авваллари ҳар кеча орқа офилхонадан бўридай ошиб кириб келаверди у лаъйин...— босиқроқ сўзлай бошлади Салим чорва катта ўғли Ҳалим бойваччанинг отини тилга келтирмай.— У укасини пойлар, Олим акангни қидирар эди. «Қани у? Бугун топмасам, мени итдай отиб ташлайдилар!» деб ёқамдан олар, бурчакка улоқтириб тепкилар эди. «Ҳар кун Бекдан жонимни тилаб олиб юрибман, бугун нима дейман? Ўз болангизни ўз қўлингиз

билан бўғизлалайсизку, имони йўқ чол!» деб бақирарди, астафирулло. Кошки мен нариги итваччанинг қаёқдалигини билсам. Билганимда ҳам уни бу қашқирга тутиб бериш учун виждоним йўл қўядими, бўтам... Отаман-а, бу иккала оқпадарга, аттанг отаман, ота эдим...

— Йиғламай гапиринг, бой бува, бўлар иш бўлибди...

— Мамат аллақаерига занглаган мих санчилгандай, биқинини ушлаб инграб юборди. Дардли хаёллари узоқларда юрган Салим чорва буни пайқамай шифтнинг қоронғи бурчагига тикилганча, соқолини селкиллатиб ҳикоя қилар эди.

— Келганида укасини тополмай, «Бекнинг ғазаб тиғини шу билан қайтариб турарман» дея, уйдан ҳар сафар бир нималар олиб кетарди. Буюм, кийим, аравада дондун, бир уюр қўй... Охирги отларни ҳайдаб, рўзгорни остин-устун қилиб кетганида онаси шўрлик остонада йиқилиб жон берди. Азобу гуноҳлардан қутилди, жойинг жаннатда бўлгур... Дунёда ҳеч бир ота-она бошига тушмаган гуноҳ-шумлик кўргиликлар бир ўзимга қолиб кетди. Ўзгарибсиз дединг, бўтам. Кўтардимда ўша кўргиликларни, кўтариб юрибман. Оллога шукурким, яқин фурсатда барини елкамдан ташлайман.

«Алҳазар...— деди Мамат ичида,— ўз ўлимининг фурсатини ҳам белгилаб қўйибди...»

— Гапиринг, бой бува...

Салим чорванинг ҳикояси Маматга ўз оғриқларини сал унутишга ёрдам берарди.

— Гапиринг, кейин нима бўлди?

— Азадан кейин ҳам ҳувиллаб қолган қаровсиз ҳовлида бир ўзим қақшаб-қалтираб ўша модоркушни кутардим. Бундан кўра гўр азоби афзал. Уша лаъйин туфайли ҳамқишлоқларимиз ҳам, сенинг яйловдаги улфатларинг ҳам хабар олмай қўйишган, онасини учта букчайган қари ҳассакаш билан бориб ерладим... Куз кечалари узайган, уйқу йўқ, дам Олимни қўмсаб, келиб қўяқолсайди, дийдорини бир кўриб қолардим, деб худодан тилайман, дам акаси ёдимга тушиб, бу кўнглим учун ўзимдан жирканаман. Жинни бўлиб қолишдан кўрқаман. Рўзи рамазон қаёқда эдинг, билмайман, кечаси қаттиқ довул бўлди, бостирмаларни, қирда янчилмаган хирмонларни, орқа ҳовлида хашак, ғўзапоя ғарамларини учириб кетди, барини кўриб-билиб туриб, ғуломгардишнинг бурчагида пусиб ўтирибман. Бир нимани сезгандай қалтираб, қалима келтираман. Энди менинг кутадиган нарсам йўқ эди. Бир илинжим — Олимжон. Охирги илинжим. Унинг келиши фожиа бўлишини билиб турибману, ҳамон кўзим тўрт. Кўрай дейман,

кейин нима бўлса бўлар. Гуноҳ эди бу, оғир гуноҳ эди. Ё олло, ўзинг кечир бандангнинг заифлигини!

Кўнглим сезганича бор экан: Олим аканг пайдо бўлди. Ярим кечада. Худди довулнинг қаъридан чиқиб келди. Лекин юзида қувонч бор эди. «Дада!» деди, мен қўрқиб, оқариб кетдим. «Бекор келибсан, болам!» дедим қучоқлаб. Акасининг ният-важоҳатини гапириб бердим. Кетгин, дедим, бағримдан қўёлмай. Йиғладим. У кулди: «Акамдан қўрқаяпсизми? Довулда келолмайди, деди, бордию келса ҳам, онаизори қазо қилибди, сал тушар, ота остонасида сиз айтган ёмонликни қилмас... Бунинг устига, уларнинг энди шашти пасайиб қолган, дада».

«Қимларнинг?» деб сўрагани оғиз жуфтлаганимни биламан, айвон томондаги дераза шарақлаб очилди-ю, хонанинг ўртасига ойна синиқлари билан бирга сачраб ўша лаъйин даррендадай учиб тушди. Кўрмай қолибман, кўз очиб юмгунча укасини арқон билан чирмаб ташлабди. Ерга йиқилиб ёлбораман, қани энди қулоқларига кирса! Бу итваччаси ҳам бир гапдан қолиб, «ака» дея қолса, икки оғиз яхши гап айтиб муросага келса бўларди-ку, қаёқда, «Газандасанлар, биттангни қўймай қирамиз! — деди. — Сўзак бўлиб, бурнигача чириб кетган ўша Бегингнинг ювиндисини ичиб, битга ем бўлиб юрибсан, қайт, ўзим ора кираман жонингга, бу қирғинлар тугайди, қўш ҳайдай-миз!» — деди.

Йўқ, қоронғуда бир нима ялт этди, нимадир шарақлади, гурсиллади, кимдир хувук товуш билан бўкирди, қўланса хид чиқди...

Салим чорва ҳибсхонанинг цемент полига юзтубан ётиб қолган эди. Мамаг унинг ёнига боришга, тўлғанаётган гавдасига қўл тегизишга қўрқди.

— Бой бува...

— Чопиб ташлади!.. Лаънат! Чопиб ташлади... Лаънат, лаънат, лаънат... — чол бу хитобларни ётган жойида юзини ерга уриб-уриб айтди, қичқирди-да, кейин дармондан кетиб, жим бўлди.

Мамаг нима қилишини билмай, «кейин-чи, кейин нима бўлди?» деб қисталанг қилди-ю, ҳамхонаси бу гапларни эшитмаётганини кўриб, ўзининг саволлари болаларча синчковлик эканини пайқагач, хижолатда ўтириб қолди.

Ҳаяжон ва ғазабдан бадани қизиб кетган эди. Сув қидирди. Чолнинг кичкинагина таҳорат қумғонидан ҳовучига жиндак сув олди, лекин ўз лабини хўллаш ўрнига нам кафтини қариянинг пешонасига босди. Сув илиб қолган, пешона эса муздек эди.

Фожиали ҳикоядан иккаласи ҳам анчагача ўзларига

келолмай жим ўтиришди. Салим чорва яна илгариги ҳолатга тушди. Индамайди. Эшитмайди. Кўрмайди. «Мастрап»лар уни терговга ҳам чақиришмаяпти. Афтидан, унутиб юборишган эди. Пешинда, дарчанинг панжарасига соя тушгандагина чол дармон топиб, жойнамозга чўкди. Унинг юпқа лаблари ҳамон «Лаънат! Лаънат!» деяётгандек эди. Мамат бу жонсиз, қонсиз қиёфага узоқ тикилиб ўтириб, тоқати тоқ бўлди, оғриқларига қарамай, ўзида бениҳоя ғазаб кучи сезди. Иккита ҳўкиздай саллотнинг шафқатсиз тепкисини еб, ўласи бўлиб ётган Маматда ҳаёт иштиёқи жўшар, бу соппа-соғ одамнинг эса дили бўм-бўш, кўз қарашлари маъносиз, ҳаётда бир умиди, илинжи йўқ, инсон тамом тугаган, мисли кўланкадек ўтирар эди. У ўлимига кўнган, муддатини ҳам ўзи белгилаб олган, аста ўлаётгандай, бошқа бир нимани кутмайди ҳам, тоқати чексиз, ўтмиши ҳам, келажаги ҳам йўқ, дамлари маъносиз, гўё атрофида жон эгаси, ҳаёт асари йўқ, руҳи тамом у дунёга ўтиб кетган эди.

Одамнинг тирик ўлишини кўриб ҳайратга тушган Мамат титраб кетди.

Шу пайт эшик очилиб, зах қоронғиликка лоп этиб офтоб тушди.

— Эй, малый, подь сюды! — деди бесўнақай солдат. Маматнинг қўлтиғидан кўтариб, судрагандек олиб чиқиб кетди.

## 15. УҚ ОВОЗИ

Бу сафар Маматни ярим кечада, кўпкаридан чиққан қора улоқдай қилиб келтириб ташлашди. Бир қоп гўшт бўлиб шалвираб ётган Мамат қонли қовоқларини кўтариб кўзини очолмаса ҳам, яна авахтага келиб қолганини тушунар, қонталаш бадани, зирқираган суяклари энди ваҳшиёна тепкилардан жиндак дам олиши мукминлигини ҳис қилиб, ингроқ билан дард ва хўрликлардан аста-секин аримоқчи бўлар эди.

Аммо дард босилмади, шунча калтакдан йиғламаган, энди хўрлиги келиб, ингроқ аралаш хўнграб юборди. Титроқдан аллақаерлари лов-лов ўртаниб оғрир, бутун вужуди гўё ўт ичида эди. Бориб-бориб, йиғи титроғи уни этик тепкиларидан ҳам бадтар ҳолдан тойдирди, аъзон бадани чўғдай қизиб, ҳатто тўлғанолмай қолди.

Кейин бориб ҳушини йўқотдими, уйқу элитдими, ўчоққа биқсиган кулдай сўниб қолди.

Шу заҳотиёқ босинқирай бошлади. Тушида сувга чў-

киб кетаётганмиш. Ҳаммаёқ сув эмишу, ичи ёниб, нуқул: «сув беринг, сув!» деб қичқирармиш.

— Сув... сув...— деган ўз товушидан уйғониб кетди. Тонг ёруғида докадай оқариб, бошида Салим чорва ўтирар эди.

— Бой... бува...

Салим чорва қийғининг учини ҳўллаб, унинг қуруқшаган лабларини артди. Чолнинг қўллари қалтирар, дармонсиз эди. Дарҳақиқат, уни бу ерда бутунлай унутишгага ўхшайди. Ҳа, улар ҳозир Мамат билан овора, бир қути тилла турганда, бир мункайган чол билан шугулланишармиди, қариядан нима наф. Майли, унутганлари ҳам тузук, бу муомалаларга бобой бир кун ҳам дош беролмасди. Мамат сабаб бўлиб, чол шўрлик балки бир кун тирик чиқар бу қора гўрдан...

— Бой... бува...— Мамат қийналса ҳам аниқ, оғир, битта-битта гапирар эди,— мени яна чақиришса... чидаш беролмайман. Ҳа... улар буни билмайди, мен биламан... Шунинг учун, сирли гап ўзим билан бирга кетмасин... Сизга айтаман... Худо одил экан, сизни менга ўзи рўпара қилди. Балки, гўдак гуноҳини ювиб кетсин дегандир...

Мамат тез толиқиб, бутун баданидан тер чиқиб кетди, ундан ҳовур кўтарилар эди.

— Садаф қутингиз бор эди-ку... дуржи-бекунж... ўшани... Мен олганман. Уша менда.

Салим чорва буни эшитиб заррача ўзгармади, қонсиз юзида Мамат кутган ҳайрат ифодасидан асар ҳам йўқ эди, қарашлари ўша-ўша маъносиз.

— Эшитдингизми, бой бува... нега индамайсиз? Олтинларингиз менда, деяпман.

Чол анчадан кейин жавоб берди:

— Дунё моли дунёда қолади, бўтам. Бандаси фақат гуноҳларини олиб кетади.

Мамат тарки дуне қилиб, дарвишга ўхшаб қолган Салим чорванинг бундай мулоҳазаларига даставвал парвосиз қараётган эди. Ўзининг ҳаёти қил устида турганини сезгач, бу гапларга диққат қила бошлади, улардан маъно қидирди, энди уларда тубсиз ҳикмат борга ўхшар эди. Мамат ҳам ўз гуноҳлари ҳақида ўйлайдиган бўлди. Бой бува-сига ўша босмачилар келган кечаси чордоқдаги хашак ичида ётиб, қутини қандай қўлга туширгани, кейин уни узоқ вақт яшириб юриб, кимга бериш ҳақида ўйлаб қийналганлари, барча саргузаштлари, Новча, жезмўйлов, «Хизир бува»гача ҳаммасини гапирди, гуноҳларидан кечишини ўтинаяётгандай, ёлвориш оҳангида узоқ қийналиб сўзлаб берди.



— Бой... бува... биласиз, менинг ҳеч кимим йўқ... Симдаги уч юз етимчадан бўлак ҳеч кимим йўқ... Қутини ўшаларга, ўшаларнинг қорни тўйсин деб, Симдаги етимхонага олиб кетаётган эдим... Бўлмади.

— Менга йиғлама, бўтам, барига худо гувоҳ...

Салим чорва боланинг пешонасига теккан қўлини бирдан тортиб олди. Қафтига муздек тегди шекилли, чўчиб юзига тикилди.

Маматнинг аҳволи ночор эди: нафаси калта-калта, ўзи совуқ терга ботган, юзидаги чўтирлар кўкариб кўринди.

Лекин унинг ҳуши жойида эди, сўнгги дармонини йиғиб, тишини тишига босиб, кўксидан кўтарилиб келган ингроқни енгди-да, яна гапирди:

— Бой бува... Мен сиздан узр сўрамайман. Мен сизга сиримни охиригача айтиб улгуришим керак. Сиз менинг ягона, балки охирги гувоҳимсиз... Улар ҳозир дам олиб бўлишди, шу топда яна келиб олиб кетишади мени. Олтин деб кўзлари қонга тўлган, ҳеч нарсадан қайтишмайди...

Мамат гапини бўлиб, бир оз нафас ростлади.

— Бой бува... агар бу сафар қайтиб келмасам, қулоқ солинг, ёдингизда бўлсин... эшитяпсизми?

Салим чорва ўша-ўша ҳолатда, оппоқ оқариб, сийрак соқоллари селкиллаб, телбадай бурчакка тикилганча ўтирар, фақат заиф, сарғиш бир қўли Маматнинг ёниб ётган кўксига эди.

— Эшитиб олинг: авлиё мазорининг пастида, кунчиқишга йиғирма бир қадам... йиғирма бир қадам... ўпирилган қабрининг... сағанаси, хашак тагида... хуржун... эслаб қолдингизми? Нега индамайсиз, нега гапирмайсиз? Сизнинг ҳам... менинг ҳам захматим сингган... тупроқда бенаф қолиб кетмасин... эгасига буюрган экан...

Худди унинг гапи тугагини кутиб тургандай қизил эшикнинг темир тамбаси шарақлаб тушди-ю, ўша бесўнақай солдат ёнида шериги билан кирди. Иккови хушсиз Маматни қўлтигидан кўтарганча судраб чиқиб кетишди. Улар ҳар кирганда Салим чорвани гўё кўрмаётгандай, унга қайрилиб ҳам қарамай чиқиб кетишарди. Бу гал унинг мурдадай қимир этмай турганини кўриб, бир-бирларига қараб олишди. Салим чорва эса болага қараб қолди: назарида Мамат оёққа туриши билан қандайдир тетик тортгандай, қатто остонада уни суяб кетаётган солдатларни икки ёққа туртиб, дадил юриб кетгандай кўринди кўзига...

Улим олдидан куч йиғди бола, деб ўйлади. Қаёқдан олди? Давангидай саллотларни нўқиб ташлаш учун... Улимга тикка бориш учун...

Салим чорва нуқул Маматни ўйлай кетди. Мамат унинг

миясида ҳам, кўнглида ҳам гўё лаҳча чўғ бўлиб ёнаётган эди. У ҳам ўлимини билар, ўлимини сўйлар, бўйнига олиб қўйган эди-ю, лекин ич-ичида қўрқар, жуда қўрқар эди. Шу зимзиё авахтада ўлиб кетмасам бас, дер эди кўнглида. Кейин-чи? Кейин, бошқа шароитда ҳам, бошқа жойда, бошқа вазиятда ҳам шундай деб тилашини ўзи олдиндан билар эди. Ўлим ҳақида гапиришлари эса...

У бирдан сесканиб кетди. Қаёқдандир пақ-пақ ўқ овозлари келди. Узоқдаги вагонларнинг гумбурлаб бир-бирига урилгани эшитилди. Яқингина муюшда ҳам якка ўқ узилди, вокзал биносини янграган бақир-чақирнинг акс садоси, от дупури, гурс-гурс қадам товушлари туйнукдан ёриб кирар эди. Ҳатто яшиклар орқасидаги сичқон-каламushлар ҳам патур-путур қувлашиб қочишди. Узоқда ҳамон ўқ овозлари янграр, ҳавони тутун, дуд, порох ҳиди тутган, қаердадир қарсиллаб дарахт йиқилар, дераза синар, айюҳаннос кўтарилар эди.

Салим чорва калима келтирди, у бундай даҳшатли ғала-ғовурни қишлоқни босмачи босганда ҳам кўрган эмас. Маҳшар бўлса-чи? Бу зиндонда Салим чорвага нойил бўлган бола Мамат бўлмаса-чи?.. Унинг айтган сирли гаплари... авлиё мозори, қабр сағанаси... Булар бари тасодиф бўлмай, бир нишонан замон бўлиб...

Бу пайт ташқарида гурс-гурс қадам товуши, гуңгур-гуңгур овозлар эшитилди.

— Қулф экан!

— Оч! Буз!

Эшикни шарақ-шуруқ уриб, қулфини буза бошладилар. Эшик қарсиллаб ошиқ-мошиғи билан қайрилиб тушганда, милтиқли киши кириб, аввал негадир яшикларни тепиб кўрди, шифтгача терилган бўш яшиклар шовқин-сурон билан қулаб тушди. Омборхонада чанг кўтарилиб, эшикдан тушган қуёш нурида унинг оқиш-заррин гужғони акс этди.

Бу одамларга нима керак экан, бурчакда қути учиб ўтирган Салим чорвани кўрмадилар ҳам, шошиб, милтиқларини шарақлатиб ўз йўлларига жўнаб кетдилар. Улар аскар эмас, лекин милтиқлари бор эди. Фақат орқароқда қолган бир ёшгинаси ярим ҳарбийча кийиниб, энли камар боғлаган; хонада чанг босилгандан кейин чолни кўриб қолиб, «Қимсиз?» деб сўради. Қўлтиғидан кўтариб, етаклаб ташқарига олиб чиқди. Чиқди-ю, шошиб, бир нарсаларни гапириб, «бораверинг, уйингизга боринг, бобой», деганча, шериклари орқасидан югуриб кетди.

Салим чорва қуёшда анчагача кўзини очолмай, салқинган қовоқлари оғриб, деволга суянган ҳолда узоқ турди.

Мана ёруғ дунё... У Салим чорвага керакми, йўқми? Бу одамларнинг биронтаси буни ундан сўрамади ҳам... Бу нарса ҳозир фақат Маматга боғлиқдай бўлиб туюлди унга, Мамат... қаерда экан? Бормикин? Тирикми?

У деволни ушлаб юриб кетди. Қаёққадир бориши керак ахир. Зимзиё хонада ёлғиз ўтириб, сужутга кетиш мумкин. Лекин бу ёруғ, кенг дунёда... Одамларни топиб бориш керак. Ҳалигилар ким эди? Салим чорва илгариларни ўзига бундай савол бермасди. Ким бўлса ҳам, осий банда, дер эди. Энди эса ажратадиган бўлиб, ажратгиси келиб қолди. Бу ҳам Маматга боғлиқдай бўлиб туюларди. Мамат... Қаерда экан? Бормикин? Тирикми?

Деволни ушлаб муюшга етганида, тартибсиз сочилиб ётган тошлар, ғиштлар орасидан чиқди. Ғишт уюми ёнида офтобда чалқанча тушган Мамат ётар эди. Салим чорва узоқдан, нечукдир дилдан сезиб, таниди ва ўша томон юрди. Бориб, бошида тўхтагач, боланинг оғзидан қон келиб ўлиб ётганини пайқади-ю, гурс этиб ёнига йиқилди.

Маматнинг юзи шунча қийноқлардан кейин ваҳшиёна отиб ўлдирилган одамнинг юзига ўхшамас, нечукдир, кўп азобдан кейин ором топгандай сокин, кимдандир гуноҳини ўтиниб, «Розимисиз?» дея билинар-билинемас жилмайиб тургандай беғубор эди.

Югуриб етиб келган милтиқли кишилар чолни қўлтиғидан олиб оёққа турғизишга уриндилар, лекин Салим чорва турмай, чўккалаб бориб, яна Маматга ёпишди, қалтираган бармоқлари билан сарғиш қовоқларини сийпаб, ёпди. Ўзининг нурсиз кўзларида илгаригидай бўшлиқ эмас, маъно, биргина маъно — изтироб пайдо бўлган эди.

— Ҳа, бобой, ўғлингизми? — дейишди одамлар.

Салим чорва гапни эшитмагандай, Маматнинг бошини кўтаришга, тиззасига олишга уринди, кейин бир ўликнинг юзига, бир одамларга илтижо билан қараб, ёшсиз, унсиз йиғлади.

— Ким ўзи бу, бобой? — деб яна сўрадилар.

— ... Қўйчивон... — деди Салим чорва эшитилар-эшитилмас, — қўйчивон эди.

Бу вақт вокзал биноси ёнидаги дарахтзорда музыка янгради. Духовой музыка. Жез асбоблар куз офтобида йилт-йилт ётар эди. Оғир, чўзиқ, юракни эзадиган мотам куйи гўё бутун дунёни ўзгартириб юборди, ҳамма жим, ҳатто қушлар ҳам учмас эди. Бўлиб ўтган қисқа жангнинг қурбонларини бир-бир олиб ўтишди. Икки... тўрт... олтита тобут. Милтиқли кишилар бош эгиб, оркестр кетидан эргашдилар. Ғиштлар орасида, Маматнинг ўлиги устида Салим чорва қолган эди, холос.

— Кўйчивонни ҳам олинглар биродарлик мазорига! — деб қичқирди бўрк кийган биров. Бошлиқлари бўлса керак. Бу милтиқли кишилар шошқалоқ, айни пайтда ишчан эдилар. Учтаси келиб, чолни ҳурмат билан четроққа чиқаришди-да, рухсат сўрагандай унга қараб олгач, марҳумни ечинтириб, иккита тахта устида ювиб, бирпасда кафанлаб, тобутга солишди. Мажолсиз чолнинг жаноза ўқиб бўлишини сабрсизлик билан бўлса ҳам кутиб турдилар. Кейин тобутни кўтариб, олдингиларга етказиб олдилар. Салим чорва оломонга эргашди.

У биродарлик мазорининг нима эканини ҳам, бу одамларнинг кимлигини ҳам аниқ билмасди. Оломонга зўрға етиб юрди, олдинга ўтолмади. Оёғини зўрға олар, йиқилиб қолмаслик учун бутун кучини тиззаларига тўплаб борар эди.

Бир маҳал ўқлар овозидан сесканиб тушди. Қараса — ҳеч ким ҳеч қаёққа қочмаяпти, у ҳам тураверди. Яна ўқлар узилди, яна, яна... Фақат шундан кейингина одамлар секин, бош эгиб тарқала бошладилар. Бориб-бориб, қабристонда ҳеч ким қолмади, Салим чорва ўзини каттагина янги қабр теласида кўрди. Оёғига хас илашдими, дармони тугадими, қабрдан анча берироқда тиз чўкди... «Маматкул...» деб шивирлади.

Бояги ёшгина милтиқли йигит қайтиб келиб, сўради:

— Бобой, ёрдам керак эмасми, ҳолингиз етадими? Майли, бирпас ўтиринг, қурбонларни дуо қилиб, дардингизни ёзинг... Аммо-лекин, қибла бу томонда, — деб кун оғаётган ёқни кўрсатди-да, милтиғини елкасига олиб югурди. Чолнинг жавобини эшитмади.

«Етса ҳолим, етмаса жоним — шу боланинг нияти менга қибла», деб пичирлади Салим чорва. Узоқ ёлғиз ўтириб, оят ўқидими, мудрадами, ишқилиб, нафасини ростлаб олди.

Саҳарда ҳаво салқин, шабнамдан чанглар босилган, олисдан вагонларнинг тарақлагани, паровоз гудоклари эшитилар эди. Неча ҳафтадан бери ҳувиллаб ётган вокзал харобаларида жонланиш, шошқалоқ йўловчилар, ҳарбийлар, юклар пайдо бўлган, яланғоч теракларда зағча галалари бу жонланишдан безовта, тинмай шовқин солишар эди.

Салим чорва издан чиқиб ётган вагонлар орасидан, қоқина-туртина темир йўл бўйлаб юрди. Азонда шаҳар кўчиб чиққанми, нима бало, юзлаб одамлар ёнган бугдой уюмларини кураб, замбилларда гишт-тупроқ ташиб, йўлларни тозалар эдилар. Баъзи вагонларга қорамол юкланган, баъзиларига замбарак ўрнатилган, бирида ёш аскарларнинг хушчақчақ сурони эшитилар эди.

Елкасида хуржун, бошида кулоҳ, жулдур кийимда, чоригини судраб ўтаётган қарияга ҳамма қараб қолар, шпал кўтариб қора мойга беланган милтиқли кишилар шўхлик билан гап қотар эди:

— Ҳа, бобой, ҳажга отландиларми?

— Ҳа, рамозон тугаяпти, булар ҳам энди турнақатор бўлиб йўлга чиқишади, Қашқар қайдасан, деб.

— Савобнинг осон йўли-да, қон кечиб юрмайди сен билан менга ўхшаб!

— Бу дунёнинг айшини сурган, энди у дунёлигини ўйлайди!

Салим чорва бу жойлардан ўтгунча терга ботиб кетди. Вокзал биноти ёнида от-арава, қоп кўтарган ола-қуроқ одамлар, саф тортган ёшлар, югур-югур, йиғи-сиги, ғовур, сурон авжида эди.

Салим чорванинг ёнида от етаклаган киши пайдо бўлди.

— Салом-алайкум!

— Ваалайкум...— қараса, кечаги ярим ҳарбий, камарбаста ёш йигит. — Ваалайкум ассалом.

— Йўл бўлсин, бобой? Поездга ўтирасизми?

— Ҳа, болам. Қайсиниси Симга юради?

— Симга? Ҳов ана, товарнийга ўтиринг,— деди йигит эшиги очиқ, одам тўла қизил вагонни кўрсатиб.— Хуржунни қоқиб олинг! Қабристонда тунаб қолдингизми, нима баало? — деди кулиб, отини етаклаганча шошиб узоқлашаркан.

Ўз олтинларини елкалаб, Салим чорва нурсиз кўзлари билан атрофга ўғридай аланглади-да, кафти билан хуржуннинг тупроғини аста сийпаб қоқди. Қути эшитилар-эшитилмас шақирларкан, чолнинг дилида узоқ-узоқларда қолиб кетган бир огриқ-аламми, қониқишми — ишқилиб таниш бир туйғу қўзғалиб қўйди. Бу маҳал олисда узун чинқириб паровоз кетма-кет гудок берди. Салим чорванинг кўпдан сўник руҳига аллақандай ғулғула тушиб, тиззаларига қувват келиб, қадамлари тезлашди.

## ХОТИМА

... Салим Аҳмедов хўжалик мудирини бўлиб келгандан кейин, етимхонада биз қорнимиз тўйиб овқат ейдиган бўлдик. «Торгсин»дан қоп-қоп оқ ун, шакар келди. Мен фабриканинг суратли печенъесини биринчи марта ўшанда еганман...

Лекин энди у кунларни ҳеч ким эсламайди. Илгимиз тўқ, кўнглимиз шўх. Аҳмедов ака ҳам бизга ўша берган

нону қанд-қурси билан эмас, болаларга беҳад меҳри билан қадри бўлиб қолган.

Назаримда, у ҳали ҳам елкасида қандайдир юк олиб юрар, уни ташлаб ҳам юборолмас, хотиржам, енгил руҳ билан яшай ҳам оямасди. Бошидан ўтган ўша воқеалар энди ўтмиш бўлиб узоқларда қолгандан кейингина, биз билан суҳбатларда бир оз ўзига келар, йўқотган оромли дамларини қайта топгандай бўлар эди. Биздан узоқлашиб ёлғиз қолганида эса, уни яна қандайдир хаёллар қийнаганини сезар эдик: Хотирасида ўтган воқеалар жонланиб, у ўшаларни виждон тарозисида қайта-қайта тортиб кўрар, ўз кўнглига қулоқ солиб, нималардодир ўзини қаттиқ айблар эди шекилли. Фақат атрофини биз қуршаб, одатдаги гурунг бошланганда, пешанасини силаб болалар ҳақида гапира бошлаганидагина руҳи енгил тортар, бизга Маматнинг саргузаштларини яна қайта ҳикоя қилар эди. Аммо ўшанда ҳам, биздан кўра кўпроқ ўзига, ўзи учун, ўзи ҳақида гапираётгандек туюлар эди.

— Мен ҳам ҳамавақт бой бўлган эмасман, болалигимда қўй боқар эдим, — дерди у. — Отадан беш ўғил, бешовимиз ҳам қўйчивон эдик. Отамиз раҳматлик бадавлат бўлсалар ҳам, қурумсоқроқми, ёки эътиқоди шундайми, қўйчивон ёллагас, «қўй кетидан ўзинг юрмасанг, биринг икки бўлмайди», деб яйловга бизларни ҳайдар эдилар. Аккаларим бўзахўр, ялқов, ўтовдан чиқмай маншат қилишар, қўй кетидан эса мен юрар эдим.

Чиндан ҳам, уларнинг бири икки бўлмади. Мен эса... Кимсан, Салим чорва...

Ҳай, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Шундай қилиб, қўй боқар эдик. Бир куни яйловда кечаси бирдан қаттиқ довул, бўрон турди. Чайлаю хашак фарамларимизни гирдибод чирмаб осмонга олиб чиқиб кетди. Чанг-тўзондан олам зимистон бўлиб турганда шундай жала қуйиб бердики, тепамиздаги қоп-қора булут бирдан яйловга тўнкарилиб тушгандай эди. Қўй дегани ғирт аҳмоқ бўлади, худди жаладан қочиб қутиладигандай, сурув сурувга эргашиб, бош оққан томонга қараб оқаверди. От солиб сурувларнинг бошини қайириб келинмаса, ўзини қаёққа ургангани, қаёқларга улоқиб кетганини билмайди махлуқ. Акамларни топиб боришга вақт йўқ, қозикдаги бедовни яйдоқ миндиму, қоронғи тун қўйнига ўзимни урдим. Момақалдиरोқдан ҳуркиб, сапчиб турган от ҳам бир қамчидан учди кетди. Яйлов чексиз, тун зимзиё, бўрон, жала қутургандан қутуряпти, мен сурувларнинг бошини қайтаришни мўлжаллаб, таваккалига йўл солиб кетяпман. Отнинг қуюндай бебош ҳаяжони менга ҳам ўтди, туёгидан сачраган ўт кўз-

ларимдан чиқкандай туюлади. Бир маҳал еру кўкни ларзага солиб шундай қалди роқ гумбурладики, қоп-қора осмон тарс ёрилгандай бўлди, кетидан булутларни қайчилаб чақмоқ чақди. Қути ўчган бедов олдинги оёқларини тикка кўтариб осмонга салчиганида, бир зумлик чақмоқ ёғдусида худди отнинг оёғи остида... тубсиз жарлик ўпқондай қорайиб ётганини кўриб қолдим. От ҳам буни вужуди билан сезганми, чақмоқ ёритган бир зумда кўриб қолдим, ишқилиб, орқа оёқларида тикка турганча нечукдир четроққа қайрилди. Мен унинг ёлларига ёпишганча, кўзимни чирт юмиб... ҳалокатни кутар эдим... Йўқ, оламни ёритган бир зумлик чақмоқ бизни охирги лаҳзада қутқазди. Агар у бир лаҳза кечикканда бедов билан биз тубсиз жарлик қаърига учган бўлардик...

Маматнинг ҳалокати ҳам мен учун мана шундай чақмоқ бўлди. Мен жар ёқасида турган эдим, у чақмоқдай ёниб ўчди-ю, мен тубсиз ўпқонни кўриб, тирик қолдим. Жасорат изсиз йўқолмас экан. У биргина ялт этиб ёниб ўчса ҳам, шуъласи одамларнинг йўлини ёритар, гоҳо ўлимдан ҳам сақлаб қолар экан.

Мамат... у ҳали на сизни, на даврни, на Шўро ҳукуматини билар эди. Юрагида эзгу ўт бор эди холос. Ўша далда берди дадил ишларга, хатарли йўлларга ўша бошлаб чиқди. У сизга интилди. Мен эса...

Мен шундай замоннинг кишисиманки, бир умр жамғарган бойлигимни бировга беминнат топширишим сира мумкин эмас эди. Аммо мен топширдим. Мен ўзгардим. Бунга оғир, шафқатсиз йўл билан, беомон қурбонлар воқитаси билан келдим. Мен бунга сиздек бир ўсмирнинг қахрамонона ҳалокати орқали келдим. Жасорат унга унинг ўзи учун эмас, бошқалар учун керак эди.

Сергаплигимни айбга буюрманглар, болаларим, жар ёқасидан қайтган, қайта тирилиб, қайта инсон бўлган одамнинг бировларга айтадиган гапи кўп бўлар экан...

1981—1982-йиллар,

## ИЛДИЗЛАР

Улар Ёшлар уйи рўпарасидаги гавжум хиёбоннинг бетон йўлкасидан қўл ушлашиб келар эдилар. Баҳорнинг охирги кунларидан бири, осмон тиниқ, нафас енгил, момотолнинг қизғиш момик гуллари нафис атрини таратиб тебранади. Бу обод хиёбондан байрамдагидек ясанган ёшлар кўп ўтиб турса ҳам, мана шу жуфтга ҳамма бошқача эътибор ва ҳавас билан тикилиб қолар эди. Иккаласи ҳам баланд бўйли, қадди расо, хушбичим: қизнинг эгнида тўпиқдан келадиган узун оқ ҳарир кўйлак, кичкинагина кўк бахмал нимча эса, ихчам сийнасини таранг тортиб турибди; йигит қимматбаҳо кулранг костюмда, сал кўтарилган пошналар бетон плитада «тўқ-тўқ» этади, қуюқ қора сочи янги модага мувофиқ елкасига тушиб, чиройли қайрилган.

Одам ёшликдаги бундай бахтли онларини ўша дамнинг ўзида унча англаб етмайди, уни кўпинча улғайгандагина қўмсаб эслаймиз. Лекин булар бахтли эканликларини ҳам, бир-бирларига муносиб эканликларини ҳам, ҳамманинг ҳавасини келтираётганликларини ҳам ҳозироқ яхши билар эдилар, чамаси. Бу уларнинг мағрур юришларидан, ошкора фахр ҳисси билан бир-бирларига қараб қўйишларидан, ёниб турган кўзлари-ю, чеҳраларидаги қувонч жилваларидан билиниб турар эди.

Офтобда кўп қиррали биллур қадаҳдай товланиб кўринган Санъат саройи олдида сершовқин жойдан ўтар эканлар, танишлардан кимдир ишора қилиб кинога таклиф этди шекилли, йигит қизнинг юзига савол назари билан қаради. Қиз жилмайиб бош силкиганида, елкасида икки ўрим сочи аста тўлғаниб қўйди: «йўқ».

Чиндан ҳам, улар ҳозир кинотеатрнинг қоронғи залига сиғадиган эмас эдилар. Ҳаяжонли кайфиятларини атрофдагиларга ҳам юқтириб, бамайлихотир кенг проспектга чиқиб бордилар ва қўл ушлашганча машиналар орасидан югуриб, нариги тротуарга ўтдилар. Хайрлашиш пайти келди чоғи, бир-бирларига қараб тўхтаб қолдилар.

— Ажрашиб кетаверамизми, шундай куни-я, Муҳсина? Ҳеч бўлмаса, бир рюмкадан шампань...

— Вой, ана! — деди Муҳсина ҳазилакам ҳайрат билан кўзларини катта очиб. — Бунақада синовдан ўтолмай қоламиз-а.

Улар кула-кула яна қўл ушлашиб, янги кварталнинг торроқ кўчасига кириб кетдилар. Бу кўча камқатнов, икки ёнига ёш чинорлар экилган, нариги боши кўп қаватли оп-



поқ биноларга бориб тақалар эди. Улар баланд овозда бемалол чақчақлашиб, ўша бинолар томон юрдилар.

— Синоз муддати... алмисоқдан қолган янгилик! — деди йигит. — Синалмаган отнинг ёнидан ўтма, деган гап бор. Отни синайди, молни синайди, одамни синаш эса... айниқса севган кишингни атай синаш... Бу — камситиш, хўрлашга ўхшаб кетади, ўлай агар!

— Қўрқаётган бўлманг яна, Марат ака? — деб чиройли кулди Муҳсина.

— Ўзингиз ўйланг, севиш учун ошқора синаш... одамнинг иззат-нафсига тегмайдими?

— Йўқ, — деди Муҳсина узун, чиройли оёқларига ўзи ҳам суқ билан қараб, равон-равон одим ташларкан, — мен қаердадир ўқиганман: бир одамни чинакам севсанг, уни ҳар қадамда янгитдан кашф этаётгандай бўларкансан, янги-янги фазилатлари очилавераркан. Одам, умуман — сир. Севган кишинг эса — айниқса! Чексиз мўъжиза!

— Бу тўғри, — деди Марат, — мана, сиз менинг учун, синасам-синамасам, бари бир ажойиб мўъжизасиз! — Улар ушлашган қўлларини сиқиб қўйдилар. — Лекин бу бошқа нарса. Гап синов ҳақида. Синоз... одамни худди тарозида тортиб олаётгандай... Кейин, бир ойлик синов билан иш битадими? Сиз бир умр синанг мени, Муҳсина!

— Олдин бир ойлигидан эсон-омон ўтиб олинг!

Иккалари ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордилар, рўпарадаги тўққиз қаватли бинолардан акс садо келди.

— Утаман, шону шараф билан ўтаман, Сина... — Марат севгилисининг бундай эркаловчи номини ўзи тўқиган, ёлғиз қолганларидагина шивирлаб айтар эди. — Шу бир ой ичда фақат яхшилик, фақат яхшилик қилганим бўлсин. Намунали йигитча бўламан, сизни иззат-ҳурмат билан қўлимда кўтариб юриб ўтказаман бир ойни!

У ҳазиллашибми, чинакамигами, қизни қўлларига кўтариб олмоқчидай интилди.

— Вой ўлай, одамлар нима дейди! — деб қиз шўхлик билан ўзини олиб қочди. Улар яна роҳат қилиб кулдилар.

— Сиз жуда хийлагарсиз! Бир ой иззат-ҳурмат... ҳа, кейин-чи?

Марат бирдан жиддий тортди:

— Ана, кўрдингизми?! Ким, қаердан олиб белгилабди синов муддатини? Балки бир ой эмас, бир йил керакдир, балки ўн йил керак бўлар? Умуман, бемаъни гап — синов!

Муҳсина тўрсиқ лабларини чўччайтирди — қаттиқ эътироз билдирмоқчи эди, йигит терак соясига келиб қолганларидан фойдаланиб, уни қучиб олди.

— Синаш эмас, севиш керак!.. — деди шивирлаб.

Қиз унинг бағридан юлқиниб чиқди-ю, лекин бўшашиб, парижонроқ бўлиб қолганини ўзи ҳам пайқади; тўққиз қаватли бинонинг подьездида лифт ёпилиши билан эса яна ўзини йигитнинг бағрида кўргач, унинг эҳтиросли бўсасига ёниқ лаблари билан жавоб қилди, тийиб юрган ҳиссиётларига биринчи марта эрк берди.

Мана, бешинчи қават ҳам... бир бўсалик йўл экан...

Маратнинг бир хонали уйи деярли бўш: рулонлар, ўралган ватман ва тахта-тахта қоғозлар билан тўла очиқ шкаф, дераза томонга қийшайтириб қўйилган чизмакашлик столию, бир янги дивандан бўлак ҳеч нарса йўқ.

— ...биров йўғида... ўғирлик экан-да. Иккинчи бундай қилманг, Марат ака, — деди қиз ҳали ҳам юз-кўзини қаёққа яширишни билмай, жиддий зарда билан. Диванга ўтиганларида Маратнинг уни энди кўраётгандай тикилишини кўриб, чўчиброқ яна такрорлади:

— Иккинчи бундай қилманг. Синовимиз энди бошлан-япти.

— Шу биринчи кунни нима биландир нишонлаш керак деб ўйладим, бўлмаса энда қолмайди, кечиринг, Муҳсина.

Жимлик чўкди. Чиндан ҳам тарихий кун. Улар энди бир-бирларига ҳар қачонгидан ҳам кўра яқинроқ... Лекин бу жимлик...

— Чой қўяйми? — деди қиз сапчиб туриб. Бирдан ҳаммасини кечиргандай очилиб кетди.

— Кофе бор.

Муҳсина ошхонага ўтди. Бу уй унга унча-мунча таниш. Марат билан энди танишганларида унинг илтимоси билан келиб, конкурсли бир лойиҳасини оққа кўчириб берган эди. Ушанда ҳам шу кухняда чой дамлаб, бирга ичган эдилар. Кейинроқ қандайдир баҳона билан яна бир кириб, иккигина минут ёлғиз қолишган эди. Муҳсина келганда Марат негадир доим қаттиқ ҳаяжонланади, қувонгандан шу бўм-бўш кенг уйда ҳам нимагадир қоқинади, нимадир қилмоқчи бўлади-ю, бесўнақай ҳаракат билан албатта бир нарсани ағдаради ёки синдиради. Ҳозир у катта хонада дераза пардаларини очяпти. Муҳсина уни кўрмаса ҳам, шошқалоқлигини сезиб турибди. «Шу топда гулдони тушириб чилпарчин қилади», дея ўйлаб, пиқ этиб ҳовучига кулиб қўйди.

Йўқ, Марат бу гал ҳеч нарсани синдирмади. Муҳсина кофе қайнатиб чиққанида чизмакашлик столига оқ қоғоз ёйилган, икки бўлак торт билан иккита фужер қўйилган, уй эгаси шампань шишасини очишга уринар эди. Муҳсина кофе билан чашка ва ликобчаларни столга қўйиб, бармоқларини тишлади.

— Нима бўлди? — деди Марат ҳовдиқиб.

— Қўлимни куйдириб олдим...

Марат дарров келиб унинг бармоқларини лабига босди, пуфлади, яна лабига босди.

— Мен янги лойиҳаларимда шу кухняю плиталарни йўқ даражага келтирмоқчиман! — деди у қизни стол ёнига ўтқазиб. Ишчанлик билан, кўпиртириб шампань қуя бошлади.

— Қандай?

— Шундай. Одам корхонада ишлайдими — бас. Уйда ҳам ишламасин-да энди. Ҳозирги одамлар ижтимоий фаол, доим банд, иш билан яшайди, уйга дам олгани, ухлагани келади, холос.

— Кухнясиз...

— Кухнясиз уйнинг ҳавоси мусаффо, уй эгаси ортиқча жиз-биз, ҳид, ис, лаш-лушу ташвишлардан холи бўлади. Шундоққина пастда ресторан, ошхона, кафе... Уларни чиройли қилиб нега қуриб қўйибди?

— Уйники бошқа-да...

— Ўша ерда ҳам уйникидай қилиб тайёрлаш керак! Шу ҳам муаммоми?

— Оила, болалар... — қиз ерга қаради.

— Гап келажак лойиҳалари ҳақида. Бориб-бориб оилаларда болалар... камаяди. Статистика шуни кўрсатяпти. Замонавий тенденция шунақа. Мен лойиҳаларимда турмушдаги асосий тенденцияларни, айниқса, техноэволюцияни кўзда тутяпман, Муҳсина. Қани, ичайлик,

Фужерларга қўйилган шампаннинг дами чиқиб кетяпти. Муҳсина ушлаб қўяди-ю, фикри бўлиниб яна ичмайди.

— Тенденция деганингиз ўз йўлига, баъзан камчиликлар ўсишларнинг давомидан иборат бўлади. Мен, масалан, оилада болаларнинг кўп бўлишини истайман... — деди у. Деди-ю, қизаринқираб кўзини пастга олди. Марат унинг стол устидаги қўлини ушлаб, кулди:

— Сиз ўзингиз боласиз, кичкина...

— Ҳазилга олманг, жиддий гапиряпман. Мен уй ишдан ҳам қўрқмайман, ҳозир аёлларнинг рўзгор тутиши осон бўлиб қолган, машина...

— Ҳа, бундан эллик йил аввал буюк Корбюзье айтган: келажакда уй тирикчилик машинасига айланади. Мана, унинг айтгани келди: ҳозир оддийгина хонадонда ҳам камида йигирма хил мотору агрегат ишляпти — кир ювғич, чанг ютғич, ҳаво тозалайдиган, уй совутадиган, соч қуритадиган, кофе майдалайдиган, ахлат шиббалайдиган, майса тарашлайдиган, соқол оладиган, шарбат сиқадиган, овоз кучайтирадиган машиналар, холодильник, телевизор, радиоприёмник, магнитофон, электр дазмол, электропли-

та... Кичик ЭХМ ўрнатилган электроплита бир юз йигирма хил овқат тайёрлаш программасини қабул қила олади. Терморегуляторли това ҳозир сотиляпти...

Осон бўлиб қолган, дейсиз. Буларни сотиб олиш, жойлаш, бошқариш, ремонт қилиш осон эканми! Уй бекаси эмас, доимий ўсиб, мураккаблашиб борадиган бу технологияни эгаллаган инженер бўлишингиз керак. Бу машиналарнинг техноэволюцияси қўл-оёғингизни чамбарчас боғлаб қўяди. Бунинг устига, булар бари буюм ахир. Ҳар бир буюмга жой керак, буюмга қараш, уни асраш, оҳ-ҳо-о... Одам ўзига қулайлик яратаман деб, буюмга қарам бўлиб қолади.

— Нима қилиш керак?

— Ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти нима қилиш кераклигини. Уйларни иситиш марказлашди — печка-танчадан қутилдик. Уйларни ёритиш, газ, бошқа коммуникациялар марказлашди — яна қанча ортиқча лаш-лушдан холи бўлдик. «Мойдодир»ни болалигимизда ўқиган эдик. Эсингиздами? Қани ўша «ичкари хонадан лапанглаб» чиқиб келадиган кўпол «Мойдодир»? Унинг деворга кириб кетганини сиз билан биз сезмай ҳам қолибмиз! Бундан буён ҳам шундай бўлади. Мана, телевизор. Жиҳоз сифатида у бизга керакми? Йўқ. Бизга унинг информацияси керак. Келажакда деворда унинг экрани қолади. Мана, холодильник. Бизга унинг бир ярим метрлик гавдаси эмас, совуғи керак, шундайми? Келажакда совутиш агрегати марказлашади, токчада фақат бизга керак даражадаги температураси қолади. Уйларни бўғиб турадиган барча жиҳоз ва ташвишлар маиший хизмат комбинатларига кўчади.

— Китоб...

— Катта кутубхонага китоб буюрасиз, унинг варақлари истаган вақтингизда уйдаги экранингизда акс этади. Уйда буюм эмас, пулт тугмачалир... тушуняпсизми? Эндликда янги лойиҳалар мана шу йўналишларда ишланиши керак, мен бунга аминман!

Муҳсина унинг қалин қошларини чимириб, берилиб гапиришига маҳлиё эди. Бир оз ўйлаб туриб, деди:

— Шундай экан. Марат ака, нима учун лойиҳаларингизнинг душманлари кўп? Улардан нолиганингиз нолиган, ҳар мажлисда сизнинг жанжалингиз...

— Янгилик ҳеч қачон дарров тушунилмайди.

— Мана, мен ҳам тушунмаяпман. Сезяпманки, сиз айтган уйлардан... фаришта қочади.

Марат қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Яна бир душман! — фужерни қўлига олиб тагин кулди у. — Ҳамма душманларим сиздек бўлсин, олинг, Муҳси-

на! — у ичиб юборди. Қиз ҳам лабига теккизиб, қўйиб қўйди. У негадир безовта, эътирози кўпу, топиб айтолмаётганга ўхшар эди. «Фаришта»... чиндан ҳам, кулгили далил. Марат эса ўз фикрларидан раъбатланиб, гапида давом этди:

— Агар шу сафар атиги битта экспериментал микро-районим лойиҳаси кўргазмага қабул қилинса, душманларим икки баробар камаяди! Бироқ комиссияда ҳар хил одамлар бор, Муҳсина...

— Яланғоч уйларда туришни истамаганларми?

— Яланғоч уй?

— Яланғоч ва совуқ.

— Муҳсина, илиқлик буюму машинада эмас, илиқлик қуёш нурида, жоним. Менинг уйларим тўла қуёш бўлади! Қуёш ва ҳаво! Келажак уйлари бу. Уларда одамни қарам қилиб қўядиган эмас, одамга хизмат қиладиган ихчам ва қулай жиҳозларгина қолади. Одат бўлиб кетган нарсалардан воз кеча билиш керак. Биз ҳаммамиз негадир оёғимиздаги кишанларни яхши кўрамиз.

— Уйга фақат ухлагани келадиган одамлар бориб-бориб оилани ҳам, хусусий ҳаётни ҳам, ҳис-туйғуларни ҳам кишанга чиқаришмасмикин?..

Марат ўрнидан туриб, қизга яқинроқ келди.

— Жонгинам, — деди аста Муҳсинани доим таслим этадиган қуюқ, ширали овози билан. Муҳсина ҳам ўрнидан турди. — Сизга аталган ҳис-туйғуларим кишан бўладиган бўлса, мен уларни бир умр судраб юришга тайёрман. Лекин... Сизга абадий муҳаббат ваъда қилган кишига бу гапингиз... ўринли эмас. Ҳис-туйғу эса... — у қизни бағрига тортиб, сочлари билан бўйинларини қитиқлади, лаблари билан ёноқларини, лабларини қидирди. Муҳсина юзини пастга яшириб, бошини аста унинг кўксига қўйди. Шу ҳолатда анча турдилар. Қиз сочларининг атридан меҳри товланган Марат шундай кунни азиз меҳмони билан «ўринсиз мавзуда ўринсиз гап» очганига уэр сўради.

— Гап унда эмас, сиз лойиҳангизни бари бир ҳар қаерда ҳимоя қилишингиз керак... — деди Муҳсина. — Аксинча, мен сизга қўпол гапирдим, кечирасиз. Лекин ҳалигиндай лойиҳаларингиз менга тушса, олмайман, бошқа қизлар кўчирсин, — юзини кўтариб кулиб қаради у. — Мени кузатиб қўясизми?

Икки кундан кейин чертёж залининг жимжит йўлагига телефон жиринглади.

— Муҳсина! — деб қичқирди навбатчи аёл.

Чизмачи қизларнинг ҳаммаси бирдан қайрилиб қаради: эрталабдан Муҳсинани ҳеч ким телефонга чақирмас эди,

нима гап? Муҳсинанинг ўзи ҳам ҳайрон — Марат унга фақат ишдан кейин телефон қилар: «Соғинишни ҳам сира биласизми?», «Кечқурун нима ишлар қиласиз?», «Кузатиб қўядиган борми?» каби ҳазил-ҳузил билан ҳол-аҳвол сўраб қўяр эди. Бу эрталабки кўнғироқ кимдан бўлди?

Борса — Марат экан. Овози қандайдир бошқача, нотаниш туюлди. Худди жуда узоқдан гапиряётгандек.

— Нима гап? Институтдан гапиряписизми? — Муҳсинанинг кўнглига негадир «лойиҳасига бир нима бўлган» деган фикр келиб кетди. Марат ишхонасига бундай барвақт келмасди. — Тинчликми?

— Тинчлик. Қишлоққа бориб келишим керак. Мирзачўлга! — деди Марат яна узоқлардан қичқиргандай. — Аям чақиртирибдилар, товлари йўқ экан. — Марат фарғонача одатга кўра онасини «ая» дер эди.

— Нима бўлибди?

— Қаттиқроқ ётганмишлар, бормасам бўлмайди.

Трубкада анчагача жимлик давом этди.

— Менга қаранг, Марат, ака, мен ҳам бораман сиз билан, — деди Муҳсина, — қачон кетасиз?

— Йўғ-е, мен тезда қайтаман. Биласиз-ку, комиссия ишляпти, мен шу ерда бўлмасам бўлмайди.

— Йўқ, мен бораман.

— Жинни бўлманг, ишдан ким жавоб беради сизга, ундан кейин...

— Сиз ўзингизда бўлинг, мен ҳозир етиб бораман, телефонда битмайдиган гапга ўхшайди.

У трубкани қўйди-ю, шошқалоқлиги билан чертёж залидаги синчков дугоналарини ҳайратда қолдириб, сумкасини қўлтиқлаганча югуриб чиқиб кетди.

Лойиҳачилик институти шундоққина мушошада эди. Муҳсина кўчага ҳам чиқмай, ҳовлини кесиб ўтиб, хизматчилар юрадиган ички подьезддан кирди-да, зинадан учинчи қаватга югуриб чиқди. Қизил пояндоз тўшалган коридорлар бўм-бўш, илмий ходимлар ишга кечроқ келишади, Маратнинг эшиги эса очиқ. Муҳсинани оёқ товушидан таниб, пешвоз чиқди. У безовта ва паришонроқ. Муҳсина уни сочи таралмаган, галстуксиз, бундай «хонаки» ҳолатда илгари учратмаганмиди, ўзини йўқотган ёш йигитчадай кўриниб кетди кўзига.

— Нима гап? — деди Муҳсина ҳам ташвиш билан.

— Билмадим, лекин сиз «бораман»ингизни қўйинг, мен тезда қайтаман.

— Тезда қайтолмасангиз-чи?

— Мен бугун кетаман, соат иккидаги экспресда, сиз эса ишдасиз.

— Мен ҳозир бориб, ўз ҳисобимдан жавоб оламан, бир ҳафта етадимми?

— Бу ортиқча ташвиш кимга керак, Муҳсина?

— Баҳона билан мени оингизга кўрсатасиз. Ёқсам, тузалиб кетадилар.

Марат шу ноҳўя ҳолатда кулиб юборишига сал қолди, лекин қараса, қиз жуда ҳам жиддий гапиряпти.

— Сиз албатта ёқасиз, Муҳсина.

— Бўпти-да, ана шунда тузалиб кетадилар.

— Бироқ «кўрсатгани» олиб бориш... Буюмни кўрсатадилар...

— Майли, мен буюм бўлай, мол бўлай... Қани бундай ўтиринг-чи, — деди Муҳсина ўзи юмшоқ креслога чўкиб, — архитекторнинг шундай чиройли кабинетида тикка туриб гаплашмайлик. Гап ота-онага кўриниш бериш ҳақида кетяпти. Боболардан қолган ўдум, Марат ака.

— Ҳа, кўҳна урф. Зарур эканми? Эски вақтда зарур эди: хонадон бир, қозон-товоқ бир, тирикчилик бирга. Ҳовир энди... сиз билан мен бирга яшаймиз, шуниси муҳим.

— Бир хонадонда яшамасак ҳам, бегона бўлмаймиз, ку. Ота-она боласини умид билан, азоб билан катта қилади. Оқибатда эса, бегонадай... Ўзингизни ота ўрнига қўйиб кўринг.

— Менинг онам ёлғиз, биласиз...

— Демак, у киши сизга ҳам ота, ҳам она. Шундай бўлгандан кейин...

— Очиги, ўша сиз айтгандай, олдиндан кўриниш берганларни ҳам биламиз. Ҳамма гап ёшларнинг ўзига боғлиқ, қанча мустақил бўлсалар, иш шунча пишиқ. Ота-онага боғлиқ эканми? Олтмиш фойиз ажрашганлар қайнона-келин жанжали туфайли. Ўзингиз ҳам айтган эдингиз, ҳов чизмачи дугонангиз... Умидамиди?.. Эри «ё онангни дейсан ё мени» деб кеткизворган экан-ку. Кўриниш берган билан, баъзилар бари бир бегонадан баттар бўлади.

— Менга қолса, — деди Муҳсина ўйчанлик билан стол тахтасидан ниманидир тирноқлаб, — менга қолса, қайнона-сига рўйхуш бермаган келин ўз онасига ҳам муносиб эмас.

Марат бу босиқ гапга дарров жавоб қайтаролмай, қизнинг қўлини кафтига олиб, ўйлаб қолди.

— Ҳар ҳолда... — деди кейин, — муҳаббат, тотувлик аввало икки севишганнинг ўртасида бўладиган гап. Учинчи киши ким бўлса ҳам бегона.

— Биз она ҳақида гапиряпмиз, Марат ака. Мени бормагин деяпсиз... Шуми?

— Жуда ҳам шарт бўлса...

— Мана, меникилар билан танишмиз, — дея севишиб,

юмшаб давом этди Муҳсина.— Қандай яхши. Уларнинг юзидаги ишончни, мамнуликни кўрдингиз. Доим бахт-саодат тилашади, ҳар кўрганда қувониб дуо қилишади. Оқ фотиҳа бердилар. Бунда қандайдир эзгулик бор.

— Наҳотки дуога ишонсангиз? — деб кулди Марат.— Дуо-ю фотиҳа билан бахтли бўладиган бўлса — сҳҳо!

— Тўғри, балки бунга боғлиқ эмасдир-ку, лекин ҳар ҳолда, кўнгил...

Маратни ҳамиша тўлқинлантирадиган бу овоз қандайдир сирли, уни доим мана шундай муросага келтирар эди. Йигит бир талпиниб ўрнидан турди-ю, лекин қизни қучишдан ўзини тийди — ҳар қалай, идора жой.

— Вой соддагинам-эй, — деди қизнинг тубсиз чашмадай сеҳрли кўзларига қараб, — майли, боринг, отланақолинг, кетамиз.

Қиз очилиб, чеҳраси чарақлаб кетди.

Эшик кесақисига суяниб қолган Марат шивирлар эди:

— Шириним...

Совхоз шаҳарчасининг клуб майдонидан кириладиган халта кўчада кўк эшикни Марат узоқдан таниди. Дарвозахонада уларни қизил «Запорожец» билан овора бўлиб ётган кенг ёноқли хипча йигит қувончли сурон билан кутиб олди.

— Марат ака! — деб қичқирди у қўлидаги мойли латтани ташлаб қулоч ёзаркан.— Ҳой, ким бор? Марат ака! Марат акам келиб қолдилар! Ҳой... — акасининг ёнида нотаниш қизни кўриб босиққина саломлашди-да, ёш боладай қизариб, меҳмоннинг костюмига доғ юқтирмадимми дегандай бир оз эсанкираб тургач, яна «Ҳой!» деб қичқирганча ҳовли томон югурди. Марат уни:

— Латиф, Латиф, менга қара! — деб чақирса ҳам, йигитча буни эшитмади.

Ҳовли жуда кенг, саришта, боғдай серсоя, обод эди. Кўча томонда баланд пойдеворга қурилган айвонли уйдан ташқари, ўнг қўлда ҳам қатор эшиклар, ундан нари — омбор, ўчоқбоши, қазноқ, кўмирхона, оғил. Этакда эса яна безатиглик янги уй, кичкина ойнавонли айвони билан. Уртадаги катта сўри атрофига гулу райҳон экилган, ариқ бўйлариди қовжираб тўкилган олма-гули ер билан битта бўлиб ётибди. Муҳсина қошларини чимириб, тикилиб қолди: бу жойлар азал-азалдан бордай, қадимий қишлоқ ҳовлиларига ўхшайди, Мирзачўлда бундай катта, тегли хонадонлар қачон пайдо бўлиб улгурди?

Бироқ ҳовлида ғалати жимлик ҳукмрон эди. Латифнинг қувончли сурони ҳам унчалик кор қилмади шекилли, ор-



тиқча жөнланиш бўлгани йўқ. Муҳсина ҳижолатда тугунчасини қаёққа қўйишини билмай, нуқул ўзини Маратнинг соясига оларди. Йўл бўйи «Унинг яқинларига қандай кўринаман, нима дейман, ўзимни қандай тутишим керак?» деган ўйлар билан бўлиб, борадиган ҳовлисида оғир касал борлигини хаёлидан чиқараёзган экан. Ҳозирги жимлик, ўйлаган ўйларини аллақайёққа учириб юборди.

Ғиштин йўлакда Марат бирдан «Тоға!» дея олдинга интилди. Сўри томондан чаккаларига оқ тушган, чақмоқ мўйловли, кўйлак устидан энли камар тортиб, эски этик кийган, чап қўли протезли, лекин ирғайдек чайир, бақувват одам чиқиб келди. Марат билан босиққина қучоқлашиб, ёнидаги зебо қиз билан аста бош эгиб омонлашди-да, ичкарига бошлади.

— Қани, қани, зап келибсизлар-да. Савоб иш бўлибди келганингиз, Маратвой. Аячам йўқламайдилару, кўз тиканларини сезамиз. Қани, қизим, дадилроқ босаверинг.

Улар қозикчаларга боғлаб кўтарилган эртаки помидор жўяклари бўйлаб бориб, насосли водопровод ёнида тўхтадилар. Тоға насос дастасини босиб, шариллатиб сув тортди. Елкасига гулдор сочиқ ташлаб айвондан тушган юм-юмалоқ, семиз аёл — тоғанинг хотини — ёшларнинг кифтига қоқиб, қувониб омонлашди.

— Ёшариб кетибсиз, Файзинисо келинойи! — деди Марат, сал шўртакроқ артезиан сувини сачратиб ювинаркан. Ҳазиломуз гапни унча қувватлашмади. Файзинисо келинойи ҳам ҳол-аҳвол сўраб, шаҳарларни жиндак суриштиргандан кейин, ўчоқ томонга ўтиб кетди.

Йўл чангини ювиб, артинишгач, тоға катта уйнинг айвони томонга йўл кўрсатди:

— Аввал аянгининг дуоларини олайлик.

Катта-катта деразалари айвон томонга қараган ёруғ хона жуда саришта (Файзинисо келинойи шу уйдан кечикиб чиқди), ёндаги каравотда ётган бемор ҳам хабардор қилинган экан чоғи, боши оқ ёстиқлар билан кўтарилган, интизор кўзлари ёшланган эди. Девордаги қизил чаман гул палак олдида оппоқ чойшаблар, онанинг оқ оралаган сочлари, кўпдан буён кун юзини кўрмаган рангпар чеҳраси айниқса, янги келганларга оғир таъсир қилди. Марат беморнинг бошига бориб тиз чўкди, онанинг заиф қўлларини олиб юзига босди. Унинг ёнида тоға турарди, Файзинисо келинойи билан Муҳсина — пойгакроқда. Улар она-боланинг кўришишига ҳурмат билдириб, курсиларга ҳам ўтирмай, узоқ жим қолдилар. Фарзанд нафасига қонган она бир манзилга етгандай кўз юмиб ором олди, кейин ўғлининг дийдорига яна бир тикилиб, қайта кўзини юмди.

— Баракалла, болам, келибсан, тан-жонинг омонми? Уртоқларинг, ишинг... Шаҳар қураман деган эдинг, қурдингми?..

Марат маъюс кулимсиради-да, шаҳардаги ишларидан тирикчилигидан қисқа гапириб, сўради:

— Аяжон, қаерингиз оғрияпти, юрагингизми?

— Кексалик, болам. Юрак оғримаса, бошқаси оғрирди. Биз қарияларнинг иши шунақа, ҳечқиси йўқ... Ўзингдан гапир.

Муҳсина Марат учун ҳижолат тортиб, қўрқиб турган эди. «Касал бўлмасам, келиб хабар ҳам олмайсан» дея дашном беришини, учрашув, терговлар, изоҳлар, важлар билан дилхираликка айланишини кутган эди. Йўқ, она ҳеч қандай таъналар қилмади. Қайтага, уни деб одамлар келиб турганига, ҳатто узоқлардан ҳам кимдир йўқлаб келганига хижолат тортгандай, уйда тикка турганларга ожиз бир назар билан қаради.

— Айтгандай... ая,— Марат Муҳсинанинг ёнига бориб, уни олдинроққа етаклади,— мана, Муҳсина... бизнинг институтнинг чизмакашлик корхонасида ишлайди. Биз... ЗАГСга ариза берганмиз.

Тоға билан Файзинисо келинойи бунинг шундай эканлигини ҳалиёқ тахминлашган эди. Она эса бу хабардан ҳаяжонланиб, бир оз қўрқитди: дард тутган пайтларидагидек кўзини юмаркан, қовоқлари ўта сарғайиб кўринди. Бирпасдан кейингина дармонсиз қўлларини қиз томон ёйиб, бутун ҳаётини кутгандай интизор талпинди. Марат Муҳсинани туртди. Муҳсина ҳам юбқасининг елпигичдай этакларини ёйиб каравот олдида тиз чўқди-да, онага кифтини тутди, бўртиб турган иссиқ лабларини юзига текизди. Онанинг унга тикилган кўзлари ёшга тўлди. Унинг юз-кўзи ҳам, товуши ҳам Маратникига шу қадар ўхшар эдики, Муҳсинага худди ёски қадрдондай туюлди.

— Бир-бирларингга ёққан бўлсанглар, мингдан-минг розиман, болам, қўша қаринглар... Бу кунларга етказганига шукур.

Бўлғуси келин тоға билан Файзинисо келинойига ҳам ёқди: қадди зебогина эмас, одобли, оқила ҳам экан. Унинг меҳр тафти билан беморга ҳам жиндек ранг югургандай бўлди, она ҳақиқатан ҳам бахтиёр эди, чамаси, фақат қувончини изҳор этишга қурби етмаяпти. Ширин туйғулари билан иссиққина бўлиб, анчагача жим ётди. Шундан кейингина, соғ вақтларидагидек, анча тетик товуш билан:

— Файзинисо, меҳмонларга ош осдингизми, ўзингиз қаранг уларга, яхши дам олишсин...— дея, ҳаммага жавоб

берди. Охирроқда қолган тоға унинг кўрпасини тузатаркан, пастроқ овозда:

— Ана энди опоқ бўлиб кетасиз, аяча, келин муборак, во! — дея, соғ қўлининг бош бармоғини кўрсатиб, опасига солдатча шўхлик қилиб чиқиб кетди.

Она чиндан ҳам кейинги вақтларда ҳеч қачон ўзини бундай енгил сезгани йўқ эди. Толиқдими, негадир ёлғиз қолгиси келди. Ширин хаёлларнинг оппоқ парқу ёстиқларида сузиб кетаётгандай, роҳатдан бўшашиб, уйқуга кетди.

Ташқарида қоронғи тушган, дам еган ош ҳиди анқир эди. Учоқбошидан Латифнинг товуши келди:

— Чорпояга жой қилақолинг, дада.

Тоға сўри тепасидаги чироқни ёққанида маълум бўлдики, Файзинисо келинойи аллақачон сўрига янги кўрпачалар ташлаб, дастурхонни эртаки гилосу қулупнайлар билан чўғдай безатиб қўйган экан, беташвиш пайтлар бўлганда, роса очилиб чақчақлашадиган оқшом эди-ю, ҳозир... Афсус, ўшандай пайтларнинг қадрига етмаймиз, Марат болалигини, дадаси барҳаёт йилларини эслади. Армиядан янги қайтган тоғаси шўх, ҳали хилчагина келинчак Файзинисонинг қўлида Латиф, рўзгорни измига олган «аяча» ошни ҳамиша ҳафсала билан ўзи дамлар, эркаклар ночоргина ҳовлидаги мана шу сўрида «қиттак-қиттак» қилишиб, ярим кечгача иноқ гурунглар бўлғувчи эди. Энди у пайтлар қайтиб келмайди. Хонадоннинг оғирини енгил қилиб турган аяжони бу аҳволда... Ҳовлининг файзи қочгандай нимадир етишмай турибди...

Латифнинг катта лаганда кўтариб келган зарчавали оши сўрида буғланиб анча турди, эркаклар руҳсизгина бир-бирларини қистаб, чиқиб ўтиришгандан кейин ҳам Латифнинг овозидан бўлак сас чиқмади. Латиф «меҳмон опасини дастурхонга қистар эди. Файзинисо келинойи ичкаридан чиқмагани учун, Муҳсина даврага қовушолмайроқ турди. Кейин эса:

— Мен... ичкарига кирай,— деб илтимос қилди. Гапсўзи оғирлиги ёқиб қолган бемор она кўз ўнгидан кетмас эди.

— Ҳозир ухлаяптилар, нима қиласиз...— деб Марат эътироз билдирган эди, тоға қиз боланинг кўнглини тушунди:

— Уйқулари қуш уйқу. Кириг, майли, келинойингиз ўша ерда, кирақолинг сиз ҳам, қизим.

Уларга ошни ичкарига беришди.

Сўрида эса гурунг юришмай, ош ҳам совиб, ахир гап бари бир ўша кутилган кўнгилсиз мавзуга бориб тақалди.

— Докторлар нима деяпти? — сўради Марат.

Тоға негадир индамади. Латиф шунча қувониб дамлаган оши увол бўлаётганига алам қилиб, иштаҳасиз бўлса ҳам ўртадаги тоғора билан овора эди: дам гўшти майдалайди, дам устихонни ликопчага олиб, меҳмон томон суради.

— Қасалхонага ётсалар, балки тезроқ тузалар эдилар,— деди яна Марат. Унга овқат татимади. Онасини бу қадар ночор алфозда деб ўйламаган эди, гарангсibroқ қолди.

— Ётдилар... узоқ ётдилар касалхонада,— деди тоға.— Қасалхонамиз яхши, янги, ёруғ. Аммо зерикдилар, уйга олиб кетинг деб туриб олдилар.

— Докторлар...

— Докторлар ҳам кўнишди.

— Нимага?

— Уйда даволанишларига.

— Вақти-вақти билан яна ётқизилса... врачлар назоратида, ҳар тугур...

— Кўп уёқ-буёққа уринтириб юришнинг ҳосияти йўқ экан, юрак...

Марат назарида тоға нимадир яширяпти, ниманидир биллади-ю, очиқ айтгиси йўқ, индамайди, айлантиради.

— Улар нима дейишяпти ахир? — яна сўради Марат.

Тоға, бу саволга нуқул чап бераётгани ўзига ҳам аён бўлиб қолгач:

— Улар... улар ҳеч нима дейишмаяпти,— деди. Оҳангига қараб бу жавобнинг маъноси чуқурроқ эканини пайқаш мумкин эди.— Эркакча гап мана шу, ўғлим. Ноумид шайтон, умид билан яшаб турибмиз. Қани, ошга қаранг.

Улар онда-сонда ошга қўл узатиб, сўниккина суҳбатлашишар экан, кўнгилсиз мавзудан четга чиқишга уринишар, лекин шаҳар тирикчилиги, у-бу ҳақда яккам-дуккам гапдан кейин гурунг яна тўхтаб қолар, ўрганилмаган жойнинг тунги жимлиги Маратга аллақандай ёт туюлар, тепадаги катта лампанинг зириллаши юрагини сиқар эди. Шунча йиллардан бери энди учрашиб турган қон-қардошларнинг айтгани гап тополмай бир-бирларига тикилиб ўтириши ўзларига ҳам ноқулай, турган-битгани азоб эди. Латиф тоқатсизланиб, туриб чой дамлаб келди. Чойдан кейин сўридагилар шу ернинг ўзига жой қилиб, ётиб қолишди, ичкаридагилар — ичкарида. Кечаси билан гап бўлгани йўқ, эҳтимол — уйқу ҳам.

Эрталаб Марат юз-қўлини чайибоқ, онасининг олдига шошди.

Аёллар ухлашмаганми, нима бало, худди кечагидай гу-

рунглашиб ўтиришар, беморнинг чеҳраси тиниқ, ланг очик деразадан айвон устунига осилган тўрқовоқдаги бедананинг чақ-чақи янграб эшитилар эди.

— Кел, айланай болам, яхши дам олиб олдингми? — деди онаси тетик овоз билан.

— Қуллуқ. Ўзингиз тузукмисиз, ая? — Марат каравот ёнидаги курсига ўтирди. Файзинисо келиноий «вой ўлай, кун кўтарилиб қолибди, тоғангизни ишга кузатиб қўяй» деб, ишчан қиёфада чиқиб кетди.

— Хўп яхши гаплашиб ўтирдик, болам, меҳмон қизимга уйқу бермадиму, жуда ёзилдим аммо, — деди она андижон шеvasида, — сенинг ҳам қулоғинг зап қизигандир.

Марат билан Муҳсинанинг кўзлари тўқнашди: йигитнинг қарашидаги илиқ миннатдорликни пайқаган қиз кўзларини аста қуйига олди.

— Сени шу кеча жуда соғиндим, болам. Илгарилари ундай эмасдим... Оқшом кўрдиму, келбатинг кечаси билан кўз ўнгимда турди... Мана, Муҳсина қизим ишларингни қувониб гапириб берди, энди унинг кўзи билан кўр-япман сени...

— Кўп гапиряпсиз, аяжон, чарчаб қолманг тагин, — деди Муҳсина ораларига райҳон қистирилган ёстиқларни тузатиб.

— «Аяжон» деган тилларингга жоним тасаддуқ... — деди она унинг қўлини ушлаб. — Қизим менга жуда маъқул бўлди, айланай болам, худоё бахтиларингни тугал берсин.

— Ая, чиндан ҳам сиз бугун кўпроқ гапиряпсиз, дорингизни ичдингизми? — деди Марат гапга чап бермоқчи бўлиб.

— Сизларнинг бахт-толедингизни кўриш бизга энг яхши дори, болам. Мана, келдинглар, туппа-тузук бўлиб қолдим. Энди анави Латифнинг ҳам иши бир ёқлик бўлса эди... Файзинисо ҳам ичига ютиб юрибди-ю, куйиб адо бўлди шўрлик.

— Латиф? Латифга нима бўлган?

— Сизларга айтишмабди-да, бундан чиқди... — деди бемор кўзини четга олиб. Бир оз нафас рўстлади. — Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман. Кичкина тўй қилиб, уйлаб қўйган эдик.

— Латифни-я? Қачон? — ҳайрон бўлди Марат.

— Тўрт ой бўлди. Ўзи хоҳлаб олган эди...

— Кеткизиворди. Эртасигаёқ.

— Хўш?

— Нимага ахир? Ёмон қиз эканми?

— Лоладеккина қиз эди, ана у пастдаги янги совхоз-

дан,

— О, Латиф тушмагур-э, индамайди-я! Тўйга айтмагани майли, кечадан бери индамагани-чи, вой, писмиқ! — деб сонига урди Марат.

— Бизларга ҳам гапирмайди. Ҳайдади-қўйди, вассалом! Бу қанақаси, болам? Ўзинг бир акалик қилиб, қўйнига қўл солиб кўр, балки сенинг маслаҳатингга кўнар, йўл топарсизлар, бош кўтаролмай қолдик-ку!

— Бизнинг жиян шунақа сирли шахс денг ҳали? — Марат кулди. — О, писмиғ-ей! Албатта гаплашиш керак у билан. Ҳамманинг кўзига кул пуркаб юраверадим. Сиз бу аҳволда бўлсангиз. Айтгандай, отаси-чи, тоғам?

— Отаси — солдат. Гапирганга шартта жавобини бериб кетаверади. Келин туширган биз хотин-халажга қийин. Гаплаш, болам, уканг бўлади, йўлга сол...

— Ҳаммаси ўрнига тушади, хотиржам бўлинг, — деди Марат қўлларини бир-бирига ишқалаб ўрнидан тураркан.

У онанинг топширигини бажариб, унинг кўнглини тинчатиш учун астойдил бел боғлади. Лекин Латиф ҳали дерака эди. Марат ҳовлида айланиб юрди, бетоқат бўлди, зерикди. Муҳсина беморни ухлатиб чиққанида безовта ўйларини унга гапирди:

— Кўрдингизми! Булар ҳам бир ойлик синовлардан ўтишган, албатта. Лекин оқибат... — қўлларини ёйди у. — Севдим дедингми, бир-бирингни ҳурмат қил. У ҳам шахс, бу ҳам шахс. Ҳайдавориши нимаси?

— Сабабини билиш керак, Марат ака, унгача бир нима дейиш...

— Сабаби! Сабаби — қишлоқлик-да!

Бу вақт Латифнинг ўзи келиб қолди. У «Запорожец»ни дарвозахонага киргизиб, устини ёпди-да, илжайиб келди. Акасини кўриши билан бир нимани сизди шекилли, юзида кулгиси қотиб бирпас тургач, ошхона томон ўтмоқчи бўлди.

— Қани, буёққа юринг-чи, тракторчи! — деди Марат ҳовли этагидаги янги уй томонни кўрсатиб.

— Овқатимни еб олай.

— Овқатни кейин қиласиз.

Латиф ноилождан эргашди. Улар келин-куёвнинг ясағлик уйига бирин-кетин кириб кетдилар.

Муҳсина хавотир олиб, берироқдаги ўрик соясида ўша эшикка тикилганча туриб қолди. Марат Латифдан олти ёшча катта, тергаса ҳаққи бор, албатта. Лекин вазоҳати бир хил бўлиб кириб кетди, бу нозик ишда қош қўяман деб, кўз чиқариб қўймаса бўлгани.

Ака-уканинг «музокара»си анча узоққа чўзилди. Лекин

ичкаридан ади-бади, у-бу товуш эшитилмади хайрият. Ёти-  
ғи билан гаплашиб, муросага келишсин, ишқилиб.

Муҳсина шундай деб турганида эшик бирдан тарақлаб  
очилиб, Марат чиқиб келди. У қизариб кетган, сочларини  
панжаси билан асабий тарақлар, ўзининг одатдаги зиёли  
қиёфасига ярашмаган товушда қичқирар эди:

— Тракторчи эмиш тагин! Механизатор! Аравакаш  
экансан, механизатор эмас!

— Ака, ахир... — деб гап қотмоқчи бўларди унинг кети-  
дан ранги оқариб чиқиб келган Латиф. Лекин Марат унга  
сўз бермади:

— Тагин ўзини оқлайди бу! Йигирмага кириб-кирмай  
ота-боболарнинг алмисоқдан қолган бидъатини қаёқдан  
юқтира қолдинг? А? Менга қара...

— Ота-боболарнинг айби йўқ... Нима қилса, яхши бўл-  
син деб қилган.

— Менга қара, қайси замонда яшаб турибсан ўзи, шу-  
ни биласанми?

— Замон яхши, қизлар унга муносиб бўлишлари ке-  
рак, — Латиф журъатсизроқ бўлса ҳам босиқ овозда жа-  
вобини қайтариб турарди.

— Бундай ашаддий қолоқ тушунчали сендек нодонга  
хотин хайф! Бир каминг — қиз чиқмади, деб шўринг қур-  
гурни кўча-кўйда сазойи қилиш қолибди.

— Ака, ахир, мана ўзингизни қўйиб кўринг менинг  
ўрнимга... — Латиф шундай деди-ю, сал нарида турган  
Муҳсинанинг кўзига кўзи тушиб, бирдан чўчигандай тўхтаб  
қолди. Бир дам ғалати қараб туриб, бехосдан юзини ёлқин  
ямлагандай, кўзини енги билан тўсиб, йиғлаганча шартта  
орқасига қайрилиб, уйга кириб кетди.

Марат Муҳсинанинг ҳаяжондан нурланиб, яна ҳам чи-  
ройли бўлиб кетган кўзларига қаради-ю, бош эгди.

— Нима қилиб қўйдингиз Марат ака... — деб унга  
яқинлашди Муҳсина, — кўрмаяпсизми, изтироби ўз бошида  
ошиб ётибди. Ич этини еб, билдирмай юрган, яхши кўради  
қайлигини... Сиз бўлсангиз, ўлганнинг устига тепган қи-  
либ...

Муҳсина Латиф кириб кетган эшикни тақиллатди, аста  
очиб, ичкарига қадам қўйди.

Бу маҳал тоға ишдан қайтиб, узоқдан Маратга кўз  
солди-ю, дарвозахонада дук-дук этиб этикларининг чан-  
гини қоқди. Кейин водопроводда соғ қўли билан юзини ча-  
йиб:

— Нима гап? — деб сўради. У нима гап эканлигини, бў-  
либ ўтган шовқинни пайқаган эди.

— Ҳеч гап йўқ. Латиф билан жиндек гурунглашиб олдик...— деди Марат.

— Ҳўш?

— Ҳайронман, сиз ота бўлиб, нега индамай юрибсиз. Шундай ашаддий бидъатга йўл қўйиб...

Тоға қора чарм қўлқоп кийган протезли қўли билан сочиқни олма шохига иларкан, Маратга чимирилиб қараб қўйди.

— Аянгиз тузукмилар?

— У кишининг ётиб қолишига ҳам сабаб бўлганга ўхшайди бу боланинг нодонлиги.

Тоға секин бориб сўрига чиқди, сочиқ бостириб қўйилган чойнакни ёнига олиб, чой қайтарди. Марат ҳам келиб кўрпачанинг четига омонат ўтирди.

— Бундан чиқди, бизнинг астарпахтамингни роса ағдарибсиз-да, «қишлоқилар», у-бу, деб...— салмоқланиб гапирди тоға,— Латифни уришмадим эмас, уришдим ҳам, ўгитладим ҳам. Лекин... менга қолса, бола ҳар ҳолда тўғри қилган.

— Ана холос! Сиздек жаҳонгашта солдат, Европагача кўриб келган одам-а?!

— Биз Европага ҳар хил модаларни кўргани бормаганмиз, жиян. Мана чой ичинг,— тоға унга пиёла узатди.

— Қанақа мода?

— Мода эмишку ҳозир... ўрта мактабдаёқ...— тоға сўз тополмай қийналиб қолди.— Унингчи синфгача иффатни сақлаб юриш қолоқлик, маданиятсизлик ҳисобланармиш.

— Ифвогарларнинг гапи... Сизга ярашмайди.

— Бўлса бордир. Лекин сиз ҳимоя қилаётган замонавий келиним тўққизинчини энди битирган эди.

— Ана, кўрдингизми, ёш! Алданган бўлиши мумкин.

— Латиф уни алдангани учун эмас, алдагани учун жа-золяпти.

— ... Бу қадар шафқатсизликни унга сиз ҳам эп кўрибсиз-да?

— Шафқатсизлик... Ота-боболаримиз бунинг учун қизларни тош-бўрон қилишган. Мен буни маъқулламайман, албатта, лекин номусни шу қадар баланд қўйишларини маъқуллайман. Ор-номусни ёшликдан ардоқлаган ота-боболаримиз. Эплаганча ардоқлаган. Сиз Европани гапирдингиз. Тўғри, кўрдик. Европа ҳам ҳар хил экан. «Озод севги» деган чиркинларни ҳам эшитганмиз. Лекин ҳар бир юртнинг ўз ахлоқий ақидалари бор, жиян. Биз ота-боболарнинг яхши удумларини ҳурмат қиламиз. Бунинг устига, муҳаббатни улуғлайдиган катта-кичик, эски-янги китоблар



бор, ўқингансиз. Биз унча кўп ўқиёлмадигу, лекин турмушда, урушда бунинг нима эканини билдик. Эзгу, ўтли туйғу. Қизлик иффати ана шу эзгуликнинг бир бўлаги эмасми? Виждон, имон ҳаётда ёш қизлар учун шундан бошланмайдими?

— ... Энди... шундай бўлиб қолган бўлса-чи, нима қилиш керак? Бир умрга шарманда қилиш шартми?

— Бу гапингиз қалтис, жиян. Уни ҳар томонга бураса бўлади. Мана, биз яшириб кетсак, бошқа биров кечириб кетса, сизга ўхшаган яна биров «нима бўпти?» деса... Бундан бу ахлоқий иллатнинг ёппасига авж олишини қўллаб-қувватлашга биргина қадам қолади-ку?!

— Энди унинг ота-онасининг аҳволини ҳам кўз олдингизга келтиринг, тоға. Қудаларингиз, бу қишлоқ жойда...

— Шаҳарми, қишлоқми — ахлоқ бир. Ота-она эса, шунчаки сўз эмас. Унинг масъулияти бор. Яъни жавобини ҳам беришга тўғри келади. Севги шундай кучли эҳтирос экан, унинг қасоси ҳам ўзига яраша-да. Биз нима қилайлик?

— Латиф... яхши кўрар экан шекилли, орада сиз айтган ўша эзгу ўт — муҳаббат ҳам қурбон бўлиб кетяпти.

— Яхши кўрса, бориб олиб келади. Беш болали хотинга ишқи тушганлар ҳам бор. Севса, олаверсин. Мен сиз ўйлагандай тақводорлардан эмасман. Гап турмушимизнинг энг чиройли руҳий бойлиги ҳақида — ёшлик иффати, номус, ибо ҳақида кетяпти. Ифбат — севгининг онаси. Ахлоқий, нопоклик жазосиз қолмаслиги керак, мен шуни билман.

— Мен ҳам шуни биламанки, шахсий туйғулар — даҳлсиз, тоға. Ҳозир баъзан буни «интим» дейдилар. Ҳар нарсани оммалаштириб, маҳрам ҳисларга қўпол аралашиб шахсга ҳурматсизлик бўлади. Ўтмишга эмас, келажакка қараш керак. Айниқса хотин-қиз масаласида. Жазо, қасос деган гапларингиздан сарқитнинг ҳиди келади.

— Ҳай... тушунтиролмадим, — деди тоға бўшаган чойнак-пиёлани нари суриб. У ишдан келганида анча тетик эди, энди юзлари салқин, чарчаган кўринди. Ажинларига оқшом сояси тушди. — Аммо менга ҳам сингмади гапларингиз, жиян. Ешимиз ўтиб қолганга ўхшайди. Фақат ўша «интим»ларингиз ачиб кетмаса деб кўрқаман.

Бу пайт этакдаги янги уйдан Муҳсинна чиқиб келди. У бояғи ҳаяжон, безовта ҳолатдан қутилган, юз ифодалари сокин, майин, ўзини босиб олган эди.

— Саломалайкум, тоға, яхши келдингизми?

— Қуллуқ, қизим, қани, чой ичинг.

Қиз раҳмат айтиб, айвон томон юрмоқчи эди, Марат уни тўхтатди.

— Гаплашдингизми?

— Ҳа...— деди Муҳсина ўйланиб туриб.— У жуда бамаъни йигит экан.— Қомати расо қиз шу май оқшомидай сەҳрли, сўлим қарашлари билан тоғани ҳам суқлантирди.— Сухбати ширин. Ун тўртта мамлакат филателистлари билан хатлашиб тураркан. Коллекциясини кўрсатди.

— Марка томоша қилдим денг ҳали? — кесатди Марат.

— Ҳа,— деб Муҳсина соддалик билан давом этди: — у сиз айтгандай... нодон йигит эмас Марат ака. Биласизми, жаҳон океанларида сизнинг исмингиз билан боғлиқ икки-та кема сузиб юрибди экан... Маркаларда ўша кемаларни кўрдим. Қани, топинг-чи, у қанақа кемалар?

Йигит истехзолироқ жилмайиб, деди:

— Инқилобчи Жань Поль Марат номидаги кема...

— Иккинчиси-чи?

— Иккинчиси...

— Билмайсизми? Ана, Марат бўлсангиз ҳам билмайсиз. Жань Поль Маратнинг қотили номига қўйилган кема ҳам, афсуски, бор экан,— деди Муҳсина йигитни «мот» қилганига болаларча қувониб. Унинг дуркун қаддига ер остидан ҳавас билан қараб, «Наҳотки бу қиз ҳам ёшлар ахлоқи ҳақида Марат билан ҳамфикр бўлса?» деб ғалати-роқ разм солиб турган тоға ҳам энди сал очилиб, жилмайиб қўйди.

— Ҳа энди, қотилни ҳам билиш шарт эмас,— деди Марат. Сўридан тушиб, қизни айвон томон бошлади.— Ҳўш, уни қўйинг-буни қўйинг, Латиф масаласида аямга нима деймиз?

Улар ёнма-ён юриб, бемор ётган уйга кириб кетишди. «Ҳаммаси жойида бўлади, арзимаган гап экан» деб юпатишди. Лекин онанинг кўнгли ҳамма нарсани сезиб, билиб турар, тасаллилар шунчаки кўнгили учун эканини тушуниб ётар эди. Қирди-чиқди, яқин-йироқдан кўнгили сўраб келганлар, хастадан хабар олувчилар кўп, ҳаммаси тасалли учун бир гап айтади, лекин беморнинг аҳволи ўша-ўша. Одам киргандагина заъфарон қовоқларини аста очади, икки гапдан толиқиб қолади, кузги япроқдай узилишга шай бўлиб ётибди. Лекин у ҳаммиша озода, сочлари таралган, рўмоли беғижим, юзи мармардай соф, чойшабу болиш жилдлари сутдай оппоқ, рўмолчасигача дазмоллаб, ёнига қўйилган. Файзинисо келиноғи унинг табиатини билади: она ҳаммиша шундай озода эди, ҳозир ҳам, гўё бир маърака тараддудини кўраётгандай, ўзи ҳам, ётган жойи ҳам саришта бўлишини истайди.

Бемор билан кундузлари кўпинча Муҳсина қолар эди.

Унинг назарида, она бировларни кўп ташвишга солаётганидан ҳижил, «тезроқ омонатини олақолса», деяётгандай беҳаловат. Одамлар узоқлардан келиб кетишяпти. Маня, бугун бешинчи кун, Марат ҳам ҳовлида бетоқат уёқдан-буёққа юриб турибди. Одам узоқ кўришмаса бегоналашади шекилли, кирса гаплашгани гап тополмайди. Шунинг учун онаси ёнида узоқ ўтиролмайди ҳам: ҳадеб касаллик ҳақида гапириш, ҳадеб тасалли қидириш... Яна нима? Яна нима... Чиқиб ҳовлида юради.

Муҳсина уни баъзида беихтиёр кузатиб туради. Ана, юриб, чарчади. Сўрига бориб ўтирди. Чекмас эди, ҳар замонда Латифнинг сигаретидан олиб тутатяпти ҳам. Зерикапти. Соатига қаради...

Муҳсина галати бўлиб кетди: нега соатига қарайди? Нимани кутяпти?

Унинг бетоқатлигини тушунса бўлади, албатта: бирикки кунга деб келган эди. Энди онани бу аҳволда ташлаб кетиб бўлмаса... Шаҳарда муҳим ишлари қолиб кетди. Лоийҳасини конкурсга топширган, комиссия нима қарорга келди? Тақдири ҳал бўладиган кунларда у ипсиз боғланиб буёқда юрибди. Бир ўйлаганда, унинг аҳволини тушунса бўлади.

Лекин... унинг соатга бетоқатлик билан бир қараб қўйиши ҳозир Муҳсинанинг кўнглига бир муз парчасини ташлагандек бўлди. Наҳотки...

Марат яна турди, қўлини орқасига қўйиб, гуллар орасидаги йўлкада тагин уёқ-буёққа юра бошлади.

— Зерикаяпсизми, Маратжон? — деб сўради ошхона томонга лапанглаб ўтаётган Файзинисо келинойи.

— А? Йўғ-е... — деди Марат, бир тўхтади-ю, қаердалигини аниқламоқчи бўлгандай атрофга аланглаб, яна юра бошлади. Муҳсина зўр бериб хаёлидан қуваётган фикр яна муздек бўлиб дилига қоқилди: кутяпти, тезроқ бир ёқли бўлишини...

Муҳсина пешанасини совуқ деворга тираб, юрагининг хунук «гуп-гупи»га қулоқ солиб турди. Беихтиёр югуриб бемор ёнига кирди. Она оқ чойшаб, оқ ёстиқларга кўмилгандай, кўзини юмганча, юпқагина бўлиб ётар, унинг зайф юраги ором олар эди. Муҳсина эса хонадондаги жимликни бутун вужуди билан сезиб, яна ўз юрагининг «гуп-гупи»ни эшитди-ю, бир нимадан қўрққандай югуриб чиқиб, Маратнинг ёнига борди. Марат қайрилиб унга қаради. Қиз ўзича унинг бир хабар кутаётганини кўзидан тахминлади-ми, яна даҳшатга келди.

— Нима гап, Муҳсина?

Унинг овози илгаригидек таниш, қадрдон эди. Аллақандай совуқликни кутган Муҳсина ўзига келди, кўнгли ҳар галгидай меҳр ҳисси билан илиди.

Марат ҳақида ёмон ўйлаганига ўзи ҳам хижолат. Онасининг тузалиб кетишини кутади-да. Кутмай қаёққа боради? Қолаверса, шундай бекорчиликда вақт ўтказишнинг ўзи ҳам бир нимани кутишга ўхшайди. Маратга ҳам осон эмас. Бу азобларнинг охири борми, деб ҳар ким ҳам ўйлайди ахир. Лекин... шундай бўлса ҳам, «бир нимани кутиш...» Ҳозирги вазиятда мана шунинг ўзи... Нима қилиш керак бўлмаса?

— Ҳеч гап йўқ, ухляптилар...— деди Муҳсина. Лекин ўзининг товушида қандайдир бегона бир оҳангни бари бир пайқайди-ю, яна таъкидлаб қўйди:— Яхши, чамамда, анча яхшилар.

Бу ясама роқ чиқди. Умуман қиз сездик, уларнинг муомалаларида биринчи марта аллақандай сунъийлик қалқиб қўйди: ўйлаганларини бир-бирларига тўла айтмаяптилар. Маратнинг бугун айниқса руҳи сўник. Нега? Онанинг бу аҳволигами, ёки ўз режаларининг бузилганигами? Муҳсина Марат ҳақида бу хилдаги қутсиз саволни ҳеч қачон кўнглига келтирган эмас эди.

Эртасига улар беморнинг олдида узоқ ўтирдилар. Уларга қараб, онанинг нурсиз кўзлари бир оз жонланар, боласининг бахтини кўриб тўймас эди.

— Шу ярашган қадди қоматларингни даданг раҳматлик кўролмадилар...— деди товуши товланиб.—...Бугун ғира-шира саҳар палласи тушимгами, ўнгимгами келиб, кўриниш бердилар, чорляптилар, чамамда...

— Ая!..— деди Марат бир қалқиниб, норози оҳангда.— Қўйинг қаёқдаги гапларни...

— Хўп, болам. Лекигин, бари бир ўлимни алдаб бўлмас экан,— деди она чўзинчоқ юзини Муҳсина томон бўриб. Очиқлик билан, соддагина гап бошлади.— Бу ерларга янги кўчиб келган пайтларимиз қазо қилганлар. Баданларида иккита темир парчаси билан қайтган эдилар урушдан. Қамишзорни қуритамиз деб, кузни кунни созликда сув кечиби...— ўша кунларнинг оғир хотираси бутун вужудини совутиб, она анчагача гапини давом эттиролмади.—...Уч кун ётдилар холос. Атрофда уч-тўрт қапаю ертўла қамишу шўр шамолдан бўлак нарса йўқ... Бу ерларга ҳали меҳнатимиз сингмаган, теримиз томмаган. Қабристон тугул, биронта дўмпайган тўр ҳам йўқ. Бегона жойда қолдиргимиз келмади... Туғилган қишлоғимизга олиб кетдик. Уша ерда ётибдилар...

— Ая... бошқа гаплардан гаплашайлик,— деди яна Марат, у бошқа мавзуга ўтишни чин кўнгилдан хоҳлар, лекин ўзи тузукроқ мавзу ҳам, гап ҳам тополмас эди.— Мана, тузалиб кетганингиздан кейин, биз...

— Муҳсина қизимнинг кўнглини оғритма, болам, ҳеч қачон, нима бўлсанглар ҳам. Мана, мен нима учун дадангга эслаялман? У киши кўнглимга чироғ ёқиб кетганлар. Бошлаган ишлари чала қолмади, бу жойларни обод қилдик. У кишига шуни айтиб, димоғларини чоғ қилишим керак. Мени дадангнинг ёнларига...

— Ая...— деб Марат ўрнидан туриб кетди.

Бемор ҳақиқатан ҳам «икки дунё» оралиғидаги ўз оламидан чиқолмай қолган, унинг гаплари ростга ҳам, иситма пайтидаги бежо гапларга ҳам ўхшар эди. Муҳсина ҳам ўрнидан туриб, унинг ёстиқларини тузатиб, кўрпа қатидан туриб ётган сўлғин, лекин хушбўй райҳон шохчаларини жой-жойига қистирган бўлди.

— Аяжон, бунақа гапни қўйинг дедим-ку,— Марат яна ўтириб, ёлворган товуш билан онасини ёш боладай юпата бошлади,— тезроқ тузалинг, сизни шаҳарга олиб кетамиз, тўйимизнинг тўрида ўтирасиз...

Муҳсина сесканиб кетди. Бундай пайтда тасалли берилади, тасаллиллар кўпинча ёлғонга ҳам ўхшайди-ю, лекин бу гал онанинг васиятнамо сўзини бўлиб айтилган бу гап жуда ҳам ясама, совуқ туюлди унга. Ўз тўйи ҳақидаги гап бундай ёқимсиз эшитилишини ким хаёлига келтиради дейсиз.

Лекин бу оғир ҳолатни ҳам яна онанинг ўзи юмшатди.

— Тўй дегандан, қизим, шу сандиқни очинг-а,— она тахмон ёнидаги эски сандиқни кўрсатди.— Энг тагида, бурчакда бир қутича бор...

Муҳсина сандиқ устидаги самовар билан патнисни четга олиб, қопқоғини очди.

— Энг тагида, болам.

Муҳсина ялпиз, атир совун ҳиди келиб турган қат-қат оқ сурп, сочиқ, қора бахмал, яна аллақандай газмол, бурунги камзул, тангали қалпоқлар тагидан кичкина сирланган тунука қутини топиб, сандиқни ёпди-да, икки қўллаб онанинг ёнидаги курсига қўйди. Она ётган жойида заиф қўллари билан қутини очиб, рўмолчага тугилган қадимий тақинчоқни олди, уни икки қўллаб тутиб, узоқ томоша қилди. Кумуш зебигардон нафис ишланган, лекин оғир, зангламайдиган ўйма гуллари қорайиб кўринар эди.

— Қайнонам раҳматлик, жойлари жаннатда бўлсин, никоҳ куним кўксимга осиб қўйган эдилар. Келин бўлиб

тушганларида қайноналари совға қилган экан. Жуда кўҳна мол. Бир умр асрадим, ҳеч қаерда бешқа мунақасини кўрмадим.

— Чиройли! — деди Муҳсина ҳам беихтиёр. — Келинчаклик пайтингизда сизга жуда ярашган бўлса керак!

— Жуда. Ҳаммаининг ҳаваси келар эди.

— Бахтли экансиз, — деди Муҳсина.

— Бахтли эдим.

Улар зебигардоннинг қорайиб йилтиллаган қадимий кумуш нақшларини қайта-қайта томоша қилдилар. Мавзунинг ўзгарганидан мамнун бўлиб турган Марат ҳам уларга қўшилиб, нозик нуқра занжирларини ушлаб-ушлаб кўрди.

— Қани, берироқ кел-чи, қизим... — она узоқ ёшлигининг қадрон ёдгорлигини икки қўллаб ёйиб кўтарди, — эгил, — деди. Муҳсина энгашганида, зебигардонни бўйнидан ошириб кўксига тақиб қўйди. Қадимий оғир тақинчоқ Муҳсинанинг баланд кўксига, ихчам, таранг сийнасига худди ёпишиб тушди, зебо қоматиға шундай ярашдики, она киприкларидаги қувонч ёшларини артмай, кўзини юмганча узоқ ётди. Тиниқ ёш кўз атрофларидаги тарам-тарам ажинлари оралаб ёйилди. Онанинг кўз ўнгига ҳозир ҳаётининг қайси бахтиёр онлари келди экан!

Ёшлар ҳам бир-бирларига қараб туришар, юзларида шу зумнинг аралаш-қуралаш туйғулари жилваланар, вазиятни унутаёзган эдилар.

— Сенга мendan ёдгорлик бўлсин, қизим, — деди она ҳамон кўзини очмай, — оиламизнинг қутлуғ мероси.

— Вой ўлай, менгами?! — деб шивирлади Муҳсина ишонмай, икки қўлини кумуш безак устидан кўксига босди.

— Бахтли бўл, болам, умрингдан барака топ.

Муҳсина негадир дилдан қувона олмади. Раҳмат айтиб, онани қучиб, юзларидан ўпди-ю, худди видолашаётгандаги совуқликни сезиб, қўрқиб кетди. Марат ҳам негадир бегоҳат, бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келаётгандай, Муҳсинага қарар эди. Қиз тақинчоқни қутичага жойлади-ю, қаёққа қўйишини билмай, кўксига босганча турарди. Марат уни етаклади.

— Толиқтириб қўйдик, дам олсинлар, — деди паст овозда.

Она кўзини юмиб ётганча қолди. У уйғоқмиди, уйқудами, билиш қийин...

Кечқурун одатдагича сўрида чой ичдилар, айвон устунига осиглиқ тўрқовоқда бедана охирги марта сустигина сайради-да, тинди. Сўридагилар ҳар хил гаплардан узоқ гаплашиб ўтириб, зебигардонни ҳам қўлма-қўл узатиб томоша қилдилар. Охири эснашиб, эркагу аёллар жой-жойларига тарқалишди, бугун ҳеч қанақа воқеа, бахс, кескин гап бўлгани йўқ, тинч оқшом тубсиз қоронғи тунга улашиб кетди.

Фақат тоға ётмади. У зебигардонни этагида ёйиб ушлаганча сўрида ёлғиз узоқ ўтириб қолди. Ҳамма уйқуга кетганидан кейин оёқ учида юриб, аячасининг эшигига борди. Бирпас қулоқ солиб туриб, яна орқасига қайтди, Файзинисони уйғотмоқчи бўлди шекилли-ю, тағин тўхтаб, айвон устуни ёнида ўтириб қолди. Ҳорғин қиёфасида кекса солдатга хос бўлмаган саросима бирпасдан кейин бесабр изтиробга, сўнгра аллақандай сўлғинликка айланди. Узоқ кўнгилисиз хотиралар босиб келгандай, салқи юзида қуюқ соялар ўйнади. Эшик тепасидаги фонарнинг кичкина лампаси зириллаб ёнар, зина тагида чирилдоқ чириллар эди. Тоға туннинг жимлигига чидолмагандай ўрнидан турди-да, яна аячасининг эшигига борди. Очиб, остонадан ичкарига ҳатлади, орқасидан ой шуъласидай енгил оқ эшик секин ғирчиллаб ёпилди...

Саҳарда ҳамма бирваракай уйғонгандек, бирпасда ҳовли қўни-қўшнига тўлиб кетди. Одам кўпу, ичкаридаги хотин-халажнинг йиғи-сигисидан бўлак овоз йўқ, ҳеч ким «жони узилди», «қазо қилди» ёки «ўлди» деган гапни оғзига олмади. Тоға, Латиф бошлиқ қўшни йигит-яланг ҳамда қариялар бел боглаб тараддудга тушган, ҳар ким маросимнинг савоб юмушларига қўл ургиси келар, фақат Марат гангиб, нима қилишини билмай, бир чеккада туриб қолган эди. У чиндан ҳам ўзини йўқотиб қўйди. Марҳумнинг энг яқин кишиси, бирдан-бир жигари ҳамма ташвишни ўз қўлига ололмаганига одамлар ажаблангани йўқ, она ахир, онаизордан жудо бўлиш ҳар қандай йигитни ҳам эсанкиратади.

Марат кечагина ўзи узоқ гаплашиб ўтирган хонага кўпчилик қатори шундоқ бош суқиб, онасининг оқ ёстиққа чўккан кичик гавдасига, сап-сариқ юзига бир қаради-ю, кўзини олди, орқага чекинди. Шу-шу, қайтиб кира олмади. Мухсина хотин-халаж орасидан чиқиб, унинг елкасига тўн ёпди, кўпроқ унинг яқинида бўлишга ҳаракат қилди. Чунки қараса, ҳамма нима биландир банд, у эса ёлғиз, нимага қўл уришини билмайди. Агар онасининг олдига кирадиган бўлса, Мухсина у билан бирга бўлиб, далда бериб гурмоқчи эди, лекин Марат кирмади, киролмади. Одам-

лар марҳума билан видолашаётганда бир-икки марта эшик томон қадам ташлади-ю, ичкарига кирмай яна қайтди. У худди савқотгандай, юзи кўкариброқ турар, Муҳсинага го-ҳо бу ердан қаёққадир отилиб чиқиб кетгиси келаётгандай туюлар эди.

Тушга яқин тоға келиб унинг белини қийиқ билан танғиб қўйди, кейин дарвоза томон бошлаб чиқиб, «шу ерда бир оз туриб, келган-кетганни кутинг, таъзиясини қабул қилинг», деди. Марат тоғасининг айтганини қилди, шу ерда бир-икки соат турди.

Ташвишлар ва одамлар сал товшалгандан кейин ҳовли ичкарисидаги гулзор ёқасига қўйилган кичик чорпоёда бир-иккита қариялар марҳуманинг эзгу одатларидан, дунёнинг ишларидан гаплашиб ўтиришди. Бири маҳалланинг энг кесма ветерани, бири пенсиядаги муаллим, кейинроқ тоға ҳам келиб қўшилди. Кимдир «ҳозирги ёшлар»дан гап очганда Муҳсина суҳбатга беихтиёр қулоқ тутиб қолди.

— Улим кутилган бўлса ҳам, ҳамини кутилмагандай... — деди оқсоқол, — унинг қаршисида ҳамма ҳам ўзини тутабилавермайди...

— Булар нима, булар бамисоли вокзалга чиққан кузатувчилар-да... Кузатгани келган. Раҳми келади, йиғлайди, ҳар ким эплаганича.

— Нима қилса, нима деса ҳам, ўлим қаршисида беўшшов кўринавераркан. Улар учун ҳозир энг муҳими — мусибатдан тезроқ холи бўлиш, бари тезроқ ўтиб кетақолса... Бунинг хунук ҳиссиёт эканини ўзи ҳам билади. Нима қилсин, инсон шу экан-да, тирик тирикчилигини ўйлайди.

— Улимга атайлаб шайланмайди-да одам. Худди боқий қоладигандек юраверасан...

— Мен сизга айтсам, домла, — деб аралашди тоға, — бу — ҳозиргиларда бир касал... Биладики, у дунёда ҳеч вақо йўқ, буни ўйлашнинг ўзи даҳшат, албатта. Қўрқади. Улимни кўришдан ҳам, ўйлашдан ҳам қочади.

Шунинг учун ўлимнинг ларзаси ҳам суст, аҳамияти ҳам...

— Аҳамияти?

— ...аҳамияти десам ҳам хато бўлмайди. Мана, урушда одам ўқдан, ярадан ўларди. Бордию, шунчаки ўлса... Бир воқеа ҳали-ҳали ёдимда. Хитово деган қишлоқни эгалладигу, эрталаб командиримиз билан ҳовлиларни айланиб юрсак, бир қоронғи даҳлизда кексароқ киши ўлиб ётибди. «Ким ўлдирди?» деб сўрадик қўшниларида. «Ўзи ўлиб қолди», дейишди. Ҳаммамиз ҳанг-манг бўлиб, тикилиб қолибмиз. «Қаранг-а!» деди командиримиз анчадан



кейин, гўё ўз ажали билан ўлган одамга ҳавас қилгандай.  
У даврларда шунақа эди. Ҳозир...

Ҳозир одам ўқдан эмас, ярадан эмас, ўша урушнинг бутун оқибатларидан, ҳаётдан, унинг шафқатсизлиқларидан ўлади. Бу — урушда ҳалок бўлишдан кам эмас-ку. Нега унинг ларзаси сусаяди, нега ундан юз ўгириб, тезроқ четлашишга ҳаракат қиламиз?..

Дарвозахонада жонланиш сезилди. Ҳовлида дасталари сийқаланиб кетган эски тобут пайдо бўлди. Юраги дукуллаб, негадир ваҳимага тушган Муҳсина одамлар орасидан ўтмаслик учун, қозиқчаларга боғлаб кўтарилган помидор кўчатларини оралаб, Маратни қидириб кетди.

Марат ҳамон дарвоза ёнида кирган-чиққанга қўл қовуштириб турарди. Муҳсина уни имлаб четроққа чақирди.

— Нега айтмадингиз, эсингиздан чиқдимми? — деди нимранг юзига тикилиб. Марат тушунмади. — Аянгизнинг айтганлари-чи... Дадангизнинг ёнларига қўйишни...

Марат бармоқлари билан пешанасини сиқди:

— Ҳа энди, айтдилар қўйдилар-да... Мураккаблаштирманг.

— Ахир, она васияти...

Марат ёнверига қараб, қизни яна четроққа ундади. У жунжуккандай, ранги кўкишроқ, кўзлари қизарган, бугун соқолини ҳам қирмаган, тароқсиз сочи чопон ёқасига тушиб турар эди.

— Қанақа васият? Қанақа васият?! Ўзингиз ўйлаб кўрсангиз-чи, ҳозир Мирзачўлга энди қапа тикилган пайтлар эмас ахир. Одамлар кулмайдимми?

— Айтганларини қилсангиз, руҳлари безовта бўлмасди дейман-да... — қиз унга раҳми келиб, товушини пасайтди, бош эгди.

— Одам ўлди-кетди. Ё чиндан ҳам руҳга ишонасизми?

— Ўзингизнинг кўнглингиз тинч бўларди...

— Қанақасига тинч бўлади: ўликни шундан шуёққа олиб бориш яна уч кунлик ташвиш-ку, биласизми шуни? Ҳали шундоқ ҳам...

Муҳсина ўзи ҳам совқотгандай дийдираб кетди. У бундай маросимда биринчи марта бевосита қатнашяпти. Кўзига ёш келди. «Улик...» Кечагина «ая» эди. «Ая» — қандай яхши, илиқ сўз. Марҳуманинг «қизим менга жуда ёқиб қолди» деб сўлгин жилмайиши кўз ўнгига келди. Улим бу қадар шафқатсиз! Наҳотки одамлар унинг қаҳрини жиндак бўлса ҳам юмшатомайдилар?

Мана, қабристонга бориш олдидан кўпгина ёшлар ас-

та-секин ҳар томонга тарқаб кетишди. Марҳумани сўнгги йўлга асосан қарияларгина кузатиб бордилар, баъзилари одобга кўра кўзларини артиб қўярдилар, ёшлар эса шуни ҳам ўзларига эп кўришмади. Орада энг ёши Марат, лекин у бу нарсалар ҳақида ўйлаётимикин ҳозир?

Ҳамманинг хаёли бир жойдан чиқиши қийин, ҳатто икки киши ҳам бир хил ўйлаши шарт эмас, албатта. Айниқса, бундай мусибатли дамларда фикрларнинг учини тутиш, бир нуқтага жамлаш осон эмас, хаёллар аллақачонларга улоқиб кетади. Қовоқлари қизарган Марат хассакашлар орасида бош эгиб тураркан, негадир қабристоннинг совхоз шаҳарчасига жуда яқин эканлиги ҳақида ўйларди. Кейин хаёли ўз лойиҳаларига кетиб қолди: янги шаҳар лойиҳаларида қабристонни қаёққа мўлжаллаш маъқул? Узоқроққа, шаҳардан йироққа, албатта. Токи одамлар фақат ҳаётни ўйласинлар. Маратнинг рақиби, шубҳасиз, бунга қарши чиқади: ўлим ҳам тирикларга хизмат қилиши керак, дейди у, қабр шаҳар ичида гулларга кўмилиб ётиши, умр қисқа — дам ганимат эканлигини эслатиб туриши керак, деб даъво қилади...

Ҳаёлдаги бу бахс Маратга атрофдаги мудҳиш жимликдан, бундай вақтда юракка чиркин ҳашаротдек ўрмалаб кирадиган тупроқ шитиридан, гоҳи нарироқда бирдан кўтарилган аччиқ йиғи товушидан холироқ бўлишга ёрдам берарди. У кўзини ерга тикиб турди, ҳеч нарса қилолмади, боя тобутни кўтаришда энди қаторга кирганида Латиф келиб жойини эгаллаган эди, ҳозир белкурак ушлаганида яна Латиф чаққонлик билан келиб қўлидан олди. Латиф ҳар жойда ҳозир, тажрибали қарияларнинг қўлтиғига келиб, ҳамма қора ишни ўзи қилди.

Марат она қабрига бир сиқим тупроқ ташлагач, қўлини барига артиб четга чиққанча қабр томонга бошқа қайрилиб қарай олмади. Негадир, Муҳсинанинг дарвоза олдидаги гапи, кейинги кўз қараш ибодига келди. «Кўнглингиз тинч бўларди...» Қандай тинч бўлади? Улимга бирон нима билан бошқа маъно бериб бўлар эканми? Улим — ўлим-да. Уни руҳу удум, эски урфу ривоятларга чулғамасдан, одатдаги бор нарса деб қарайвериш керак.

Аза кунлари улар бирга бўлолмадилар. Бу ноқулай ҳам бўлар эди. Лекин гап бундагина эмас. Муҳсина бу кунлари Маратга кўрингиси келмади, у ўзининг ҳолатини биларди. Хотин-ҳалаж орасида ивирсир, қўлидан келганча дастёрлик қилган бўлар, лекин бир нимасини йўқотгандек паришонҳол эди. Бир-иккита коса, пиёла қўлидан тушиб синди ҳам. «Худди ўз онасидан жудо бўлгандай, шўрлик кўнгилчан қиз экан», дейишар эди хотинлар.

Онанинг «уч»ини ўтказгандан кейин йўлга отланишди. Марат фақат шу кунни кутгандай, эрталабдан ошиқиб нарсаларини йиғиштира бошлади. Сумкалари битта, Марат кўтариб келган, Марат кўтариб кетади. Муҳсина ёдгорлик совғани — қадимий кумуш зебигардон солинган тупука қутини кўксига босиб олиб келди. Марат қўлига олиб, бир қизга қаради-да, сумкага жойлади.

— Муҳсина... — деди аста, ерга қараб. У кечадан бери қизнинг сўлгинроқ юришини кузатиб, унинг олдида ўзини нима учундир айбдордай, нима учундир узр сўраши керакдай сезар эди. — Сизни олиб келмасам бўлар экан... Уриниб қолдингиз. Бундай бўлишини билганимда...

— Ундай деманг... Шундай кунда мусибатингизга шерик бўлганим — сизга ҳам, менга ҳам керак эди, Марат ака.

Шу билан улар автобусда ҳам йўл бўйи бир-бирларига деярли гап қотмадилар. Совхоздагилар билан қандай хайрлашганлари ҳам ёдларида қолмади.

Фақат, бир соатча юргандан кейин, Муҳсина бехосдан сўради:

— Дадангизнинг қабрларида бўлганмисиз?

Марат унга бир қараб қўйди-ю, кейин деразадан кўзини олмай, ҳозиққа ўрнатилган бетон ариқлар соясида қовжираб улгурмаган лолақизғалдоқларни томоша қилгандай, анчагача жим ўтирди. Қизнинг сумка устидаги қўлига кафтини қўйиб:

— Эски гапларни қанча тезроқ унутсанг, келгусидагиларни ўйлаш учун шунча кўпроқ имкон туғилади... — деди жавобни мужмалроқ қилиб.

— Дадангиз ярадан ўлганлар. У киши шу билан балки мени ҳам қутқазгандирлар. Мени яхши кўрасиз-ку...

— Чуқур кетдингиз. Бундай ўйлайвериш... Бундай яшаш... Ўзи шундоқ ҳам ҳаёт осон эмас.

Йўлдаги гап бор-йўғи шу бўлди. Нима ҳам дейишсин, мусибат ёш, нафис туйғуларни ҳам карахт қилиб қўяр экан. Гапнинг қовушмаганлигини иккаласи ҳам мана шунга йўйишди.

Шаҳарга куннинг тиғида етиб келдилар. Тиқилинч кўчаларнинг иссиқ, губорли ҳавоси, чорраҳалардаги сурон, мотор, ҳуштак овозлари, тошқин шаҳар ҳаёти Маратни сал илгариги ҳолатга қайтаргандай бўлди-ю, Муҳсина ҳамон ўзига келолмас, ҳорғин кўринар, камгап эди. Кўришганда ҳам, хайрлашганда ҳам одамлар кўзини шамралат қилиб тезгина ўпишиб оладиган ёшлар бу гал ва-

зиятга мувофиқ босиқ ажралишди: «Дамингизни олинг», «Хабарлашармиз», «Телефон қилинг...»

Икки кундан кейин Муҳсина у-бу нарсаларни баҳона қилиб Маратнинг уйига келди, у ҳали ҳам ўша-ўша, сира дам олмагандай, ориқлаб, кўзлари янада каттароқ бўлиб қолган эди. Маратнинг бўсасига ҳам илгаригидай эҳтирос билан жавоб бермади.

— Сина... нима бўлди? — деб сўради Марат.

— Ҳеч нима... — дея ҳазинроқ жилмайди қиз.

— Яхшилаб дам олишингиз керак эди, — деди Марат, кўнгли бир оз жойига тушиб. — Нима ўқияпсиз? — у Муҳсинанинг қўлтиқлаб келган китобини олиб кўрди: Чингиз Айтматов, «Асрларга татигулик кун», — Яхши китобми?

Муҳсина ҳали ўқимаган эди, елкасини қисди.

— Ўқиганингизда менга ҳам ҳикоя қилиб берарсиз. Ҳозир вақт шундай зиққи, гирдобга тушиб қолгандайман. Кўргазма комиссияси ишини яқунлаяпти, ҳамма шу атрофда гирдикапалак, сизга айтиб қўяқолай: яхши прогнозлар бор!

Муҳсина сафар сумкасидаги ўз нарсаларини ажратаркан, бирдан тўхтаб, ниманидир қидириб қолди. Унинг бу ҳолати Маратнинг қувноқ товушини бўлди.

— Нима?

— Аянгизнинг совғалари...

— Зебигардонми?! — деб қўл силтаб кулди Марат. — Институтда оғзимдан гуллаб қўйган эканман, драм тўғрақдаги ҳаваскорлар кўярда қўймай келиб олиб кетишди. Тарихий-маиший мавзулардаги спектакллар учун бебаҳо реквизит эмиш!

— ... Марат ака, ахир... — Муҳсина унга ғалати тикилиб қолди, уни энди кўраётгандай, юз-кўзида ҳайрат.

— Нима қилай ахир, ҳаваскорлар деган билан, бири кандидат, бири доктарант, келиб туриб олишди... — У Муҳсинанинг оқаринқираган юзига қараб гапдан тўхтади. Енига борди. Қучди. — Муҳсина, наҳотки шунга хафа бўлсангиз, сиз уни тақиб юрармидингиз ахир, бурунги замоннинг кампирларидай... — у хохолаб кулиб ҳам кўрди, кулгиси сунъий чиқди, Муҳсина ҳам ўша-ўша — хастадай рангпар, эшик томон қадам қўйяпти, — Муҳсина! Сизга тақинчоқ керак бўлса, мен тилласидан олиб берай, ажойибидан...

Нарсаларини пала-партиш қўлтиқлаган Муҳсина останада паришонҳол «хўп, хайр» деди-да, чиқди. Марат орақасидан шошиб чиққанида лифт эшиги ёпилган эди. Иккинчи лифтнинг тугмасяни босди, аксига олиб у ҳам кела-

вермади. Зинапоядан югуриб, бешинчи қаватдан пастга тушди-ю, тротуар тўла одамлар оқимида қаёққа юришни билмай туртиниб, бирпас гангиб тургач, орқасига қайтди.

Ажаб, Муҳсинага нима бўлди? У билан гаплашиш тобора қийинлашиб кетяпти. Ҳаётни мумкин қадар содда-лаштиришга, оёққа илашган ўтмишдан, урфу удумлардан, шартли боғланишлардан холи бўлиб, енгил тортиб, фақат келажакка интилиб яшашга аҳд қилган Марат гўё қумлоқ йўлга тушиб қолгандай, қадами унмаяпти. Муҳаббатга мана шундай изтироблар муқаррар йўлдошмикин? Наҳотки бу ҳам бир юк бўлса? Соф ўзи йўқми?

Бундай ўйлар Маратни бир-икки кун қийнади-ю, кейин институтда, кўргазма комиссияси атрофидаги машмашалар, талашув-тортишув — тарафкашлик, кўмма оқимлар билан бўлиб, барини унутиб юборди. Бир неча республикада шаҳарлараро кўчиб юришни мўлжалланган бу кўргазманинг ҳар бир автор учун аҳамияти жуда катта эди. Унга лойиҳалар танлашда комиссия биринчи галда ижодий ўзига хосликни, оригиналликни мезон қилиб олди. Охири маълум бўлдики, танлаб олинган ўн тўққиз лойиҳа ичида Маратнинг «микрорайон»и ҳам бор экан.

Буни эшитгандан кейин Маратнинг кўнглидан ҳамма хираликлар тумандай кўтарилиб, энг ширин орзулари, Муҳсина ва соф муҳаббатнинг ўзи қолди, холос. Ҳамкасбарининг қутловларига жавоб ҳам бермай кабинетига, телефонга югурди.

— Сина! Салом! Табриклашингиз мумкин! А? Ҳаммаси ўзим айтгандай бўлди! Ҳаммаси жойида!.. Раҳмат... нега овозингиз бундай? Нега сустсиз деяпман? Менга қаранг, хиёбонга чиқинг, мен зумда етиб бораман, ҳа, ҳозир!

У стол тортмаларини наридан-бери бекитиб, енгил плашини олди-ю, югурди.

Ҳаво булут, дим эди. Ёғадиганга ўхшайди. Майли, ёғса ҳавонинг губорини олади, дарахтлар ҳам барглари йилтиллаб, яшнаб кетади, Муҳсина яхши кўрадиган терак қиди анқийди. Марат ҳозир ёмғирдан кейинги мусаффо, хушбўй хиёбонни кўз ўнгида кўргандай бўлди.

Бироқ ёз бошидаёқ анча тўзон йиғиб улгурган теракзор хиёбонда ҳаво димиққан, йўлкаларни соя-салқин ўрнига булутли кун ғира-шираси босиб турар эди. Улар одатда учрашадиган сал майишиқ кўк скамейка бўш, нишонаси шундоққина рўпарада бўлса ҳам, Муҳсинадан ҳали дарак йўқ эди. Марат узоққа кетмай, шу атрофда уёқ-буёққа айланиб турди. У ҳали ажойиб хушхабарнинг таъсирида эди. Ижодий ҳаётида бу — ҳозирча энг катта воқеа. Унинг худди шу вақтга, Муҳсина билан ораларида гап қочган

кунларга тўғри келиши айти мударо бўлди. Энди ҳаммаси жойига тушади. Муҳсина унинг қувончини юз баробар ошириб юборади. Маратнинг бутун ҳаракати, уйқусиз тунлари ҳам, комиссия ишлаётган кунлардаги бесабр ҳаяжонлари ҳам — бари Муҳсинанинг бир қувонишини кўришга қаратилган эди. Мана энди ўша кун келди!

Муҳсина чизмакаш қизларнинг кўк батист комбенизо-нида шошмасдан чиқиб келди. У одатдагидек зебо, била-гида эркакча оғир соат, нимдошроқ енгил коржома белла-рини сиқиб турар, ўзига жуда ярашган эди, упа-элик кўр-маган юзи бир оз оқишдан келган, катта кўзларида сокин табассум.

— Габриклайман, Марат ака,— деди қўл бериб, босиқ-қина.— Энди ниятингизга етасиз...

— Йўқ, биласизми қачон ниятимга етаман? — деди Ма-рат қизнинг қўлтиғидан олиб сайр йўлкасига бошларкан. У Муҳсинанинг ўзи кутганчалик қувонмаганини сезарди, лекин буни ўтган сафарги кўнгилсиз гапларнинг таъсири деб ўйлади.

— Қачон?

— Биласиз-ку, бу — сизга боғлиқ, Муҳсина.

Қиз индамади. У очилмаяпти. Бундай қолдириб бўл-майди. Уни энг муҳим, энг қувончли, бошқа гапларни си-қиб чиқарадиган асосий масала билан банд қилиш керак.

— Мен катта қувончлар, орзулар билан келган эдим, ёзилиб гаплашмаяпсиз, Муҳсина...

— Йўқ, нега, гапиринг.

— Албатта, баъзилар айб қилиши мумкин, «азадан ке-йиноқ...», «у — бу» деб... — секин, одатдаги ёқимтой овози билан сўзлай бошлади Марат. — Лекин биз у эски гаплар-дан устунроқ тура оламиз. Қувончимизга қувонч қўшилсин, Муҳсина. Бахт-толеимиз ўз қўлимизда. Анави... синов ойн ўтиши билан... бир кичкина, замонавий ўтириш қилиб... де-ган таклиф бор. Нима дейсиз?

Муҳсинанинг нафаси ичига тушиб кетди. У ердан кў-зини олмай, туфлисининг учига қараб қадам босар, билаги-ни ушлаган қўлидан йигитнинг ҳаяжонини сезиб, ўзининг иккилана бошлаганини пайқайди. Пайқайди-ю, гўё яна жим юраверса кейин кечикиб қоладигандай, юрак ютиб, айта-диганини айтди:

— Биласизми, Марат ака... Мен... мен аризани қайтиб олдим. Кечирасиз... бу билан дўстлигимизга путур етмас деб ўйлайман.

Марат ҳанг-манг бўлганидан тўхтаб қолди. Рўпараси-да ерга қараганча қиз ҳам тўхтади. Ҳамма нарса аниқ эди. Ҳазил ҳам йўқ, англашилмовчилик ҳам. Йигит юраги-

нинг қайсидир бир бурчагида шунга ўхшаш хунук гап эшитиш хавфи яшаганини энди англаб, энди тан олди.

— Муҳсина... нималар депсиз?! Ахир илгариги гапларингиз... Ахир мен сизни яхши кўраман, Муҳсина! — у асабийлик билан қизнинг икки билагидан беихтиёр қаттиқ ушлади. Муҳсина унинг юзига бир кўз солиб, оқаринқираб кетганини кўрди-ю, юшмади:

— Яхши кўриш... Марат ака, бу ҳам жуда эски гап-ку. Эскилик ахир. Келажак эмас, ҳар қалай, сизнинг... келажагингиз эмас. Мен буни пайқадим.

Марат шафқатсиз кинояни англади.

— Келажак, келажак, деб киноя қиласиз... Бу айб эмас-ку, ахир. Дарахт ҳам офтобга интилади, одам эса — келажакка.

— Дарахтларнинг илдизлари она заминда. Бўлмаса интилолмасди.

Марат дарров жавоб тополмади, ожизлигини сезиб, асабийлашди. Муҳсина билан бўлган аввалги баҳсларини ҳам эслади-ю, ўзини тутолмай, ачитиб гапиргиси келди:

— Мен тақводорлигингизни юзингизга солгим йўқ эди. Тегадиган йигитингизга менга берган ўпичларингиз ҳақида гапириб беришни унутманг! — деб шартта тескари қаради.

Муҳсина хафа бўлганини билдирмаслик учун ҳазинроқ жилмайиб қўйди.

— Ана, гапингиз ҳам, товушингиз ҳам дарров бошқача бўлиб кетди.

— Ахир уч ҳафта ўтмай шунча ўзгардимми, ёмон бўлиб қолдимми?!

— Йўқ.

— Бўлмаса, ким ўзгарди?

Улар келган йўлларига қайтдилар. Энди қўлтиқлашиб эмас, қўл ушлашиб ҳам эмас, шунчаки ёнма-ён.

— Сиз... ўша-ўшасиз, Марат ака, — деб анчадан кейин ўйчан сўз бошлади Муҳсина. — Билмадим, нима ўзгарди... Биласизми, мен кўп ўйладим, ҳаётимизнинг қандайдир ахлоқий сарчашмалари, ота-боболарнинг руҳий удумлари бор. Уларни оёқ ости қилган одам самимий бўлолмайди. Уша кун сиз кўрган китобда бир жазо усули тасвирланади. Уша жазодан кейин одам хотирасини тамом йўқотиб, эл-юртини ҳам, ерини ҳам, насл-насабини, ҳатто онасини ҳам унутар, танимай қолар экан. Манқурт дер эканлар шундайларни... Манқурт бўлгим келмайди...

Марат моҳиятига унча тушунмаган бу гаплар унинг бошига гўё тўқмоқдай бўлиб тушганини сизди. Гангиди. Ҳар қандай гап хаёлига келган эди-ю, бунчалигини кутмаган эди. Бояги қувончлари ҳам қаёққадир буткул учиб кетди.

Муҳсинанинг жўнаб қолганини у узоқдаги «тўқ-тўқ» пош-на товушидан пайқади. Қиз катта ишни охирига етказгандай, ҳар замонда ишчанлик билан соатига қараб қўяр эди. Нозиккина, жондан азиз шу кичик вужудда бу қадар шафқатсизлик...

Марат, тепасидан нимадир зил босиб тургандай, жойидан жилолмасди.

Она қазо қилди.

Муҳсина кетди.

Ижодий қувончлардан асар ҳам қолмади...

Кетма-кет бу зарбалар қаёқдан келяпти — Маратнинг карахт ақли етмасди. Боши қизиб кетди. Хиёбон дим, ҳаво ғуборли, нафас оғир. Емғир ёғолмаяпти. Ҳозир бир қуйиб берса эди...



# ҲИКОЯЛАР



## МЕН ҲАЁТНИ УРГАНАМАН

Донбасслик ёзувчи дўстим Геннадий  
Головинга бағишладим.

Илк бўса, биринчи муҳаббат, дейдилар. Биласизми, биринчи китоб деган гап ҳам бор. У ҳам назаримда шулар қатори.

Биринчи китобим чиққан кунлар ёдимда. Худди ширакайф бўлиб юради одам. Атроф гўзал, ҳаммага ёқимтойсиз, қизлар ҳам фақат сизга қараётгандек бўлади. Умримда ашула айтмаган одам, ўша куни «Яллама-ёрим»ни ванг қўйиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Ҳаёт мунча ширин! Бундан буён ҳамма яхши нарсалар, бутун дунё ҳам, шон-шуҳрат ҳам, келажак ҳам, гўё бари — меники. Тоғни талқон қиладиганман. Мендан кучли, мендан бахтли, мендан чиройли одам йўқ...

Биринчи китобдан кейин ҳовлиқиб кетадиган ёшларга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади. Бу ҳеч гап эмас экан. Мени бу фалокатдан бир воқеа қутқазиб қолган.

Босар-тусаримни билмай юрган кунларим денг. Эрта баҳор эди шекилли. Нордон, хом олмани ғирчиллатиб тишлаб, газета редакциясидан чиқаётсам, Ҳамдам қора дуч келиб қолди.

Ҳамдам қора эски ошнам, конда ишлайди, газета топшириғи билан Олтинтопганга бориб юриб, у билан қалин бўлиб қолганман. У чиндан ҳам қоп-қора. Бунинг устига, чўтир. Бир қарашда, худди чўтирига кон губори ўтириб қолгану, тузукроқ ювса кетадигандек. Аслида эса ундай эмас, аслида ўзи шунақа, кўкимтир қора. Хунуклиги етмагандек, ошнам яна ўлгудай дағал. Ичида гапи бўлса, юзингда кўзинг борми демай, айтиб солаверади.

Мана шу одам кулдек совурди-да менинг қувончларимни. Бир оғиз гапи билан ҳафсалам пир бўлиб, шалвирадим-қолдим.

— Ўқидим, бўлмайдиган китобинг,— деса бўладими дабдурустдан. Юзимга лой сачрагандек кўзимни пирпиратиб тикилиб турдим-у, нима дейишни билмай, «ҳе, сен нимани тушунасан», деб шартта қайрилиб кетмоқчи эдим, би-

лагимдан олди. Қўполнинг панжаси ҳам шунақа қўполки, офриқдан жаҳлни ҳам унутаёзибман.

— Нима дейсан, нимага бўлмайди!— дедим. Афтимга қараб раҳми келдими, ўз қўполлигини сездими, ер чизиб секинроқ гапирди.

— Бўлмайди-да, ёқмади... нима десам экан...

— Китоб ўқийсанми ўзинг?!— мен баланд кела бошладим.

— Ўқиб тураман. Буни бўлса, сенинг исмингни кўриб, олган куним кечасиёқ ўқиб чиқдим.

Менга қайта жон кирди: ўқибди-ку, ўша кечасиёқ қўлдан қўймай ўқиб чиқибди. Яна нима керак бу тўпори-га? Очеркларим муҳаррирга ёққан, танқидчига ёққан.

— Хўш,— дедим бўш келмай, беписандроқ, тескари қараб.

— Шу-да. Хафа бўлма. Силлиқ, ура-ура — олам гулистон, баландпарвоз гаплар. Кончилар унақа эмас, сен уларни билмайсан.

Ҳанг-манг бўлиб қолдим.

— Нимасини билишим керак?

— Ҳеч бўлмаса бирон... фазилатини, хулқ-атворини. Бу ғалати халқ, сен билмайсан.

— Сен биласанми?

— Биладим.

— Бўлмаса, ўзинг ёз.

— Қани энди сендек ёзишни билсам,— деб биринчи марта кулиб қаради у. Кулса, бутун хунуклиги қаёққадир йўқ бўлади-қолади ошнамнинг. Ҳайтовур, тан оляпти-ку. Шундан кейин менинг ҳам жаҳлим сал босилиб, узоқ ўйлаб қолдим. Шу хилда гап-сўзсиз хиёбонгача борибмиз ҳам, скамейкага ўтирибмиз ҳам, билмайман. Ҳаёлимда Ҳамдам қоранинг гапи: кончилар... Ғалати халқ. Фазилати, хулқ-атвори... Бизнинг журналистлар бир-бирининг нуқсонини бу хилда юзига солмайди. Бу қора бўлса... Тўсатдан калламга бир фикр келди. Ҳамдамнинг чўтир юзига қарадим: ё шу юз-хотир қилмасликнинг ўзи ҳам бир фазилатмикан-а?

— Нима қил дейсан?— энди аслимга келиб, маслаҳат сўраб қолдим.

— Билмадим,— деди Ҳамдам қора,— бошқатдан ёз, ёрдам берайлик.

— Йўқ, ёрдамнинг керак эмас, ҳали ҳам...—«раҳмат» дейишга бўйним ёр бермади,— мен ўзим бориб ўрганаман ўша ғалати халқингни.

— Бориб ўрганиб бўлмайди, улар билан бирга яшашиг, иложи бўлса, бир оз ишмашинг керак.

— Кончи бўлиб-а? — ҳунарим йўқ дейиш ўрнига панжаларимни ёйдим.

— Ургатамиз. Мана, менинг бригадамга аъзо бўласан-у, ишлай берасан, бир ой, қанча керак бўлса.

Мен ўзим ҳам кутмаган жойда негадир қувониб кетдим.

— Ростданми? Бригадангга оласанми?

Бу кучли, таниш одам ҳимоясида мен чиндан ҳам ишлашим, кончилар ҳаёти билан истаганча танишишим, кейин эса янги катта китоб ҳам ёзишим мумкин эди. Буларнинг ҳаммаси бирдан кўз олдимга келиб, ўрнимдан туриб кетдим. Қарасам, Ҳамдам қора катта қўпол панжасини ёйиб, менга қўл узатиб турибди. Қарс этиб кафтига урдим.

Ҳамдам худди шуни кутиб турган экан, иш пишгандан кейин жўнаб қолди. Шу пайт менинг хаёлимга бир шубҳа келди:

— Менга қара, бўлмайди, — тўхтатдим уни. — Кончиларнинг менинг ёзиш ниятимни билса... менга қара, бундай йўл билан уларни ўрганиб бўлмайди.

— Ёзувчи эканингни айтмаймиз-да, — деди Ҳамдам.

— Ким деб таништирасан бўлмаса?

— Ҳа, топармиз ахир, боравер-чи, — деди-да, шошганча қўл силкиб жўнаб қолди.

Редакциядан икки ойлик ижодий отпускаи олиб, икки кундан кейин етиб борсам, Ҳамдам мени кадрлар бўлимида аллақачон расмийлаштириб ҳам қўйган экан. Бригаданинг ишга чиқадиган пайти етаклаб олиб кетди. Қарасам, шахтанинг лифти олдидаги майдончада йигирматача йигит бригадирни кутиб турибди.

— Мана, ўртоқлар, бригадамизга янги аъзо, ишга ўргатасизлар, — деб Ҳамдам менинг елкамдан туртди. Йигитлар менга бошдан-оёқ тикилишди.

— Узи ким, қаерда ишлаган экан? — деган овозлар чиқди.

Ҳамдам ўйлаб ўтирмай илжайди-да:

— Магазинда ишлаган экан, жиндек айб қилиб қўйибди, меҳнатда ўзини оқламоқчи! — деди.

Гапни қаранг. Ёлғон-ку — бари бир ёлғон, бошқа ёлғон қуриб кетганмиди, а? Одамни шарманда қилди-ку! Ҳамдам қора бу фантазияни илгаридан ўйлаб қўйганмиди, ҳозир калласига келдими, ишқилиб, роса қовун туширди. Менинг бутун кўргиликларим мана шундан бошланди.

Туппа-тузук илжайиб турган йигитлар қандалага қарагандай бир жирканиб менадан кўзларини олишди, гўё

мен йўқ, кўрмай қўйишди. Фақат баъзиларигина заҳар-ханда, таъна аралаш гап ташлашарди.

— Ҳа, магазинда жиндек ўмарган эканлар-да...

— Бизнинг конимиз турма эмас эди-ку, бригадир?!

Узимни қаёққа қўйишни билмайман, «ёлғон» десам, иш бузилади. Кўзимни ердан олмай, чидашга қарор қилдим; кулги, ҳақорат давом этарди:

— Хунари кўп экан-ку, яна буни нимага ўргатамиз?

— Синчалоқ билан тарози палласини босиш эмас, ишлаш керак бу ерда, чидармикан?

— Конни ўвариб кетмасин тағин.

— Жим!— деб бақирди Ҳамдам қора. Шу бир гапи билан чиндан ҳам жим бўлишди. Обруси бор экан. Лекин, энди менга ҳеч ким қарамас эди.

— Оти нима экан?— деди суяги бузуқ йўғон бир сариф йигит энди босигроқ гапириб.

— Йўлдош,— деди Ҳамдам.

Ҳалиги йўғон йигит ғазаб билан бетон плитага туфлади. Бошқалари хохолаб кулиб юборишди.

— Мен отимни бошқа қўяман,— деди ҳалиги сариф жирканиб. Тушундимки, унинг ҳам оти Йўлдош экан, ор қилипти.

— Отингни бошқа қўйишга шошма,— деди бригадир,— мана бугундан бошлаб адашингни ёнингга олиб, иш ўргат, кейин бир гап бўлар.

Йўлдош беўхшов гавдасини четга олиб, бир нималар деб норози гудранди. Лекин, кўриниб турибдики, бригадирнинг буйруғи қонун эди. Жимлик чўкканда, мен яна аяк аҳволда қолдим. Бошларига каска, оёқларига қўпол этик, брезент коржомо кийган бу проходчиклар олдида мен шумшайган, кичкина, ҳимоясиз кўринар эдим. Хўрлигим келиб кетди. Ер ёрилса, ерга кириб кетар эдим, деб турсам, ҳақиқатан ҳам ер ёрилди — тикка проходканинг эшиги очилиб, қоронғи қаъридан гувиллаганча лифт чиқиб келди. Қимдир оёғим тагига каска билан брезент китель ташлади. Тезда кийиб, ҳамма қатори лифтга кирарканман, вужудимни қутсиз бир ваҳм қамради. Темир лифтнинг сурони, атрофингда одамларнинг говури, қаҳ-қаҳаси эшитилиб турмаса, ер қаърининг зах совуғи юракни увиштириб, одамнинг ваҳимада дод солиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Шув этиб пастга тушиб кетдик.

Бир жойда эшик очилиб, Йўлдош мени туртди, қизил чироқ ёниб турган майдонга чиқдик, лифт яна ўз йўлида пастлаб кетди. Бизнинг иш жойимиз чакка томиб турган тикка забой эди. «Буниси — пневматик юкчи, буниси — бадья, буниси — осма насос» деб Йўлдош ҳафсала-

си келмайроқ менга бир нималарни кўрсатди-ю, уққан бўлсам ўлай агар. Мен бу ғорда ўзимнинг руҳий ҳолатим билан банд эдим, нафас етмаётганга ўшарди. Бу ўйлайвергандан шунақа экан. Кейин иш кўпайиб кетгач, бу ҳиссиёт йўқолди. Бизнинг ишимиз — вақтинча истеҳкомларни олиб ташлаб, доимийсини қуриш учун бетон қабул қилиш эди. Лекин смена бошидаёқ ишкал чиқди, опалубка тешилиб, бетон сизиб чиқа бошлади. Ҳар тўрт минутда тепадан тушадиган бетон тўла бадьяни қабул қилиш билан бир вақтда опалубкани тузатиш мушкул эди. Нима қилиш керак? Йўлдошнинг йўғон бўйнидан шаррос тер тўкилди, бу ишкालни у мenden кўрарди шекилли: биринчи кундан қадамим ёқмади.

Тешилган опалубканинг оралиғига қарадик: қоронғи, зах ўпқон.

— Туш!— деб бақирди Йўлдош. Мен гаранг бўлдим, бу жаҳаннам қудуғига тушиб бўладими? Тепадан бадья келиб қолса-чи? Ё мени калака қиляптими?! Лекин, Йўлдошнинг кўзида ғазаб, яна бақирди:

— Туш деяпман!

Мен бу тор оралиққа одам тушиши мумкинлигига ҳам ишонмасдим.

— Қўрқясанми? Ўғрилик қилишдан қўрқмаганмисан?!  
Туш!

Бу гапларни эшитишдан жаҳаннам қаърига ташлаган яхши. Менинг ҳам иззат-нафсим бор, ахир. Шартта тушиб кетдим, нима бўлса бўлар. Бу тор оралиққа ҳақиқатан ҳам Йўлдош семиз ўзи тушолмас эди. Оёғим тегиши билан суюқ бетон этигимни суғира бошлади, елкамдан занглаган сув оқиб турибди, айланиб бўлмайди. Опалубканинг қайрилган темирини ўрнига қўйишим керак, орага тош тиқилиб қолган. Тирноқ қайрилди шекилли, кафтимга бир нима илиқ тегди, кўриб бўлмайди, қоронғи. Ҳали ҳеч нарса ҳам қилолганим йўқ эди, тепада қизил бадья кўринди, у тош аралаш қоришмани тўкиб-сочиб, устимга бостириб келяпти... Бир этигимни бетон суғуриб олди. Намиққан кийимим пастга тортиб кетяпти. Тепада Йўлдош бақиради, хавфми, далдами — тушунмайман, дармон қуриди. Худойим-ей, шу ердан ўлигим чиқмаса-да, Бақирворгим келади: «Ҳой, барзанги, мен ёзувчима! Ўғри эмасман! Нима қиляпсан, қутқаз!» Лекин йўқ, биланманки, бақирган билан бари бир эшитилмайди. Ундан ташқари, шу аҳволимда ҳали ор-номус ҳам бор: «Чидайман, сир бермайман!»— деб тишимни тишимга босаман. Оралиққа тиқилганча ёним билан ётибман, бадья очилса тириклай кўмилиб қўя қоламан. Лекин бадья негадир

очилмади, қонаган қўлим билан тош-бетонни тозалаб, опалубка темирини қайириб жойига туширдим. Бир вақт қарасам, тепамдаги бадьядан бетон ўрнига занжир осилиб тушяпти. Англадимки, тортиб чиқаришмоқчи. Занжирга осилиб, чала ўлик ҳолда чиқиб келсам, Йўлдош бетон тўла бадьянинг автоматик равишда очиладиган туб қопқоғини икки қўллаб ўшлаганча, оғирлик зўридан ёрилиб кетгудай, бўзариб турибди, мушаклари ўйнаб, бўйин томирлари кўкариб, бўртиб чиқибди. Мен чиқишим билан қўйиб юборган эди, бетон шовуллаб тушиб кетди. Мени деб, азамат, бир ярим тонна бетонни беш минут ушлаб турган экан. Меҳрим ошиб кетди унга. Лекин, шу маҳалдаёқ менинг ночор аҳволимни кўриб:

— Қалай! Ҳа, магазин эмас бу ер...— деди-ю, яна рудимни сўндирди. Зўрға турибман-у, гапини қаранг, бунча ёмон кўришади?! Тавба, ўғрилиқ қилиб қўлга тушганларни турмага қамаш эмас, шуларнинг қўлига топшириш керак экан, азбаройи шифо!

Таҳқир, калака ётоқда ҳам давом этади. Мен конда, иш вақтида ҳар қандай жисмоний эзилишларга розиман, аммо оғзаки хўрлашларига сира чидаш мумкин эмас. Улар мендан кулиб ҳордиқ чиқарадилар. Шу ерда ётибману, худди кўрмаётгандай, мени учинчи шахсда атаб гапирадилар.

— Магазинчи қалай? Рудани торозидан уриб қолаётгани йўқми?— деб сўрашади Йўлдошдан. У ярамас ҳам менинг барча азобларга чидаб сидқидил ишлаётганимни била туриб, биронгагининг жағини тийиб қўймайди.

— Ўзи қанча ўмарган экан, сўрадингми?

Бу гапларга Ҳамдам қоранинг ўзи ҳам ҳингир-ҳингир кулади чўтирини бўзартириб, қилғиликни қилиб қўйиб, бирон марта ёнимга тушгани ҳам йўқ. Ўзини холи топиб, «жўрттага қиялсанми, ўлдирдинг-ку, чорасини топ», десам, энди орқага қайтиб бўлмайди, ҳаётни ўрганавер, дейди. Улсин, ҳаётни ўрганиш шунақа бўладиган бўлса Одамни одам демайди бу хумпарлар. Аскиядан зерикиб, фалсафага ўтиб кетишади, худди мен йўқдай.

— «Меҳнат тарбияси» деган гапга мен мутлақо қаршиман,— дейди Жаббор дегани кулгидан жўғи чарчагач, каравотга чўвилиб.

— Хў-ўш! — дейди Ҳамдам унинг ҳозир фалсафа сўқишини олдиндан билгандай, чўзиб.

— Менга десанг, меҳнат — юксак тарбия кўрган юксак ахлоқли кишиларнинг олижаноб иши. Унга текин томоқларни аралаштириб, сафимизни булғаш яхши эмас.

Баландпарвоз гапни қаранг! «Юксак тарбия кўрган-

нинг биттаси сенмисан?» демоқчи эдим, қўрқдим. Меҳнат масаласига келганда, буларга бир нима деб бўлмайди, айниқса менга ўхшаган «юлғич». Еб ташлашади. Ҳали ҳам хайрият, сафсатага ўтиб кетишди, деб вақтинча бўлса ҳам қутулганимдан хурсанд, пусиб ётибман.

— Сенингча, аввал насиҳат билан одам қилиб, кейинишга қўйиш керакми?— дўнғиллади бесўнақай адашим.— Меҳнатсиз одам бўлиб бўпти! Меҳнат маймунни ҳам одам қилган. Энгельсни ўқиш керак, файласуф!

Унинг гапи ҳаммавақт дангал ва қатъий. Лекин фалсафа бобида бари бир Жабборнинг оғзига қарайди. Жаббор бугун меҳнат фақат соф одамларгагина муяссар бўлиши кераклиги ҳақида узоқ гап сотди. Менинг сменадан кейинги аҳволимни биласиз, бу «чуқур мулоҳазалар» қулоққа кирадими? Ётибман мизғиб.

Менинг ҳақимда гап давом этарди:

— Одамга ишониш керак,— дерди Ҳамдам қора. У қилар ишни қилиб қўйиб, энди бу ҳақоратомуз гапларни юмшатишга уринарди. Лекин, гап юмшамади.

— Ишонч ҳазилакам гап эмас, ишончни қозониш керак,— деди Жаббор.

— Одамга ишоиниш мумкин. Маймунга эса...

Мен шу кечадан бошлаб лақабим маймун бўлиб кетади деб жуда қўрққан эдим. Чунки, менга адаш бўлишдан ор қилган Йўлдошга бу айниқса қўл келарди. Аммо, йўқ, унчаликка боришмади.

Биз ётоқда беш кишимиз. Ҳамдам, Йўлдош, Жаббор, мен, яна бир бўш каравот ҳам бор, эгасини ҳали кўрганам йўқ. Буларнинг гапидан билдимки, унинг оти Тўлаган экан, ораларида ҳурмати жуда баланд, исмини атаганда қандайдир эзгулик сезилади овозларида. Ё катта одам, ё мўйсафид бўлса керак.

— Жаббор, қоронғи тушгунча эшик олдидаги устунга чиқиб, лампочка қўйиб туш,— буюрди бригадир.

— Ана, Йўлдош чиқсин!— деди ётган жойида «файласуф».

Мен? Нима аҳволда ётибману, тоқатим борми? Анави Йўлдошни айтаётгандир.

— Гапни қисқа қилинглар, Тўлаган илтимос қилган,— деди Ҳамдам.

Шу маҳал Тўлаганнинг отини эшитган ҳаманоқ Жаббор ҳам, Йўлдош ҳам сакраб туриб, қўшни монтер боланинг темир тирноқларини елкалаб, чиқиб кетишди. Ажабо, бу Тўлаган деганларни бригадирдан каттароқ бошлиқлардан шекилли, дедим ичимда.

Эртасига сменадан кейин бир бола кириб келди ётоқ-



қа, ўзи чуваккина, ўсмирларга хос курак суяклари чиққан, лекин гавдаси барвақт пишиб, елкалари энди кенгайиб келаётган, рангпарроқ бир йигитча эди. Ҳамма уни ўраб олди, кичкинагина гавдаси барзанги проходчикларнинг орасида қолиб кетди.

Тўлаган мана шу экан...

— Беш! — деди у ҳамманинг юзига қараб. Кейин ҳорғин товуш билан қўшиб қўйди. — Охиргиси қолди... Энг оғири...

Проходчиклар ортиқча завқ-ҳайрат кўрсатишмади. Ҳамма елкасидан оғир юк тушгандай енгил тортди-ю, Тўлаган ҳақида қандайдир ташвиш кўланкаси юзларида ҳамон бор эди.

Кейин билсам, Тўлаган бригадада ишлаб туриб, политехника институтига имтиҳон топшираётган экан. Назаримда, уни «полк ўғли»дек, ўз бағирларидан институтга узатишни жуда исташар эди. Аммо, Тўлаган иккита имтиҳонни топширганида отаси ўлиб қолибди. Ота бечора, бизнинг оиладан ҳам бир билимдон чиқсин, деб васият қилган экан. Лекин, аза кунлари Тўлаганга сўнгги имтиҳонларни топшириш жуда оғир бўлиб қолибди. Энди, мана, охиргиси... Бу воқеага биринчи дақиқаданоқ мен ҳам беихтиёр хайрихоҳ бўлиб, чин дилдан қўшилиб кетдим.

Бу кечаси Тўлаганнинг тумбочкаси тепасида чироқ ўчмади. Мен суякларим зирқираб толиққан бўлсам ҳам, ўзлай олмадим. Тўлаганнинг рангпар юзи китоб тепасида шамдан ясалган ҳайкалдек қимир этмай турарди. Мен отасини эслаяпти, йиғлавормаса бўлгани, деб чўчиб ётдим. Йўқ, йиғламади. Чироғини ўчирмай тонг отгирди. Фақат мен ухламай чиқдим десам, аҳволдан ҳамма хабардор экан.

Эртасига Йўлдош мени бир чеккага чақириб:

— Мен бугун сменага чиқмайман, ишда йўқлигимни билдирсанг!.. — деб муштини иягимга сал тегизиб, пўписа қилди. Хўп, дедим.

Кейин, нарироқда унинг бригадирдан шаҳарга жавоб олаётганини эшитдим.

— Уша имтиҳон оладиганларга ўзим бориб тушунтириб келаман, — дерди лўмбаздай муштини янаб. — Бўлмаса, бу хумпарлар боланинг кулфатидан беҳабар, қийнаб ўтиришади.

— Ўзи айтмабди-да!

— Тўлаган айтармишми? Шафқат сўрайдиганлардан эмас.

— Борганингни билмасин,— деб тайинлади Ҳамдам Иўлдошга жавоб бериб.

Уч кундан кейин Тўлаган охирги имтиҳонни ҳам «5»га топшириб қайтди. Энди бу қўпол тўнгалар ҳам қувончларини яширолмай қолишди. Лекин, Тўлаган шу ондаёқ ҳаммасини ҳайратга солди:

— Сиртқиға ўтиб келдим!— деди у китоб-дафтарларини ташлаб.

Ҳаммамиз ўтириб қолдик.

— Ана холос! Бу қанақа аҳмоқлик!

Тўлаган ҳам ўтириб бош эгди. У ётоқдошларидан «аҳмоқ» сўзини тугул, берироғини ҳам эшитган эмас эди.

— Ахир, ҳаммаси «беш» эди-ку!!

— Шунча азоб, бунча уйқусиз кечалар! Институт деб қоқ суяк бўлиб қолдинг-ку, ярамас!

— Ахир, мен институтга кириб келдим-ку,— дейди Тўлаган йиғлагудай. У бундай гапларни кутмаган экан чоғи.

— Биласанми, чумчуқ нима?— деб қолди Иўлдош бе-сўнақай «томдан тараша» қилиб.— Чумчуқ ҳам булбулнинг ўзи. Лекин, у консерваториянинг сиртқи бўлимини битирган экан.

Бирдан портлаган қаҳқаҳа ётоқхонани зириллатиб юборди. Тўлаган ҳам кулди. Унинг икки ҳафтадан бери биринчи кулиши эди, ёшини артди.

Шунда унинг конда қолиб сиртдан ўқиши чиндан ҳам маъқул эканини ҳамма сўзсиз таъ олди. Тўлаган портлатувчиликда яқинда биринчи разряд олган эди. У шу касбини гапиряпти, аслида «сизларни ташлаб қаёққа бораман», демоқчи эди, айтолмади, проходчиклар срасида бундай чучук гапириш одат эмас.

Мен ҳам келгуси китобим ҳақида ўйлаганимда, аҳволим жуда оғир бўлишини кўз олдимга келтираман. Юзак қараганда дағал бўлиб кўринган бу одамлар ҳаётида кўп нозик томонлар бор, лекин, буни чучмал гаплар билан айтишдан сақланган маъқул: бироқ қандай гаплар билан айтиш керак, мен у сўзларни топа олармиканман?

Буларнинг ғазаби ҳам, меҳри ҳам чегарасиз. Ҳозир ҳамма илжайиб қараб турган Тўлаганга ҳавасим келиб кетди. Менга ҳам бир кун илжайишармикан? Гоҳо шундай оёқ ости қилишадик, хўрлигим келиб, «ҳай! инсонлар, мен ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ», дея можаро солиб йиғлаб юборгим келади. Лекин зўр бериб ўзимни тияман: буларнинг хулқи ҳақида калламда у-бу тасав-

шур туғила бошлади, ишни бузиш ярамайди, чидаш керак.

Кундузлари зах ер қаърида оғир, нотаниш ишлардан қийналсам, кечалари ўз ўйларим билан азоб чекардим. Ўйларим эса энди кўпроқ бўлғуси китоб ҳақида эмас, ўз тақдирим ҳақида эканини пайқаб қоламан. Мен ҳам касб орттиряпман, бир куни келиб болалар менинг кимлигимни билишар, ўшанда, енгил-елпи кун кечириш шайдоси эмаслигимни билишганда, уларнинг қанчалик қувонишини энди кўз олдимга келтира оламан. Мен ҳам Тўлаган сингари улардан ажралолмай шу ерда қолиб кетмасам ҳали...

Лекин, у кунларга анча-мунча бор, чоғимда. Мана, тагин сменага отланыпмиз, қўпол этик пошнасини дўққиллатиб тротуарда кетаётган проходчиклар орасидаман, уларнинг рўй-рост дашномлари бир оз камайган бўлса ҳам, ҳали тугаган эмас. Бунинг эвазига мен ниманидир, сўз билан айтолмасам ҳам, сезиб турибман, ниманидир билиб олдим.

Ҳамдам қоранинг айтгани ҳам шу бўлса эҳтимол...

1973

## ХОНИМНИНГ ТУФИЛГАН КУНЛАРИ

«Қанотингни ким синдирди,  
полопон?»

(Лафонтеи)

Куз — учрашувлар фасли. Қариндош-уруғ, ёру дўстлар дийдор кўришади, севишганлар, соғинганлар висолга етишади, ўқувчилар муаллимлари билан, театрлар томошабинлари билан, биз эса китобхонларимиз билан учрашамиз.

Ажаб қизғин бўлади кузги учрашувлар. Ҳамма қаердандир катта таассуротлар олиб қайтган. Янги туйғу, янги ғайрат. Сершовқин аудиторияларни яхши кўраман. Фикр худди қайнаб ётади, битмас-туганмас мавзулар бир-бирига уланиб, баҳс шундай авж оладики, қандайдир бир қишлоқ клубида, ёки посёлка қироатхонасида ўтирганингни эсингдан чиқариб қўясан.

Бу сафар биз оталиғимиздаги абразив заводининг маданият уйида эдик. Нима ҳам бўлиб, бир шеър ўқидиму, гап қаҳрамонлик мавзуга астойдил кириб кетди. Суҳбатнинг пайрови жуда изчил эди, сира қайтиб чиқиб бўлмай қолди: тинч даврда қаҳрамонлик нимадан иборат бўлиши мумкин, қаҳрамонлар биздек оддий одамларми, ўз бурчини ҳалол бажарган ҳам қаҳрамонми, йўқми?.. Ешлар терлаб-пишиб баҳслашар, жумбоқ гаплар кўп, деразалар очик бўлишига қарамай, зал дим бўлиб кетган, хиёбонда хазон тўкилар, барглар пилдираб учиб, деразага қўнар эди. Мен оддий хирургларнинг кундалик қаҳрамонона ҳаёти, ҳаяжонли, масъулиятли ҳислари ҳақида гапирдим. Космонавтлар, атомчилар, геологлар...

Шу жойга келганда иш пачава бўлди. Залнинг ўртарида ўтирган гавдаликкина бир йигит ўрнидан турди-да, кўпол товуш билан:

— Йиғиштиринг, муллака, қаҳрамонлигингиз ўзингизга буюрсин! — деб қўл силтаганча, қаторни ёриб йўлакка чиқа бошлади. Мен, гапирмоқчи экан шекилли, деб қараб турсам, йўқ, йўлакдан эшикка қараб қайрилди. Юриши ғалати, сал гандираклагандек кўринди кўзимга. Мен ҳам, зал ҳам ҳеч нима деёлмай, жим кузатиб қолдик, эшик тарақлади, йигит бесўнақай юриб чиқиб кетди.

«Маст экан-да...» дедим ичимда. Мастлигига амин эдим-у, унинг таҳқиромуз кўпол товуши қулоғимдан кетмасди. «Бир маст экан-да», дедим яна ўзимга тасалли бермоқчидай. Дедим-у, шундан кейин суҳбатнинг мазаси

бўлмади. Ҳамма нарса қандайдир бирдан сўнди-қолди — эҳтирослар ҳам, фикр ҳам, чеҳралар ҳам, ҳатто, шомда қизариб ёнган чироқлар ҳам хира; хазон бўлса, йўлларда гамгин шивирлаб, гала-гала бўлиб тентирар эди.

Сухбат тугагунча менинг хаёлим залдан гандираклаб чиқиб кетган ўша одобсиз йигитда бўлди. Кўнглим ғаш эди. Бошда залнинг сассиз яқдиллиги далда бериб турган эканми, ёлғиз қолганимда ўзимдан-ўзим сиқилиб кетавердим, қилган, қилаётган ишларим тўсатдан беҳудага чиқиб қолгандек эди.

Ёшлар тарқаб кетгандан кейин, Маданият уйининг буфетига кирдим, агар топилса, азбаройи ғашликдан жиндек ароқми, коньякми ичмоқчи ҳам эдим. Лекин бўлмади, буфетга киришим билан чеккадаги столда ёлғиз ўтирган одамга кўзим тушди. Бу ўша, суҳбатни бузган, мени шу аҳволга солган бесўнақай безорни эди. «Макони шу экан-да», дедим ичимда. Ачиган пиво, тузланган балиқ ҳиди кўнглимни ағдараёзди. Орқамга қайтмоқчи эдим, негадир чиқиб кетолмадим. Оёғим ҳалиги йигит томон тортди, бир аччиқ гап айтиб, аламдан чиққим келарди.

Шартта устига бостириб бордим. Бордиму, ҳеч гап айтолмадим. Йигит мени кўриши билан ўрнидан сал тургандай бўлиб, ёнидан жой кўрсатди, олдимдаги бўш идишларни суриб қўйдим.

— Пиводан бўлак нарса йўқ, сиз ичмасангиз керак?

— Ичаман,— дедим.

Стolni тақиллатиб, беш-олти кружка пиво чақирди.

— Гапнинг белига тепдингиз-да, акаси...— дедим ўзимнинг кўнгилчанглигимга ўзим ҳайрон бўлиб. Ширакайф бўлса ҳам шундай самимий жилмайдики, аччиқ гап билан тузлайман деб турган одам, пивосига қўл узатганимни билмай қолибман.

— Баландпарвоз гапни нима қиласиз, шоир ака, пивони ичинг.

Бу, шубҳасиз, бир аламзада, бирон сабаб билан ёшликнинг ёрқин интилишларидан кўнгли қайтган, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ишончсиз қаровчи, лекин ҳали юзидан «фариштаси» қочмаган бир навжувон эди. Биз у билан узоқ ўтирдик. Қилмиши учун қаттиқ танбеҳ берганимни қадрлаб, очилиб кетди. Тинмай ичар, бочка ҳиди ёш вужудга сингиб кетгандек эди. Шу кеча мен унинг тарихини билиб олдим.

Мирза саккизинчи синфда ўқиб юрганидаёқ Тошкентдаги Политехника институтининг геология факультетини,

унинг кўча дарвозаси, деразаларини томоша қилиб қайтган эди. Икки йилгача бу кўча, бу деразалар неча марта тушига кирди. Унинг назарида геологликдан бўлак касб — касб эмас эди. Дарё соҳилига тутилган палаталарда тунаш, аллақайси юксак чўққиларда тонгни қаршилаш, сирли сўқмоқларда адашиш, тунги гулханлар, асрлик қояларни портлатиш, қимматбаҳо конлар топиб, узоқ йўлдан соғиниб қайтиш... Буларнинг ҳаммаси турмушнинг бўлак ҳар қандай икир-чикиридан юксак, ҳар қанча ўқиб, бутун ҳаётни бағишласа арзийдиган орзулар эди.

Иккиси ҳам оддий муаллим бўлган ота-онаси унинг бундай романтик хаёллар билан бандлигидан хурсанд, нима хоҳласа шуни қилар, компас деса компас, харита деса харита олиб берар эдилар. Унингчини битирганида отаси ҳатто геология энциклопедияси билан альпинистларнинг пўлат тишли ботинкасини ҳам олиб берди.

Нимасини айтасиз, ҳаёт экан. У ширин орзулардангина иборат эмас. Мирза умрида биричи марта зарбага учради. Политехника институтига имтиҳон беролмай, «йиқилиб» келган куни, ўзингиз тушунасиз, ҳовлида нақ аза бўлди. Даҳлизда ётган бу рюкзаклару, бу ҳассага ўхшаш геолог чўкичлари худди болаликдаги ўйинчоқдай, кечаги ўтган умри эса кулгили кўринди. Мирза худди касал одамдай камгап, ўзини қаёққа қўйишини билмас, лекин ота-онасининг бошқа институт ҳақидаги гапини эшитгиси ҳам келмас эди. Икки ой бир нимасини йўқотгандай тентираб юргандан кейин бир куни қандайдир геологик экспедиция ҳақида гапириб қолди. Бу экспедиция тўрт ойга Олойга кетар экану, ҳозир состави аниқланаётган экан. Шундай экспедицияда иштирок этиб, иккинчи йили геология факультетига кўкрак керганича кирганлар ҳам бор эмиш. Мирза ариза кўтариб бориб, шашти қайтиб қолди-ю, уйдагиларга билдирмади, отасига экспедиция ҳақида гапириб, қия қарайверди. Шубҳасиз, отаси, посёлкада таниқли кекса муаллим, ялиниб борса, унинг ўғлини камидо ёрдамчи ишчи сифатида олишади, лекин ота негадир тушунмагандай пайсалга солиб юрибди.

Ота-она ўйлаб кўришса, Мирза бари бир бу йўлдан қайтмайдиган, ич этини еб, чўп бўлиб кетяпти. Таваккал, пешанасида борини кўрар деб, ота шаҳарга бир ҳафта қатнаб юриб, ўғлини геологик экспедиция составига ёздирди. Шу кундан бошлаб Мирзанинг бутун ўсмирлик орзулари қайта тирилиб, даҳлиздаги сафар жабдуқлари, анвойи хил асбобларга гўё жон кирди, дудама пичоқ, тошда ёнадиган гугурт, сув ўтмайдиган соат, яна алланималар, бу қадар лаш-лушни қаёқдан йиққан — ота-онаси

хайрон эди: қарашса, Мирза ўша куніёқ сафарга тайёр, унинг кетишига энди ҳеч қандай тўсиқ йўқ...

Икки кекса муаллим бир-биридан яшириб, кўз ёшларини артишди.

Экспедиция бошлиғи, Абдижамил Наримонов деган киши, «Ҳов, муаллимни боласи санмисан» — деди-ю, ортиқча сўроққа тутиб ҳам ўтирмади. У қомати келишган, чиройли, жуда серташвиш, доим вақти зиқ, барчага бирдек қаттиққўл, талабчан киши эди. Бошлиқ Мирзага унча ёқмадию (чиройли эркакларни жини суймайди), лекин доим ҳурматини ўрнига қўйишга аҳд қилди, чунки у бундан кейин умрида биринчи марта чинакам, тирик геолог билан кечаю кундуз ёнма-ён бўлади. Иккинчидан, Мирзанинг мана бу хатарли тоғ йўлларини кўришига (бу балки одам қадами етмаган йўллардир) шу киши сабабчи.

Улар аввал катта «МАЗ»да даранинг қоронғи бурчагигача бордилар, кейин вертолётда икки тоғ сиртини ошиб, совуқ бир яйловда икки кеча тунадилар. Мирзага буларнинг бари ажойиб эди. (Ахир шу маҳалгача вертолётга минмаган эди-да, бировга айтса уят.) Икки кунлик маслаҳатдан кейин от ёллаб, айланма йўлдан юришга қарор қилинди. Юклар ёғоч «цена»га юкланиб, маҳкам боғланган, отлар чақиртошли тикка йўлдан судралиб боришаркан, қорнида кўк томирлар бўртиб чиққан жониворларга Мирзанинг раҳми келарди. Наримонов уларни аямас, узун ёлли паканагина отлар тошга тиззалаб қолганда баттар бақириб, шафқатсиз қамчилар эди. Отлар уёқда турсин, қўл остидаги одамларни ҳам аямасди: юкларини сал эҳтиётсиз жойлаган жонсараккина лаборант қизни шундай жеркиб бердики, бечора калтак егандан баттар бўлиб, йиғлаб юборди. Лекин бу жойларда шундай қаттиққўллик ҳам керак экан шекилли: бир куни қош қорайганда чарчаган отлардан бири қоқиниб кетиб, «цена» жар тепасида шундоққина осилиб қолди — шунда юклар яхши чирмаб боғланмаган бўлса борми!

Группада ўн олти киши бор эди. Ҳаммасининг вазифаси тайин — бири инженер, бири топограф, бири портлатувчи, бири радист, бири лаборант, бири геодезист... Фақат Мирзанинг вазифаси йўқ. Юк ташиганда ҳам нимани кўтаришини билмайди-ю, учраган бир оғирроғига ёпишади. Бу бошлиққа ёқиб қолди. Наримонов уни кўпинча ўз ёнида олиб юриб, ҳар хил юмушларга банд қила бошлади. Ўзгалар уни «Бошлиқнинг Мирзаси» деб атайдиган бўлишди. Оғриманган бошга йўнмаган таёқ дегандай, вазифаси бетайин текин томоқ бўлиб юргандан кўра, шу ҳам тузук, Мирза шу лақабга ҳам рози эди.

Лагерни қорли чўққи этагидаги қия бир ялангликка тикдилар. Тарновдеккина қизил ўзада лойқа қор суви сирқиб оқар, салқин ҳавода арчаннинг ўткир ҳиди анқир эди. Мана, ўша Мирза хаёл қилган чексиз кенгликлар! Уфқлар узоқ-узоқ, агар зангори туман бўлмаса, бутун ер юзи кўрингудай. Кечалари осмон яқин, шундоққина бош устида юлдуз ўқдек ерга отилади. Юлдуз учса — қаердадир бировнинг жон бергани эмиш... Бу ерда юлдузлар шу қадар кўп учадик! Бутун дунё миқёсида бўлса керак-да... Пастда ҳам кўринармикин шу учқур юлдузлар? Мирзанинг ойиси ҳам кўраётганмикин?

Кечаси билан палаталарни қиров босади. Қоп-кўрпалар намиқиб, оғирлашиб қолади. Мирза бўлса, алламаҳалгача ухлаёлмай ўй суради: қаерларда ётипти, оламнинг қайси бир номаълум нуқтасида? Бордию, уларнинг экспедицияси бу атрофдан бирон қимматбаҳо маъдан топса, бу ер энг машҳур жойлардан бири бўлиб қолса! Бундай жойлар оз дейсизми! Магнитка, Кузнецк, Чирчиқ... бир маҳал булар инсон оёқ босмаган жойлар эди ахир! Қарабсизки ўн йилдан сўнг ана у ой шуъласида чўмилиб ётган арчазор ёнида катта чиройли шаҳар! Тарихчилар архивларни титиб, мақолалар ёзишади: бу ерларга дастлаб қадам қўйган ўн олти азаматнинг бири, ҳозирда атоқли геолог олим фалончи фалончиев...

Лекин ҳозирча...

Ана, от пишқириб, ҳолдан тойиб келиб ярим кечада ётган топографни яна уйғотди. Жонивор чанқаса, Мирзанинг палатаси ёнига келиб, бош чайқаб тургани-турган. Бошлиқдан танбеҳ эшитмай туриб, дарров отларни суғориб келиш керак. Ўз вазифасини билмаган одамни ёмон кўради Наримонов. Кеча топограф бечорани ҳансиратиб (у баландликда ҳаво сийраклигидан қийналарди), кечаси билан тоғ-тошга уч марта ҳайдади — харитада нимадир шубҳаси бор экан. Сал бир нарса ёқмаса, одамнинг жонини олади.

Аммо Мирзага ҳали жиддийроқ бир иш топширгани йўқ. Нонуштадан кейин ҳамма отланиб, ўз ишига кетади. Мирза бўлса отларни тушовлаб, ўтин йиғиб келгач, картошка артади, лаборант қизга қандайдир тошлар юкланган қопларни кўтаришади. Наримонов унга ҳали жеркиб бир гап гапиргани ҳам йўқ. Ҳатто, бўшаганида эрмакка гаплашиб ўтиради. У ўз соҳасида жуда билимли, ҳақиқий геолог. Мутахасссларнинг кундалик иш натижаларини бирпасда якунлаб, эрталик кўрсатмаларни беради-да, яна лаборант билан ярим кечагача ўтиради. Аммо, Мирза пайқадик, бошқа соҳаларда билими ёш



болаларникидек, жўн. Кеча ҳамма кетгач, у билан уёқдан-буёқдан гаплашиб ўтириб, Гёте бошқаю Данте бошқа эканини ҳеч тушунтиролмади-да! Узоқроқ гаплашса, Мирза унга кўп нарсани тушунтирарди-ю, вақти зиқ. У вақтини бекорга ўтказмайди. Жуда бекор қолса, доривор ўт йиғади. Билмаган витамини йўқ. Бир қоп наъма-так териб, қуриб қўйган, кечқурунлари гулхан ёнида пробиркага дамлаб ичади.

Ёмон одам эмас. Фақат Мирзага тузукроқ бир иш буюрмагани алам қилади. Ҳамма эрталабдан бошлаб муҳим иш билан банд, ҳатто ёш боладеккина жонсарақ лаборант қиз ҳам туртиниб-суртиниб юриб, ҳар қадамда бошлиқдан гап эшитиб бўлса ҳам, кечгача қандайдир зарур бир ишни бажаради. Мирза-чи? У бу ишларга аралашиб уёқда турсин, биронтасини тушунмайди ҳам. Мана, куз ҳам келяпти, қайтиб борганида нима дейди? Эргашиб бориб, эргашиб келдим, дейдими? Наримонов уни ёнидан узоқлатмайди. Усиз Мирзага бошқа биров иш ҳам буюролмади. «Бошлиқнинг Мирзаси, ҳой, сув қуйиб юбор!» «Хўп бўлади». «Палатадан папирос олиб чиқ!» «Хўп бўлади...» Югурдак! Гоҳо ўзига нафрати келиб кетади.

Ана, нариги зах ўнгирда қоя портлаб, булутдай тўзон кўтарилди. Эрталаб Мирза у ерга бир қучоқ қизил байроқчалар олиб бориб берган эди. Ишқилиб, аста-секин, лекин бетиним қидириш кетяпти. Борди-ю, бу ўн беш одамнинг қилаётган ҳаракатидан поқ этиб катта бир натижа келиб чиқса-чи? Кўр-кўрона қидираётгани йўқ-ку булар, топилиб қолса-чи! Топилади, албатта топилади. Ушанда Мирзанинг хизмати, Мирзанинг иштироки, улуши нимадан иборат бўлади?

Бир куни шундай ўйлардан ёноғи қизиб, энди таваккал, бошлиққа кириб, бор гапни шартта айтаман, деб турганида Наримоновнинг ўзи чақиртириб қолди.

Чақиртирди-ю, палатадан ўзи унга пешвоз чиқди.

— Сенга муҳим топшириқ бор. Жуда муҳим!— деди экспедиция бошлиғи. Мирзанинг қўлига муҳрланган пакет тутқазди. «Муҳим топшириқ»ни эшитиши билан Мирзанинг қулоғи диккайиб, юраги дукиллай бошлаган эди.

— Буни шаҳарга, бошқармага ўзинг етказиб, шахсан ўртоқ Қодировнинг қўлига топширасан.

Мирзанинг юраги бадтар ҳовлиқиб, типирчиларди, худди ҳозир қанот чиқариб учиб кетадигандек, бутун вужуди бесабр қувончга, ғайратга тўлди. У бахтли эди. Қодиров геология бошқармасининг энг катта бошлиғи. Мирза буни билади. Қўлидаги пакет худди олтиндан қилингандек оғир тортиб кетди.

— Қўйнингга бекит, бу жуда муҳим!— деди Наримонов.

— Ҳозир кетайми?

— Ҳа, ҳозир. Индинга эрталаб бу ўртоқ Қодировнинг қўлида бўлиши керак.

— Хўп бўлади!

— Менга қара,— бошлиқ қош чимириб, тоғлар ортидан кўтарилаётган қора булутларга қаради.— Сен... мардсан-а? Узоқ йўлни айланиб юрма, ўртоқ Қодиров уни эртага олса яна ҳам яхши.

— Тушундим,— деди Мирза. У Бургутқоя дарасидан тикка кесиб ўтиш кераклигини англади. Эски сўқмоқми, Эчки сўқмоқми деб аталадиган бу йўл анча яқин, лекин, айниқса қиш кунлари хатарли дейишарди. Мирзага нима, юки йўқ, ҳаво очиқ, кечгача дарадан ўтиб олса, марра уники!

Уч соатдан кейин ўша тишли ботинкасини кийиб, белини арқон билан боғлаган Мирза Бургутқоя этагидаги Эчки сўқмоқни мўлжаллаб, қияликдан ўрлаб борарди. У чарчаса ҳам юраги ҳовлиқишдан тўхтамади. Қўйнидаги пакет худди жонлидек, кўкрагини қизитиб бораётгандек эди. Бу албатта жуда муҳим хабар бўлиши керак. Озиқ-овқат, об-ҳаво, асбоб-ускуна сингарилар ҳақидаги хабар бўлса, одатда рацияда берилади. Рацияга ишониб бўлмайдиган хабар бўлса, бунинг устига тагин ўртоқ Қодировнинг шахсан ўзига топширилиши зарур бўлса, бу албатта муҳим махфий пакет. Борди-ю, қидирилган кон топилган бўлса-чи! Йўғ-е, унда бундай хабарни катта одамга биринчи бўлиб етказадиган Мирза ким бўлади?!

Мирза худди учиб кетаётгандек эди. Бундай тарихий ншда бу қадар катта роль ўйнашини хаёлига келтирган эмас ахир. Лекин, бахт қуши бирдан келиб бошига қўнса, нима қилсин? Тишли ботинка оёғини қириб қўйганини ҳам билмапти, ачиша бошлагандагина кафтига туфлаб, сўлакайини суркади-да, яна юрди. Революция йиллари Хоразмда махфий пакет ташиб, қаҳрамонлик кўрсатган, қўйнида муҳим пакет билан душман ҳалқасини ёриб ўтган бир одам ҳақида ҳикоя ўқиган эди, ўша эсига тушди. Бундай ўйлаб қараса, Мирза олиб кетаётган бу пакет ўшандан камми?! Оёқнинг ачишгани нима экан!

Яна икки соатдан кейин Мирза ҳайбатли Бургутқоянинг тагидан чиқди. Унинг ҳеч бургутга ўхшаган жойи йўқ эди. Бу атрофда бургут учгани ҳам кўринмади. Лекин жуда хўмрайган, совуқ зах ҳиди узоқдан келиб турибди. Мирза унга беписанд қаради: «Менинг қўйнимда нима борлигини биласанми! Билмайсан, билсанг бундай

хўмраймас эдинг. Сен нимаю, бу нима!» Мирза кафти билан ўзининг кўксини силаб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам, бу нима? Янги хазина ҳақидаги хабардан бўлак нима бўлиши мумкин? Мирза бахтнинг бундай осонгина ушалганига ишонгиси келмасди. Бўлак вариантларни ўйлаб кўрди, лекин фикри бари бир айланиб шунга келарди — бу албатта янги маъдан ҳақидаги, ёки шунга ўхшаш, шунга жуда яқин бир хабар. Бошқа нима ҳам бўлиши мумкин!

Мирза чидолмасдан пакетни қўйнидан олиб, яна бир айлантириб кўрди — пакет катта, ялтироқ қалин қоғоздан ياسалган, машинкада «ўртоқ Қодиров М. И.» деб ёзилган эди.

Бургутқоя яқин келган сари ҳайбати ошиб, совуқ нафаси вужудни сиқар, Мирза унинг қоронғи соясида гўё нуқтадеккина бўлиб қолган эди. У негадир Қодировни кўз олдига келтиришга уринди. Мирза уни кўрган эмас. Катта ёруғ кабинетга кириб бориши, мана бу қоядек ҳайбатли бошлиққа пакет узатишини тасаввур этмоқчи бўлиб, тепага қараган эди, кўз олди қоронғилашиб кетди: қоянинг қоқ чўққисига келиб тўхтаган катта қора булут ҳақиқатан ҳам дарани қоп-қоронғи қилиб қўйган эди. Қуёш бирдан чўкиб, тун киргандай бўлди.

Эчки сўқмоқ қоя этагини қиялаб зимистондек дара тепасидан ўтарди. Узоқдаги бўғиқ момақалдиروқ Мирзани тезроқ олдинга ундади. Ёмғир бошлангунча қоя тагидан ўтиб олиш керак. Бу ерда сўқмоқ омонат илиниб турган учли тошлардан иборат эди. Унинг иккала номи ҳам асослига ўхшайди: у ё эски сўқмоқ бўлгану ёгин ювиб кетган, ё «Эчки» сўқмоқ бўлиб, ундан фақат эчки юриб ўта олади. Пастда қоронғи дара, тикка жарлик, тепада эса тикка қоя тоғ. Бош устидаги қўрғошиндек оғир булут деярли бутун осмонни қоплади. Дим, Мирзани тер босган эди. Унинг шарпасидан қўрқибми, бошқа бир нимани сезибми, булутга тегар-тегмай типирлаб, галаёнга келиб, ёввойи каптар галаси учди. Худди чўққидан чиқиб келган момақалдиروқ бутун куррани гир айлангандай, узоқ гулдуради. Тоғ-тошга жон-жаҳди билан ёпишган арчаларни юлқиб кетгудай кескин шамол турди, довул кўтарилди. Чақмоқ чақиб, тўзон ичида бир нима қарсиллади, кейин тоғ бағри дарз кетгандай яна момақалдироқ гумбурлади, чақмоқ ёруғида қора булутнинг даҳшатли қаноти, бош устига келиб қолган қора қуюнлар кўриниб кетди, пастдаги чуқур ғорлар эса бу ёруғликни бир зумда қаърига ютди. Кейин шундай қуйдики, олам зиндондек қоронғи бўлиб қолди, чақмоқ чаққанда тепадаги тош

йилтилларди, холос. Тошларга туртиниб, қияда эмакляб келаётган Мирза тиззаси қалтираб тўхтаб қолди. Орқага қайтишга қўрқар, олдинда ҳеч нарсани кўрмасди. Сўқмоқдан асар йўқ, у бир зумда нураб, ювилиб кетди, босган тоши қилтиллаб, ўзи бир томирга ёпишди. Теладан ҳамма нарсани ўпириб-супуриб сел оқар, осмон ларзага келар, бўрон қутураб эди. Мирза бир қўли билан қўйнидаги пакетни кўксига маҳкам босган, кўкарган лаблари ниманидир пичирлар, бошидан лой-сув оқиб, уни пастга тортар эди. Жала ўзанида қолганга ўхшайди, ўрнидан жилмаса, пастга тортиб кетади. Мирза буни пайқади, тошдан бағрини узмай олдинга силжиди, лекин бадани ўтдай ёниб, тиззаси қалтираб эди. Нимадан бу? Наҳотки қўрққан бўлса? Мирза-я! Шундай муҳим топшириқ билан кетаётган Мирза-я! Наримонов шундай ишонч билдирган бўлса, уни Қодиров кутаётган бўлса! Балки, Қодировгина эмас, бутун фан дунёси, бутун мамлакат... Мирза ҳеч қандай таянчсиз, лойга ёпишиб қолди. Тирсаги жиз этиб ачишди, лойга беланган уст-боши шалаббо, оғир эди. Бунинг аҳамияти йўқ, пакет бутун бўлса бас. У ҳар замонда кўксини пайпаслар, ётган жойида тутгани томир излаб, қўлини қонатди, яна қаеридир қаттиқ ачишиб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Йўқ, бу ёш эмас, ёмғир суви, Мирза йиғламайди, Мирза чидайди. Шундай деб тишини қисди-ю, бирдан кўнгли тўлиб, йиғлаб юборди. Энди кўз ёшини ўзидан яширмас, бемалол йиғлаб, алам-ғазаб билан тошларга ёпишиб силжир эди. Бир вақт чақмоқ ёруғида томири билан қўпорилган катта дарахтни сел суриб келаётганини кўриб қолди. Худди тепасида! Ҳозир чап бермаса, Мирзани ҳам жарликка судраб тушиб кетади.

Мирза жон-жаҳди билан четга сапчиди, бир тош қиррасига тирманшди, бироқ тош тегидан кўчган экан, Мирза билан бирга пастга силжиди, кейин юмалади. Мирзанинг кўзидан ўт чиқиб кетдими, яна осмонда чақмоқ чақилдими — билмайди. Кейин қандайдир даҳшатли товуш ҳам эшитилди, лекин шу товушдан кейин бутун вужуди гўё илқ бир тўлқинда роҳат қилиб суза бошлади. Ёмғир, бўрон ҳам тинганмиш, табиат осойишта...

Кўзини очса, қандайдир хонада ётипти, ҳаммаёқ оппоқ, деворлар ҳам, одамлар ҳам. Кекса бир одам эшикдан кирмоқчи, оқ халат кийган икки хотин эса уни қўймайди, кўксидан итаради... Мирза яна кўзини юмди, ўйлай бошлади. Тушунарли эди: бу ер албатта касалхона. Лекин унга нима бўлган? Қимирлаб кўрсамикин? Бошини қимирлатди, бармоқларини қимирлатди, ҳаммаси жойида. Аммо гавдасининг ярми тошдек қотган, оғир ва

ҳеч нарсани сезмас эди. Шунда бутун воқеа кўз олдига келди. Кўзи очиқ, лекин кўз олдида яна ўша қоронғи дара, довул, лой, ўзи билан бирга силжиб бораётган тош... Мирза ўша кундагидек қичқириб юборди. Ҳамширалар югуриб келишди, доктор кирди. Лекин улар негадир илжайиб туришарди. Ҳали эшикда жанжал қилиб турган чол ҳам шу ерда. У ҳам юзини буриштириб илжайди. Мирза аввал тушунмай, кўзимга кўриняпти булар, деб ҳам ўйлади. Лекин бирпасдан кейин ҳалигиларнинг жонланиб гаплашганини эшитди.

— Зиндами, ако духтур? Акун зинда мешудми бачо?— дерди ҳалиги чол.

— Албатта, албатта. Сангин бобо, кўриб турибсиз-ку.

— Э, шукуре, бале, раҳмати калон ба падари шумо, духтур.

Кейин доктор ҳаммани чиқариб юбориб, ўзи Мирзанинг ёнига келиб ўтирди, томирини ушлади, кўзини, тилини кўрди.

— Қалай?— деди яна илжайиб.

Мирза овозим чиқармикин дегандек, гапиришга кўрқиб анча турди.

— Мен... қаердаман, қачон олиб келишди?— деди пирлаб.

— Овозингни чиқариб гапир,— деди доктор.

Мирза овозини чиқариб гапирди, овози одатдагидек эди. Уни уч кун аввал ҳалиги тожик чол тоғдан топиб олиб келган эди. Уч кун аввал? Мирзанинг пешонасидан тер чиқа бошлади, оқарди. Доктор кўрқиб, уни ҳаяжонланмасликка ундади, ҳамма нарса жойида бўлади, ҳеч нимани ўйлама, деб уқдира бошлади.

— Пакет, менинг чўнтагимда пакет...— деб безовтланди Мирза иситмаси чиқиб. Доктор уни тинчлантириш учун, пакетни топиб келинлар, деб буюрди. Ўзи Мирзанинг ота-онасини суриштира бошлади. Узоқдан айлантриб келиб, ётиғи билан очигини айтди:

— Оёқнинг биттасини тузатамиз, лекин биттаси ярамайди, йигитча, буни билиб қўйишинг керак.

— Ярамайди?..

— Ҳа... Кесамиз. Йигит кишисан, очигини айтдим.

Мирза «йўқ!» деб бақирмоқчи эди, тажрибали доктор бунинг олдини олиб қўйган экан, юзига, пешонасига совуқ бир нимани босган эди, Мирзанинг изтиробни бўғзида қолди, юраги қинидан чиқаёзгайини сезса ҳам, бирпасда тинчиб қолди.

— Йигит деган мана шунақа бўлади,— деди доктор.

Бу вақт ҳамшира пакетни олиб келди.

— Бунинг энди аҳамияти бўлмаса керак, доктор, вақти ўтибди,— деди пакетни узатиб. Пакет очилган эди. Мирза унинг ичидаги қоғозни олиб ўқиди. Бу заррин откритка эди.

«Хурматли ва азиз Маҳмуд Иброҳимович! Бугун, се-викли рафиқангиз Маҳбубахонимнинг туғилган кунлари-да бутун коллективим номидан ва шахсан ўз номидан сизни чин юракдан табриклайман. Хурматли Маҳбубахонимга узоқ умр ва...»

Мирза охиригача ўқий олмади, кўзи тиниб, қоғоз қўлидан тушиб кетди. Юзига дона-дона совуқ тер томчилари қалққан, докторга термулган кўзларида чексиз мусибат, чорасиз алам ёши милтиллар эди.

— Дадамни чақиринглар...— деб, ҳушидан кетди.

Суҳбатдошим гап билан бўлиб, кўп ичиб қўйди. Мен энди буни бас қилиш ниятида чўнтагимни кавлай бошлаган эдим, Мирза норозилик билдириб, кескин-кескин қўл силтади-да, столдаги бўш кружкаларга кўз югуртириб, бир зумда ҳисоблади: беш сўмлик пиво ичбмиз. Мирза бешнинг ёнига яна бир сўмликни қўшиб, ўрнидан турди, бочка ёнида ивирсиб юрган буфетчи томон юрди. Ўша залдан чиқиб кетганидаги бесўнақай юриши. У маст эмас эди. Ёғоч оёқни билдирмасликка уринганидан сал гандираклагандай туюлар экан, энди пайқадим.

Буфет ёнига етмасдан Мирза бирдан орқасига қайтди.

— Эсимдан чиқибди, шоир ака, ҳов ўша... Наримонов мана шу,— деб буфетчини кўрсатди,— ҳар куни пивосини ичаман, у мени танайди...

Буфетчига мен энди разм солдим. Қошлари чиройли чимирилган, лекин юзи салқи, қорин қўйган бу одамнинг собиқ геолог эканига ишониб қийин эди. Мирза чиқиб кетгач, мен чиндан ўшамикин деб, ўзимда яна бир ишонч ҳосил қилиш учун:

— Наримонов!— деб чақирдим. Ялт этиб қаради-ю, йўрғалаб келди.— Пиво беринг,— дедим бошқа нима дейишни билмай. У «гинчлик экан-ку» дегандек, ёйиқ илжайди. Мирзанинг унга қилган муомаласини кўриб турганимни биларди чоғи:

— Қаёқдан пайдо бўлади-а бунақалар!— деди Мирза чиқиб кетган эшикка имо қилиб.

Эшикда қош қорайган, хазон ўйнар, менинг қулоғимга эса ёлғиз ёғочоёқнинг ғирчиллагани эшитилар эди.

## КЕЧИРИНГ МЕНИ, ОДАМЛАР

Ёлғиз ўғли Қарши чўлига жўнаб кетганида Хатча хола аввалига анча чўкиб қолди. У бебош ўша ёқларда уйланиб ҳам олганидан кейин эса, хат-хабар сийраклашиб, ёлғизлик кампир бояқишнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Совхоздан берилган уйлари посёлканинг узоқ чеккасида эди, қўни-қўшни ҳам деярли йўқ. Ҳозирги замонда етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма иш билан банд, ёзилиб гурунглашиш уёқда турсин, икки оғиз гап қотиш учун ҳам ўзинг тенги бекорчини топиш амримаҳол.

Мана шундай сабри тугаб, зеркиш, уйқусизликдан чўпдай бўлиб юрганида Хатча холанинг ишини худонинг ўзи ўнглаб юборди. Рўпарадаги катта йўлдан яқинда автобус қатнайдиغان бўлиб, кўча эшигининг шундоқ ёнгинасига бекат тушди. Бекат бўлганда ҳам — бетон зиналари га темир қувурдан устунлар қоқилиб, тепаси яшил шифер билан ёпилди, соябон тагига сирланган скамейкалар қўйилди, хуллас, ҳавасга келиб ўтирадиغان.

Бекат кечаю кундуз гавжум, шовқин-сурони Хатча холанинг деразасидан кириб туради. Терлаб-пишган шофёр бир пиёла сув сўраб кирса, Хатча хола хурсанд бўлганидан кўк чой дамлаб, ёки муздек айрон аталаб беради. Шофёр боланинг қора мойга беланган қўлларида шокосани баланд кўтариб айронни қулт-қулт сипқориши холага ўзи бир бахтдай кўринади. Қарашлари майинлашиб, суқ билан томоша қилади. Гоҳо ёмғир ёғиб қолса, қоп, тугун кўтарган йўловчилар ҳам Хатча холаникида пана топади. Жазирама туш пайтлари ёш болали йўловчиларга раҳми келиб, холанинг ўзи уларни деразадан имлайди, ичкарига, салқинга таклиф қилади, боласига печенье ё олма тутқазиб, кўзи қувонади. Бора-бора кўп шофёрларнинг ҳам, мутасил қатнайдиغان йўловчиларнинг ҳам отларигача билиб олди. Ўзи эса ҳамма учун «хола» эди.

— Хола, бун сизга олиб келдим...

— Хола, манов шу ерда тура турсин...

Биров тугунини қўйиб, биров эчкисини боғлаб, яна биров гўдагини ушлаб кетади. Бирон сабаб билан автобус узоқ куттириб қўйса, чойхўрлик, чақ-чақ гурун холаникида бўлади. Не гаплар ўтмайди бу ерда! Шаҳруқишлоқнинг бутун янгиликларини эшитасиз, Хатча холанинг ҳам туриш-турмуши ҳаммага аён: пенсияни қаёққа сарфлаши, ўғлидан қанча келиши, келин...

— Келинни қачон кўрамиз, хола?

Илгари бўлса, бу савол оғир ботарди. Лекин энди

келин тугул, бебош ўглининг ўзи ҳам унча хаёлига келавермайди. Соғиниш, зерикешларга фурсати ҳам йўқ. Суронли, ивирсиқ ҳаётга шундай ўрганиб қолдики, агар биров келиб, эртага ҳаммаси бошқача бўлади, деса, худо сақласин, шу хабарнинг ўзиданоқ холанинг юраги ёрилиб, бир кор-қол етиши мумкин.

Холанинг таниш-нотаниш одамларнинг ҳожатини чиқаришдан бўлак ташвиши йўқ. Бозорини ҳам Сиддиқжон деган паканагина қора шофёр бола қилиб бериб турибди. Тунов кун, сабзи-пиездан ташқари, йўл-йўлакай совхоз марказидан уч ойлик газ баллонини ҳам келтириб ҳовлига юмалатиб кетди.

Шундай азамат автобусни ўйинчоқдай олиб юрадиган ёш, бақувват шу Сиддиқжон ҳам кекса холага ҳавас қилади.

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, таралла-бедод қилиб яшардим.

— Нега ундай дейсиз, болам?

— Битта ўзингизсиз. Бизда бўлса,— у кир панжаларини ёйиб кўрсатди,— еттита! Чулдухвақалардан!

— Шукур қилинг, Сиддиқжон. Бировлар борки...

— Боқишни айтаман-да, хола. Хўп, мен кетдим.

Сиддиқжон доимо шошгани-шошган. Гапини тугатмай жўнаганида хола ҳаммавақт орқасидан жилмайиб қараб қолади: шу ёшида еттита-я! Бу ҳам шошганидан, омон бўлгур.

Нонни Собира деган ҳамшира хотин олиб келади холага. Шундоқ нон дўконининг ёнгинасида тураркан, ишга кетаётиб уч кунда бир юмшоққина иккита нон ташлаб ўтиш унга ҳеч гап эмас. Баъзан эсидан чиқса, хола ҳеч хафа бўлмайди. Биладики, ўзининг ҳам ташвиши бошидан ошиб ётибди жувон шўрликнинг. Эри билан ажрашиб, ғурурининг зўридан, ҳеч нарса талаб қилмай, уйдан битта қўйлақда чиқиб кетибди. Бўлмаса каттагина рўзгорлари, машиналари, яна бирга орттирган алланималари бор экан, талаб қилса, қоқ ярмини оларди. Хола шуни айтса, жаҳли чиқди:

— Шу гапни қўйинг, холажон, мен очимдан ўлмайман!— деди. Деди-ю, узоқ жим бўлиб қолди. Хуллас, сир кўп бу жувонда.

Бир кун автобус бекатга келиб тўхтаганда Сиддиқжон кабинасидан салонга чиқди:

— Ораларингда электрик йўқми? Холанинг чироғи ўчиб қолган,— деб сўради.

Йўловчилар орасидан электрик чиқмади-ю, дераза



ёнида ўтирган кексароқ рус киши бирпасдан кейин товуш берди:

— Бунга монтёр бўлиш шарт эмас, ана кўриниб турибди — теракнинг шохи симни босиб тушибди...

Матвей деган бу ҳирқироқ овозли кишининг отини кўпчилик эслолмас эдию, ўн яшар етим неварасини «иш ўргатаман» дея эргаштириб, ҳар куни қурилишга қатнашини ҳамма биларди.

— Виктор, сумкани ол-чи! — неварасини олдига солиб, автобусдан туша бошлади. — Уч минут кутасизларми?

— Кутамиз! Кутамиз! — дейишди. Фақат Собира билан яна аллаким шошиб туришган экан, соатларига қараб бурунларини жийиришдию, кўпчиликка бўйсунилганга мажбур бўлишди.

Кекса ишчи қандайдир шоти топиб, Виктор узатган қичқич билан симни бир зумда қирқиб улади, кейин биратўла шохни арралаб ташламоқчи бўлиб, арра қидира кетди.

— Ичкарида, диваннинг тагида, айланай, — деди Хатча хола. У ўзи йўлакдаги сандиқни очиб латтага ўралган пулларини титар эди: чолга ул-бул бериш керак, ҳар ҳолда, бегона одам...

Виктор шотини ушлаб турди, бобоси шохни ҳам қирқиб ташлаб айвондаги чироқни чарақлатиб ёндирганида автобус деразасидан ҳамма нарсани кўриб турган йўловчилар «Урал» деб қичқиришди. Гўё бу яхшиликни ўзлари қилиб қўйгандай. Матвей ҳовлидан чиқаётганида хола дарвоза ёнида йўлни тўсди.

— Барака топ, знаком, — дея қўлига уч сўм тутган эди, кекса ишчи кулиб бош чайқади. Олмади.

Автобус жўнаб кетди.

Хатча холага бу йўловчиларнинг қувончигина эмас, ташвишлари ҳам татирди. Бирови келиб мушкул бир маслаҳат солади, бировининг қайғусига шерик бўлиб, тасалли бериш, кўнглини овлаш керак. Кеча бекатга Собира келиб, ҳеч ким билан гаплашмай бир четда ёлғиз анча турди, кейин Хатча холаникига кириб, стол четида тумшайиб ўтириб олди. Автобус келди ҳам, шошилмади. Шофёр ўзи кириб «лалайиб ўтирманглар, кетамиз», деса ҳам, Собира индамади. Сиддиқжон, албатта, аввало бир косагина айрон дардида кирган. У бу уйда ўзи хўжайин, айронни ҳам ўзи қилади: айвонда чакиллаб томиб турган сарғиш халтачадаги сузмадан жиндак чимдиб, косада муздек сувга аталайди-да, ҳўкиздай пишқириб шимиради, кейин гудур пешонасини енги билан сидириб артади.

— Кетдик...

Собира бурчакка тикилганча ўтираверди. Автобус жўнаб кетгандан кейин Хатча хола ҳам унинг ёнига келиб мунгайиб ўтирди.

— Узинг чиқиб кетган бўлсанг, мунча куясан?..

— Ишингиз бўлмасин...

Шу ўтиришда Собира азонгача қимир этмади. Ярим кечада хола туриб, унинг титроқ елкасига ўзининг шол рўмолини ташлаб қўйди. Унинг саҳарлаб совуқдан шумшайиб чиқиб кетаётганини кўрган Хатча хола жувон ўлмагурнинг кўнглига йўл тополмаганига афсус чекди. «Шўринг қурғурнинг ётарли жойи ҳам йўқми, нима бало?» деган шубҳага бориб, юраги увишганча изидан қараб қолди.

Одам бор жойда ташвиш бор. Шулар бўлмаса, хола нима қиларди. Нонуштадан кейиноқ шу тўнг бадбахтнинг тумшайиш сабабларини суриштириб билмоқчи бўлди. Совхозга боради, зарур бўлса идорага кириб, бошлиқларга маслаҳат солади. Бўлмаса, ғурури қурсин, қайтага ўзини хор қиляпти жувон ўлгур.

Лекин Хатча хола ҳеч қаёққа боролмади. Қутилмаганда ўзининг бошига кулфат тушиб қолди. Нонуштадан кейин дастурхонни ўраб, негадир сандиқни очдию, ҳанманг бўлиб қотиб қолди. Пенсиядан орттириб икки йилдан бери жамғарган пули... Сандиқни титиб ташлади, бўғинлари қалтираб кетди. Ўғлининг қийиғига тугиб қўйган эди, тугуни билан йўқ! 430 сўм! Бу қанақаси бўлди? Сандиққа ким дахл қилиши мумкин?

Хатча хола бутун уйни яна бир титди. Нима бало, одамлар билан бўлиб, у дунёлигини ҳам унутдимиз?! Уч йил аввал ўғлидан келган 60 сўм ҳам шунинг ичида эди, ниятлари бор эди... Энди бундай пулни қаёқдан олади?.. «Шўрим қуриди, шўрим қуриб қолди, одамлар!..» деб сонига шапатилаб товушсиз йиғларди кампир. У бирдан яна ҳам кексайиб қолгандек, мажолсизланиб, серажин нам юзлари буришиб кетди, ўлими кўз олдига келди... Нима қилади бир тийинсиз, қандоқ оёқ узатади? Қандоқ кўз юмади?..

Анчагача бош кўтаролмай ўтирди хола. Аксига олиб, автобус ҳам кўринмасди одамларга тезроқ юрагини ёрай деса. Айтгандай, одамлар... уларга нима дейди? Дабдурустдан... ким олган бўлиши мумкин? Улар орасида шундай одам борми? Наҳотки? Хола ҳаммасини танийди-ку? Биронтасидан шубҳа қилишга кўнгли борадими!

Лекин хола ҳамон тинчиёлмас, борган сари алам қиларди. 430 сўм-а! Уч сўмдан-тўрт сўмдан, гоҳо тийинлаб

орттириб жамгарган эди. Унинг шу пулдан бошқа нима-си бор? Наҳотки шундай нонинсоф одамлар ҳам бўлса?

Ғазаби сал босилганда Хатча хола сандиқни очган пайтларини, уйга кириб турадиган одамларни бир-бир эслаб, кўз олдига келтира бошлади. Кўпларида пулга муҳтожлик, секин олиб чўнтакка солишга сабаб, важ бор албатта. Сиддиқжоннинг ўзи... еттита болани боқиш ўзи бўладими? Собира-чи, шўрингга-шўрва тўкилгур... бошпанасиз аламзада. Тагин анави, оти нимади, Матвей... хола уни яхши танимайди ҳам, ўша куни мишиқи невараси билан хонама-хона юриб... Лекин, йўқ, буларнинг пулни олишга сабаби бўлса ҳам, виждонлари йўл қўймайди!

Холанинг хаёлига ҳеч нарса сирмай қолди. Борингки, гап пулда ҳам эмас. Жумбоқнинг ўзи ғалати ахир. Бордию, биронтасидан шартта сўраса-чи? Кампирдан хафа бўлармиди? Масалан, Сиддиқжондан... Ўз уйидагидай бамайлихотир киради, ўтиради, гугурт қидиради, чой қўяди, қатиқ ичади, гоҳо иссиқда графика қараб олиб, бир зум чўзилиб ҳам оларди... Жуда муҳтож бўлиб турган пайтида, шундоқ кўзи тушган бўлса-ю... «Бир оёғи гўрда, шунча пулни нима қилади», деб...

Шу маҳал автобус келиб қолди-ю, Хатча хола буни астойдилроқ ўйлашга ҳам улгурмай, Сиддиқжонни бир четга чақириб, бор гапни айтиб қўйди. Сиддиқжон кампирга тикилганча анқайиб қолди. Бундай жумбоқни бошқа бировдан эшитганида-ку ўзи биларди... Лекин ҳозир холанинг аҳволини кўргач, ўз иззатини ҳам унутиб, ғазабини босди-да:

— Мен келаман, текширув ўтказамиз!— дея жўнаб қолди.

Хатча хола «мен олганим йўқ», деган жавобни кутган эди. Жавоб мужмалроқ туюлиб, аллақандай ўйларга борди. Бир кўнгли — Сиддиқжон пулни олиб келадигандай ҳам бўлиб кўринди.

Аммо Сиддиқжон кечқурун ишдан кейин жуда жиддий, қандайдир бегонароқ қиёфада кириб келди.

— Қани, қаерда эди? Қачон пайқадингиз йўқолганини? Доим очиқ турадимиз?— деб худди терговчидай, худди ҳозир ўғрини тутиб, пулни топиб берадигандай савол ёғдира бошлади. Уёққа борди, буёққа келди, ўтирди, ўйлади, лекин «мен олганим йўқ», деб айтишни ор билди-ми, индамади. Шунда хола аста келиб унинг ёнига ўтирди-да, қандайдир умид билан, ёш болани авраётгандай:

— Болам, қари одам пулни нимага жамғаради, биласиз... Бунинг гуноҳи...

Сиддиқжон энди ўрнидан туриб кетди.

— Хола! Топамиз пулингизни! Агар ўғрини сизга ўзим тутиб бермасам, шу ерда тил тортмай... Ёки... — унинг кўзи даҳшатли олайди, — ёки мендан кўраяписизми?!

Холанинг тилига сўз келмади. Сиддиқжон қаёққадир шошиб жўнаб кетди. Кампир ерга қараганча қолди.

Эртасига кўзлари қизарган, сочлари тўзғиган Собира шахд билан келиб кечаги шол рўмолни кўчадаги скамейкага ташлаб кетди.

Пешинга бориб, Матвей чол ўз неварасини қон-қора қақшатиб калтаклаган эмиш, деган хабар етиб келди. Сиддиқжон жаҳл билан яна аллакимларни ҳақорат қилибди. Хола буларни эшитган сари эти увишиб, ўз қилмишидан пушаймон, ўзидан нафратланар эди. Бунинг устига, учинчи кун деганда токчадан самоварни кўтарса, орқасидан ўша тугун сабил чиқиб қолди. Хола не кўзи билан кўрсинки, ҳамма пуллари жойида! Бари эсига тушиб, ерга ўтириб қолди: ўша Матвей чол симёғочга чиққан кунни унга уч сўм бераман деб, тугунни ечганида уни сандиққа қайтиб қўймай, токчага тикча қолган экан. «Эсим қурсин-а, бу кунимдан бекафан кетганим афзал эмасмиди!» деб ҳўнграб юборди кампир. Топилган пуллари кўзига илон-чаёндай совуқ кўриниб кетди. «Энди нима қиламан? Ноҳақ ранжитган бу одамларимдан энди гуноҳимни қандоқ тилаб оламан?!» дер эди хола.

Уй ҳувиллаб қолди. Қувноқ овозлар ҳам, эчки маъраши ҳам, бола йиғиси ҳам эшитилмайди. Бекатда онда сонда кўринган йўловчилар тезроқ автобусга ўтириб жўнаш пайида бўлар, Хатча холанинг очиқ деразасига ҳеч ким қайрилиб қарамас эди.

Кунлар ўтди, холани ёлғизлик ғуссаси эзаверди. У оқибатсиз ўглини эслар, иштаҳаси йўқ, букчайиб қолган эди. Қани энди биронтаси эшик қоқиб кириб келса, ўша нотаниш бетовфиқ келини бўлса ҳам майли эди.

Автобус чанг тўзғитиб жўнаб қолганда Хатча хола дераза рафига суяниб, ёлғиз пичирлайди:

— Сиддиқжон, болам, кечир...

Йўловчилар тўла автобус яна келади. Гувиллаганча яна силжиб кетади. Хатча хола деразадан қараб қолади — одамларнинг ҳар бирига бориб айтолмайди-ку розини. Лекин кўзларида ҳамон ўша мунг: «Ташлаб кетманг, одамлар, кечиринг мени... Мен сизларни осон топган эдим, балки шунинг учун қадрингизга етмадим. Майли, бошқа қийноқ билан жазоланглар, лекин ёлғиз қўйманглар, болаларим...»

## ШЕРБЕКНИНГ АРГУМОҒИ

Шербек болалигидан отни яхши кўрарди. Танаффус вақтида дафтарига чопқир тойчоқнинг суратини чизиб, ўзи томоша қилар, дарслардан бўшади дегунча ипподромга югурар эди.

У ерда унинг таниши Зокир чавандоз ўзининг отини ювиб-тарашга, суғориш, тизгинидан тутиб туришга рухсат беради. Шербек Зокирга беминнат ёрдамчи бўлиб қолган. Отхонани тозалайди, эгар-жабдуқни жой-жойига илиб, отни кўл ёқасига етаклаб чиқади. Зокирнинг оти жуда чиройли қора аргумоқ, исми ҳам ўзига яраша «Дулдул». Шербек яп-яланғоч бўлиб, уни салт минади-да, кўлнинг чуқур жойига чудаёди. «Дулдул» яхши сузади, совуқ сувда роҳат қилади.

Қайтиб чиққандан кейин, саёзроқ жойда Шербек уни махсус чўтка билан ишқаб, яна ювади. Титраб, йилт-йилт этиб турган сағрисини қайта-қайта сийпаб тарайди. Узун бўйинини, иккига бўлиниб турган семиз сиртини, қўйиб қўйгандек чиройли, ингичка, кучли оёқларини, ақлли кўзларини ҳавас билан узоқ томоша қилади. От унга худди одамдек ақлли, меҳрибон бўлиб туюлади. Бўйиндан қучоқласа, «Дулдул» ҳам гўё унинг яхши кўришини тушунгандек, индамай туради...

Шербек мактабни битиргандан кейин чавандоз бўлмоқчи эди, шунинг учун от заводига ишга кирди. У отни бир мўъжиза деб билар, ундан ўз бахтини кутарди. Афсуски, заводда икки ойгина чавандозга шогирд бўлиб ишлагандан кейин уруш бошланиб қолди.

Урушда от қаёқда дейсиз! Нуқул танк, пулемёт, замбарак — бари темир-терсак... Авваллари Шербек отни худди қишлоғини, ота-оналарини, укасини соғингандек соғинди.

Лекин кейинроқ... соғинишга вақт борми! Қуршовда қолди, атакага борди, ярадор бўлди. Секин-секин от ҳам эсдан чиқиб кетди. Санаб кўрса, олти марта ярадор бўлибди. Бир мартасида ўртоқлари тупроқ остидан кавлаб олиб, госпиталга элтгунича ҳам ҳушига кела олмабди. Лекин Шербек бақувват эди, тузалиб, яна бояги-боягидек сафга қўшилиб, жангга кираверди. Жанг ҳам энди одатдаги ишдек бўлиб қолган эди, ахир тўрт йилдан бери...

Дарвоқе, тўрт йил деганда Шербек биринчи марта отга дуч келди. Отларни кўрди-ю, бутун ҳаёти, болалиги ҳам, эртаси куни ҳам кўз ўнгига келиб, ўйлари, туйғулари алғов-далғов бўлиб кетди. От билан учрашганда бу

қадар даҳшатга келишини ўйламаган эди. Тўрт йил уришиб, ҳази ҳеч қачон юраги бу қадар ларзага келмаган.

...Денгиз бўйи эди. Шербекларнинг қисми немисларни ярим оролнинг учигача суриб бориб, сувга улоқтирди. Кейин ўзлари ҳам соҳилга чиқиб боришди. Қирғоқ тикка жар эди. Шербек шу жарлик тепасидан денгизга тикилди. Узоқларда унинг тўлқинлари мовий кўринарди, бери роғи эса — кулранг. Ундан ҳам бери роғи, соҳилга туташ жойлари... қип-қизил. Қон. Шербек кўзини ололмай қолди. Енида жанговар шериклари гаплашишар, ерлик колхозчилардан бирини ўртага олиб, суҳбатлашишар эди. Шербек қирғоқдаги қонли тўлқинлардан, яна аллақандай қора дўнгликлардан кўзини олмай, гапга қулоқ солди.

Колхозчининг гапига қараганда, фашистлар ярим оролдан қочаётиб ҳамма нарсани — йўлларни, кўприкларни, фермаларни, омборларни, мактабларни портлатишган, ёндиришган. Аммо отларни нима қилишни билишмаган. Бу ердаги от совхозининг бир неча минг йилқиси бор экан. Душман отхоналарга ўт қўйгану отларни на ёндиришнинг, на портлатишнинг иложини тополмаган. Шунда фашистлар йилқи уюрларини шу тикка қирғоққа ҳайдаб келиб, ҳаммасини бир-бир отишган. Эртадан кечгача ўқ овози эшитилиб турган. Ўқ еган жониворлар тикка қирғоқдан денгизга ағанайверган...

Бир неча минг от... Шербек уларнинг саёз соҳилда тошдай қорайиб ётган жасадларини, уларнинг нақадар кўплигини энди пайқади. Минглаб от жасадлари қизғиш кўпикли тўлқинда тебранар, даҳшатли денгиз ўлик уюрларни кавшаб ямлаётгандек эди...

Шербек, кўпни кўрган жангчи Шербек шу ерда ҳширдан кетиб қолди.

Ўртоқлари ҳайрон эди. Улар Шербек учун от нима эканини билишмас эди-да: Биров «қон ҳиди таъсир қилди» деса, биров «чарчаган, денгиз ҳавоси элитди» деди, Шербекни кўтариб, медсанбатга олиб бордилар.

Ярим кечада Шербек кўз очди. У бирдан қариб қолгандек, қоронғи тунда рангсиз-руҳсиз кўринди, сочида оқ толалар ҳам пайдо бўлган эди. Юраги гўё бўм-бўш, мислсиз ғазаб унинг болаликдан ардоқлаган ҳисларини ҳам, йигитлик дармонини ҳам гўё елдек учуриб кетган эди. Ҳорғин мижжасини юмганида, қизил тўлқин ичида кишнаб чопаётган қора арғумоқ кўз олдига келди...



## ТҶККИЗИНЧИ ПАЛАТА

Нафинг қанча бўлса — умринг шунча.

(Кулоққа чалинган гаплардан)

Курилиш шаҳарчасининг янги касалхонаси жуда қулай жойга тушган — тоғнинг кунгай этаги, бир томони ёш теракзор, катта йўлдан узоқда. Ёз кунлари беморлар деразаларни ланг очиб, тоғ ҳавосини тўйиб-тўйиб шимиришади.

Баҳромовнинг палатадаги қўшниси кекса одам, аҳволи анча оғир, лекин кўп сергап экан, ётган жойида ҳам инқиллаб гапиришини қўймайди.

— Ҳа, ҳозиргиларни нуқул юрагидан оляпти, тақсир, олтмишга бормай, «серсам-серсам»га тушиқб қолишяпти. Ўзлари нечага кирдилар?

— Олтмиш етти, — деди Баҳромов.

— Ана. Бизники шу бу йил тут пишиғида иккам саксон бўлди, худога шукур, серса-перса билан ишимиз бўлган эмас...

Лекин Баҳромов кўриб турибдики, чолнинг мазаси йўқ, салқи қовоқлари сап-сариг, кеча сартарош келганда ҳам ўрнидан туришга мажоли етмади. Ундан кўра, қимир ётмай ётса ҳам, Баҳромовнинг ўзи тетикроқ.

Ҳамшира кирди. Бу Маъмура деган узунчоқ юзли, бўйдоргина қора қиз эди.

— Сизга қимирлаш мумкин эмас, биласиз-а, — деди у. Баҳромовнинг ёстиғини сал кўтариб, — мана мундоқ, фақат чалқанча ётасиз.

— Биламан, биламан, қизим, минг марта эшитдим, фақат... қанча? Қачонгача шундай ётаман? Ҳеч ким айтмайди.

— Айтамиз.

Маъмура «айтамиз» дерди, лекин унинг шу ҳолда қанча ётиши кераклигини билмасди — бир ҳафтами, уч ойми... Ҳамширанинг вазифаси беморни огоҳлантириб, кўз-қулоқ бўлиб туриш.

Аммо Маъмуранинг бу палатадан кўнгли тинч эди: беморлари беозор, иккаласи ҳам кекса, босиқ одамлар, келган куниеқ тил топишган, у дунё-бу дунёдан гаплашиб, ортиқча оҳу нолаасиз кунни кеч қилишади.

Ҳамшира чолга ҳам дори ичириб, чиқиб кетди. Очиқ деразадан майсазор майдон кўринарди. Барра майсада ҳурпайган чипор товуқ жўжаларини эргаштириб ўтиб бо-

раркан, Баҳромовга ўт ўланга қоқина қоқина тизилиб кетаётган бу сарғиш-яшил момичалар жуда зайф, ҳимоясиздек туюлиб кетди, қалхат-малхат йўқми деб осмонга ҳам қараб қўйди, осмон шишадек тиниқ эди. Уч ҳафтадан бери қимир этмай чалқанча ётиб, баданлари тош қотиб кетган Баҳромов ҳамма нарсадан безор бўлди, ҳамма нарсадан тўйди-ю, мана шу тубсиз тиниқ осмонга тикилиб тўймади. Гоҳо шу софликка тикилиб, хаёлга чўмганида чолнинг минғир-минғир гапи ҳам бачкана туюлиб ёқмай қолади, қулоқ солмай қўяди.

— Бугун ҳам кун ўтди,— деди чол,— ана, тақводор қўшнимиз намоз асирга ўтирди, қаранг...

Баҳромов қарамаса ҳам билади: сайхоннинг нариги четида тиканак четан билан ихота қилинган салқин мевазор ҳовли бор, ҳовлининг эгаси доим оқ ятак, оқ иштон киядиган намозхон одам. Беш вақт намозини қанда қилмай мана шу ҳовли этагида ўқийди.

Қўшнисининг бу тақводорни орқаворотдан калака қилишлари ёқмасди Баҳромовга. Оти Ҳожи бува, ўзи саксонга борган бўлса ҳам, касалхонанинг ёвфон ошини бисмиллосиз туширади. «Имонсиз чол» деб қўярди Баҳромов ичиди.

— У дунёдан умиди катта қўшнимизнинг,— деди Ҳожи бува.

— Ҳа, умид...— Баҳромов осмондан кўзини узмай гапга қўшилди.

Умид деган одам боласини не куйларга солмайди. Бир китобда ўқувдим — Ҳиндистонда кексалар муқаддас Гаг бўйида жон беришни орзу қилишаркан. У ерда ўлган одам шаҳид кетиб, тўғри жаннатга ноил бўлармиш. Шунинг учун одамлар Гаг соҳилида узлат чекиб, ҳафталаб оч ётишар, кечаю-кундуз худодан ўлим тилашар экан. Умид шунақа. Умид ҳар хил бўлади, Ҳожи бува. Бирини дилингни кундай равшан қилиб, бамисоли қанотдек осмонга учирса, бири...

— Йўқ, менга униси ҳам керак эмас, буниси ҳам...— деди «имонсиз» чол заҳил юзини, кўксига ёйилган соқолини силаб.— Менинг умидим — яшаш. Шунча умрни берган худо буюғини ҳам аямас.

— Нима иш қилардингиз, бува?— сўради Баҳромов.

— Энди иш қоптими, тақсир,— деди чол, чамаси тўғри жавобдан чалғитишга уриниб,— кўп иш қилдик, қилмаган ишимиз қолмади, энди яшаш керак. Умидим шу...

Баҳромов индамагандан кейин, чол сўради:

— Ё сизнинг умидингиз бўлакми, қўшни?

— Нега? Яшашга қарши эмасман. Яшашга нима ет-



син. Лекин паймона тўлиб қолган бўлса-чи, унда нимага умид қилди керак?

Уш бушини кўтариб, заъфарон юзида ҳайрат билан Баҳромовга қаради:

— Анов намозхонники тўғри демоқчимиз?

Баҳромов шифтга қараганча жилмайди.

— Йўқ. Менинг умидим... келажакда. У дунёда эмас, шу дунёнинг келажакда. Ахир биздан кейин ҳам одамлар қолади-ку...

— Сизники қизиқ бўлди,— деди Ҳожи бува анча жимликдан кейин,— одам ўзи ўлади-ю, умиди қолармишми? Келажак деганингизда сиз билан биз бўлмаймиз, умидимиз нима қилади? Бу ҳам бир тасалли, ўз-ўзини алдаш. Анови тақводор қўшнимизники тузук чиқди-ку сизникидан.

Баҳромов яна жилмайди. Лекин жилмайиши аста-секин сўниб, ориқ юзи илгариги рангсиз ҳолатига келди.

— Болаларингиз борми, Ҳожи бува?— деди мадорсиз.

— Э-ҳа, сиз уни айтасиз. Ҳа, бор, болалардан бор. Ўзлариники-чи?

Баҳромов қўлини аста кўтариб, икки бармоғини кўрсатди:

— Иккита эди.— Анчадан кейин қўшиб қўйди:— уруш олиб кетди. Иккита Баҳромовни олиб кетди. Ўзимиз ҳам мана....

Ҳожи бува бошини ёстиққа қўйиб жойлашиб ётди. Жовон устидаги калтакни олиб, деворга қўнган пашшани узоқ пойлади. Ахири уриб деворга ёпиштиргандан кейин қаноат ҳосил қилиб, яна гап бошлади.

— Меникиларни уруш қиялаб ўтди, худога шукур. Лекин бари қўлдан чиққан, бари ўз тирикчилиги, ўз нияти билан. Биттагина неварам қўлимда эди, ҳозир ундан ҳам умид, мен сизга айтсам, ҳаминқадар...

— Ҳа, нима бўлди неварага?

— Ниятим Эргашвойни шаҳарда ўқитиб одам қилиш эди, терлаб-пишиб юрди-юрди-ю, бир куни имтиҳондан йиқилиб, қайтиб келди баччағар. Кейин қарасам, анов бош тўғонга ишга кириб олибди. Ишлаб турай-чи, янги йилга тағин борарман, дейди. Қаёқда, бу қурилишга бир илингандан кейин одам бўлгани қўядими, домига тортиб кетди. Ҳозир юрибди, ўша шерикларига ўхшаб, на юрагида ёғи бор, на уйда чироғи.

— Ишлаётган бўлса бўпти-да.

— Ишляпти. Гап умиддан кетганига айтаман... Шеригининг гапи эсига тушиб, Ҳожи бува бирпас жим

қолди, — айтгандай, болаларим йўқ дедингиз-а? Унда, қолиги гапиргиз нима бўлди?

— Қайси гап?

— Келажак, умид...

Бу маҳал очик деразадан аёл кишининг ингичка ўткир овози эшитилди:

«Алишер-ов! Ҳов, Алишер!» Бу беморларга таниш овоз эди. Алишернинг ойиси ҳалиги намозхоннинг ҳовлисида ёш келин бўлса керак, ҳар куни шу маҳалда Алишерини йўқлаб чинқиради. Алишер — иштонсиз бўлса ҳам нуқул қизил ботинка кийган, коптокдек юм-юмалоқ — майсада жўжами, чумчуқми, капалакми, қоқина-шуртина қувлагани-қувлаган.

— Меники бўлмаса, ўзгаларники бор, Ҳожи бува, — деди Баҳромов, ёстигини сал қия қилиб деразадан боқди. Алишер, худди ўйлаганидек, адашиб чиққан бир жўжанинг кетидан худди копток сингари юмалаб кетиб борар, ойисининг куйиб-пишгани билан иши йўқ эди.

Баҳромов то қош қорайгунча деразадан кўз узмади. Унинг сўлғин юзида хира нурланган шом шарпаларини тушунмаган Ҳожи бува яна бир нималарни гапирди, шу ёшидаги ойисига қулоқ солмаган Алишерни «тирмизак» деб сўқдими, у одам бўлгунча онаси қариб-чурийди, ундан умиди нима бўларди, дедими, бу гаплар Баҳромовнинг қулоғига кирмади. Қизиқки, бошида ҳеч қанақа ўй ҳам йўқ эди, шунчаки, ҳеч нарсани эшитмай, ҳеч нарсани ўйламай, роҳат қилиб ётаверди. Кейин шу билан уйқуга кетибди.

Эрталаб чамалаб қараса, шундай мириқиб ухлабдики, кўп ойлардан бери шундай ширин ухлагани йўқ эди. Шундай бўлаверса, тузалиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бироқ шу куни кечга яқин қўшнисини Ҳожи буванинг аҳволи оғирлашиб қолди. Унинг тўсатдан «ўламан»га тушиб қолиши биринчи марта бўлаётгани йўқ, лекин бу галгиси чиндан ҳам хавфли эди шекилли, врачлар, ҳамширалар югургилаб қолишди. Узоқ давом этган касалдан кейин сарғайиб кетган, халтадек осилган баданларига яна аллақандай уқоллар қадашди. Чолнинг юзи чўзилиб кетган, атрофдагиларни танимаётгандек бежо тикилар, гапиролмас эди. Гоҳ жон бераётгандек кўзидан маъно қочганда, атрофдагиларнинг нафаси ичига тушар, юракни музлатадиган совуқ жимлик чўкканда, Маъмуранинг кўксини ёриб чиққан йиғи товуши эшитилар эди. Маъмура чолнинг қийналганларини кўп кўрган. Айниқса унинг ҳилвираган баданларига игна санчиб қийнашларини кўргани кўзи йўқ эди. Ҳозир ҳам врачлар тўпидан чет-

да, Баҳромов койкасининг ёнида туриб, йиғлаб, қизариб кетган бурнини халат этагига артар эди.

— Нимага қийнашади-я! Тинчгина жон беришига қўйишмай...

Баҳромов ётган жойида унинг қўлини ушлаб қисди.

— Тавба денг, қизим.

— Нимага қийнашади ахир! Нимага? Бари бир... — Маъмура бақриб йиғлаб юборишидан қўрқиб, югуриб чиқиб кетди.

Врачлар Ҳожи бува атрофида кечаси билан парвона бўлишди. Бемор бир зум тилга кириб, «уйдагиларни чақиртиринглар, хайрлашиб, ризоликларини олай», деди. Ундан яна қон олишди, томирига бир нималар қуйишди, укол қилишди. Эрталаб Эргаш етиб келди.

Баҳромов уни сира кўрмаган бўлса ҳам, дарров таниди. Новча бўйли, тийрак кўзли, чайир ўспирин Эргаш бир неча ўртоқлари билан келган эди. Буvasи уни танимади, кун ёришганда Эргаш ўртоқларига жавоб берди — улар сменага боришлари керак экан. Елғиз қолганда Эргаш Баҳромов билан гаплашиб ўтирди. Бобоси кўз очганда гўдакдай қувониб, халтасини ағдара бошлади:

— Посёлка бозоридан олдим, бува! Мана гилос, кўнглингиз тусаса, олча! Жиндак хомроқ экан, лекин йирик-йирик, қаранг!

Шу-шу Эргаш тез-тез келадиган бўлди. Ҳожи бува бир ҳафтага қолмай ўнгланиб, оёққа турди. У бутунлай тузалди деса бўларди. Лекин қандайдир хунук тўлишиб, овқатга тўймайдиган бўлиб қолди. Қасалхонада берганлари юқ бўлмай, Эргаш кўтариб келган помидорми, нонми, колбасами — барини кўрдим демай супуриб ташлайдиган бўлди. Шунда ҳам кўзлари ола-кула. Баҳромовнинг қолган-қутганини ҳам киши билмас ямлаб, яна эшикка аланглар, овқат кутар эди. Овқат келса, оғзини чапиллатиб, соқолларини ифлос қилиб, очкўзлик билан тез, хунум ейди. Баҳромов кейинроқ сезиб қолдики, унинг жовонидан ҳам баъзан бесўроқ, кўзини шамғалат қилиб, тўғриси — ўғирлаб у-бу ейдиган бўлди. Баҳромов кекса одамга ярашмаган бу қилиқдан дам ҳайратда қолар, дам раҳми келиб тикилар, овқатдан чалғитишга уриниб, гапга солар эди.

— Эргашингиз сиз айтганчалик «кўчада қолган» бола эмас экан, — деди Баҳромов, — гаплашиб ўтирдик — ҳавасим келди. Ақлли, мағзи бутун ишчи йигит. Виждонли меҳнаткаш бўлади.

Ҳожи бува оғзини чапиллатиб, бир нимани кавшар эди, индамади. Анчадан кейингина:

— Бугун кеч қолди, қаёқда дайдиб юрибди экан, баччагар, — деб мингиллади.

Баҳромовга у Эргашни эмас, Эргаш кўтариб келадиган халтани, озиқ-овқатни кутаётгандек туюлди.

Энди Баҳромовга жуда қийин бўлиб қолди. Қўшниси билан илгаригидек гаплашолмайди. Ҳожи буванинг гапи энди қасаликлар мавзудан четга чиқмай қолди, у ҳам кўпинча маъносиз. Қачондир бод бўлиб, сийдик билан даволангани борми, қайси бир иримчи кампирнинг топган гиёҳлари борми, ишқилиб, на ақлга, на кўнгилга қўр бўладиган гаплар. Хунук семириб, бетиним пишиллаб овқат ейишлари бўлса, жонига тегиб кетди. Тезроқ тузалиб чиқиб кета қолса эди. Қасал дейдиган жойи ҳам қолмаган, ўрнидан туриб ҳам юради, лекин докторлар негадир жавоб бермай ушлаб туришибди.

Баҳромовнинг аҳволи бўлса ўша-ўша. Қимир этмай чалқанча ётгани-ётган, атрофдаги ҳамма гап қулоғига кириверади, қиладиган иши йўқ, гоҳо уймалашиб келган ўйлардан боши тарс ёрилгудай бўлади. Энг даҳшатлиси — уйқусиз кечалар.

Бугун кечаси осмонни булут қоплаб, ёмғир ёғолмай, аввал роса дим бўлди. Кейин қаёқдандир беқарор шамол эсиб, ярим тунда тўзонли довул турди. Дарахтлар денгиздек шовуллар, қаёқдандир очиқ қолган дераза паллалари урилиб, чилпарчин бўлар, терак шохлари синиб тушар, тўс-тўполон. Қора тун туйнугига чанг-тўзон тикилиб қолгандек, нафас бўғилар эди.

Баҳромов зўрға тонг оттирди. Эрталаб Маъмура деразаларни очганда ҳалигина севалаб ўтган ёмғир ҳиди келди, осмон яна мусаффо, кўм-кўк сайхоннинг ҳар жой-ҳар жойида синиб тушган шохлар япроқлари сўлиб ётарди.

Баҳромов илиқ ёмғир ювган майсазорни узоқ томоша қилиб ётди. Эрталабки қуёшда йилт-йилт этган нам майсанинг салқинини бағрида сезгандай бўлди, жилмайди. Шу майсани яланг оёқ босиб, лўканглаб бораётган Алишерга шундай ҳаваси келдики, кўзидан ёш чиқиб кетди. Ким билади, ҳозир ерни қўмсаб, буришиб ётган товонларига шу майса тегса, бугун вужудига ором етиб, дардчил баданига жон кириб, тузалиб кетармиди...

Баҳромов хаёлга шўнғиб кетган экан, бирдан безовта-лаиб қичқириб юборди:

— Ҳожи бува! Ҳожи бува! Алишер келяпти, қаранг!

Қўшниси қимир этмади: нима бўпти, ҳар кунги ўша боладир-да.

— Қоч! Қайт! Келма, Алишер! Қаранг, қўшни, қа-

ранг, симга қараб келяпти! Қоч, дейман қайт ана ойинг  
чақирдиги!

Алишер лўппи, момик оёқчалари билан майсани бо-  
сиб ҳамон келарди, олдида эса томдан узилиб тушган  
яланғоч симнинг учи илондек буралиб ётибди. Электр  
сими! Бола яна ўн қадам юрса ёниб кўмир бўлади!

— Қўшни, жон Ҳожи бува, туринг, югуринг, симга  
қараб келяпти! Ҳой, ким бор!

Ҳеч ким йўқ эди, ҳеч ким жавоб бермади. Ҳожи бува  
аста туриб, кавушини кийди-да, деразага яқинлашди. Қа-  
раса бола чиндан ҳам симга қараб тикка келяпти. Сим  
устида кечаси довулда синиб тушган ўрик шохи кўкариб  
ётарди, данакдай-данакдай гўралари йилтиллаб, болани  
ўзига тортарди чоғи.

— Тегма, — деди Ҳожи бува. Бола эшитмасди.

— Югуринг, жон ака, олинг болани! — деб ялинди  
Баҳромов, — унинг кўзлари бежо, ўзининг ожизлигидан  
азобда, бўйин томирлари бўртиб чиққан эди. — Тез бўл-  
сангиз-чи!

Ҳожи бува болани «баччағар», онасини «қизиғар»,  
қайнотасини «тақвоингдан ўргилдим» деб сўка-сўка, ка-  
равотига ўтириб, пайтавасини ўрай бошлади.

— Ҳожи бува! Жон ака! Қоч, қайт! — деб талваса че-  
кар эди Баҳромов. Ҳожи бува минғир-минғир қарганиб,  
жовондан бориб этигини олди, яна келиб каравотига  
ўтирди. Этик қўнжидаги эски лойни тирсаги билан ишқаб  
тозалай бошлаганида Баҳромовнинг сабр косаси тўлди  
шекилли, кўрпани шартта улоқтириб ташлаб, деразага  
ўзини урди.

Ҳожи бува унинг «Алишер! Алишер!» деган овозини  
эшитиб қолди, холос, қараса — бир ярим ой қимир этмай  
чалқанча ётган қўшниси иштончанг майсада югуриб кет-  
япти!

— Ҳой, сизга туриш мумкин эмас-а, ҳай сиз ётинг,  
қўшни, нима қиляпсиз! — деганча Ҳожи бува деразадан  
қараб қолаверди. Баҳромов болани симнинг шундай ён-  
гинасидан даст кўтариб олиб, чийиллатганча четаннинг  
нариги ёғига олиб кириб қўйди. Ичкаридан Алишернинг  
ойиси югуриб чиқди. Баҳромов қайтиб келиб симни таёқ  
учига илиб, деворга кўтариб қўйди. Кейин атрофига  
аланглаб, майсада гандираклаганча деразага қараб  
юрди.

— Гўрадан олакелинг биратўласи, қўшни, — деди ич-  
каридан Ҳожи бува, — ҳозир қатиқми-сут пайти, жуда  
хушхўр нордон бўлади.

Баҳромов эшқамати, бонингга айлаши кўз ўнги қоронғилашган эди, деразага келиб суянди, кўшниси уни қўлидан тортиб, ичкарига олди.

— Ҳожи ака... Ҳожи ака, қаердасиз!— деди ётганидан кейин ҳам ҳеч нарса кўрмай,— қандай югуриб берганимга ҳайронман, доримни олиб беринг,— дорисини ичиб ҳам кўз очмади.— Маъмурага айтманг, хўпми, Ҳожи бува... Хўп денг.

— Хўп, хўп, акаси, лекин бекор қилдинг. Дўхтир буюрмаганини қилиш керак эмас, рангингни қара, лоховла-а, мурдадай бўлиб қолдинг.

Баҳромов бир зумга кўзини очиб унга қаради-ю, яна юмди. Тинчиб қолди.

Кўшниси ҳам ёқасини ушлаганча ўрнига бориб ётди. Кейин Маъмура кирди. Ҳожи бува бўлган воқеани айтмади. Баҳромов айтадими деб кўрқиб ётган эди, йўқ, айтмади. Лекин Маъмура дориларни бериб, чиқиб кетаётганида Ҳожи бува уни тўхтатди.

— Қизим, сен... кетма. Бирпас ўтир,— деб қолди. Маъмура чолнинг нимадандир кўрқиб қалтираётганини пайқаб қолди. Шунда иккаласининг кўзлари учрашиб қолиб, қиз тушунди: Баҳромов оппоқ бўлиб ётарди.

Баҳромов жим қолишларидан уларнинг хавотирини сезди-ю, гап билан овора қилишга уринди.

— Ростдан ҳам, Маъмура қизим, биз қариялар билан ҳам бир нафас гаплашиб ўтирсанг бўлмайдими?— деди мадорсизлигини яширишга ҳаракат қилиб.— Ё бошқа палаталарда ёшлар кўпми? Дарвоқе, бу ерга келгандан кейин ёш бўлиб қаёққа борди, бу ерда ёшу қари баробар, барининг оти «бемор»,— у гапни тўхтатмасликка уринар, қизни ўзидан чалғитиш учунгина эмас, ўзи ҳам ҳозир негадир сергапниги тутиб, кўнглини нималардандир бўшатиб олгиси келар эди. Нафасини ростлаб давом этди.— Одам бир умр эси паст бўлар экан, қизим. Ёшимизни яшаб қариймиз, мункайиб қоламиз, ўлим елкамиздан нўқиб туради-ю, эс-ҳушимиз ҳамон равшан тортмайди. Аммо, ниҳоят, шундай бир зум келадикки, қизим, эс-ҳушинггина эмас, бутун вужудинг равшан тортиб, ҳамма нарсани бирдан тушунасан... Бир умр ёнган-куйганларинг, йиғлаган-қувонганларинг, хавотиру ваҳималаринг, орзу-армонларинг бари шу бир зумда жам бўлади. Титрайсан, ловуллайсан, юрагинг ёш тўкиб, енгиллашишни истайди. Узинг ҳам йўқ, дунё ҳам; нимадир, бошқа нарса кўз олдингда туради: у тундай қоронғи, қуёшдек ёруғ...

Одам бу зумнинг келишини илгаридан билганда эди... Биз билмаймиз-да, қизим. Кунимизга қувониб, еримиздан,

одамлар меҳридан нурланиб юраверамиз... Айтмаймизки, ҳай, инсон боласи, бунинг охирида барини чақмоқдай ёритувчи, якунловчи бир зум бор, унда ҳаётингдаги энг майда нарсалар ҳам буюк бўлади, бутун босиб ўтган йўлинг эса — чексиз бир оламдек кўринади. Ҳайратда қоласан: нега буни билмаган эканман, нега буни илгари ўйламаган эканман, деб ҳайратда қоласан...

Баҳромовнинг яна кўп гаплари бор эди, шекилли-ю, дармони етмади. Маъмура унга сеҳрлангандек термилиб қолган эди. Бирдан пайқадики, беморнинг юзи ёришиб кетди, лабларига ранг кирган, қошлари қоп-қора, узун-узун киприклари нурлангандек эди. Маъмура Баҳромовнинг бундай чиройли одам эканлигини илгари пайқамаган экан, қўрқиб ўрнидан турди. Кўнглига даҳшатли фикр келди: «Нега беҳосдан бундай гапларни гапириб қолди?!»

— Энди, сен борақол, қизим, дамингни ол, мен ухлайман...— деди Баҳромов.

— Йўқ, мен шу ерда ўтираман!— деб юборди Маъмура. Узининг овозидан ўзи чўчиб тушди. Нега бундай деганини ўзи ҳам билмайди. Лекин Баҳромов унамади.

— Бор, мен ухлайман, хайр...— деди қизнинг қўлини заифгина қисиб.

Бир соатдан кейин Маъмура палатага Алишернинг онасини бошлаб келди.

— Мана шу ерда, шу, шу,— дер эди аёл; унинг қучоғида бир даста атиргул. Алишерини ясантириб етаклаб олган, Маъмуранинг огоҳлантиришига қарамай, бостириб кириб келаверди.

Маъмура беморнинг ёнига бориб:

— Баҳромов ака, ухляяпсизми, мана сизга гул келтиришибди,— Маъмура овозини пасайтириб, аёлдан сўради:— Кимдан? Кимдан дедингиз?

— Алишердан.

— Алишердан экан, мана, вой манави гулни! Баҳромов ака...

Бемор уйғонмагандан кейин ҳамшира унинг юзини очди. Очди-ю, сариқ деворга юзини босиб, қотиб қолди. Бир зумдан сўнг елкалари титраб йиғлаб юборди.

— Вой ўлай!— деб қичқирди аёл Алишерини бағрига тортиб.

Баҳромов ўлган эди.

Маъмура йиғлаганча докторларни бошлаб кирди.

— Билган эдим, кўнглим сезувди, нега кетдим?! Нега кетдим!— деб йиғларди Маъмура. Аёл нима қилишини билмай гулдастани ўртадаги жовон устига, шиша банка-

га ўтқазди. Жовоннинг у ёнидаги ўринда Ҳожи бува суюқ овқатга қўлини солиб, бир нимани кавшаётган эди. Жовон устида эрталаб Эргаш келтирган олмалар қип-қизариб ётарди. Алишер ёниб-йилтиллаб турган олмаларга завқи келиб, тикилиб боққан эди, Ҳожи бува исқирт қўли билан дарров йиғиштириб олди. Бунни пайқаган Маъмура қизарган кўзлари билан чолга шундай ачиниб боқдики, гўё бу палатада ҳозиргина Баҳромов эмас, Ҳожи бува жон берган эди.

Қиз Алишерни бағрига олиб чиқиб кетди. Келин ҳам ўлик ёнида оғзини чапиллатиб овқат еяётган чолга ғалати қараб, унинг ёнидаги гулдастани олди-да. Баҳромовнинг кўксига авайлабгина сочиб ташлаб, Маъмуранинг кетидан тез чиқиб кетди.

Шом олдидан майсазорда яна чипор товуқ билан миқ жўжалар, яна қизил ботинкача кийган юм-юмалов, Алишер кўринди, тўққизинчи палатанинг деразасида эса яна катта, дуркун гулдаста пайдо бўлди.



## САФАРАЛИ

Бу ҳодиса унинг Чирчиқ комбинатида технолог бўлиб ишлаб юрган пайтида юз берган. Гоҳ у корхонага, гоҳ бу бошқармага, шаҳарма-шаҳар кўп юришга тўғри келарди, командировкадан боши чиқмасди, ўртоқлари бўлса: «Раз Сафарали бўлгандан кейин ўз номини оқласинда!» — деб кулишар эди.

Сафарни у ўзи ҳам яхши кўрарди. Лекин мана бу галги командировкаси аччиқ ичакдай чўзилиб кетиб, куёв деган номга ҳали ўрганиб ҳам етолмаган бўз йигитни обдон ичиктириб қўйди. Сафарали Муҳаббатини соғинган эди.

Буни ўзича ошкора тан олгани йўғу, лекин аҳёнда зўр бериб уни ўйлаётганини пайқаб қолади. Етти ой олдинги биринчи кечалари ёдига тушади, сочининг ҳиди димоғига киргандай, нафасини, оёқ товушини эшитгандай бўлади. Муҳаббат ҳам тўйдан кейиноқ зап очилиб кетди-да, ўзи. Энди унинг кўз қарашларидагина эмас, ҳар бир ҳаракатида аллақандай сирли олов бор. Ўзи ерга қарайди-ю, лов-лов ёнади. Сафарали бағрига олганда эриб йўқ бўлгандай туюлади, пичирлаши эшитилмай қолади. Ғалати ҳис. Сафарали ҳозир мана шу ҳисни соғинган.

Муҳаббат ҳозир сал тўлишиб, юмшоққина бўлиб қолган. Айниқса, икки ойдан бери... Ҳа, айтгандай ҳозир — икки ярим ой. Чунки Сафаралининг уйдан чиқиб кетганига бугун ўн олти кун бўляпти. Ҳеч нарса қилмадимикин? Қилмагандир. Сафаралини кутади у. Жон савдоси ахир. Хотини маслаҳат солганида Сафарали ҳам анигини айтмаган эди-да. «Сабр қил...» деб мужмал жавоб бериб қўя-қолган эди.

Бу гап Сафаралининг хаёлида ҳам йўқ эди-ю, Муҳаббатнинг ўртоқлари маслаҳат беришганмиш. Тағин энг яқин, энг яхши дугоналари. Муҳаббат буни эрига уч марта гапирди. Ўзининг ҳам кўнгли чопади шекилли, буни пайқагач, Сафарали шартта кесиб, «йўқ» деёлмади.

Муҳаббат баъзан бир гўдакдай кўринади кўзига, кичкина, енгилгина, кўтариб олгиси келиб кетади. У ҳали Сафаралининг суяшига ҳам, ўғит-насихатига ҳам муҳтож. Ўзи бола. Болани нима қилади...

Вагоннинг деразалари терлаган эди. Сафарали гимнастёрка енги билан артиб, ўзига «дарча» очди. Ҳануз баргини тўкмаган сап-сарик садалар орқага юмалаб кетаётгандай, омонатгина биринчи қордан оқариб турган

япасқи томлар лип-лип ўтади. Ҳали қош қораймаган бўлса ҳам қоронғи, кеч куз ҳавоси рутубатли, бир парча эз бўлса совуқ захримни тўқаман, деб турипти. Табиат етим қолгандай, далаларда жон эгаси кўринмайдиган пайт, Вагонда ҳам одам кам. Гилдиракларнинг шўх вазили «тақа-туқ, тақа-туқ»лари бўлмаса, ёрилиб кетиши ҳеч ган эмас одам.

Сафарали дили ғаш бўлиб, дераза ёнидан кетди. Пилесосдан жуни тўкилиб кетган эски гиламни босиб, йўлакнинг у бошидан-бу бошига юрди. Нима қилишини билмай ўз купесига қайтиб кирди. Биттаю битта шериги — қари, камгап, ирkitроқ, ёқимсиз бир одам эди, Сафарали у билан ҳали танишгани ҳам йўқ, ҳозирдан юқорига чиқиб ухлаб қолибди. Оғзидан сўлаги оқиб ётибди. Сафарали пайпоқ ҳидига афтини буриштириб, яна йўлакка чиқди. Қайси бир купеда ширакайф одамларнинг тақтуқ уриб, домино ўйнагани эшитилар эди. Деразада яна хўмрайган осмон, яна кимсасиз далалар. Сафарали сиқилиб, ўзини қаёққа қўйишини билмай қолди. Шундай кунда ўзи ёлғиз поездга тушиб қолганини қаранг энди! Жуда алам қилиб кетди унга.

Сафарали учун бу оддий кун эмас. Бу кунни у ҳар сафар худди янги йил кутгандай, ғалати ўйлар, ҳаяжонлар билан, хушчақчақ дўстлар билан дастурхон устида кутар эди. Бу кун унинг учун алоҳида кун. Уни кутиш Сафаралига бир эзгулик бўлиб қолган. Бу гал бўлса, мана, икки оғиз гаплашгани бир ҳамроҳ ҳам йўқ. Аттанг, нима қилиш керак?

Ҳаммасига ўша боши ялтироқ бюрократ трест бошлиғи сабаб бўлди. Ушанинг бир оғиз гапи билан янги технологиянинг тасдиқланиши тўрт кунга кечикди-ю, командировкани иккинчи марта чўзишга тўғри келди. Бўлмаса Сафарали ҳозир уйда Муҳаббат билан ёнма-ён, катта хушчақчақ даврада ўтирган бўлар эди.

Сафарали яна нимагадир купесига кирди, тепада неон чироғининг ўлик шуъласи остида қўлини осилтирганча ётиб, шериги хуррак тортар эди. Бирпас ўтирди. Столчадаги бўш банкаларни, фиким қоғозларни жирканиброқ йиғиштирди-да, деразанинг коленкор тўсиғини тушириб қўйди. Яна юраги сиқилиб кетди. У шунчаки ётиб дам олиши, ёки китоб ўқиши, ҳеч бўлмаганда эски журнал муқовасидаги кроссвордни ўқиб, бош қотириши мумкин эди. Лекин, йўқ, бугун у жилла бўлмаганда ресторанга ўтиб, икки юз грамм вино ичиши шарт. Шундай қилмаса, ўзини бир бандан ношукур ҳисоблаб, виждони қийнай

тошлайди. Ҳаёт ато қилган кун ахир. У бу кунни ўн икки йилдан бери муттасил нишонлайди.

Сафарали ўрнидан турди, соатига қаради. Ресторан албатта очиқ, айни пайти. Лекин... лекин ёлғиз боради-ми? У сира ёлғиз ичган эмас, буни тасаввур ҳам қилолмайди. Унинг назарида, соғ одам якка ўзи ўтириб ичимлик ичмаса керак. Кимни таклиф қилсайкин? Вагонда икки оғиз гап қотган бир тасодифий таниши ҳам йўқ. Рестораннинг ўзидан топиш... Йўқ, бу ўша ерга ўрганганларнинг иши, таклиф қилиб олиб борган бошқача бўлади.

Кимни таклиф қилиш керак? Бу хурракчини уйғотай деса, кўнгли тортмади. Нариги купедагилар ўзи бир улфат экан шекилли, эшикдан ҳар замонда шарақлаган кулги овози эшитилади. Ҳов, охириги дераза ёнида бир йигитча турипти. Сафарали аста яқинлашиб, ер тагидан бир-икки разм солди. Жуда ҳам ёш-е. Келиб-келиб ёш бола билан улфатчилик қиладими? Ундан кўра ёлғиз ўзи бориб, юз грамм отиб келгани маъқул.

Бу маҳал бояги шовқинли купе рўпарасида бир қиз пайдо бўлди. Сафаралининг кўнглига келган биринчи фикр шу бўлдики, кўзи жуда катта экан. Қош қорайиб, ҳеч нарса кўринмай қолган бўлса ҳам, қиз деразага тикилиб турибди, ташқарида оламни босиб келаётган тун шу катта кўзларнинг қора шуъласидай... Сафарали ақлига келган яна бир журъатли фикрдан ўзи чўчиб кетди. Йўғ-е. Қиз болани-я? Дабдурустан, нима деб ўйлаши мумкин. Силтаб ташлаши ҳам бор, шундай кечанг мулзамликда ўтса, бундан ёмони йўқ. Ундан ташқари...

Қиз бўйдоргина, озғингина экан. Лабининг устида билинар-билинимас қора тук. Борадиган жойи узоқ бўлмаса керак, вагонда кийимини ҳам ўзгартирмапти. Оқ шойи кофта, бигиз пошнали қора туфли; оёқларини чиройли кўйиб турипти. Сафаралининг зимдан тикилганини пайқаган бўлса-я?

Ундан ташқари, эри билан, ёки отаси билан кетаётган бўлиши мумкин.

Шундай деб ўйлади-ю, Сафарали негадир, худди бирров елкасидан итаргандай, қиз томон би, неча қадам кўйди. Қиз буни ё пайқамасди, ё...

Сафаралининг кўнглида шунчаки бир пок ният борлигини билсайди. Нега шунақа-а, одамлар? Дарров шубҳа, айб қилишади. Гўё нотаниш одамда фақат гараз бўладигандай. Ҳозир Сафарали билан бориб, унинг бугунги эзгу ҳисларини ўртоқлашса-ку, ўзига ҳам яхши бўларди, бу димиққан вагонда зерикиб, ёлғиз ўтирмасди.

— Менга қараи... — Сафарали канлай гапирборганини ўзи ҳам билмайди, — ресторанга бориб, жиндак ўтирмай-мизми?

Қиз қайрилиб қаради. Кўзлари катта қора қушлардай қанот қоқди. Бежиримгина чиройли бурнига тер қалққан эди.

— Қизиқмисиз... — деб сал тисарилди-да, яна деразага қаради.

Сафарали иш пачава бўлганини пайқади-ю, лекин энди орқага қайтишдан ёмони йўқ эди, бирпас жимликдан кейин давом этди:

— Бугун... туғилган куним эди, аксига олиб биронта таниш учрамаса-я...

Қиз индамади.

— Қарасам... — деди Сафарали ҳозир гапни тўхтатишдан қўрққандай.

Қиз унга кўз солди, қандайдир ялт этган назар билан бутун гавдасини кўздан кечирди. «Қарасам...» «Нима, қарасам?» — деб сўрагандай бўлди кўзлари. Бу саволдан Сафарали лол бўлди, энди қиз гапирмаса, унинг сўзи тамом бўлган эди. Дилсиёҳликни ичига ютиб, кириб ётиш қолади, холос.

— Туғилган куним денг... — деб қолди қиз шу пайт. Товуши самимий эди. — Шундай кунда йўлга чиқибсиз-да?

— Ҳа, шундай бўлиб қолди... — деди Сафарали ўзини йўқотиброқ. — Аслида туғилган куним эмас... нима деса-микин? Қайта туғилган куним. Ун уч йил бурун шу кунни қуршовдан чиқиб, бир ўлимдан қолганмиз. Ушандан бери...

— Биронта улфат топиб нишонланг, — деди қиз ўйлаб туриб.

Сафарали елкасини қисди. Шундан кейин жим бўлиб қолдилар.

— Зерикиб турган экансиз... — тагин айлантирди Сафарали.

Қиз кескин бош силкиди. Бир оздан кейин купеси томон кетди. Сафарали яна бояғи ҳолда, кўнгил ғаш, дераза ёнида ёлғиз туриб қолди.

Қиз купесининг эшигини очган эди, гуп этиб папирос тутуни билан маст-аласт шовқин йўлакка урди. У эшигини дарров ёпиб, ўша ерда бирпас тургач, ерга тикилганча:

— Менга қаранг, юринг, кеткид, — деди.

Сафаралига жон кириб, дарров пиджагини елкасига олиб чиқди, ҳали ҳам унча ишонқирамаган ҳолда, олдинга ўтиб, вагон эшигини очди. Қиз унинг орқасидан юрди. Чайқалиб кетаётган вагонлардан тез юриб ўта бошлади.

лар, эшик, эшик, эшик, тўрт қаватдан эшик; Сафарали очади, қиз ёпади; орқаларидан эшикларнинг тарақлаган товуши, тамбурларнинг сершовқин шамол қувлагандай олиб борар эдилар. Қиз Сафаралининг ялтироқ этигини кўради, холос. Сафарали тамбурдан ўтганда баъзан унга ёрдам бермоқчи бўлади, лекин қиз билagini олиб қочиб, кулади, филдираклар шовқинида бир нималар деб, олға қўл силтайди: «Юраверинг!»

Кулоқлари батанг бўлиб, вагон-ресторанга етиб келишди. Бу ер иссиқ, ёруғ, иштаҳани қитиқлайдиган ҳидлар чиққан, филдиракларнинг вазни ҳам қандайдир майин, ажлаловчи эди. Сафарали билан қиз «яхши етиб келдик» дегандай бир-бирларига қараб, ёш болалар сингари жилмайишди. Бу биринчи содда жилмайишдан иккисининг ҳам кўнгли ўсиб кетди.

Ресторанда одам кам эди. Улар оппоқ дастурхон ёзилган тоза столни танлаб, дераза ёнига юзма-юз ўтирдилар.

— Мана,— деди Сафарали негадир, қиз унга қараб кулиб ўтирар эди. У Сафаралига яна ҳам гўзал кўриниб кетди. Озгинлик ҳам одамга шунақа ярашадими!

— Нима ичамиз?

— Асосан сиз ичасиз, сизнинг туғилган кунингиз. Қайта туғилган кунингиз...

Сафарали кекса официантга ўзи билганча таомлар буюра бешлади. Қиз Сафаралига тикилар эди: у ҳақиқатан ҳам самимий йигит бўлса керак, солдат, кўпни кўрган солдат, эски гимнастёркани таранг қилиб турган чайир гавдаси, қирра бурни, чўяндай қорайиб кўринган бақувват ияги, қиз бола олдида бирпасда журъатсиз бўлиб қоладиган ўткир кўзлари...

— Мен ароқ ичаман, сизга жиндак вино заказ қилдим...— деди Сафарали ва қизнинг ўзига қараб турганини кўриб, бирдан тўхтаб қолди: бу катта кўзлар ҳақиқатдан ҳам сеҳрли эди.

— Отингиз нима?—«Раҳмат сизга» дегандаги товуш билан сўради у.

— Ҳабиба.

— Менинг отим Сафарали. Ана танишиб ҳам олдик. Хафа бўлмайсиз-да...

— Қизиқмисиз. Мен тушуниб турибман.

— Бу қанақа одам экан, деб ўйламапг тагин. Одат бўлиб қолган. Шу кунни қандоқ бўлмасин бир нима билан нишонламасам...

— Яхши одат. Қандоқ қилиб «қайта туғилганингизни» айтиб берасизми?

— Уай, айтаман. Аввал жиндак... — бу мақал офитинг патисла кифтига кўтарганча лапаф... 25 этиб келди. Нобб баллиқ, гўшт, унинг устига қора икра, яна шунинг сингари анча қимматбаҳо, лекин, бир-бирига унча қовушмайдиган таомларни кўриб, Ҳабиба янги танишнинг соддалигидан кулиб қўйди. Стол тўлиб кетган эди.

— Вой, шунинг ҳаммасини еймизми!

Сафарали қўлига графинни тутганча қимир этмай қолди: қизнинг товуши, кулгидан чарақлаган юзи уни лол этганди. Бу нима бўляпти Сафаралига, Ҳабибанинг бир рюмка вино ичгандан кейин ялаб қўйган намчил қалин лаблари унинг бошини айлантириб қўйди-ку. Қарамаслик керак, гапни чалғитиш керак.

Иккинчи рюмкани ҳам тез қўйиб, танишганликлари учун ичдилар.

— Менга қаранг, Ҳабибахон, мен сизни билдим: сиз докторсиз! — деди Сафарали.

Қиз жиддий қараб қолди.

— Вой, топдингиз! Қаёқдан биласиз?

Сафарали тахминан айтган гапни тўғри чиққанига ўзи ҳам ҳайрон эди.

— Госпиталма-госпиталь юриб докторларни, ҳамшираларни бир кўришда танийдиган бўлиб қолганман. Ҳаммаси шундай бўлишади.

— Қандай?

«Қандай?» Ҳақиқатан ҳам, қандай? Сафарали ўйлаб қараса, буни тушунтириб беролмас экан.

— Қандай ахир? Қандай бўлишади докторлар?

Ҳабиба туриб олди.

— Шундай-да, сиздақа.

Кейин гап бошқа маромга ўтиб кетди. Ҳабиба ҳақиқатан ҳам врач экани, область касалхонасида ишлаши, марказга янги медицина ускуналари олиш ташвиши билан борганлигини гапириб берди. Лекин, Сафарали ҳамон ҳалиги гапни, бу ажойиб қиз ҳақида кўнглида туғилган тутқич бермас бир ширин туйғунини нима деб ифодалашни ўйлар эди.

— Биласизми қандай бўлишади?.. Уз... ўз одамингдай дилга яқин, ширин бўлишади. Сиз ҳам...

— Раҳмат. Лекин, Сафарали ака, кайфингиз ошгани йўқми? — кулди қиз.

Сафарали сал изза бўлиб, жим қолди. У Ҳабибага маҳлиё бўлиб қолаётганини ўзи ҳам билар, кайф қилишдан хавотир олиб, кам-кам ичар, лекин, кўнгли маст вақтдагидан ҳам баттар безовта эканлигини сезар эди. Шунинг учун ўзини тутиб, гапга тушди. Ҳабибанинг илтимоси

билан. «қайта туғилиш» воқеасини, Курск ёнидаги куршовдан чиққанда уни чала ўлик ҳолда кимдир ботқоқдан елкалаб олиб чиққани, кейин шу аҳволда жангга кириб, яна тупроққа кўмилиб қолгани, фақат бир тасодиф билангина жон сақлаб, мана шундай бир совуқ куз кечасида оламга қайтадан кўз очганини гапириб берди. Бу сир саргузашт бундай кунларда гапирилмас, Сафарали уни умуман бировга батафсил ҳикоя қилган эмас эди. Шунинг учун ҳикояси дудмалроқ чиққандай туюлди. Аммо, Ҳабибага таъсир қилган эди. У «туғилган кунингиз учун! Иккинчи умрингиз узоқ бўлсин!» деб яна қадаҳ таклиф қилди. Ичдилар. Ҳабибанинг намланган лаблари яна ёнди. Сафарали яна ўзини унутиб, қизнинг оқ дастурхон устида ётган қўлига аста кафтини қўйди. Қўл юмшоқ, иссиқ эди. Ҳабиба уни сал тортди, Сафарали қўймади.

— Келинойим бормилар?— деб сўради Ҳабиба кўзини олиб.

— Бор.

— ...Яхши кўрасизми?

— Ҳа,— деди Сафарали. Бирпасдан кейин:— жуда,— деб аста қўшиб қўйди. Улар ҳозир негадир умуман жуда аста гаплаша бошлаган эдилар.

— Болалар-чи?

— Йўқ.

— Менинг қизчам бор.

Сафарали уёғини суриштирмади.

— Сиз... ёшсиз,— деб қўяқолди кўзига қараб. Энди бу катта кўзларда қандайдир тунги туман бор эди.

Ҳабиба қўлини тортиб олмади-ю, энди ичмайлик, раҳмат, сиз ҳам ичманг, қизикроқ нарсалардан гапириб ўтиринг, деди.

Қизик гап? Сафаралининг қизик гап гапириб, бировни кулдиришга уқуви йўқроқ эди, аския қиламан деб уринса кўпинча гапининг зарби ўзига қайтиб тегарди. Ҳабиба ҳам қув экан, «қўлингизни олинг» деб кўнглини оғритмади-ю, бўйнига вазифа юклаб, хаёлини бошқа ёққа банд этди, шунда йигит, ўзи ҳам билмаган ҳолда қўлини тортиб, астойдил ўйлай бошлади.

— Қизик гап? Қизик гап йўқ-да... Ҳа, бор. Шу бугун эрталаб бўлган воқеа. Айтиб берайми?

— Айтинг.

— Олдин жиндак ичайлик.

— Мен ичолмайман, Сафарали ака.

— Хўп, бўлмаса, мен қиттак...— деб рюмкани бўша-тиб қўйди.— Шундай қилиб денг, эрталаб вокзалда билетга навбат катта экан, турдим. Билетни олиб чиқаёт-

сам, бир новчанинг оёғи тагида икки буклоглик йигирма беш сўмлик «мени олсанглар-чи» деб шундоққина ётипти-да. Қизиқчилик қилгим қистаб кетди шу жойда. Ҳой биродар, дедим, саводингиз борми? Нима эди, деди. Девордаги лавҳани кўрсатдим. «Уборшицанинг меҳнатини ҳурмат қилинг!» деб ёзилган эди деворда. Новча ўқиди-да, оёқ остига қаради. Қараса, қовурғаси синмаган йигирма бешлик, типирчилаб ётипти. Қўлига олди-ю, меники эмас, деб атрофга қаради. Ҳамма елкасини қисди. «Ҳай, кимники йигирма беш сўм?!» — деб қичқиришди. Эгаси чиқмади. Кассирга топширдик. Кассир кўринадиганроқ жойга қўйиб қўйди. Пулини туширган одам ҳозир ҳансираб қайтиб келади-ку, дедим ичимда.

Перронга чиқиб, нимага ҳам пулимни санаб қолдим-да. Санасам, худди йигирма бешлик йўқ! Пешанага тақ этиб урдим. Энди қайтиб кириб, пул меники экан, деб бўладими! Аскияни-ку қотирган биз эдик. Эгаси чиқмагандан кейин, ўзим олиб кета қолай деган фикрга келипти-да, дейишмайдими?

Хуллас, қайтиб киришга юрак етмади. Битта олифта-гарчилик деб, йигирма бешдан қуруқ қолиб ўтирибмиз.

Ҳабиба роҳат қилиб кулди, қип-қизариб, бурнилари терлаб кетди. Дам олиб-дам олиб, белини ушлаб куларди. Ресторандан қайтаётиб ҳам, эсига тушса яна қиқирлайверди. Сафарали билагини ушласа ҳам сезмагандай, яна унинг кўкрагига уриб, «ўлинг сиз» деб қичқириб кулди. Жуда шайтони зўр экан. Сафарали ҳам қўшилиб куларди.

Фақат вагонга етиб келганларидагина ўз муносабатларини ўйлабми, жим бўлишди, ўйга толишди. Сал кайф қилган Сафарали унинг қўлини ушлаб, кўзига қараб, дидадагини айтишга уринди.

— Қандай яхши. Ҳамма ерда ҳамиша шунақа бўлса. Таниш-нотаниш истаган қизингни истаган вақтингда ресторангами, меҳмонхонагами таклиф қилиб, мана шундай дилкашлик қилиб ўтирсанг! Шундай замонлар ҳам келармикин?

— Нега? Ҳозир ҳам мумкин.

— Йўқ, гап қилишади. Беғараз гаплашганингга ишонмайди.

Ҳабибанинг хаёлига кўп фикрлар келди-ю, ҳозир мулоҳазакорликнинг вақти эмас эди, Сафарали анча ичиб қўйди.

— Ишқилиб, кўнглингиз жойига тушдими?

— Жуда! Раҳмат сизга, Ҳабиба.

Лекин улар ажралиб кетишолмади. Ҳабиба ўз эшиги-



ни олган эди. Яна тутун, яна ҳалиги улфатлар шовқини й. Лақни тўлдирди. Сафарали келиб эшикни ёпди.

— Менга қаранг, дам ололмайсиз, кўчиб қўяқолинг, ана жой бўш.

Ҳабиба ерга тикилиб ўйлаб турди-ю:

— Қўшниларингиз рози бўлармикин? — деди.

— Э, бир қария холос, иши йўқ.

Ҳабиба купесига кириб, кичкинагина чамадончасини оломон ичидан юлиб олгандай кўтариб чиқди. Уни Сафаралига бериб, сочларини тузатди. Икков бошлашиб, Сафаралининг купесига келдилар.

Ҳабиба кирса, қария йўқ. Сафаралига савол назари билан қаради. У ҳам уёқ-буёққа кўз солиб, елкасини қисди. Чол бирон станцияда тушиб қолганга ўхшайди. Буларга бир мўъжизадай туюлиб кетди. Кулиб юборишди.

Икков ёлғиз қолиб, рўбарў ўтирганларидан кейин гап топилмай қолди. Буёғи қандай бўлди, дегандай узоқ жим ўтирдилар. Юмшоқ ўрин остида филдиракларнинг бўғиқ вазндор товуши эшитиларди, ташқарида тун, бошқа купелар ўз сурони билан ҳолдан тойгандай жим бўлиб қолишди.

Ҳабиба қайтиб, чиқиб кетишними, ниманидир ўйлаб, кўзини ердан олмай анча ўтирди-да, бирдан қарорга келди шекилли, кескин ўрнидан турди, чамадончасини кўтариб, юқори полкага жойлай бошлади. Оёқ учида туриб, қўлларини юқори кўтарганида таранг тортилган кўйлак ичида ингичка гавдасининг бутун кўркамлиги кўзга ташланди. Сафарали чамадонни кўтаришга қарашворай ҳам деёлмади. Ҳабиба эшикдаги кўзгуда унинг чақнаб кетган ширакайф кўзларини кўриб, кўксига йиғилиб қолган кофтасини тез тузатиб ўрнига ўтирди, шошиб тиззасини бекитди. Сафаралининг ресторандан келаётиб шабадада кайфи ошиб қолганини ўйлади-да, болишини тузатиш баҳонаси билан четга қайрилиб, ўзича кулиб қўйди. Неон чироғида юзи кўкишроқ кўринган Сафарали қандайдир карахт, лол бир ҳолатда қизнинг барча ҳаракатларини кузатиб ўтирар, якка қолганларида гап тополмаганига қийналар эди.

— Мен билан ёлғиз тунагани қўрқмайсизми? — деб сўради, лекин шу заҳотиёқ бу саволнинг қўполлиги, бемаънийлигини ўйлаб, пушаймон еди.

— Нега? Сиз шунақа ёмон одамсизми? — деди Ҳабиба ҳафсала билан ўрнига чойшаб ёзаркан.

— Ҳар ҳолда, эркак киши билан... — деди Сафарали бошлаган мавзунинг бемаънийлигини била туриб.

— Сиз-чи, аёл киши билан ёлғиз тунагани кўрқасизми? — сўради Ҳабиба.

Сафарали жавоб беролмай анграйиб қолди. Қайфи ошиб, қизиб кетаётганини ўзи ҳам сезди. Қизиқ савол. У ўзига ҳеч вақт бундай савол бериб кўрмаган экан. Умуман, бундай савол эркакларнинг хаёлига келмайди.

— Сиздан кўрқмайман, лекин ўзимдан...

— Кимдан кўрқсангиз ҳам, бари бир кўрқоқлик, — деди Ҳабиба.

Нима деяпти? Бир нимага шама қиялтими, ёки... Демак... Йўғ-е, қайси маънода? Сафарали шунча уриниб, бу гапнинг маъзини чақолмади, ўйлари чувалиб, боши ровлаб кетаётган эди, охириг рюмка ортиқча бўлди шёкилли. Охиригиси ўзи доим ортиқча бўлади. Бу сафар айниқса. Лекин Сафарали ўзини муносиб, сипо тутишга аҳд қилди.

Ҳабиба бу маҳарретишга ҳозирлик кўрар эди. Тўғнағичларини лабига қийтиб, қалин сочини рўмол билан танғиб боғлади. Кўзуга кўз қирини ташлаб, суяги туртиб турган ориққина елкаларини енгил тивит шарф билан буркади. Сафарали унинг юпқагина келишган гавдасидан, сочини кўтаргач очилдиб қолган бўйинларидаги қора туглардан кўз ололмас эди. У йигит-яланг орасида ориқ қизлар яхши бўлади, деган гапни кўп эшитган. Ҳақиқатан ҳам, «ориқ» деган сўз чиройли сўз эмасу, аммо...

Ҳабиба ўтирган жойида эгилиб, туфлисини еча бошлаган эди... Қиз очиқ ёқаси остида оппоқ кўкракларининг ораси сут оққан ариқчадек кўриниб кетди. Сафаралининг вужуди лов этиб ўт олгандек, бошини орқага ташлади. Нафаси тезлашиб кетган эди. Ўзини совутиш учунми, калима келтиргандай, бир нималар деб шивирлади.

— Нима дедингиз? Ие, шундоқ ухлаб қолманг яна, ечиниб ётинг, — деди Ҳабиба. Унинг товуши узоқлардан келгандай эшитилди-ю, гапининг маъносини Сафарали анчадан кейингина англади.

— Ҳа, ҳа, ечиниб ётиш керак. Мен чироқни ўчирай, аввал сиз ётиб олинг.

— Хўп, — деди қиз.

Сафарали чироқни ўчирди. Ўчирди-ю, тугмачадан бармоғини олмай қоронғида негадир ҳансираб, тикка тураверди. Вагон юмшоққина чайқалиб борар, дераза тўсиғининг аллақайси тирқишларидан узоқдаги чироқларнинг заиф нури кириб, кўзгуда синар эди. Қиз Сафаралининг ёнгинасида ҳадеб ивирсиркан, купеда атир аралаш бадан ҳиди таралиб, йигитнинг бошини айлантитарди.

— Ҳабиба... — деди терлаб кетган Сафарали секин.

Оғзидан чиқиб кетди шекилли. Нима демоқчи эканини ўзи ҳам билмасди. Шунчаки, бу ном тилига ширин туюлиб... Хайрият, қиз эшитмади.

— Бўлди, ёқаверинг, — деди у қувноқ товуш билан. Чироқ ёнганда у оппоқ чойшаб остидан бошини чиқарганча, қора сочларини ёстиққа ёйиб ташлаб, кулиб ётарди. — Энди сиз ҳам ечиниб ётаверинг, мен қарамайман, — деди қиз болаларча муғамбирлик билан кўзини чирт юмиб. Чироқ шуъласида ёстиққа кўмилиб ётган юзи ойдек сеҳрли кўриниб кетди. Сафарали иродасини тамом йўқотиб, эс-хуши оғай деб турганда, вагон кескинроқ чайқалиб кетиб, юқориги полкага пешанасини қаттиқ уриб олди-ю, шу уни бир кори-қолдан қутқазди. Сал хушёр тортиб, ўрнига ўтирди. Этигини, гимнастёркасини ечиб, чироқни ўчиргачгина манглайига кафтини босиб, оғриқни танасига яйратди.

Тун яримлаб қолган, дарпарда тирқишидан тушадиган чироқлар ҳам энди йўқ, поезд аллақандай дала-даштдан ўрлаб кетаётган эди. Оғриқ босилди-ю, билинар-билинмас ғурраси қолди. Сафарали уни ҳадеб ишқаркан, қизнинг ширали товуши эшитилди:

— Яхши тушлар кўринг, Сафарали ака.

— Раҳмат, сиз ҳам.

Сафарали шундоқ деди-ю, ўйлаб кетди: туш... шунинг ўзи, бу кеча, бу қиз, шунинг ўзи туш эмасмидийкин? Азбаройи худо, қандай яхши! Нима бўлди ўзи? Ҳеч нима бўлгани йўқ. Шунчаки, яхши бир одамни учратдинг. Шунга қушдай энгил тортдингми, шунга шодмисан? Ҳа, бахтли дам бу, Сафарали, ўзингни бос. Шу дамга қаноат қил, ўзингни бос. Узингни бос.

Лекин шайтон ҳам бас келмоқчи бўлиб шивирлар эди: қўлингни узат. Шундоқ ёнгинангда иссиққина бўлиб ётипти, ухлаётгани йўқ, уйқу қаёқда, сезяпсанми, сочларининг ҳиди анқиди... Шундоқ узатсанг қўлинг қўлига, билагига тегади...

Ўзингни бос, Сафарали, бахтли, бахтли дам бу, қаноат қил, дер эди йигит ўзи ўзига. Лекин, чўғ устида ётгандай безовта, қизнинг оқ ёстиқда сочларини таратиб ётиши кўз ўнгидан сира кетмасди. Шайтоннинг шивирлаши яна қулоғига чалинди: узат қўлингни, узат... унинг ҳам кўнгли типирчилаб кутиб турипти. Қўли эмас, юраги дам...

Сафарали қўлини столча остидан аста узатди. Ҳаракати беихтиёр, лекин ақлининг бир бурчаги ишлаб турарди: кутаётган бўлса, қўли шу ерда бўлиши керак... мана

ниманингдир иссиғи, кўрпанинг чети, чойшаб... қўлини тутаман холос. Қўл орқали одам бэр-бирини тушунади.

Ол қўлингни, ол қўлингни, дер эди кимдир. Лекин Сафарали кўнмади.

Бирдан сесканиб кетди. У қизнинг қўлини топган эди. Аввал бармоқлари, кейин иссиқ кафти. Сал титраган кафтлар бир-бирига ёпишди, қайси бири ёнаётгани маълум эмас эди, шу ҳолда узоқ қолишди. Сафаралининг бармоқлари қизнинг билагига қараб ўрмалаганда, қиз унинг қўлини икки кафти орасига олиб, мишнатдорлик билдиргандай қисди.

— Ҳабиба...— деди шивирлаб Сафарали.

Қиз индамади. Анчадан кейингина қўлини олиб:

— Сафарали ака,— деди тетик товуш билан,— жуда чанқаб кетяпман.

Сафарали чаққоң ўрнидан турди.

— Чой дамлаб келаман!— апил-тапил кийиниб, чироки ёқди.

— Чой қолдимикин, ярим кеча бўлиб қолди.

У чиндан ҳам, қаёқлардандир бир амаллаб иссиқ чой дамлаб келди. Кўзга кўз солмай стаканларга оз-оздан қуйиб ичдилар.

— Ресторанда қаттиқ маишат қилдик-да ўзи,— деди Ҳабиба кулиб. У кўрпага ўраниб ўтириб, босиб-босиб ичар эди. Кайфи сал тарқалган Сафаралига ҳам иссиқ чой жуда кетди.

— Раҳмат, мана энди астойдил ухлаймиз, ўчириг,— деди Ҳабиба кўрпага шўнғиб. Сафарали қоронғида жилмайиб қўйди: қизлар айёр бўлади-да, бепарволигини қаранг, ҳеч нарса билмагандай...

Сафарали ҳам ётди. У билади: бирпасдан кейин яна қўлини узатади, қўллар учрашадилар... Энди йўл очиқ. Лекин, унгача бугунги кечани, икковларининг муносабатларини ўзича таҳлил қила бошлади. Ҳабибанинг қўлини эслади: кичкина, ориққина, иссиқ, қушчадай титраб турпти. Шу юпқагина, қаймоқдай сийнани бағрига босса, гуноҳми?.. Шу бўртиб турган осойишта лабларга лабиши қўйса, гуноҳми...

У ҳозир Сафаралининг кўз олдига келди.

Ёстиқда жилмайиб ётган таниш юз. Бу... Ҳабиба, йўқ. Муҳаббатнинг юзи эди. Йўқ, Ҳабиба... Ҳа, ҳа, дам Ҳабиба, дам Муҳаббат. Негадир купе жуда ёруғ, Сафарали бўлса ўрнидан туролмаяпти. Шундай бўлса ҳам жуда роҳат, баданлари яйраб кетяпти, жилмаяди. Лекин ким у? Муҳаббатми, Ҳабибамми? Поезд бўлса ҳамон юриб кетяпти.

ни йўқ, поезд эмас қандайдир музика? Ж-да узоқларга таралиб музика. Хов уфқларга... Уфқлар бўлса ёруғ. Ҳа, айтгандай, бу чироқ эмас, шундай ёруғ. Сафарали ўша ёқларда пайдо бўлди, дарё бўйларида юрипти. Соҳил кўкаламзору тўйганчоқ экан. Сафарали зўрға юрипти, боши айланиб кетяпти. Ширингина айланади боши.

Бир жойда сирганиб, тошга қоқилиб кетди. Қаттиқ қоқилди. Пешанаси урилди шекилли, гурра бўлиб чиқбди.

Сафарали манглайини ишқаркан, кўзи очилиб кетди. Қараса, ғира-шира ёруғ. Сакраб туриб дераза тўсиғини кўтарди — кун ёйилиб қолипти. Наҳотки, туни билан данг қотиб ухлаган бўлса? Шундай кечада-я? Енингда қиз бола ётган бўлса-ю сен хуррак отиб... Аттанг, уят бўпти, ҳаммаси ўша ортиқча рюмадан.

Сафарали шовқин-суронсиз этигини кийиб, бош кўтариб қараса, Ҳабибанинг ўрни бўш! Бу қандоқ бўлди, яна туш кўряптими? Пешананинг гурраси бўлса тушда ҳам бор эди, ўнгида ҳам бор. Ё Ҳабибанинг ўзи ҳам тушмидийкин?

Йўғ-е. Сафарали тепани қаради, чамадонча ҳам йўқ, умуман Ҳабибадан из ҳам қолмаган эди. Сафарали йўлакка отилди. Поезд гувиллаб олиб кетяпти. Деразага боқса таниш далалар: ана, ўз районининг лавҳалари, сертут, катак-катак пахтазорлар, кўприкдан ўтгач, пахта пунктининг лайлак бўлиб ётган конвейерлари кўринди. Сафаралининг разъезди ҳам яқинлашиб қолипти. Худди шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас: область марказида тушиб қолипти.

Шундай деди-ю, бунга ўзи ишонмагандай купега қайтиб кирди. Ҳабиба ўринларини яхшилаб йиғиштириб кетган эди. Столда эса... столда икки стакан, уйқу дорисининг селлофанлик қутичаси. Сафарали уни қўлига олиб, тикилди. Қутича очиқ, ичида иккитами-учта таблетка ҳам қолипти. Лекин Сафарали бунинг сирини ўйлаб ўтирмади, чунки стакан билан бостириб қўйилган хатга кўзи тушган эди. Хат кичкина, рецепт қоғозига ёзилипти:

«Муҳаббатингиз қийин аҳволда. Бир кор-қол юз берса, ўзингиз айбдор бўласиз».

Сафаралининг қўли ҳам, тиззалари ҳам қалтираб кетди. Муҳаббат? Муҳаббатни қаёқдан билади? Сафарали унга хотини борлигини айтган бўлса ҳам, унинг отини айтгани йўқ эди-ку? Ё айтганмиди?

Сафарали Ҳабибани қувиб етганидан кейин яна шошиб йўлакка чиқди. Деразага тақалди. «Қийин аҳволда?» Са-

Фарали ҳеч нарсани тушунмай қолди. Гурра мағдайини совуқ деразага босиб, шунча ўйласа ҳам, аввал фикрлари чувалашаверди. Бир вақт орқасига қайрилиб, пешанасига қарс этиб урди, кўзлари катта-катта, юзи оқариб кетган эди. Муҳаббат оғир аҳволда! Демак, ўша гапида туриб, касалхонага борипти. Область касалхонасига. Ҳабиба бўлса ўша ерда!

Аҳволи оғир... Бу қайси маънода? Бечора Муҳаббат. Сабр қилса бўлмасмиди-а? Қаёқдан ҳам рози бўлди Сафарали. Рози бўлгани ҳам йўқ, мужмал жавоб берди. Лавашанглик қилди. «Ўзингиз айбдор бўласиз». Албатта айбдор бўлади-да. Латтачайнарликнинг жазоси шу!

— Бечора Муҳаббат, жонгинам! — деб ўзича гапириб, куюниб уёқ-буёққа юрди Сафарали. Аксига олиб, поезд ҳам имилляпти. Энди нима қилиш керак?

Ёқасини ечиб, кўкрагини гижимлади, стаканлаб сув ичди, виждони қийнар эди уни. Муҳаббат у аҳволда ётса-ю, бу ерда... Буни қаранг тагин, айтмапти, танир экан-ю, айтмапти. Сафарали Ҳабибанинг ҳам сўз ва ҳаракатларини хаёлидан кечирди. Ҳа, ҳай биринчи кўришданоқ таниган Муҳаббатнинг эри эканини. Кинояли қарашлариданоқ маълум эди-я! «Келинойим бормилар? Яхши кўрасизми?» эмиш тагин. Айёр! Билар экансан, шартта айтавермайсанми, шундоқ-шундоқ аҳвол, менинг қўлимга бориб тушди, яхши қараяпмиз, лекин аҳволи оғирроқ. Ҳаммасини ётиғи билан айтса-ку, область марказида шундоқ сакраб тушиб, ҳозир Муҳаббатнинг койкасида ўтирган бўларди. Бу эркакларнинг иши эмас деган-ов. Бир чеккаси, шундай қувончли кунда кўнгли хира тортмасин, бекорга безовта бўлмасин, дегандир. У ҳам ўзича ҳақ.

Сафарали бир дақиқа ўтиролмас, ичидан ёниб кетаётгандай типирчилар эди. Дам соатига қарайди, дам яна деразага ёпишиб, километр устунларига тикилиб, ундаги рақамларни ўқишга уринади. Бу орада қуёш ҳам чарақлаб, деразадаги намни ялаб кетди. Йўловчилар туриб, ювиниб, ҳар жой-ҳар жойда гурунглар бошланди. Соқол оладиган машиналар чириллади. Хушчақчақ кулгилар эшитилди. Фақат Сафаралининг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. «Бир кори-ҳол юз берса, ўзингиз айбдор бўласиз». Демак, сирлашишибди. Хотин киши хотин киши экан-да. Эримдан сўрадим, қарши эмас, деган бўлса керак. Бундай бўлишини билганида, яқин йўлатармиди? Бечора Муҳаббат. Ҳозир қанақа аҳволда экан? Иситмада тўлғониб ётиптими ҳали.

Сафарали ойнага ёноғини тираб, олдинга тикиларди.

У бирдан ориқлаб қолди. Соқол қириш ҳам эсидан чиқиб кетди. Хайрият, ана узоқда разъезднинг таниш тунука томлари ҳам кўринди. Сафарали чамадонини дарров қўлга олиб, тамбурга чиқди. Поезд бу ерда икки минут тўхтайди. Лекин Сафарали унинг тўхташини ҳам кутмасдан сакрамоқчи эди, узоқдан перронга кўз ташлаб, эшик тутқичини ушлаганча қотиб қолди. Перронда одам оз, онда-сонда қоп кўтарган учта-тўртта одам ҳали тўхтамаган поездга қараб интилар, кенг бетон йўлларда эса қорайиб кетган терак барглари йўрғалаб учар эди. Сафарали эшикда қотганича, кўзларига ишонмай борарди. Перронда Муҳаббат турипти. Нима гап ўзи? Е тузалиб чиқдимикин? Тузалиб чиққан бўлса, дармон йиғмай, кутгани чиқиб нима қилади.

— Жонгинам...— деди Сафарали. Унинг қайноқ нафасини шамол учириб кетди.

Вагон худди Муҳаббатнинг рўпарасига келганда поезд тўхтади. Сафарали сакраб тушиб, хотинига қаради. Муҳаббат илгаригидай, ҳатто илгаригидан ҳам дуркун, тўши бурмали кенгина кўйлак кийиб, сочинини иккита ўриб олган эди.

— Сафарали ака!— деб эрига интилди.

Сафарали уни бағрига олиб, сочларига юзини босиб, бирпас турди-да, бўшашиб чамадонига ўтириб қолди.

— Вой ўлай, уйқудан қолибсиз!— деди Муҳаббат унинг бошини кучиб. Сафарали юзи билан унинг сал қаппайган иссиқ қорнини сездди. Бирдан юраги ҳовлиқиб, қувончи ичига сиғмай кетди. Хотинига бир нима деёлмас, чўнтагига ёғимлаб солган рецепт қоғозини ўйлар, ундаги хатни ёддан такрорлар эди. «Муҳаббатингиз... қийин аҳволда. Бир кори-ҳол юз берса, ўзингиз айбдор бўласиз». Муҳаббат... катта ҳарф биланми, ёки кичик ҳарф биланми?..

Сафаралининг боши қотди. Хат чўнтагини ёндираётгандай эди. Олиб қарай деса, хотини турипти. Катта ҳарфданмиди, кичик ҳарфданми? Жумла бошида албатта катта ҳарфдан бўлади-да. Борди-ю, жумланинг ўртасида бўлса-чи? Унда ҳам катта ҳарф билан ёзилиши керак. Чунки гап катта муҳаббат ҳақида. У Муҳаббат ҳам, бу Муҳаббат ҳам катта ҳарфдан бошланади. Ҳеч кори-ҳол юз бермайди. Ҳабиба азизим, ажойиб қиз, сабоғинг учун раҳмат сенга. У Муҳаббатга ҳам ҳеч қачон «кори-ҳол» юз бермайди. Сафарали учун улар иккаласи бир бутун.

— Раҳмат...— деб шивирлади Сафарали хотинининг иссиқ қорнига юзини қўйиб.

— Раҳмати нимаси, биринчи марта кутишимми.. дедаси, — деди Муҳаббат сўнгги сўзни аста шивирлаб. Эрининг ўсиқ соқоли баданига хушқар эди.

□



## МУНДАРИЖА

### Қиссалар

Жер ықасида чақмоқ . . . . .	4
Илдизлар . . . . .	83

### Ҳикоялар

Мен ҳаётни ўрганаман . . . . .	117
Хонимнинг туғилган кунлари . . . . .	127
Кечиринг мени, одамлар . . . . .	138
Шербекнинг арғумоғи . . . . .	144
Тўққизинчи палата . . . . .	146
Сафарали . . . . .	156

**М 93**

**Мухтор Асқад.**

Илдизлар. Қиссалар ва ҳикоялар. Т., «Еш  
гвардия», 1984.—176 б.

**Мухтар Асқад. Қорни. Повести и рассказы.**

**Уз2**

**На узбекском языке**

**АСКАД МУХТАР**

**КОРНИ**

**Повести и рассказы**

Редактор А. Обиджонов  
Рассом Х. Раҳматуллаев  
Расмлар редактори А. Ғуломов  
Техн. редактор Л. Буркина  
Корректорлар М. Юнусова,  
Ф. Зоиждонова

**ИБ № 1522**

Теришга берилди 2.11.83 й. Босишга рухсат этилди 13.1.84 й. Р—13508. Формати 84×108<sup>1/32</sup>. 2-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 5,5. Шартли босма листи 9,24. Нашр листи 9,7. Тиражи 30000. Буюртма №127. Баҳоси 5-муқовада 80 т., 7-муқовада 90 т.

Шартнома № 135—83.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонасида матрицалар тайёрланган.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилган. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44.

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ ҚУЙДАГ  
КИТОБЛАРНИ ЧОП ЭТМОҚДА:

Эътибор Охунова  
«ТОНГ КЕЛИНЧАГИ»,  
Шеърлар.

Эркин Самандар.  
«БАҲОР ОҚШОМЛАРИ»,  
Шеърлар.

Рўзи Қодирий.  
«ДУСТЛИК НАШИДАСИ»,  
Шеърлар.

Хуршид Даврон.  
«ТУМАРИС КЎЗЛАРИ»,  
Шеърлар.